

**ЭРОН ИСЛОМ РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН  
РЕСПУБЛИКАСИДАГИ ЭЛЧИХОНАСИ ХУЗУРИДАГИ  
МАДАНИЯТ ВАКОЛАТХОНАСИ**

**ЎЗР ФА АБУ РАЙХОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ  
ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ**

**МАХДУМ ВОСИЛИЙ НОМИДАГИ  
«МАЪНАВИЙ МЕРОС» МАРКАЗИ**

**ШАЙХ ОДИНА МУҲАММАД ХОРАЗМИЙ**

# **МИФТОҲ УЛ-АСРОР**

**(СИРЛАР КАЛИТИ)**

**(«Маснавийи маънавий» тафсири)**

**Форсийдан**  
**Маҳмуд ҲАСАНИЙ таржимаси**

**«Муסיқа» нашриёти**  
**Тошкент**  
**2006**

Масъул муҳаррирлар:  
филология фанлари доктори, профессор  
**НАЖМИДДИН КОМИЛОВ,**

фалсафа фанлари номзоди  
**ЖАЪФАР ХОЛМЎМИНОВ**  
(**ЖАЪФАР МУҲАММАД**)

**ШАЙХ ОДИНА МУҲАММАД ХОРАЗМИЙ**

**МИФТОҲ УЛ-АСРОР**  
(**СИРЛАР КАЛИТИ**)

**Илмий-адабий нашр**

*Ўзбек тилида*

Нашр учун масъул *Э.Жўраев*  
Рассом *Ҳ.Собитжў*  
Техник муҳаррир *В.Барсукова*  
Мусахҳих *Д.Қорабоева*

**АБ № 40**

Босишга рухсат этилди 10.11.2006 й. Бичими 84x108 1/32.  
Шартли босма тобоғи 18,48. Нашр тобоғи 21,0.  
Адади 700 нусха. Баҳоси шартнома асосида.

Ўзбекистон давлат консерваториясининг «Муסיқа» нашриёти.  
Тошкент, Б.Зокиров, 1.

“REN-POLIGRAF” босмаховасида босилди. Буюртма №1479  
Тошкент, Муқимий, 178.

**ISBN 978-9943-307-05-6**

©Ўзбекистон давлат консерваториясининг “Муסיқа” нашриёти, 2006 й.

## МУҚАДДИМА

Ўрта асрларда “Мовароуннаҳр” деб аталган Ўзбекистон мамлакати Мавлоно Жалолиддин Балхий Румийнинг “Маснавийи маънавий” асарига илк шарҳни ёзган мутафаккирнинг ватанидир. Доктор Муҳаммад Истеъломийнинг “Маснавийи маънавий”га битган “Муқаддима”сида ёзишча, “Маснавий”нинг илк шарҳи ҳижрий тўққизинчи йилнинг бошларида (XV асрда) Хоразмда “Жавоҳир ул-асрор” номи билан Мавлоно Камолиддин Хусайн Хоразмий томонидан ёзилган. Ундан сўнг ҳам “Маснавийи маънавий”га бўлган қизиқиш янада ортиб, “Маснавий.хонлиқ” кечалари тасаввуф ва ирфоннинг қудратли бу марказида мунтазам равишда ўтказиб келинган.

Шайх Одина Муҳаммад Хоразмий қаламига мансуб “Мифтоҳ ул-асрор” номи яна бир шарҳнинг топилиши яна бир қарра бу минтақа халқлари, айниқса, Ўзбекистон халқининг “Маснавийи маънавий”га бўлган ҳусни таважжути ва меҳр-муҳаббатидан дарак беради.

Ҳижрий ўн иккинчи (XVIII) асрда Хоразмда яшаб, “Шарҳи каламоти баъзи аҳли сулуқ”, “Рисолаи Одина Эшон”, “Миръот ул-обидин”, “Тавбат ут-тойибин” ва “Таржимаи дуои Қунут” каби форс тилида битган асарлари билан ўзидан қимматли илмий мерос қолдирган Шайх Одина Муҳаммад Хоразмий “Мифтоҳ ул-асрор”да “Маснавийи маънавий” асарининг уч дафтари (жилди)ни ирфоний жиҳатдан шарҳлаб берган.

Форс тилида битилган “Мифтоҳ ул-асрор”нинг Мулло Абдусалом Хонақотий томонидан китобат қилинган ягона қўлёзма нусхаси 7143-рақами остида Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар хазинасида сақланади.

Биринчи маротаба ўзбек тилига таржима қилиниб, чоп этилаётган ушбу асар Мавлоно Жалолиддин Румийнинг 800 йиллиги нишонланадиган 2007 йилда румийшунослар ва маснавийхонлар учун муносиб тухфа бўлади, деган умиддамиз.

Сўзимни яхунлар аханман, биринчи навбатда бу бебаҳо асарни ўзбек тилига таржима қилишдек оғир масъулиятни бўйнига олган Маҳмуд Ҳасаний жанобларига, таржиманинг илмий тахририни амалга ошириб, нашрга тайёрлаган фалсафа фанлари номзоди Жаъфар Холмўминов жанобларига, ҳарф терувчи ва тарроҳлар Дилафрузхон Қорабоева ва Ҳасан Собитжўга ўзимнинг самимий миннатдорчилигимни билдираман.

Муҳаммад Хусайн Обидиний,

Эрон Ислом Республикасининг Ўзбекистон Республикасидаги  
Элчиҳонаси ҳузуридаги Маданият ваколатхонаси раҳбари  
Тошкент, 2006.

## УЛУҒ КИТОБНИНГ УЛУҒ ШАРҲИ

### *Авалло «Маснавий» ва унинг шарҳлари ҳақида*

Мана, орадан саккиз аср ўтибдики, Мавлоно Жалололдин Румийнинг(1207-1273) «Маснавийи маънавий» асари ҳамон илм аҳлини тўлқинлантириб келмоқда. Ундаги шеърларнинг латофати, тасаввуфнинг чуқур қоидалари, сермаъно ҳикматлар ва фалсафий мушоҳадалар ҳар бир одамни ҳайратга солмай қўймайди. Китоб ёзилгандан бошлаб то шу кунгача маснавий-хонларнинг ва маснавий ўқиладиган мажлисларнинг ҳамон мавжудлиги ҳам бунга гувоҳдир. Бу асар ҳақида ўтмишда яшаган улуғ олимлар, тасаввуф намояндлари, файласуф олимлар ўз фикрларини ҳаяжон билан ёзиб кетганлар. У ҳақда бобомиз Алишер Навоийнинг «Насойим ул-муҳаббат» асаридаги ажойиб фикрларини ўқишимиз мумкин. «Маснавий»га энг юқори баҳо берган мутафаккир бу Абдурахмоп Жомий эди. У :

*Ман чӣ гўям васфи он олижаноб,  
Нест пайгамбар, вале дорад китоб.*

(Мен бу олижаноб зот ҳақида нима ҳам дейин,  
У пайгамбар эмас, бироқ китоби бор), -

деган эди<sup>1</sup>.

Ўзбекистон ФА Шарқшунослик институтининг Қўлёзмалар хазинасида «Маснавий»нинг юзга яқин қўлёзма ва босма нусхаларининг мавжудлиги ҳам бу асарнинг нақадар машҳур бўлганини ва севиб ўқилганини кўрсатиб турибди.

«Маснавий» гоятда чуқур тасаввуфий ва фалсафий маъноларни ўз ичига олган бўлиб, бу соҳаларни чуқур билган олимларгина уни тўлиқ тушуна олганлар. «Маснавий»ни янги ўрганаётганлар учун эса ундаги чуқур рамзий маъноларни тушунтириши эҳтиёж туғилган. Натижада унга ёзилган қатор шарҳлар (тушунтиришлар) пайдо бўла бошлади. Бунга мисол қилиб, ЎзР ФА Шарқшунослик институтида сақланаётган қуйидаги шарҳларни кўрсатиш мумкин:

<sup>1</sup> Мавлоно Жалололдин Румий ҳақида тўлиқ маълумот олиш учун қаранг: Мавлоно Жалололдин Румий. Маснавийи маънавий. -Т.: Мерос нашриёти, 2001.; Латифжон Баҳоуддин ўгли. Хоразмлик маърифат соҳиби. -Т.: Зарқалам нашриёти, 2003.



1. *Маснавийи Мавлавий Рум маъа шарҳи ҳазрати Баҳр ул-Улум* (Мавлавий Рум «Маснави»си ҳақида ҳазрати Баҳр ул-Улумнинг шарҳи). Форс тилида ёзилган. 1887 йилда Лакнагда чоп этилган.

2. *Маснавийи шариф маъа шарҳҳои латиф* (Маснавий шарифнинг латиф шарҳлари). Форс тилида. 1847 йили Деҳлида чоп этилган.

3. *Маснавийнинг таржима ва шарҳи. Шарҳловчи Обиддин Пошшо. Истанбулда чоп этилган.*

4. *Одина Эшоннинг «Мифтоҳ ул-асрор» номли шарҳи. Бу ҳақда қуйида гапирилади.*

Булардан ташқари, Мавлоно Хусайн Хоразмий, Шайх Абулвафо, Мавлоно Хусайн Воиз, Шайх Абдуллатиф ва бошқаларнинг ҳам Маснавийга ёзган шарҳлари борлиги ҳақида манбаларда маълумотлар сақланган.

### **«Маснавий»нинг таржималари ҳақида**

Маснавий бир неча марта бошқа тилларга ҳам таржима қилинган. Буларга мисол қилиб қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

1. *Маснавийнинг таржима ва шарҳи.* Бу таржима турк тилида бўлиб, Истамбулда нашр қилинган. Насрий таржима муаллифи Обиддин Пошшо.

2. *Маснавий таржимаси.* Форсча матн билан бирга турк тилидаги насрий таржимаси Таржимон Наҳифий ва Фаррух Исмоил. 1851 йили Мисрда нашр қилинган.

3. *Маснавий бо таржимаи манзум.* (Маснавийнинг шеърий таржимаси). Таржимон Муҳаммад Сулаймон ибн Абдурраҳмон Туркияда чоп этилган.

4. *Ўзбек тилидаги таржимаси.* Мазкур таржима машҳур шоир ва моҳир таржимон, Ўзбекистон халқ шоири Жамол Камол томонидан амалга оширилган. Жамол Камол «Маснавий»нинг тўлиқ олти жилдини шеърий таржима қилган бўлиб, бу таржималар 2001-2004 йиллар давомида Тошкентда нашр этилди. «Маснавий»-нинг ўзбек тилидаги бу биринчи таржимаси Ўзбекистон маънавий ҳаётидаги катта ютуқлардан бири бўлиб қолди. Ж.Камолнинг бу таржимаси Эрон олими Муҳаммад Истеъломий томонидан амалга оширилган танқидий матн ҳамда инглиз олими Р.Никелсон томонидан тайёрланган нусха асосида амалга оширилган.

5. *Яна бир таржимаси.* Бу таржима шоир Асқар Маҳкам қаламига мансуб. У туркиялик мавлавийшунос олим Обиддин Пошшонинг шарҳидан фойдаланган ҳолда, ундаги шеърларни шеърӣ таржима қилган. Бу таржима ва шарҳ «Маснавий» биринчи китобининг биринчи қисмигина холос. Асқар Маҳкам кўп хайрли ишга қўл урган бўлиб, таржиманинг давоми ҳам бўлади деган умиддамиз.<sup>1</sup>

### *Одина Эшоннинг шарҳи ва унинг таржимаси ҳақида*

Одина Эшон (вафоти 1801 йил) номи билан шўҳрат тошган бу зотнинг тўлиқ номи Абу-л-Музаффар ибн Саййид Музаффар ал-Хусайний ал-Хоразмий ал-Карвакийдир. Унинг асл исми Саййид Одина Муҳаммад бўлган.<sup>2</sup>

Одина Эшон ёшлигиданоқ тасаввуф ғоялари таъсирида бўлади. Мадраса илмларини эгаллаб бўлгач, ёш йилит бирорта пирга қўл бериш учун ҳаракат қилади. Бироқ шарҳ ислом оламидан бундай пирни тополмагач, мустақил шуғулланишга киришади. Бу борада унга Расулulloҳнинг руҳи ёрдамга келади. Демак, Одина Эшон увайсийлардан ҳисобланади. Одина Эшон ҳаёти давомида Румийнинг «Маснавийи маънавий» асарини тинимсиз мутолаа қилади ва ундаги сир ва рамзий ишораларни тўлиғича ўрганишга муваффақ бўлади. Тасаввуфда камолга етиб, валийликнинг юксак поғонасига кўтарилган Одина Эшон «Маснавий»нинг энг позик нукталарини шарҳлаб беришга аҳд қилади.

Одина Эшоннинг ёзишча, уни шарҳлашга ундаган нарса, биринчидан, «Маснавий»нинг энг позик жойларини ҳеч ким мукаммал шарҳлаб беролмагани бўлса, иккинчидан, ўзидан аввалги шарҳловчилар шарҳларни жуда чўзиб юборганликлари, натижада ўқувчини асосий мақсаддан чалғитиб юборганлик-ларидир. Одина Эшон байтларни содда ва лўнда шарҳ қилишни ўз олдига мақсад қилиб қўяди.

Одина Эшон «Мифтоҳ ул-асрор» («Сирлар қалити») деб атаган бу китобида «Маснавий»нинг дастлабки уч китобини шарҳлаган.

<sup>1</sup> Жалолиддин Румий. Маънавийи маснавий. -Т.: Шарқ, 1999.

<sup>2</sup> Тўлиқ маълумот олиш учун қаранг: Латифжон Ҳожи Баҳоуддин ўғли. Ҳазрати Одина Эшон қиссаси. -Т.: Шарқ, 2001; Латифжон Баҳоуддин ўғли. Хоразмлик маърифат соҳиби. -Т.: Зарқалам, 2003.

Қолган учта жилди ҳам шарҳланганми-йўқми, ҳозирча маълум эмас.

Одина Эшон «Маснавий»ни шарҳлашга киришишдан аввал ўқувчини уни ўқиб тушунишга тайёрлайди. Бунинг учун у ўз шарҳига Муқаддима ёзиб, унга олти фаслдан иборат мақолаларни киритади. Мазкур фаслларда тасаввуф, унинг асослари, «Маснавий»да тилга олинадиган истилоҳлар батафсил баён қилинади. Шундан сўнггина шарҳга ўтилади.

«Мифтоҳ ул-асрор» гарчи «Маснавий»нинг дастлабки уч жилдининг шарҳи бўлса-да, бироқ бу жилдлардаги ҳикоятлар ва шеърлар тўлиғича келтирилмаган. Одина Эшон шарҳга муҳтож байтларнигина шарҳлаганини кўриш мумкин. Баъзида узун байтлар ёки тўлиқ ҳикоятлар келтирилса-да, уларга ҳеч қандай шарҳ берилмаган, фақат сўз кетаётган мавзунинг маъноси чала бўлиб қолмаслиги учун келтирилган ҳолос. Иккинчидан, шарҳланмаган байтлар, Одина Эшоннинг фикрича, тушунилиши осон байтлар деб ҳисобланган бўлиши мумкин.

«Мифтоҳ ул-асрор»нинг ягона нусхаси ЎзР ФА Шарҳшунослик институтининг Қўлёзмалар хазинасида 7143 ашё рақами билан сақланмоқда. Бу нусха Муҳаммад Раҳимхон Ферузнинг кўрсатмаси билан Хабибуллоҳ ибн Мулла Абдуссалом ал-Хонақоҳий томонидан кўчирилган. Бу нусхада котиб томонидан йўл қўйилган айрим хатолар кўзга ташланади, баъзида қайтариқлар ва туталланмай қолган байтларни кўриш мумкин.

Шу кунларда Хоразм вилоятининг Боғот туманида Одина Эшоннинг авлодлари яшамоқда. Одина Эшоннинг қabri шу тумандаги Дехқонобод қишлоғида жойлашган бўлиб, катта зиёратгоҳ ҳисобланади. Эшоннинг авлодларидан бири Латифжон ҳожи Баҳоуддин ўғли бўлиб, у тиббиёт фанлари номзоди, Соғлиқни сақлаш аълочиси, санитария мудофааси аълочиси, Олий тоифали врач, Халқаро Қизил Хоч ва Қизил Ярим Ой жамиятининг фахрий ордени соҳибидир. У бир неча йиллардан буён Одина Эшон ҳаётини ўрганиш ва асарларини излаб топиш йўлида ҳаракат қилмоқда. Шуларнинг натижаси ўлароқ унинг «Одина Эшон қиссаси» ҳамда «Хоразмлик маърифат соҳиби» номли рисоласи чоп этилди.

Латифжон ака ЎзР ФА Шарҳшунослик институтининг олимлари билан ҳамкорликда Одина Эшоннинг асарларини топиш ва таржима қилиш тўғрисида иш олиб бормоқда. Шуларнинг натижаси ўлароқ Одина Эшоннинг «Шарҳи калимоти баъзи аҳли сулук» («Баъзи

сулук аҳли калималарининг шарҳи») ва «Рисолаи Одина Эшон» («Одина Эшон») рисоалари таржима қилиниб нашр этилди. Юқоридаги асарлардан ташқари, Одина Эшоннинг «Миръот ул-обидийн» («Обидларнинг кўзгуси»), «Тавбат ут-тойбийн» («Тавба қилувчиларнинг тавбаси») ва «Таржимай дуойи қунут» («Қунут дуосининг таржимаси») номли рисоалари ҳам борлиги аниқланди.

Одина Эшоннинг «Мифтоҳ ул-асрор» номли асарининг мавжудлиги ҳам Латифжон ҳожи Баҳоуддин ўғлининг саъйу ҳаракати орқали маълум бўлди. Ҳожиининг Тошкентта кўп марта келиши ва юракдан қилган илтимосларини инobatта олиб, биз мазкур асарни таржима қилишга бел боғладик. Бироқ бу асарни таржима қилишда гоътада қийинчиликлар мавжудлигини кўз олдимизга келтирмаган эдик. Унинг таржимасини амалга оширишда олдимизда икки йўл бор эди. Биринчиси, Одина Эшон шарҳламай қолдириб кетган байтларни кенгайтириб, шарҳлаб таржима қилиш. Бунда бизнинг ишмиз ҳам таржима бўлмай, шарҳ сифатида бўлар, Одина Эшон шарҳи билан бизнинг шарҳимиз аралаш-қуралаш бўлиб кетар эди. Иккинчиси сўзма-сўз таржима қилиш, бунда байт мазмунини тушуниб етиш оддий китобхонга қийинроқ бўлар эди. Биз, барибир, иккинчи йўлни танладик, негаки бу асарни тор доирадаги мутахассисларгина ўқийди, тасаввуф асосларидан беҳабар одамлар уни шарҳи билан ўқиганда ҳам тушуниши қийин. Иккинчидан, биз байтларни сўзма-сўз таржима қилаётганимизда, кўз олдимизда Тошкент Давлат шарқшунослик институти, Тошкент Ислom университети, Имом Бухорий номидаги диний институт (Маъҳад)нинг талабалари намоён бўлиб турди. Бу бўлгуси мутахассислар мазкур таржимани ўқиганларида форсча ва ўзбекчасини солиштириб, тил ва луғат ўрганишларига ёрдам бўлиши мумкин, деб ўйладик. Байтларнинг таржимаси қавс ичида бериб борилди ва Одина Эшон шарҳлари эса қавс ичида «Шарҳ» деб кўрсатилди.

Таржимани амалга ошириш жараёнида юқорида кўрсатиб ўтилган шарҳларга ва шеърий таржималарга суяниб иш кўрилганини айтиб ўтмоқчимиз. Форсий байтлар «Мифтоҳ ул-асрор» китоби бўйича кириллга айлантирилди. Шунинг учун улар Эрон олими Истеъломийнинг танқидий матнидаги байтлардан баъзи ҳолларда фарқ қилиши мумкин. Куръон оятларининг таржимаси арабшунос олим Исматулла Абдуллаев нашрга тайёрлаган Олтинхон Тўра (Маҳмуд Тирозий)нинг тафсири асосида берилди.

Таржимои мазкур китобнинг нашрига бош-қош бўлган Эрон Ислом Республикасининг Ўзбекистондаги Элчихонаси Маданият бўлимига, асар таржимаси ва форсча матнининг тўғри ўқилишида ўз меҳнатини аямаган олим, шоир ва аруз устаси Жаъфар Муҳаммадга, филология фанлари доктори, проф. Н.Комиловга, нашр ишида ғамхўрлик кўрсатган олим, тарих фанлари доктори Б.А.Абдуҳалимовга, ишнинг юзага чиқишида ўз хиссасини аямаган тарих фанлари номзоди М.Раззоқовага чуқур миннатдорчилик изҳор қилади. Таржимои, хусусан, Жаъфар Муҳаммаднинг асарни нашрга тайёрлашдаги меҳнатини алоҳида қайд этар экан, унинг таржимоига берган баҳосини келтириб ўтишни лозим топди:

*Маҳмуди Ҳасан, ба ту ҳазорон аҳсант,  
Бар заҳмати ту зи номи ёрон аҳсант.  
Сад соли дигар умр бибин, то гирӣ,  
Чун ман зи забони дилғизорон аҳсант.*

\*\*\*

*Эй, номи ту Маҳмуд ва эй кори ту маҳмуд,  
Кас нест дар ин рӯз сазовори ту Маҳмуд.<sup>1</sup>*

Таржимои барча дўстларга, жумладан, Жаъфар Муҳаммадга ҳам миннатдорчилик изҳор қилар экан, ўз сўзини қуйидаги рубоий билан тугататишни мақбул топди:

*Илми аруз бобида султон Жаъфархон,  
Хар битта сўзи дур ила маржон Жаъфархон.  
Қай кунки мени назм ила шод қилдинг,  
Кўнгил уйида қолмади армон, Жаъфархон!*

Маҳмуд ҲАСАНИЙ,

тарих фанлари доктори,

ЎзР ФА Шарқшунослик институти

Шарқ қўлғезмалари фонди мудир.

---

<sup>1</sup> Эй Маҳмуд, сенга миғ бор офаринлар бўлсин,  
Чеккан бу заҳматингга дўст-биродарлар номидан офаринлар бўлсин.  
Биздек дўстлар тилидан шундай офаринлар эшитиш учун,  
Яна юз йиллаб умрлар кўравергин.  
Эй, сенинг номинг Маҳмуду ишларинг ҳам маҳмуд (мақтагулик),  
Бутунги кунда сенга ўхшаганлар камдир.

## БИСМИЛЛАҲИР РОҲМАНИР РОҲИЙМ

Аммо баъд, билгинки, бу китобга «Мифтоҳ ул-асрор» деб ном қўйилди. Шарҳлашга киришувдан аввал унга бир муқаддима берилдики, унда китоб маъносининг қисқа баёни келтирилди ва усулнинг биноси ва эшиклари аён қилинди. Токи бу муқаддиманинг ёрдами билан мақсадлар ва маънолар унга назарини солувчилар ва мутолаа қилувчиларга осон бўлғай, мақомот ва даражатлардан воқиф бўлмоқ ва тўғри йўлдан юрмоқ муяссар бўлғай. Ва бу муқаддима олти фаслга бўлинди.

**Биринчи фасл** - ушбу китоб муаллифининг бошланғич ҳоли баёнида.

**Иккинчи фасл** - илм ул-йақин ва жазба ҳамда тажаллиётнинг бошланиши баёнида.

**(ба) Учинчи фасл** - айн ул-йақиннинг таъйини ва унга аҳл бўлганларнинг таҳқиқи баёнида.

**Тўртинчи фасл** - ҳаққ ул-йақиннинг мартабаси ва солиқлар даражасининг ниҳояти баёнида.

**Бешинчи фасл** - тақлид аҳлининг зикри ҳамда улар билан бўладиган суҳбатнинг зарарлари баёнида.

**Олтинчи фасл** - камол аҳлининг сифати ва Илоҳий хос (банда)ларнинг Аллоҳ таъолога етишиш йўлининг баёнида.

Кўркам хулқли пок биродарлардан умид ва вафодор дўстларнинг чиройли шафқатларидан илтимос шулки, иноят ва эътибор юзасидан ҳар қачон бу қораламага назар ташлар эканлар, ибрат ва эътибор кўзини бу шарҳлар сари очар эканлар, агар бир хато кўрсалар ёки ундаги маънонинг адосида ёки мақсаднинг баёнида ортиқчалик ёки камлик юзасидан нуқсон ёки айбни сезсалар, буни ожизлик ва одамийлик нуқсонига йўйсинлар ҳамда рақам чекувчилар ва таржима қилувчиларнинг қадри тоқати йўқлигидан деб билсинлар. Созлаш ва тузатишнинг тарҳини тўғрилаш майдонига ташласинлар, маъносини созлаш ва хатодан озод қилишга уринсинлар, чуқур фикр қилмай ва ўйламай туриб, инкор майдонига қадам қўймасинлар, ўзларини бадгаплик ва айб кидиришлик чоҳига ташламасинлар, чунончи (бу ҳақда) айтадилар.

Байт:

*Кавли кас чун бичинави дар вай тааммул кун тамом,  
Софро бардору дурдиро раҳо кун, вассалом.*

(Бирорта кишининг сўзини эшитсанг, у ҳақда чуқур ўйла,  
Яхшисини саралаб ол, ёмонини ташла, вассалом.)

## БИРИНЧИ ФАСЛ -

### УШБУ КИТОБ МУСАННИФИ ҲОЛИНИНГ БОШЛАНИШИ, ЯЪНИ ТАВФИҚ ВА ТАВБАНИНГ ҲОСИЛ БЎЛИШИГА КЎЗ ТИКИШИ, ҲАҚИҚАТ ВА МАРТАБА НАВЛАРИНИНГ НУЗУЛ ҚИЛИШИ БАЁНИДА

Назар арбобларининг покиза замирлари ва басират соҳибларининг қудсий хотираларига ошкор ва маълумдирки, Илоҳий марҳамат бўлган: «Раҳматим газабимдан устун бўлди» ҳукми, бўйича барча ҳолларда ва барча ҳукмларда Ҳазрати Подпоҳий (Аллоҳ)нинг инояти бенуқсон ва барча ҳолатларда Аллоҳнинг илтифоти бегараздир. Ҳазрати Иззат (Аллоҳ)нинг: «Парварди-горингни инъомини баён қил» (Қуръон, 93/11) ҳамда: «Агар сизлар шукр қилсаларингиз зиёда неъмат берурман» (Қуръон, 14/7) оятлари билан сўзлаши ва: «Айт, Аллоҳ фазли ва раҳмати билан» ҳадисининг ҳукми Ҳақ Субҳонаҳунинг неъматлар ато қилишидан хабар берувчидир.

Бу камина, фақирлар фақири Абу-л-Музаффар ибн Саййид Музаффар ал-Хусайний ал-Хоразмий ал-Карвакий, Аллоҳ унга ва ота-онасига раҳматини сочсин, Тоҳо ва Ёсин аҳли сарасидан бўлган хонадоннинг ҳожатмандроғи ва пайғамбарларнинг саййиди (Расулуллоҳ) авлодларининг пешвоси Саййид Муъиз уд-Давла ва-д-Дунё ва-д-Дин (Муъизуддин) Шакарлаб ал-Арабий ал-Хусайний ал-Маккий, Аллоҳ руҳларини азиз қилсин ва уларнинг яхшиликларини оламлар юзига сочсин, (авлоди сифатида) ёшлик (7а) айёми ва бебошлик замонида ва ошу йиллар таъқибиста асиз умрини нафс ва шаҳват тақозоси бўйича ўтказган, ҳою-ҳаваси ортидан ҳиммат отини чоптирган эди. «Мол-гўрдаги илон, обрў эса ундан зарарлироқ» дейилган дунёнинг молу мулки ва иззату обрўи пайида умргузаронлик қилар эди. Нодонлик қабоҳати билан кечаю кундузи оламнинг саҳрою водийсида жавлон кўргузар, эртаю кеч дунёни излаш ва ундаги нарсаларни қидириш билан овора бўларди. Тенгдошларининг улфатлиги билан ашёларнинг маишатида бахтиёр бўлиб, тирикчилик ҳусули билан табиатини чоғ ўтказарди. Ишнинг оқибати эса барчаси гафлат ва хаткорлик, ҳаёт сармоёси эса бефойда ва ботил эди.

Ногоҳ бандалик ва ибодатларининг озлигига қарамай, (Аллоҳнинг) фазли ва инояти туфайли олам ҳавосидан тавфиқ боғларининг насими кўнгил майсазори устидан эса бошлади ва

файз сочувчи (Аллоҳ) фатҳи лилг ёқимли ҳидлари жон машомига етмоққа киришди. Руҳ қуши ҳушёрлик ва сезгирлик кўчасига кирди. «Ватанни севиш иймондандир» ҳадиси бўйича, асл ватанининг иштиёқи билан васл ва висол орзусида парвоз қилишни хоҳлади. Кўнгил жаҳоннинг қору боридан совида. Дўстлар ва яқинлардан қоча бошлади. Умрни бодга берганидан ҳасрат ва надомат чоҳига тушди. Иродат (муридлик) ва инобат (тавба) йўлини тутди. Дунё ва унинг иззати ва роҳатдан юз ўтгирди. (76)Хорлик ва бемиқдорликни қидиришга тушди. «Дилни тузатсанг, у билан гавданинг бошқа аъзолари тузалади» (ҳадиси)нинг ҳукми бўйича, лаззатдан кўра қийинчиликни танлади, танини эса риёзат ва машаққатга ташлади, «кимки Аллоҳ учун ўзини паст тутса, Аллоҳ уни юқори кўтаради» (ҳадиси)нинг башпорати пайида ўзини ожизлик ва шикасталик қўлига тошширди. (Натижада) «мўъмин одам Аллоҳ нури орқали қарайди» (ҳадиси)нинг ҳукми бўйича, йақин ва ҳидоят (сирлари) аён бўлди. Онҳазрат саллаллоҳу алайҳи ва саллам Йлоҳий меҳрибонлик билан иноят ва илтифот кўрсатиб, ўзининг тарбият ҳужрасида сақлади. Ўтмиш машойихларининг руҳониятлари, Аллоҳ уларнинг сирларини муқаддас қилсин, мени тарбият мақомида тутдилар. Мақомотларнинг қўлигига қарамасдан, бирорта азиз икки мақомдан озгина муддатда Ҳақ субҳонаҳунинг жазбаси ва иноятига етишга олмаган. (Фақир) Онҳазрат саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг илтифотлари ҳамда улуғлар, Аллоҳ уларнинг сирларини муқаддас қилсин, руҳониятининг мадади билан барча манзиллар ва мақомотлардан ўтишга муяссар бўлди. Онҳазрат (с.а.в.)нинг «мен Аллоҳданман ва мўъминлар мендан» сўзлари бўйича, асли ўзлари бўлган нуру анворларига, фақру фано жойи бўлган «фақирлик фаҳримдир» иноятига ҳамда ҳолни усиз тасаввур қилиб бўлмайдиган тамкин мақомига ета олиш шарафига муяссар бўлди. «Бунинг учун Аллоҳга ҳамдлар бўлсин, бу Аллоҳнинг фазлидир, кимга хоҳласа, унга беради, Аллоҳ улуг фазл эгасидир».

Назм:

*Онро, ки дарпазирад маъбуд ло лазилла,  
 Ўро чи ҳожат ояд ранжи чаҳор чилла.*

Беайб Парвардигор бирорта одамни ўз инояти

соясига олса,

Унинг тўрт марта лаб чилла азобини тортишига нима  
 ҳожат?!



(8а)Шундан сўнг, (маълум бўлсинки), зоҳир юзасидан байъат қилиш ва ижозат олиш учун бир шайх ҳам лозимдир ва бу сўфийларнинг сулук ва одобларидан биридир. Шундай қилиб, (фақир) хизмат қилиш ва суҳбат тутиш учун Хоразмнинг азиз машойихларини бирма-бир тавоф қилди. Бир неча мартаба Бухорога сафар қилди, у ердан Самарқанд, Шаҳрисабз, Балх ва Майманага борди. Дарвишларнинг суҳбатини топди. Давр машойихларининг хизматида бўлди. Бироқ Илоҳий нур билан мустаҳкам бўлган, илмни таниган ва оқ-қорани ажратган бу дил ҳеч ердан ором ва ҳеч жойда қарор топмади. Шундан сўнг мамлакатнинг турли томонларидан, жаҳоннинг сайёҳ ва сайёрларидан хабар қидирди, ҳатто Каъбайи Муаззама ва Мадинайи Мунавварага, Аллоҳ бу икки шаҳарни азиз ва шарофатли қилсин, одамларни юборди, лекин бундай жамоатдан бирорта асар ва бундай азизлардан бирорта хабар эшитмади. Тақлид ва суврат чоҳидан чиқиб, таҳқиқ ва маъно даражасига етган одамни кўрмади. «Аллоҳ таъолонинг нур ва зулматдан етмиш минг ҳижоби бор» ҳадисидаги етмиш минг ҳижобдан ўтган ва вужуд гуноҳларидан пок бўлган ва: «Қодир Аллоҳ ҳузурда ўтирган жойлари садоқат жойи» сифатида қарор топган, ғайбдан амр олган ва иршод қилишга илҳом берилган одамни учратмади.

(8б)Шунга қарамай, ҳамон ботинда изтироб пайдо эди ва изтиробу қалтирашдан тўхтамас эди. Куйиб-ёниш билан ҳар тарафга чопар ва жидду жаҳд билан ҳар томонда фарёд чекардики, ногоҳ йўл асносида ва сафару саёҳат айёмида жаноби Онҳазратдан, Унга мукамал саловотлар ва тугал таҳийётлар бўлсин, башорат юз берди ва бир жойда муқим бўлишга ишорат зоҳир бўлди. Одамлар билан ўтириш ва бандалар хизматини қилишга фармойиш берилди. Шундай қилиб, ўша онда иродат оёғи таслим этаги билан боғланиб, бир гўшада бандалик билан машғул бўлди. Ҳар тарафдан талаб ва иродат аҳли келсалар, бу илмдан аён ва виждон тариқи билан ҳосил бўлган нарсаларни уларнинг тарғиби ва ташвиқи учун баён қилар эди. Сўфийларнинг китобларида ёзилган нозик ва қийин нарсаларни ва ҳал этилиши завқу иймон, кашфу аёнга боғлиқ масалаларни тушунтирар эди. Буларни эшитишдан толибларда ўсиш ва ҳидоят топилган сезилар ва ҳидоят қидирувчиларнинг ботинида рағбат ва иштиёқ нурлари порлар эди.

Сўфийларнинг тариқат кашфи ва ҳақиқат сирлари ҳақида айтган китоблари ва таълифларидан, чунончи, Ҳазрати Мавлавий Жалол ул-Милла ва-д-Дин (Жалолуддин) Муҳаммад Румийнинг, Аллоҳ уларнинг сирларини муқаддас қилсин, «Маснавий» китобидан бошқа яхшироқ китобни на ўтганлардан ва на сўнгилардан ҳеч бирида кўрмади. Улардан ҳеч бирида жазаба ва талабнинг бошланишидаги сайру сулук, йўл хавфи ва хатарлари, чунончи, жинларнинг кўриниши, Шайтоннинг жилвалари, нафснинг офатлари, ақлнинг уқубатлари, руҳларнинг зоҳир бўлиши, сўфийлар орасидаги ихтилофлар, фано филлоҳ ва бақо биллоҳ мақомининг охиригача бўлган манзилларнинг тўхташ жойлари ва ҳайрат ҳақида бу китоб, яъни «Маснавий» чалик тўлиқ баён қилинган ва муфассал айтилган китобни топмади. Дарвишларнинг тариқатидаги сирларни яшириш ва пинҳон тутиш, ҳақиқатнинг нозик томонлари ва шунга ўхшаш масалалар ҳикоятлар зимнида чиройли адо ва латиф имолар билан баён қилинган бўлиб, бу нарсаларни бошқа (китоб)ларда кўрмади.

Ҳақиқатан ҳам, Ҳазрати Мавлавий, сирлари муқаддас бўлсин, кўп улуғ шону шавкат соҳибидирлар ва ўз асрида «тариқатнинг тили» эдилар. Ул зот ҳақиқат рамзларининг кашфи борасида таржимон ва тасаввуф аҳлининг асл ҳужжати ҳамда барча фирқа аҳлига мақбул эдилар.

Муқаммал авлиёлар кўп бўлишига қарамай, Аллоҳ уларни кўпайтирсин, бу фирқанинг жаҳонда камлиги барибир «камлардан камроқ ва иксирдан азизроқ» дир. Қарагинки, бу авлиёларнинг яшаган асрларида Мухйиддин ал-Арабий, Шайх Садруддин Қунавий, Шайх Нажмуддин Розий ва булардан бошқа, уларга Аллоҳнинг раҳмати ва розилиги бўлсин, азизлар ниҳоятда кўп бўлиб, улар ўз замонларидан шикоят қилган ҳолда буюрган эдилар. Маснавий:

*Жону дилро тоқати ин жўи нест,*

*Бо ки гўям дар жаҳон як гўи нест.*

(Жону дилим бу қайнаб-куйишга тоқат қилолмайди,  
Кимга ҳам айтмай, жаҳонда эшитувчи бир қулоқ йўқ.)

(Шундай экан, мен фақир) тавҳид, вужуд ва шухуддан юксакроқ бўлган сирларни ким билан сирлашай, «лий мағаллоҳ» сайрида ким билан ҳамдам бўлай?! Сўнги машоихлар, Аллоҳ

уларнинг руҳларини роҳатда қилсин, тасаввуф масалаларининг мушқил масалаларида кўпинча юқоридаги зотларнинг сўзларига амал қилганлар, уларнинг айтганларига суянганлар, ўзлари учун бу ҳикматларни шиорга айлантирганлар.

Бу фақир бу барча қийинчилик ва кимсасизликка қарамай, Ҳақ субҳонаҳу иноятини ўзига нисбатан кенг ва кўп кўриб, ўз ҳолига доимий назар ташлар экан, ўзининг барча равиши ва ҳолатини шу китоб, (яъни «Маснавий»)га мувофиқ топар эди. Тақрир ва таҳрир ишга терилган сирларни ўз виждонига мутобиқ ҳолда кўрар эди. Ҳеч бир атворни ўз асрорига нисбатан муҳолиф кўрмас эди. У ўзини шундай мисолда кўрардики, гўё Илоҳий жазбанинг йўлбошчиси бир улук шоҳроҳдан қудратли филни боргоҳи султонийга етказгандек ва ожиз чумолини ҳам шу йўлдан олдинга етаклагандек эди. Унинг сулук ва йақин таҳқиқини ҳужжатта айлангирдим, кўзга ташланган ва аён бўлган нарсаларга нисбатан уларни ўзимга ҳужжат қилиб олдим. Чунончи, у (яъни Румий)нинг ўзлари иноят қилиб буюрадилар, маснавий:

*Ҳин бизўйи нотиқа чун мекунад,  
То ба қарне баъди мо обе расад.  
Гарчи ҳар қарне суханоре бувад,  
Лек гуфти солифон ёре бувад.  
Нек ҳам Тавроту Инжилу Забур,  
Шуд гувоҳ бар сидқи Қуръон, эй шакур.  
(Айттинки, нотиқа нима қилади,  
У биздан сўнг асрларга сув етишини кўзлайди.  
Гарчи ҳар бир асрда сўз айтувчилар бўлса ҳам,  
Бироқ ўтмишдошлар сўзи ёрдамга келади.  
Таврот, Инжил ва Забур яхши бўлса-да,  
Қуръоннинг тўғрилигига улар гувоҳ бўладилар.)*

(10а)«Маснавий»нинг шарҳларига назар солиниб, мушоҳада қилинганда, шундай топилдики, аксари шарҳлардан аввали Мавлоно Хусайн Хоразмийники бўлиб, у Шайх Абул Вафо билан, уларнинг сирлари муқаддас бўлсин, ҳамкорликда биров шарҳ қилган бўлиб, у тузатиш ва солиштиришни ўша шайх билан қилган эдилар. Яна бирлари Мавлоно Хусайн Воиз, Шайх Абдуллатиф ва бошқалар бўлиб, буларнинг барчалари тавҳидчилар эдилар. Тавҳиддан юқори келган сўз, чунончи «*кимси завқини тотмаса,*

**тушунмайди»** жумласига мувофиқ, бу бобда ожиз ва чорасиз қолган эдилар. **«Бир иини бажариш кўлингдан келмаса, уни кўй»** ҳукми бўйича бу соҳани мўҳмал қолдирган эдилар. «Сўфий шундай кишики, аён бўлган нарса ҳақида сўзлайди ва ўшанга ҳаракат қилади» (маъноси)га амал қилмай, ўз ҳолича қолдирган эдилар. Демак, албатта, улар айтган маъно Мавлавий кўзлаган мақсадга мувофиқ тушмаган ва **«Маснавий»** сўзларига мос келмаган эди. Шунинг учун ҳам, уларнинг шарҳларида чўзилиш ва иккиланиш юз берган эди. Улар ўзларининг барча мақсадларини изҳор қилган ҳолда асл мақсаддан узоқлашиб кетган эдилар.

Бас, бу фақир тўлиқ қувватга эга бўлмаса-да, комил истеъдод унда зоҳир бўлмаса-(106)да, одоб ва баён илмидан воқиф бўлмаса-да, ғайб илҳомидан тилга оқиб келган маъноларни таржимон тариқасида форс тилида тақрир ва таҳрир қилиш қўлидан келмаса-да, муҳаррир ва мутаржимга муҳтож бўлса-да, бироқ Раббоний илҳом ва Яздоний кўмак ёрдами билан, бу китобдаги улуғлар шундоқ қолдириб кетган ва асл маъносини кўрсатмаган баъзи байтларни шарҳ қилишни ўзига лозим деб билди ва уларни ҳал этишга йақин ва аён юзасидан киришди. Унинг баёни ва изоҳи ҳақида қанчалаб бинолар тикладикки, у билан сирлар хазинаси ва рамзлари маълум бўлмай. Яна «Маснавий»нинг бошқа байтлари хазинасида яширин бўлган маънолар дури ҳам баён қилиндикки, бу билан қулфланган эшиклар ва тилсимотлар эшиги очилди. Ғайбий хабарлар ва шаксиз илҳомлар жумласидан бўлган маъноларни ҳарф ва сўздан муназзаҳ деб билсинлар, хато ва нуқсондан холий деб эътиқод қилсинлар, чунки Илоҳий илмда ҳеч қандай жаҳл ва нодонлик раво эмас. Дарвишлар ўзидан мутлақ фоний бўлгач, уларда зот ва сифотдан асар ва нишон қолмайди ва улардаги барча илм Аллоҳдан бўлади. Улар нимаики сўзласа, аён юзасидан сўзлайдилар ва унда ҳеч шубҳа бўлмайди. Ҳазрати Мавлавий, сирлари муқаддас бўлсин, буюрадилар, маснавий:

**Ин хабарҳо в-ин ривоёти муҳиққ,  
Сад ҳазорон пир бар вай муттафиқ.  
Як хилофе не миёни ин уйун,  
Ончунонки, ҳаст дар илми зунун.  
Он таҳарро омад андар лайли тор,  
В-ин ҳузуре Каъбаи вай дар наҳор.**

(Бу Ҳақ хабарлар ва бу ривоятлар ҳақида,  
Юз минглаб ширлар яқдилдирлар.  
Бу аён ичида бирорта хилоф нарса йўқ,  
Чунончи, бундай хилоф нарса шубҳали илмда бўлар эди.  
Бу туваро таялаб олинган (тоза фикрдир),  
Бу кундуз ўртасида зоҳир бўлган Каъбадир.)

Бу шарҳда бошқа шарҳлардаги каби шубҳа ва эҳтимоллар юз бермаслиги учун (11a)ҳаққоний ва ишончли бир шаклда қисқа ва мухтасар изоҳ берилди ва матн сўзларида ва иборалари остида яширин ва пинҳон бўлган чуқур маъноли сирлар ифшо қилинди, ошкорлик ва зуҳур бозорига олиб чиқилди, жаҳон ва жаҳон кишиларига билдирилди.

Мавлавий, сирлари муқаддас бўлсин, буюрадилар:

**Жўши нутқ аз дил нишони дўстист,**  
**Бастағийи нутқ аз беулфатист.**

(Нутқнинг дилдан жўшиб келиши дўстлик нишонидир,

Нутқнинг бекилиб қолиши унга улфат эмасликдандир.)

**Дилки, дилбар дид, кай монад туруш,**  
**Булбуле гул дид, кай монад хамуш.**

(Дилбарни кўрган дил қачон ғамгин бўлади,  
Гулни кўрган булбул қачон жим туради?!)

Бул тоифанинг табиатидан завқ олган ва уларнинг маънолар шарбатидан тотиган киши дўстлар дастурхониға қандай туз ва шўр тўкилгани ва қандай чиройли латофат ишга солинганини ҳис этади. Гарчи сафровий мизожлар буни англамасалар-да, улар лоф ва даъвони ишга соладилар, садоқат шохиди ва адолат гувоҳи бўлиб турган сўзларни англамасалар-да, ўз нуқсонларини тан олмайдилар.

## ИККИНЧИ ФАСЛ - ИЛМ УЛ-ЙАҚИН ТАФСИЛОТИ БАЁНИДА

(116) Ҳазб ва тажаллиётнинг бошланиши, тариқнинг аввали ва сулукнинг ибтидоси Жаноби Ҳақ субҳонаху ва таъолога тўлиқ қайтиш зоҳирий томондан наҳй қилинган ва диққатни чалғитадиган нарсалардан қочиш, буюрилган нарсаларни адо қилиш, қаттиқ киришиш, доимий машғул бўлиш, гафлат ва бекорчилик билан беҳуда ўтган ва ҳою ҳавасга сарфланган умрдан афсусланиш, (бошқаларга нисбатан) таъзим ва ҳурматда бўлиш, барча ашё ва мавжудотга нисбатан ўзини ожиз ва синиқ тутиш, шарият корхонасида танни риёзат ўчоғида муҳаббат олови билан ёндириш, қалбни Ҳазрати Илоҳийга қаратиш, шаҳвоний лаззатлар ва жисмоний неъматлардан юз ўтиртириш, «мол қабрдаги илон, обрў ундан зарарлироқдир» дейилган дунё ва унинг иззатидан қочиш, роҳатдан меҳнат томон юриш, иззатдан хорликка юз тутиш - мана буларнинг барчаси Аллоҳ таъоло ва халқ учун тавозуъ ва камтарликда бўлишидир. Расул саллаллоҳу алайҳи ва саллам бунинг шарофати ҳақида шундай буюрдилар: *«Ким ўзини паст тутса Аллоҳ таъоло уни олий жаннатдан ҳам юқори кўтаради, ким ўзини катта олса, Аллоҳ таъоло уни асфал ас-софилийндан ҳам пастлатади».*

Инсон табиатидаги тақозонинг асли шуки, одам идрок ва ақл чегарасига етгач, ўзининг фойда ва зарарини била бошлайди, яхши ва ёмонни фарқ қила бошлайди. Энди у сарварлик ва улугликка етишиш учун ружу қилади, жумладан, баданини тарбия қилиш (12а) билан машғул бўлади, нафс ва шаҳват томон берилади, ҳою ҳавас пайида бўлади. Ва бу адашув йўли бўлиб, одамларни залолат йўлига тортади ва асл мақсадидан узоқлаштиради. Қалб бу нарсаларнинг барчасидан қочмаса ва эҳтиёт бўлмаса, тўлиқ ва тугал Ҳақ субҳонаху ишига киришмаса, ўлимга ва Қиёмат кунига тайёр бўлмаса, дил тавбаси дуруст бўлмайди, қалб ислоҳга ва покликка юз тутмайди. Агар дил гуноҳлардан ва ёқимсиз нарсалардан пок бўлмас экан, бошқа аъзолар ҳам маъсиятлардан ва ҳаром нарсалардан саломат қолмайди. Ҳадисда айтилади: «Албатта, одам фарзандининг гавдасида бир парча гўшт бор, агар у соғлом бўлса, у билан гавданинг бошқа аъзолари ҳам соғлом бўлади, агар у бузилса, у билан бошқа аъзолар ҳам бузилади, огоҳ бўлгинки, у қалбдир».

Баданнинг ибодати ва зоҳирий амаллар қалбни ва ақидани соғлом қилмаса, Аллоҳ таъоло қошида эътиборга лойиқ эмас, соҳибига эса самара бермайди. Онҳазрат саллаллоҳу алайҳи ва саллам буюрадилар: **«Албатта, Аллоҳ таъоло сизларнинг сувратларингиз ва амалларингизга қарамайди, бироқ қалбларингизга ва ниятларингизга қарайди.»**

Инсоннинг асл ва шарафли иши кўкракни кенгайтириш ва қалбга жило беришдир. Агар қалб поклиги муяссар бўлса барча иш ислоҳга келади. Ҳазрати Ҳақ субҳонаҳу ва таъоло Куръони Каримда буюради: **«Бас Аллоҳ, кимники ҳидоятга солишни истаса, (126)унинг кўксини ислом учун кенгайтиради.»** (Куръон, 6/125) «Иҳёи улум» китобида ёзилганки, мазкур оят нозил бўлганда саҳобалар Онҳазратдан: «Шарҳи садр» (кўкрак кенгайтириши) нима?» деб сўрадилар. Ҳазрат: «Албатта, нур қалбга ёйилса, кўкрак кенгайди» дедилар. Яна: «Ё Расуллалоҳ, бунинг аломати борми?» деб сўрадилар. Айтдилар: «Ҳа, гурур уйини бўшатиш, боқий уйга қайтиш ва ўлим келмай туриб, унга тайёр бўлиш».

Демак, толибда тавба ва инобат (қайтиш) ҳосил бўлса, мукаммал иродат насиб этса, шундагина қалб илми ҳосил бўлади, доимо Ҳақ субҳонаҳу ва таъолонинг сифатларини, яъни уни Басир (кўриб турувчи), Самигъ (эшитиб турувчи) ва Алийм (билиб турувчи) сифатида мутолаа қилади. Эҳсон деб аталадиган бу сифатларга ҳозир ва кузатувчи бўлмоқ лозимдирки, (ҳадисда) айтилади: **«Эҳсон бу Аллоҳни кўриб тургандек ибодат қилишингдир, агар сен Уни кўрмасанг, У сени кўриб туради.»** Ҳазрати Мавлавий Румий, Аллоҳ сирини муқаддас қилсин, (бу бобда) буюрадилар. Маснавий:

**Аз пайи он гуфт Ҳақ худро Басийр,  
Ки бувад дийдавият ҳар дам назийр.**

**Аз пайи он гуфт Ҳақ худро Самез,  
То бубандй лаб зи гуфтори шаниз.**

**Аз пайи он гуфт Ҳақ худро Алийм,  
То найандишй фасоде ту зи бийм.**

(Ҳақ ўзини шунинг учун Басийр (кўрувчи) деб айтдики,  
Токи сенинг кўзинг қўрқиб турувчи бўлсин.

Ҳақ ўзини шунинг учун Самигъ (эшитувчи) деб айтдики,  
Токи сен ёмон сўз айтишдан лабингни юмгин.

Ҳақ ўзини шунинг учун Алийм (билувчи) деб айтдики,  
Токи сен кўрқувдан ёмон ишни қилмагин.)

Онҳазрат саллаллоҳу алайҳи ва саллам: *«Илм иккидир, бири қалб илми ва бу фойдали илмдир»* деб айтган фойда келтирувчи илм шу илмдир. Аллоҳнинг илми (13а) амалларга нисбатан афзалдир, агар бу илм бўлмаса, амалнинг унчалик эътибори йўқ. (Ҳадисда айტიлади): *«Илм билан бўлган озгина амал ҳам фойда келтиради, нодонлик билан бўлган кўпгина амал фойда келтирмайди»*. Бошқа бир жойда буюрадилар: *«Кимки билганига амал қилса, Аллоҳ таъоло билмаган илмини ҳам билдиради»*. Ҳазрати Мавлавий, сирлари муқаддас бўлсин, (бу ҳақда) буюрадилар. Маснавий:

*Хешро софӣ кун аз авсофи худ,  
То бубинӣ зоти поки софи худ.  
Дар дилат бинӣ улуми анбиё,  
Бе муфиду бе китобу усто.  
(Ўз сифатларингдан ўзингни соф қил,  
Шунда ўз покиза зотингни кўрасан.  
Дилингда анбиёлар илмини,  
Дарссиз, китобсиз, устодсиз кўрасан.)*

Ҳақ субҳонаҳудан хавф ва кўрқинч сифатлари шундай илм билан ҳосил бўлади ва: *«Уламо бандалар, албатта, Аллоҳдан кўрқади»* (оят)га олим бўлади. Шунда жаннат, яқинлик, висол ва Малики Мутаъол (Аллоҳ)нинг ризолик мукофотини топадики, Аллоҳ сўзи: *«Парвардигорнинг ҳузурда уларнинг мукофот-лари - остидан анҳорлар оқиб турадиган ва абадий унда бўладиган жойдир. Аллоҳ улардан рози бўлур, улар ҳам Аллоҳдан рози бўлурлар, бу саодат Парвардигоридан кўрқадиган кишигадур»*. (Куръон, 98/8).

Демак, толиб тавба ва инobatдан сўнг доимо ўзи дилининг кузатувчиси бўлиши керак, холий жойда ҳам, гавжум жойда ҳам, ошкоро ва махфий ишларда ҳам Худойи таъолони доимо хабардор деб билиши лозим. Унинг таваккули ва ўзни топшириши Жаноби Ҳақ субҳонаҳуга бўлиши керак. Шунда: *«Кимки Аллоҳга таваккул қилса, бас унга кифоя қилур, батаҳқиқ Аллоҳ ўз ишини тамом қилгувчидир, батаҳқиқ Аллоҳ ҳар бир нарсага*



**бир андоза муқаррар қилгандир»** (Қуръон, 65/3) (ояти)дан натижа топади, ҳеч (136)қачон ўзининг кучи ва қувватини орада кўрмайди, Ҳақ субҳонаҳу ва таъолонинг парвардигорлиги ҳақида «Ҳа» деб берган аҳдга вафо қилади, ўз тарбияти ва ўзганинг тарбияти билан машғул бўлмайди. Демак, Худойи таъоло ўзининг лутфи ва каромати билан: «Тамом қилинглр Менга берган аҳдларингни, Мен ҳам тамом қилурман». (Қуръон, 2/40). Башорати билан унга тарбият етказади. Маснавий:

**Чунки дар аҳди Худо кардӣ вафо,  
Аз карам аҳдат ниғаҳдорад Худо.  
Кӯш бар «уфув би аҳдий» гӯш дор,  
То-ки «уфу би аҳдикум» ояд зи ёр.**  
(Агар Худога берган аҳдингга вафо қилсанг,  
Ўз карамидан сенинг аҳдингни ҳам сақлайди.  
«Аҳдимга вафо қилинг»ни бажаришга интиқ,  
«Аҳдингизга вафо қиламан»ни дўстдан эшитасан.)

Ҳадиси шарифда: «Аллоҳнинг Парвардигор эканига рози одам иймон завқини тотади» дейилади. Ҳазрати Мавлавийнинг «Маснавий»сида айтилади:

**Лутти иймон луқмайи зифт аст ҳавл,  
Эй қаноат карда аз иймон ба қавл.  
Тоза кун иймон на аз гуфти забон,  
Эй ҳаворо тоза карда дар ниҳон.  
То ҳаво тозаст, иймон тоза нест,  
Ин ҳаво жуз қуфли он дарвоза нест.**  
(Қуруқ иймоннинг ўзи қўрқинчли зифт луқмасидир,  
Эй иймонга сўз билан қаноат қилувчи одам.  
Иймонни тил сўзи билан янги қилма,  
Эй ҳавасни яширин янгилаган одам.  
Ҳавас тоза экан иймон тоза бўлмайди,  
Бу ҳаво ўша дарвозанинг қулфидан ўзга нарса эмас.)

Тўлиқ жидду ҳаракат ва сўзсиз жаҳд эга бўлиш билан васвасалар, хаёллар, фикрлар ва шубҳаларни дилнинг метин қалъасига жойлаштирамасинлар ва уларни йўқотиш учун кучли ҳаракат кўрсатсинлар. Дил саҳнини ва жон бисотини Султоннинг

илтифот назари ва шарафи учун мусаффо ва тоза қилсинлар.  
Маснавий:

*Хин, мууроқиб бош, гар дил боядат,  
К-аз пайи ҳар феъл чизе зоядат.  
В-ар аз ин афзун туру қиймат бувад,  
Аз мууроқиб кор болотар шавад.*

(Кел, агар сенга дил керак бўлса, уни кузатувчи бўл,  
Ҳар қандай феъл ортидан бирор нарса туғилади.  
Агар бундан қийматлироқ нарса кўпайсин десанг,  
Кузатишдан ишинг янада юқори бўлади.)

(14a)Барча ҳиммат ва барча интилишни мана шунга сарфласа, ўзини тўлиғича бу машғулликда кўради: «Кимки Аллоҳнинг битта ғамида бўлса, Аллоҳ унинг бошқа ғамларида ҳимоя қилувчидир».

Бошланишда, исми зот сифатига машғулликда, мууроқабани риоя этмоқ лозим ва фойдалироқдир. Шайх Ҳазрати Кабирнинг, унга Аллоҳнинг раҳмати бўлсин, ихтиёрлари шундайдир. Моҳирона машғуллик билан зиёдалик ошади. Хожа Алоуддин Аттор ҳам, Аллоҳ қабрларини муаттар қилсин, шу тариқа буюриб эдиларки, нафйу исбот орқали бўлган мууроқаба аъло ва мақсадга яқиндир. Мууроқаба йўли орқали малак ва малакут тасарруфи ва бошқариш мартабасига етиш мумкин. Фикрларга йўл топиш, меҳр назари билан қараш, бировнинг ботинини мунаввар қилиш доимий мууроқабдан ҳосил бўлади. Ҳар кимда доимий мууроқаба ҳосил бўлса маъаллоҳ ҳузури муяссар бўлади. Шу пайтда илм ул-йақиннинг ҳақиқати билинади. Дил мууроқабага доимий машғуллик воситаси билан башариятнинг кир ва ифлослигидан, чунончи, кибр, адоват, бахиллик, ҳасад, дунё муҳаббати, амал муҳаббати ва бошқалардан покланади, ёмон сифатлар ва ёқимсиз хулқлардан тозаланади. Шунда у Ҳақ таъолонинг иноят назари ва жазбасига лойиқ бўладиги, (ҳадисда айтилади): «*Ҳақ таъолонинг жазба-ларидан бўлган бир жазба жин ва одамзотнинг амалларига баробардир*». Шунда тажаллий асарлари зоҳир бўлади.

Шайх Фаридиддин Аттор, сирлари муқаддас бўлсин, «Мантиқ ут-тайр»нинг «Талаб водийси» фаслида буюрадилар:

*Чун дили ту пок гардад аз сифот,  
Тофтан гирад зи Ҳазрат нури зот.*

(146) (Сенинг дилинг сифатлардан пок бўлганда,  
Хазрати Ҳакдан зот нури нур соча бошлайди.)

Илоҳий иноят унинг учун ато қилинган, чексиз нурлар эшити унинг юзига очилган, жамолининг ниқоби бўлган жаллолият сифати унга тажаллий қила бошлайди ва ашёларни унинг назаридан йўқ ва пинҳон қилади, биринчи жазб ва таъсирдаёқ унинг вужудидан бошқа нарсаларни фоний ва йўққа айлантиради. Бу тажаллий юқори оламдан зоҳир бўлган, солиқ шундай хаёл қиладики, бу тажаллий айни унинг қидирганидир ва унга етишиш учун қаттиқ жаҳд қилади, барқарор туради ва мақсудини ҳосил қилмоқчи бўлади. Бу Илоҳий тажаллийга мушарраф бўлган, энди бу айни мақсад эмаслигини кўради, бетоқат бўлади ва сабрсизлик кўрсатади:

*Бас талаб гардад зи муштоқийи теи,  
Журъае менъшад аз соқийи теи.  
(Ўз муштоқлиги билан талабда бўлган,  
Ўз соқийсидан қулгум май ичади.)*

Унинг ишқу муҳаббати туғён уради, ўзини чегарасиз саҳрода, хиргоҳ ичида, қайси тарафдан дарича очилиши ва ҳақиқий маҳбуб жилва қилишига мунтазир ҳолда ўтиргандек кўради. Хожа Алоуддин Аттор, қабрлари муаттар бўлсин, буюрадиларки, солиқнинг кўзига ашёларнинг пинҳон бўлишини фано деб номлаганлар. Баъзилар уни «жамъи аввал» деганлар. Мавлавий, сирлари муқаддас бўлсин, буюрадилар:

*Авалло бишнава, ки ман мондам зи шаст,  
Авалло охир зи пешо ман бишаст.  
(Авалло, эшиттинки, ўқ отишдан қолганимда,  
Авалл ҳам, охир ҳам ҳузуримдан қочди.)*

(15a) Шайх Абу Саъид Ҳаззо, сирлари муқаддас бўлсин, айтадилар: Уни излардим, аммо ўзимни топардим. Бу ҳолни зикр дейдилар, сабаби шуки, солиқнинг вужудидан ўзга ҳеч нарса қолмайди, у қайси томонга қараса, бепоён нурни кўради, унда эса ўзини топади. Шунинг учун айтадилар: «Маҳбуб аввал ўз муҳаббига ойна бўлади». Шу ерда илм ул-йақин даражасини қабул

қилади, Ҳақ таъолонинг сифатлари ва зотини танишни илми йақин орқали ҳосил қилади, Аллоҳ жамолининг мушоҳадаси тез орада муяссар бўлишига кўз тикади ва айни йақин зуҳурга келади, иншааллоҳу таъоло».

Мавлавий Жомий, уларга Аллоҳнинг раҳмати бўлсин, айта-дилар: «Илм ул-йақин оловга кўзни юмиб қараш илмидир. Айн ул-йақин оловга кўзни очиб қараш илмидир. Ҳаққ ул-йақин, билгинки, олов ичига кириш ва йўқ бўлишдир, чунончи оловнинг сифатлари унда содир бўлади».

Нахшабий, уларга Аллоҳнинг раҳмати бўлсин, айтадилар: «Тариқат илмининг истилоҳларидан бири муҳозара, мушоҳада ва мукошафадир. Муҳозара талвин арбобларининг ҳамда илм ул-йақин аҳлининг ҳақидир. Мушоҳада талвин арбоблари ва тамкин асҳоблари орасидаги амр (ип) ҳамда айн ул-йақин аҳлининг ҳақидир. Мукошафа тамкин асҳобларининг ҳақи ҳамда ҳаққ ул-йақин аҳлининг ҳақидир».

Шайх ул-имом ва фахр ул-ислом Алий ал-Паздавий айтадилар: «Улуғ Қуръонда Ҳақ таъоло йақинни уч йўсинда зикр қилган. Булар илм ул-йақин, айн ул-йақин ва Ҳаққ ул-йақиндир. Илм ул-йақин фикр ва назардан ҳосил бўлади. Айн ул-йақин аёндан ҳосил бўлади. Ҳаққ ул-йақин икковининг кўшилишидан ҳосил бўлади».

(156)Нахшабий айтадилар: «Илм ул-йақин назар ва далил йўли билан ҳосил бўлади. Айн ул-йақин кашф ва иноят орқали ҳосил бўлади. Ҳаққ ул-йақин мушоҳада ҳамда ёмон нарсалардан узоқ бўлиш орқали ҳосил бўлади. Иккинчиси биринчисидан кучлироқ ва учинчиси иккинчисидан қувватлироқдир».

## УЧИНЧИ ФАСЛ - АЙН УЛ-ЙАҚИН ТАЪЙИНИ ВА УНИ ТАҲҚИҚ ҚИЛУВЧИЛАР БАЁНИДА

Билгинки, Ҳазрати Зу-л-Мажид ва Жалолнинг тугал буюклик ва юксаклиги, Жаноби Малик ул-Мутаъолнинг иззат ва қарори - оламни жаҳон ичра ҳайронликка ташламоқни ва жаҳонни эса нодонлик оламида хайра қилмоқни, минглаб-минглаб халойиқу бандаларни куфр ва зулматободда саросима ва саргардон қилмоқни тақозо этди, инсон ва жинлар синфидан неча минглаб гуруҳни адашув ва жаҳолат саҳросида ташна ҳолда ҳалок этмоқни иқтизо қилди. Бу билан ҳидоят шарбатини уларнинг жон оғизларига, иноят оламининг насимини уларнинг жон машомига етқизмоқни кўзлади ва маърифат ҳамда ийқон қадаҳидан уларга тоттирди. Улардан баъзилариисмлар, сифатлар ва тавҳид илмидан вожиб ул-вужуднинг вужудини тасдиқи бобида назар ва истидлол йўли орқали имкони борича қаноат қилдилар, ундан насиба олдилар ва шод бўлдилар. Бир қанчалари янада тараққий қилиш учун Илоҳий амрларни бажариш, қайтарганларидан қочип ва бошқа ёқимли ишларни амалга оширишда қаттиқ ҳаракатни ишга солдилар. Кучли жидду (1ба)жаҳдни илмни зиёда қилишга баҳшида қилиб, дил софлигини ва руҳ поклигини ҳосил қилдилар, тан темирини кучли риёзат орқали сайқалладилар. Чунончи, бу ҳақда айтадилар:

*Гар тани хоки гализу тира аст,  
Сайқалаш кун з-он ки сайқалгира аст.  
Ҳамчу охан гарчи тираҳайкали,  
Сайқали кун, сайқали кун, сайқали.  
(Тупроқ тана гарчи қўпол ва қора бўлса ҳам,  
Унга сайқал бер, у сайқални қабул қилувчидир.  
У темир каби қора танли бўлса-да,  
Сайқал бер, сайқал бер, сайқал бер.)*

(Улар сайқал билан) Илоҳий файзга лойиқ бўлганлар. Ҳақ субҳонаху уларнинг орасидан баъзиларининг дилига Жалолийат сифати билан нур тараб, оламни уларнинг назарида нурлар билан лиммо-лим қилган, вужудидан ташқари барча ашени маҳв ва фоний қилган. Улар интизор ҳолда ғайб пардасидан қандай иш

зухурга келиши ва лорайб саропардасидан қандай ишорат юз беришини кутиб ўтирганлар. Жалоллийат зулмати остида ҳайрон бўлган бир қанча вақтлар ҳам бўлади. Ногоҳ раҳм эгаси бўлган Ҳазрати Худованд ўзининг эҳсон ва инояти орқали баён илми оламининг сарҳадидан аён ва ирфон мамлакатига етқизади ва У Мусо каби Жалол ва садоқатнинг зимистон тунида талаб водийсида саргашта, рангсиз олам водийсида саросима бўлган одамни нурлар чақини орқали ўзига тортади: *«Вақтихи бу муборак мақомда ул майдоннинг ўнг тарафидан олов унинг қошига келди, дарахтдан: «Эй Мусо, мен бутун оламнинг Парвардигори-ман» деган овоз келди»*. (Қуръон, 28/30).

(Аллоҳ) унинг вужуд дарахтидан унга нидо қилади ва ўз жамолини аён қилади. У ўзига назар ташлаганда маҳбубини мушоҳада қилади, мақсудни ўзида кўради ва ўзини айни матлуб ҳис этади. Мансур каби «Ана-л-Ҳақ» садосини баланд қилади, «инний (166)аналлоҳ» жанжалини кўтаради. «Гулшани роз» китобининг муаллифи, сирлари муқаддас бўлсин, айтади:

*Даро дар Водийи Айманки ногоҳ,  
Дарахте гўядат «Инний аналлоҳ».  
Раво бошад «аналлоҳ» аз дарахте,  
Чаро набвад раво аз нежбахте.*

(Айман водийсида бир дарахт,  
Ногоҳон «Инний аналлоҳ» дейди.  
Дарахтга «Инний аналлоҳ» дейиш раво бўлса,  
Нега бахтиёр бир одамга раво бўлмас экан?!)

Шу ерда: «Икки оламда мендан ўзга борми?» наъраси кўтари-лади ва жоннинг жаҳонига: «Менинг жуббамда Аллоҳдан ўзга йўқ» овозасини ташлайди. Аҳмад Румий, сирлари муқаддас бўлсин, айтади:

*Он яке о ки гуфт биллоҳи-л-Азийм,  
Рост мегўям «би Раҳмон ир-Раҳийм».  
Нест андар жуббаам гайри Худо,  
Чанд жўйи дар замину дар само.*

(Ўша бири Улуғ Худо номи билан қасам ичаман,  
Раҳмон ур-Раҳийм билан рост айтаман, дейди.  
Жуббам остида Худодан ўзга йўқ,  
Қачонгача уни еру осмондан қидирасан?)

Бу ҳолат ва мартабани баъзи машойихлар, Аллоҳ уларнинг сирларини муқаддас қилсин, «*жамъ ул-жамъ*» деб номлаганлар. Хожа Алоуддин Аттор, Аллоҳ қабрини муаттар қилсин, айтганлар ва Шайх Абу Саъид Ҳаззо, сирлари муқаддас бўлсин, буюрганларки, энди ўзимни қидираман ва уни топаман.

Мана шу вақт ҳақида Мавлавий буюрадилар:

*Сониён, бишнава ки, эй садри вадуд,  
Ки баса жустам туру, сонӣ набуд.  
(Иккинчидан, эй дўст, эшитгинки,  
Сени кўп қидирдим, бироқ иккинчи йўқ эди.)*

Ва бу мақом айн ул-йақиннинг бидояти (бошланиши)дир. Шу ерда илм ул-йақин, айн ул-йақин ва Ҳаққ ул-йақинни бир-биридан фарқлаш учун мисол асосида бироз баён қилинади, токи Аллоҳ таъоло инояти билан ҳар кимга ундан осонлик билан ўтиш муяссар бўлсин.

(17а)Билгинки, оловнинг моҳияти - нуроний ва латиф бир нарсадир. Оловни ташқаридан кўз билан кўриб, бу ҳақда билим ҳосил қилиш илм ул-йақин бўлади. Агар оловда куйса ва оловга айланишга яқин ҳолатта келса, чунончи бу ҳақда айтадилар:

*Зоташ аз айнат йақин шуд, на зи сугун,  
Пухтайи чу дар йақин манзил макун.  
(Зоти сўздан эмас, айнингдан йақин бўлди,  
Агар пишган бўлсанг, йақинда манзил тутма.)*

Бироқ бу куйиш шу даражада бўладикки, унинг вужуди оловдек қизиқ бўлса-да, аммо аввалги шаклида қолади, йўқ бўлиб кетмайди, бу айн ул-йақин бўлади.

Бу шакл солиқнинг кўзидан бутунлай йўқ бўлса, чунончи, айтадилар:

*Ҳолик ояд пеши важҳаш ҳасту нест.  
(Бору йўқ юзи олдида ҳалок бўлади.)*

Яъни, биринчи ва иккинчи вужуд ва олов (қўшилиб) топ-тоза бўлади, гўё асл оловда бўлади ва бу ҳаққ ул-йақиндир. Зоҳирда бу сифатта айланиш, жумладан, мум мисолида яхшироқ

тушунилади. Мум зулматли ва қора бир жисмдир, оловга яқинлашгач, иссиқ шамга айланади, бироқ унда мумлик шакли сақланиб қолади. Шамлик сифатидан чиққанда ва осмонга кўтарилганда эса кўриниш ва жисмликлдан чиқиб, нурга айланади. Аввалги шакл ва кўринишдан барча сифатлари ва зотида пок бўлади, оловга яқинлашиш билан ўз аслидан пок ва бенишон бўлади. Бу мисол ҳам ноқисдир, негаки оловнинг мавжудлик ҳақиқати ундан ўзгададир. Мавлавий Румий, сирлари муқаддас бўлсин, айтадилар:

*Шамъ чун дар нор шуд кулли фано,  
Не асар бинӣ зи шамъу не зиё.  
Ҳаст андар дафъи зулмат ошкор,  
Оташи сурат ба муме пойдор.  
Бар хилофи муму шамъи жисм к-он,  
То шавад гум, гардад афзун нури жон.*

- (176) *Ин шуъоғи боқию он фонияст,  
Шамъи жонро шўғлаи Раббонияст.  
(Шамъ оловда бутунлай йўқ бўлгач,  
Шамъдан на асар кўрасан ва на зиё.  
У зулматни йўқ қилаётганда,  
Мумда оловлик суврат боқий бўлади.  
Шам бутунлай куйиб битиб,  
У бутунлай нурга айланади.  
Бу нур боқий, у эса фонийдир,  
Жон шамъида Раббоний шуъла бўлади.)*

Ва бу бенишонлик мақоми бўлиб, сўфийларнинг китобларида кўп зикр қилинган. Агар уламоларнинг ҳаққ ул-йақин ҳақида ёзганларига яхшилаб назар солсанг, аини айн ул-йақин эканини кўрасан. Ҳаққ ул-йақиннинг ҳақиқати ўз жойида батафсил баён қилинади, иншааллоҳу таъоло.

Айн ул-йақин ниҳояти шундан иборатки, ўзида кўрган нарсани ўзидан ташқаридаги ашёларда ҳам мушоҳада қилади. Баъзиларига вужудий тавҳид (тавҳиди вужудий) рўй беради, барча нарсани аини У каби кўради ва ягона зот деб билади. Чунончи, Шайх Муҳйиддин Арабий, сирлари муқаддас бўлсин, бу тоифанинг улуғи ва ваҳдати вужуднинг сархайли эдилар, ўз тасбиҳида айтар эдилар: «Субҳона, кимики бу ашёларни зоҳир қилибди, аини Унинг ўзидир».



Ҳазрати Мавлавий, сирлари муқаддас бўлсин, учинчи даража ҳақида буюрадилар:

*Солисан то аз ту берун рафтаам,  
Гўйиё солис салоса гуфтаам.  
(Учинчидан то сендан чиқиб кетмагунча,  
Гўё «солис салоса» (учнинг бири) деган эканман.)<sup>1</sup>*

Ва бу ҳолат ҳолнинг ўртасидадир, ҳануз у иллатлидир, унинг кўзи гилайдир. Маснавий:

*Чашм каж кардию дидй курси мох,  
Ин саволат дар назар дар иштибох.  
Рост гардон чашмро дар мохтоб,  
То яке бинй ту махро як жавоб.*  
(18а) *Фикратат каж, каж мабин, некй нигар,  
Ҳаст он фикрат шуъози он гуҳар.  
(Думалоқ ойни кўзингни эгри қилиб кўрдинг,  
Бу ишинг назарда адашувдир.  
Ойни кўришда кўзингни тўғри қил,  
Ойни битта кўрасан, жавобни ҳам битта.  
Фикринг эGRIDир, эгри боқма, яхшилаб қара,  
Бу фикринг ўша гавҳарнинг нуридир.)*

Шайх Фаридиддин Аттор, сирлари муқаддас бўлсин, айтадиларки, ашёда зоҳир бўлган ҳар бир нарса Илоҳий Зотнинг партави бўлиб, мавжудотни солиқнинг назаридан яшириб туради ва уларни бир-биридан фарқлашнинг мажоли қолмайди. Бас, албатта, солиқ бу жойда ниманики кўрса, барчаси Удир, дейди: «Мантиқ ут-тайр» китобида айтилади:

*Ҳар либосе к-он ба сахро омадаст,  
Соля Симури зебо омадаст.  
В-ар туру Симури бинможд жамол,  
Сояро Симури бинй дар мисол.*

---

<sup>1</sup> Шаксиз, кофир бўлдилар ул одамларики, дедилар: «Аллоҳ учнинг бири-дур» (Куръон, 5/73).

Гар хама Симурғи чил мурғ буд,  
 Ҳарчи дидӣ сояи Симурғ буд.  
 Соя аз Симурғ чун набвад жудо,  
 Гар жудо гӯйи аз ӯ набвад раво.  
 Ҳар ду чун ҳастанд бо ҳам боз жӯй,  
 Даргузар аз соя, он гаҳ роз жӯй.  
 Гар ту гум гаштӣ чунин дар сояе,  
 Кай зи Симурғат расад сармояе.  
 Гар туро пайдо шавад як фатҳи боб,  
 Дар даруни соя бинӣ офтоб.  
 Соя дар хуршед гум бинӣ, мудом,  
 Худ хама хуршед бинӣ, вассалом.  
 (Сахрога келган ҳар бир либос,  
 Симурғ соясидек чиройли бўлибди.  
 Агар сенга Симурғ жамолини кӯрсатса,  
 Сояни Симурғ деб ўйлайсан.  
 Симурғ аслида қирқта қуш бўлиб,  
 Нимаики кӯрсанг, Симурғнинг соясидир.  
 Соя Симурғдан жудо бўлмайди,  
 Агар жудо бўлади десанг, раво бўлмайди.  
 Ҳар иккови бир-бирини қидирувчидир,  
 Сен соядан ўт ва сир қидирувчи бўл.  
 Соя ичида йўқ бўлсанг,  
 Қачон сенга Симурғдан сармоя етади?  
 Агар сен учун битта фатҳ эшиги очилса,  
 Соя ичида қуёшни кӯрасан.  
 Қуёшда мудом сояни йўқлигини кӯрасан,  
 Фақат қуёшнинг ўзинигина кӯрасан, вассалом.)

Ҳазрати Мавлавий, сирлари муқаддас бўлсин, бу  
 мақомда тўхтаб қолганларга хитоб ва итоб қилиб айтадилар.  
 Маснавий:

Сояро ту шахс мебинӣ зи жаҳл,  
 Шахс аз он шуд пеши ту бозийи сахл.  
 Бош, то рӯзе ки он фикру хаёл,  
 Баркушояд бе ҳижобе парру бол.  
 Қуҳро бинӣ шуда чун пашм нарм,  
 Нест гашта ин замини сарду гарм.  
 (186) Не само бинӣ, на ахтар, на вуҷуд,  
 Жуз Худойи Воҳиду Ҳаййу Вадуд.

(Сен билимсизликдан сояни шахс каби кўрасан,  
У сенинг наздингда ўйин бўлгани учун шахс бўлиб  
кўринади.

Шундай бўлки, ўша фикру хаёл бир куни,  
Хижобсиз қаноту парини учишга очсин.  
Кўриб турган тоғларинг юндек юмшоқ бўлди,  
Бу иссиқ-совуқ ер йўқ бўлди.  
На осмони, на юлдузни, на вужудни кўрасан,  
Воҳид, Хай ва Вадуд сифатли Аллоҳдан ўзгани кўрмайсан.)

Машойихларнинг кўплари буни «*мо хува-л-воқиъ*» деб ўйлаганлар ва бундан роҳат олиб, тараққий қилишдан тўхтаб қолганлар, аслида улар айтгандек эмасдир. Ҳақ субҳонаху бундай сифатлардан покдир. Худойи таъолони ҳар қандай ёқимсиз нарсага нисбат бериш нолайиқдир. Унга нисбатан бундай беҳуда ва тузсиз нарса бу сўз аҳли учун хатарга тушиш жойидир.

Мавлавий Жомий, сирлари муқаддас бўлсин, «Нафаҳот» китоб-ларида Шайх Алоуддин Симнонийнинг тавҳид аҳлига нисбатан айтган сўзларини келтиришларича, кимки вужуднинг вожиблигига ишонмаса, у ҳақиқий кофирдир. Кимки Унинг ваҳдониятига ишонмаса, у ҳақиқий мушрикдир. Кимки Унинг барча нарсадан муназзаҳ эканига ишонмаса, у ҳақиқий золимдир, чунки у Унинг тугал муқаддаслигига лойиқ бўлмаган нарсага нисбат берган бўлади. Зулм эса нарсани ўз жойига қўя билмасликдир. Шунинг учун ҳам, Аллоҳу таъоло ўзининг Қаломи мажидида уларни лаънатлайди: «*Эшитинг, Аллоҳнинг лаънати золимларга бўлсин*». (Қуръон, 11/18). Ҳақ субҳонаху ва таъоло жоҳиллар қилган тавсифлардан покдир.

Бошқа томондан бу маънода тақлид ёки гумон билан бу каби қабих сўз юз берса, албатта, бу фисқдир ва унда кофирлик хавфи бор, бу нарсага қарши Аллоҳдан паноҳ тилаймиз. Демак, Аллоҳнинг етишган яқинлари бўлган уламолар очиқ мушоҳада қилган ва Аллоҳ билдирган баъзи сирларни зуҳурга келтирган нарсаларни сўфийларнинг (19а) китобларидан ўқиб олиб, кўрқмасдан гапирмасликлари ва ўзларини ҳалокат чоҳига ташламасликлари керак, хусусан, улар талвин аҳли ва мутаваассит.

«Гулшани роз» муаллифи, унга Аллоҳнинг раҳмати бўлсин, буюрадилар:

*Вале то бо худӣ зинҳор, зинҳор,  
Ибороти шариатро нигах дор.  
Ки рухсат аҳли дилро дар се ҳолат,  
Фанову сукр, бас он гаҳ далолат.  
Ҳар он кас к-ӯ шиносад ин се ҳолат,  
Бидонад вазъи алфози далолат.  
Ту ро гар нест аҳволи мавоҷид,  
Машав кофир ба нодонӣ зи тақлид.  
(Агар ўзингда то ҳушинг бор экан,  
Шариат амрларини яхши асрагин.  
Авлиёларга рухсат уч ҳолда:  
Фанода, сукрда, сўнг далолатда.  
Ҳар ким бу уч ҳолатни билса,  
Далолат сўзларининг вазиятини билади.  
Агар сенда авлиёлар ҳоли бўлмаса,  
Нодонлик туфайли тақлид қилиб, кофир бўлма.)*

Тариқат ҳақида сўз айтишни мукошафа ва мушоҳада мақомининг ниҳоятига етгандагина дуруст ва раво деб билганлар. Бошқалар эса тахминий эътиқод ва чегарасиз ўзбилармонлик ёки ўзларини халойиққа дарвиш ва ориф қилиб кўрсатиб, вуқуф ва довишманд аҳли сифатида кўз-кўз қилиб, риё бозорида динни дунёга алишпирганларки, бундай мато тез орада касод бўлғусидир ва уларнинг савдоси фасод, бозорларининг равнақи эса тўла поймол бўлажак.

Энди эса асл сўзга қайтайлик. Вақтики тавҳиди вужудий соликка юз кўрсатганда ва Ҳақ таъоло ҳар кимга Ҳай, Қаййум сифати билан тажаллий буюрганда, бу тажаллий ҳаргиз пинҳон бўлмайди ва доимо унинг ботинида тулуъ қилиб туради. Гарчи солиқнинг вужуди бошқа исмлар ва сифатлар воситаси билан ҳар соатда йўқ бўлиб турса-да, яна (196)бошқатдан нуроний борлиқни пайдо қилиб туради. Маснавий:

*Ҳамчунин то сад ҳазорон ҳастихо,  
Баъди якдигар давом бех, з-ибтидо.  
(Шу каби юз минглаб борлиқлар,  
Бир-биридан сўнг аввалгисидан яхшироқ ҳолда бор  
бўлиб туради.)*

Улухдийат тажаллийси билан унинг вужуди, феъллари, исмлари ва сифатларининг ҳаммаси йўқ бўлади, чунончи, Ҳазрати Мавлавий буюрадилар:

*Хум шикасту об аз ӯ норехта,  
Сад дурусти з-ин шикаст ангехта.  
Жузв-жузви хум ба рақс асту ба ҳол,  
Ақли жузвиро намуда ин маҳол.  
Не сабӯ пайдо дар ин ҳолат, на об,  
Хуш бубин, валлоҳу аълам би-с-савоб.  
Чун дари маъни занӣ, бозат кунанд,  
Парри фикрат зан ки шаҳбозат кунанд.  
(Хум синди-ю, сув эса тўкилмаган,  
Бу синиш юзта дурустликни кўзгайди.  
Хумнинг бўлак-бўлаклари рақсга тушади,  
Ақли жузвий учун бу маҳол кўринади.  
Бу ҳолатда кўза ҳам, сув ҳам кўринмайди,  
Яхшилаб қара, валлоҳу аълам би-с-савоб.  
Агар маъни эшигини қоқсанг, сен учун очадилар,  
Агар фикр қанотини қоқсанг, сени шаҳбоз бургутта  
айлантирадилар.)*

Бу ҳолда «фоний филлоҳ» юз беради, ҳаққ ул-йақинда ва фақр фаносида йўқ бўлиб кетади. Шайх Абусаъид Абулхайрда, сирлари муқаддас бўлсин, Ҳаййи Қаййум тажаллийси юз берган эди. У устод Абу Али Даққоқдан: «Бу ҳодиса давомли бўладими?» - деб сўрадилар. Устод унга: «Йўқ» деб жавоб бердилар. Сўнг Шайх бошини қуйи солиб, бироздан сўнг бошини кўтариб: «Ҳа, бу давомли бўлади» - дедилар. Устод: «Йўқ, агар бўлса, бу нодир бўлади» - дедилар. Шайх қўлларини қўлларига уриб: «Бу ўша нодирлардандир ва камдан-кам одамга бу шараф насиба этади, бошқаларга эса васл ва йўқ бўлиш юз кўрсатади, гоҳида тажаллий бўлади ва гоҳида у пинҳон бўлади», - дедилар.

Маснавий:

*Аз ваболи ризқи маҳруме баро,  
Дар жаҳони Ҳаййи Қаййуми даро.  
То намебинам ҳама бинам шавад,  
(20а) В-он надонамхот медонам шавад.*

(Гуноҳлардан маҳрумлик сари чиқ,  
Ҳай ва Қаййум жаҳонига кир.  
«Кўрмайман» дейишинг «кўраман»га айланади,  
«Билмайман» дейишинг «биламан»га айланади.)

Бошқа баъзиларда *айн ул-йақин*нинг фарқларида «*тавҳиди шухудий*» юз беради, чунончи, улар дунё ашёларида Илоҳий Зотни мушоҳада қиладилар. Ун саккиз минг олам уларнинг назарида оина каби бўлади ва Илоҳий нур билан сайқал топади, қайси нарсага қарасалар, Уни кўрадилар, қайси заррага назар ташласалар, Ҳақни мушоҳада қиладилар. Ва улар шу ерда: «Қайси нарсани кўрмайлик, унда Уни кўрамиз» сўзларини айтувчи бўладилар. Ҳазрати Шайх Фаридиддин Аттор, сирлари муқаддас бўлсин, («Мантиқ ут-тайр»нинг) «*Маърифат водийси*» бобида «тавҳиди шухудий»ни куйидагича баён қилади:

*Ҳар чи бинад рўйи ӯ бинад мудом,  
Зарра-зарра кўйи ӯ бинад мудом.  
Сад ҳазор асрор дар зери ниқоб,  
Рўй мебинмоядаш чун офтоб.  
Сад ҳазорон мард кам гардад мудом,  
То яке асрорбин гардад тамом.  
(Нимани кўрса мудом Унинг юзини кўради,  
Зарраларни Унинг куйи каби кўради.  
Ниқоб остида юз минглаб сирлар,  
Қуёш каби унга юзини кўрсатади.  
Юз минглаб кишилар мудом йўқ бўлиб,  
Улардан биттаси сирларни тўла билувчи бўлади.)*

Ва шухуддаги *айн ул-йақин* мана шудир. Барча солиқлар тавҳид денгизида, хоҳ у шухудий бўлсин, хоҳ вужудий, ҳалокдурлар ва ҳаммаси маҳву мустағрақ бўлгандирлар, фақат биттасинигина замоннинг бирор асри ва қарнида соҳилга ташлайдилар ва аҳадият (вахдат) дарёсининг сирларини билувчига айлантирадилар. То шу ергача тавҳид бўлиб, Илоҳий тажаллиёт юз бермаган бўлади ва руҳ ҳамда нафс сайрида у билан бирга бўлади, сулукнинг ҳолатлари ва атворларида у билан ёнма-ён бўлади. Шайх Фаридиддин Аттор, сирлари муқаддас бўлсин, буюрадилар:

(206) *Асб чандоне ки тозад дар шикор,  
Саг дамезад ба ӯ андар қатор.*  
(Овда от қанчалик (яхши) чопмасин,  
Ит ҳам (барибир) у билан қаторда бўлади.)

Ҳазрати Мавлавий Румий, сирлари муқаддас бўлсин,  
буюрадилар:

*Дасти ӯ болойи дастаст, эй фато,  
Дар шабу дар рӯз то донад Худо.*  
(Унинг қўли қўлларнинг устидадир, эй йигит,  
Кечаю-кундузи сени Худо билиб туради.)

Агар Худойи таъоло бирор кишини Зот мушоҳадаси билан сарафроз қилишни истаган бўлса, тавҳид, вужуд ва шуҳудга киришдан умид узмасин ва маҳбубнинг жамолини тажаллийнинг ҳижобисиз мушоҳада қилишга, уни аён кўриш учун жидду жаҳд қилсин, астойдил саъйу ҳаракат қилсин. Аммо бу вақтда солиқнинг кўзига ашёлар нур остида пинҳон бўлади, йўл гўё унга очилмагандек туюлади, матлубнинг жамолидан парда кўтарилмайдигандек кўринади. Нафс гарчи бошида қайсар ва ишонмайдиган бўлса-да, бир неча вақт Ҳақ нури билан ором топиб, унинг зикри билан алоқада бўлиб, ишқ ва ошиқлик муносабатини ҳосил қилиб, тажаллиёт нури (ёмон аҳволига қарши) парда бўлиб, шавку муҳаббат тугён уради, завқ ва иштиёқ ғалаба қилади, сабр ва чидам кетади, шиддат ғалабасидан ҳаяжон ва изтироб ором бермайди. Бетоқатликдан ҳар томонга бош уради, Аллоҳ таъолонинг қандай ва қанақалигига диққат қилади.

(21a) Мана шундай пайтда нафсни ўз ҳолига ташлаб кўйилса, у куфр сари кетади. Ҳар қандай тадбир билан уни бу йўлдан қайтарилса, охири тан беради, ғафлатга сабаб бўладиган нарсадан қайтариб қолинади. Шу маънода Шайх Абу Саъид Ҳаззо, сирлари муқаддас бўлсин, этик тикар ва уни қайта йиртарди. Бу ҳақда сўраганларида: «Нафс мени ўз йўлига солмасдан аввал мен уни ўз йўлимга соламан» - дер эканлар. Худди шу каби азизлардан бири чуқур кавлар ва уни яна тупроқ билан тўлдирар эдилар ва юқоридаги жавобни айтар эдилар.

Шайх ул-Исломи Ҳаравий, сирлари муқаддас бўлсин, буюрадилар: «Бирор киши мени Ҳақ субҳонаҳу ва таъолодан ғофил

қилса, гуноҳлари афу этилишига умид қилинади». Нафсининг кучайиши ва ғалабасида бундай сўзлар ва ишлар дарвишлардан кўп содир бўлган, бироқ бирорта шир бунинг баенини қилмаган ва пинҳон тутганлар. Биз эса уни баён қилишга мажбур ва ночор бўлдик, сабаби шуки, Имоми Раббоний ўз вақтида зуҳур қилиб, уларнинг йўли ва сўзлари халққа манзур ва одамлар унинг йўлини ихтиёр қилувчи бўлган эдилар. Улар: «Башариятнинг вужудини гафлат эгаллашдадир» - деган эдилар. Улар ўтмиш машойихларини қоралаб: «Ишларининг ниҳояти фано ва йўқ бўлишдир, мушоҳадани ҳам гирифторлик деб биладилар. Улардан баъзилари айтадилар: «Асло мавжуд бўлмайдиган йўқликни хоҳлайман» - дейдилар. Улар муҳаббатнинг (206) қурбонларидирлар. «Ким мени ўлдирса, унинг товонини бераман» сўзи уларнинг шаънида айтилган. Улар вужуд юки остидадирлар, улар заррача ором олмайдилар, чунки ором гафлатда бўлади. Доимий ҳалок бўлишда гафлат учун жой йўқ. Шайх ул-Исломи Ҳаравий: «Кимки мени бир соат Ҳақ субҳонаҳудан ғофил қилса, гуноҳлари афу этилишига умид қилинади» деганлари шундандир.

Ҳазрати Шайх Жунайд, сирлари муқаддас бўлсин, буюрадилар: «Бир нафас Ҳақдан ғофил бўлиш оловда тургандан кўра оғирроқдир». Ҳадисда келишича, Расул алайҳи салом: «Мўъмин одамга Аллоҳнинг жамолидан бошқа роҳат йўқ» - дедилар. Яна айтдилар: «Эй бор Худоё, мени бир лаҳза, ҳатто ундан ҳам оз, нафсимга асир қилма». Яна доимий мушоҳадани қидирганлар ва: «Эй ҳайронларни йўлга солувчи, менинг ҳайронлигимни ошир» - деганлар. Улар яна: «Ўлмай туриб, ўлинглар» - деб буюрганлар.

Амир ул-мўъминин Абу Бакр Сиддиқдан, Аллоҳ ундан рози бўлсин, нақл қилиб айтадилар: «Агар кимки ўликни кўрмоқчи бўлса, юрсин ер юзида ва Ибн Абу Қаҳофат олдида борсин» (Ҳадис). Ҳақ субҳонаҳу ва таъоло Расули акрам саллаллоҳу алайҳи ва салламга буюради: «*Ва ёд қилинг (эй ҳабиб), Парвардигорингизни дилингизда зоре қилиб, кўрқиб ва қаттиқ овоздан камроқ овоз билан эрталаб ва шомда ҳам. Ва гафлат ахлидан (22а) бўлманг!*» (Қуръон, 7/205). Муфассирлар «эрталаб» (гадв) ва шом (осол) сўзидан мурод доимий зикр деганлар. Демак, матлуб ва гафлат қачон марғуб бўлсин, ором ва фароғат эса фақат гафлатда бўлади, ваҳоланки, Ҳақ субҳонаҳу ва таъоло буни наҳй қилган. Онҳазрат саллаллоҳу алайҳи ва саллам ундан паноҳ тилаган ва ҳайратни тилаганлар, чунки ҳайратда нафс ҳадиси (сўзи) асло



бўлмайди. Кўз, қулоқ ва тилнинг барчаси кўр ва гунг бўлади ва «*кимки Аллоҳни таниса, тили гунг бўлади*» калимасининг мазмуни унга аён бўлади.

Ҳайрат мақомининг юз бериши шундайки, ҳақиқий маҳбуб солиқнинг басийрат (кўзи) олдидан парда кўтаради ва ўзининг Илоҳийлик жамолини очади, унинг партави остида руҳ, нафс, ақл ва дил фоний ва йўқ бўлади, унинг аввалги вужуди ва борлигидан асар ва нишон ҳам қолмайди. Уни бақога етказганларида ҳақиқий Зотни мушоҳада қилувчи бўлади ва доимий ҳайратда қолади. Мукаммал орифларнинг холи шу даражага етади.

Илоҳо, мустаҳкам фазлинг ва ошкоро караминг билан истеъдодли толибларга ҳаддан ташқари бўлган жамолинг мушоҳадасини насиб айла.

Оламларнинг Парвардигори фазли билан *айн ул-йақин* таъйини ҳақидаги калом ва баён поёнига етди, омин. Расул ул-аминга саломлар бўлсин!

## ТЎРТИНЧИ ФАСЛ - СОЛИКЛАР ДАРАЖАСИНИНГ НИХОЯТИ БЎЛГАН ҲАҚҚ УЛ-ЙАҚИННИНГ ҲАҚИҚАТИ БАЁНИДА

Ўзини танишни ва маърифатига етиш йўлини ожизлик асосига қўйган Аллоҳга ҳамдлар бўлсин! Аллоҳ шундай Зотки, унинг Зотини таниш ва моҳиятини билишга барча (226) ожиздир. Ҳеч ким билишдан дам ура олмайди, Унинг қандай экани ҳақида ҳеч бир одам фикр қилолмайди. Унинг Илоҳийлик денгизи ҳаракатга келган ва ҳақиқат дарёси жунбишга кирган вақтда ориф қандай қилиб тўфон мавжларига қадам қўёлсин ва азал сирлари туғёнида қайси солик ўз вужудини пойдор тута олсин! Бундай пайтда Ҳазрати Зотдан ўзга нарсанинг барчаси йўқ бўлади. «Янги нарса қадим нарсага яқинлашса, ундан асар ҳам қолмайди». Сулук ва ҳол асносида бўлган исмлар ва сифатлар тажаллийси шу пайтгача *офоқ ва анфусда* экан, энди уларни нобуд ва йўқ ҳолда кўради. Рубоий:

*Дар дидаи дида дидхо бинҳодем,  
В-онро ки зирех дид, газо меодем.  
Токи ба сари кўйи камол уфтодем,  
Аз дидаву диданӣ кунун озодем.  
(Дийдамиз кўзига кўз қўйган эдик,  
Кимда совут бўлса, газо берар эдик.  
Камол кўчасига тушганимиздан сўнг,  
Кўз ва кўришдан озод бўлдик.)*

*Айн ул-йақин* мартабасида Парвардигор сифатлари орқали солиқда зотий тажаллий воқе бўлса-да, руҳ тарбият хужрасида ўша ҳолида саломат сақланиб туради. Демак алвон нурлар ва тажаллийётни мушоҳада қилиш мумкин. У *ҳаққ ул-йақин* даражасига етганда ва Илоҳий тажаллийёт муяссар бўлганда руҳ ҳам кам келади, тажаллийёт ва мушоҳадалар бутунлай қолмайди. Рубоий:

*Онро ки фано шеваи фақр ойин аст,  
Не кашфи йақин, на маърифат, на дин аст.  
Рафт ў зи миён, хамин Худо монд Худо,  
«Ал-фақру иза тамма хуваллох» ин аст.*

(Кимдаки фано шевази фақр билан бўлса,  
Бу на йақин, на маърифат, на диндир.  
У ўртадан кетиб, фақат Худо қолади,  
«Фақр охирига етса, шу Худодир» дегани мана шудир.)

(23а) Ҳазрати Шайх Фаридиддин Аттор, сирлари муқаддас бўлсин, «Мантиқ ут-тайр» китобларида **фақру фанони** шундай таърифлайдилар:

**Ҳафтумин водийи фақрасту фано,  
Кай бувад ин жо суҳан гуфтан раво.  
Айни ин води фаромуши бувад,  
Каррию гунгию мадҳуши бувад.**  
(Еттинчи водий - фақру фано водийсидир,  
Бу жойда сўз айтиш қандай раво бўлсин.  
Бу - айни фаромуш қилиш водийсидир,  
Унда фақат карлик, гунглик ва беҳушлик бўлади.)

Илоҳий тажаллий Онҳазрат саллаллоҳу алайҳи ва салламга хос эди ва ҳар бир асрда умматларнинг авлиёларидан, яъни комил ва ҳаққоний уламолардан: **«Менинг умматимнинг уламолари Бани Исроил анбиёлари каби»** ҳадисининг ишорати бўйича, ҳар бири ўтмишдаги бир анбиёнинг, уларга саломлар бўлсин, қадами остида бўладилар ва уларнинг ахлоқларидан насиба оладилар. Валий улуғларидан бири **«кимси бир олимни зиёрат қилса, бас мени зиёрат қилган бўлади»** ҳадисининг башоратича Муҳаммадий ал-машраб бўлади. Чунончи, Мавлавий Румий, сирлари муқаддас бўлсин, буюрадилар:

**Гуфт Пайғамбарки, ҳаст аз умматам,  
К-ў бувад ҳаммашрабу ҳамҳимматам.  
Мар маро з-он нур бинад жонашон,  
Ки ман эшонро ҳамебинам бад-он.**  
(Пайғамбар дедиларки, умматимдан (баъзилари) борки,  
Улар мен билан ҳаммашраб ва ҳамҳиматдир.  
Уларнинг жони ўша нур орқали мени кўради,  
Мен эса у орқали уларни кўраман.)

Онҳазрат саллаллоҳу алайҳи ва салламга эргашиш сабабли ҳамда Худойи таъолонинг хос жазбаси бўлган жазб ва хос тортиши бўлган сайр орқали (ўзига тортади), чунончи, Ҳақ таборак ва таъоло айтади: «*Покдур ул зотики, олиб кетди (ўз) бандаси (Мухаммад)ни кечқурун Хурматли масжиддан Масжиди Ақсога қадар*». (Қуръон, 17/1).

(Шу мазмунда) «Маснавий»да айтилади:

*Инчунин сайрест мустасно зи жинс,*

*К-он фузун аз ижтиҳоди жинну инс.*

(236) *Инчунин жазбест не ҳар жазби омм,*

*Ки ниҳодаш фазли Аҳмад вассалом.*

(Бу шундай сайрки, жинсдан мустаснодир,

Бу жин ва одамнинг ижтиҳодидан ҳам кўпроқдир.

Бу шундай жазбки, ҳамманинг ҳам жазби эмас,

Унинг асоси Аҳмаднинг фазлидир, вассалом.)

Илоҳий Зот тажаллийси илтифотига мушарраф бўлгач, жонни бутунлай қўлдан бой беради, ўзини батамом Ҳазратга, қудрати улуғ ва атолари беҳисоб бўлсин, фидо қилади.

Шайх Фаридиддин Аттор, сирлари муқаддас бўлсин, айтадилар:

*Ки чу мардон ҳоли мардон боядат,*

*Қурби васлат ҳолгардон боядати.*

*Аввал аз ҳис бигзар онгаҳ зи хаёл,*

*В-онгаҳ аз ақл, онгаҳ аз дил ин-т ҳол.*

*Ҳол ҳосил дар миёни жон шавад,*

*Дар миёни жон-т кор осон шавад.*

*Ту зи ин ҳар панж берун омадӣ,*

*Хирқапўши ҳафт гардун омадӣ.*

(Мардлар (авлиёлар)га ўхшаб сенга мардлар ҳоли керак,

Висолга яқинлашувда сенга ҳолни ўзгартирувчи керак.

Аввал ҳисдан кеч, сўнг хаёлдан кеч,

Сўнг ақлдан, сўнг дилдан кеч, мана шу ҳолдир.

Шунда ҳол жонингни ичида ҳосил бўлади,

Жонингни ўртасида ишинг осон кечади.

Агар сен бу беш (сезги)дан қутилиб чиқолсанг,

Етти осмоннинг хирқапўши бўласан.)

Ва бу тажаллийнинг хосиятларидан бири шуки, тавҳидда, вужудда, шухудда ва қуйи оламда бўлган барча тажаллийётни у ўз ичига олувчи ва ўраб турувчидир ва барчаси унинг ичиди маҳв ва йўқ бўлувчидир.

Шайх Фаридиддин Аттор, сирлари муқаддас бўлсин, буюра-дилар:

*Сад ҳазорон сояи жовиди ту,  
Гум шуда бинӣ зи як хуршеди ту.  
Баҳри кулли чун ба жунбиш гар дарой,  
Нақшҳо бар баҳр кай монад ба жой.  
Ҳар ду олам нақши он дарёст, бас,  
Ҳар ки гӯяд нест ин савдост, бас.  
(Юз мингталаб абадий соя сенсан,  
Йўқ бўлиб, ягона қуёшдан эканингни кўрасан.  
Денгиз каби жунбишга келсанг,  
Денгиз нақшлари қандай қилиб ўз жойида қолсин.  
Ҳар икки оламда ўша дарёнинг нақшидир холос,  
Ҳар ким йўқ деса, бас у бу савдойидир.)*

Ҳазрати Мавлавий, сирлари муқаддас бўлсин, буюрадилар:

*Чунки нур аз соягӣ аз ҳад гузашт,  
Нури ӯ нур шуд биёбонҳову дашт.  
(24а) Шоҳидияш форие омад аз шухуд,  
В-аз такаллуфҳойи жонбози вужуд.  
Нури он гавҳар чу берун тофтаст,  
З-ин тасалсулҳо фароғат ёфтаст.  
(Нур соядан ўтиб кетганда,  
Унинг нури биёбон ва даштларни тўлдирди.  
Унинг шоҳиди шухудидан қутилганда,  
Вужуднинг такаллуфларидан озод бўлди.  
Ўша гавҳарнинг нури ташқарига нур солганда,  
Бу силсила ва боғланишдан фароғат топди.)*

Вақтиқи, бу ерда солиқ жувонмардлик мисоли бўлган вужуд атосини ишга солса, Ҳазрати Вожиб ул-вужуд Онҳазрат саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг нурлари томчисидан «Сўнг нуридан уларга томчи берди» калимасининг тақозосича, унинг ботинига

томчи солади. «Мен Аллоҳдан ва умматим мендан» ҳадисининг ҳукми бўйича Муҳаммад алайҳис салом нурига етишади. Жуз (қисм)ни кулл (бутун)га етказадик, «ҳар бир нарса ўз аслига қайтади» ва «майда қисм бутунга интилади». Жунайддан: «Ниҳоят нимадир?» - деб сўрадилар. «Бу бидоят (бошланиш)га қайтишдир» - деб жавоб берди.

Ҳазрати Мавлавий, сирлари муқаддас бўлсин, буюрадилар:

*Чун кура будем ҳамчун офтоб,  
Бе кура будем софи ҳамчу об.  
Чун ба сурат омад он нури сара,  
Шуд адад чун сояҳойи кунгура.  
Кунгера вайрон кунед аз манжаник,  
То равад фарқ аз миёни ин фарик.  
(Қуёшга ўхшаб тугунли эдик,  
Сувга ўхшаб соф бўлиб, тугунсиз бўлдик.  
Ўша сара нур овоз қилишга келгач,  
Кунгира соялари санокқа келди.  
Манжаниқдан кунгирани вайрон қилинг,  
Токи фарқлар орсидаги фарқ кетсин.)*

Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳақиқатига восил бўлгач, фано ва истиғроқ чоҳидан ташқари чиқади, бақо ва бардамлик саҳросида кўзи очилади, Соний сунъини кўради, санъатининг сифати билан васфланган бўлади. «Эй бор Худоё, бизларга ашёларнинг ҳақиқатини қандай бўлса, шундай кўрсат» сири очилиб, унга маълум бўлади, кўп нарса Жаноби Подшодан аён бўла бошлайди.

Уни бу оламга юборар эканлар ва висолга яқинлашувдан узоқлаштирар эканлар, маъшукларнинг зотий шеваси ва жибил-лий ишваси бўлган таманно ва ноз билан сероб қиладилар. Маҳбубларнинг одати бўйича унга илтифот қилмайдилар ва юз ўгиришни лозим тутадилар. Бир неча фурсат уни бақо ва иқомат саҳросида тутадилар ва етишиш ҳамда бирга бўлиш даргоҳининг эшигини очмайдилар. Натижада унсу алоқадан узоқ бўлади ва ёру диёрдан айри тушади. Ҳижрон ва айрилиқ заҳматини тортади, фироқнинг узоқлик заҳарини сипқаради, висол қадри ўтади ва дийдор қиймати маълум бўлади. Кечаю кундузи оҳу фиғонда бўлади, эртаю кеч нолаю жавлонда юради. Охири дўст уни навозиш

қилиш учун келади ва дилбар раҳм ва илтифот кўрсатишга юз тутаяди. Ғариб, ҳижронда қолган ва ҳайдалган дўстни ожизлик ва ҳожатмандлик чоҳидан чиқаради. Юзлаб лутфу эъзоз билан ноз оstonасининг бир бурчидан жой беради. Иззатнинг барча чодирлари ва нурларнинг барча саропардаларидан ўтказиб, Жамолини кўрсатади ва пок Зотини мушоҳада қилишни арзон тутаяди. Бундан аввал тавҳиддан ниманики кўрса, у тажаллиёт эди, Ҳазрати Зотни исмлар ва сифатлар қайди орқали топар эди. Ҳазрати Шайх Фаридиддин Аттор, сирлари муқаддас бўлсин, буюрадилар:

*Баъд аз он ўро бақое дода кулл,  
Айни иззат карда бар вай айни зулл.  
То нагардад жони ту мардуди шох,  
Кай шавӣ мақбули шох ин жойгоҳ.*

(25а) *Аввал андозад ба хориву захат,  
Боз баргирад ба иззат ногаҳат.  
(Шундан сўнг унга тўлиқ бақо беради,  
Хорликни иззатга айлантиради.  
Жонинг шоҳ томонидан рад қилинмагунча,  
Бу ерда қандай қилиб шоҳга мақбул бўласан?  
Аввал сени хорлик чангалига ташлайди,  
Яна ногаҳон сени иззатга етказаяди.)*

Демак, шундай қилиб, кашф шарафига мушарраф бўлиб, ҳувиййат ғайбининг мушоҳадаси ва исмлар ва сифатлар қайдидан ташқари бўлган мутлақ Зот мушоҳадаси насиб этиб, ҳидоят ва иршод йўли бидоятдан то ниҳоятгача маълум бўлгач, «фоний филлоҳ» ва «боқий биллоҳ» ҳосил бўлиб, уни халифаликка танлайдилар, кутбликка кўтарадилар ва жаҳон аҳлига муқтадо қиладилар. Уруж (кўтарилиш) ва нузул (тушиш) уларнинг ихтиёрида бўлади. Агар хоҳласа, бир лаҳза ва бир онда қуйи оламга нузул қилади, муридлар ва толибларни тарбият қилади, толибларнинг ботинини бўлганиш ва кирланишдан пок қилади.

Ҳазрати Мавлавий, сирлари муқаддас бўлсин, айтадилар:

*Қосидо, зер оям аз авжи баланд,  
То шикаста бол к-он бар ман тананд.  
Чун малолам гир аз суфлӣ сифот,  
Барпарам ҳамчун туйур ус-соффот.*

(Эй қосид, баланддан пастга тушмоқчиман,  
Токи синган қанотимни тўғриласинлар.  
Суфлий сифатлардан малолим етганда,  
Сафланган қушлар каби учайин.)

Агар унга бу оламдан малоллик ҳосил бўлса, (элга)  
аралашув ва қўшилув орқали кир ва хиралик пайдо бўлса,  
бир онда юқори кўтарилади ва ўз вужудини Жаноби  
Ҳазратга етказди. Маснавий:

*Гар шавад тийра зи гусли ахли фарш,  
Боз гардад сўйи поки бахши Арш.  
Боз гардад з-он тараф доманкашон,  
В-аз таҳороти муҳити дарсашон.  
Аз таяммум вораҳонад жумларо,  
В-аз таҳарро толибони қибларо.  
З-ихтилооти халқ ёбад эътилол,  
З-он су жўяд кори Ҳино ё Билол.  
(Агар ер аҳлининг ғуслидан тийра бўлса,  
Аршнинг поклик бахш этувчиси томон қайтади.  
Яна дарс билан поклаш учув,  
У томондан этагини тортиб қайтади.  
Таяммум билан барчани озод қилади,  
Қибла толибларига поклик бағишлайди.  
Агар халққа аралашувдан малоллик топса,  
Билол ё Ҳино ишини қидиради.)*

Зот мушоҳадасига муяссар бўлгач, ўша ондаёқ ҳайратга  
гарк бўлади, ирода ва ихтиёр қўлдан кетади, фикр ва  
хаёлга йўл қолмайди, маъориф ва ҳақойиқнинг жўш уриши  
сўнади, маънолар ва ҳақиқатларни кашф этишдаги ҳаракат  
тинади ва *«кимки Аллоҳни таниса, тили гунг бўлади»*  
(маъноси) унинг шаънига айланади. *«Ё Рабб, Сен покдурсан,  
бизда ҳеч илм йўқдир, магар сен ато қилган миқдорда  
бордир, албатта, Сен буюк илм ва ҳикмат  
соҳибидурсан»* (Қуръон, 2/32) ояти унинг доимий ўқийдиган  
дуосига айланади.

Маснавий:

*Он ки кафро дид, сир гўён бувад,  
В-он ки дарё дид, ў хайрон бувад.*



Он ки кафро дид, дар гардаш бувад,  
 В-он ки дарё дид, ў бегаш бувад.  
 Он ки кафро дид, бекораш кунанд,  
 В-он ки дарё дид, бар дораш кунанд.  
 (Кўпикни кўрган киши сир айттувчи бўлади,  
 Денгизни кўрган киши ҳайрон бўлади.  
 Кўпикни кўрган киши унинг гардида бўлади,  
 Денгизни кўрган кишининг кўнгли беғаш бўлади.  
 Кўпикни кўрган кишини қўйиб юборадилар,  
 Денгизни кўрган кишини дорга осадилар.)

Бу йўлнинг асл бидояти ҳайратдир ва ниҳояти ҳам ҳайратдир. Ҳайрат хислатининг аввали номақбул ва ёмондир ва мақсадга тўсиқ бўлувчидир. Негаки бошловчида бир неча вақт унинг руҳ шаҳбози нурдан қанот чиқариб тан масканидан оламнинг ҳою ҳавасини касб қилиш учун парвоз қилади ва қидиришдан тўхтаб қолади, унда на дунёга майл қолади ва на уқбо (охират)га. Парвардигорга бўлган муҳаббати қирқилади, барча нарсадан кўнгли совийди ва бу «*ҳайрати мазмуна*» (ёмон ҳайрат) дейилади.

(26а)Шайх Зунвун, сирлари муқаддас бўлсин, айтган эдиларки, толиб бу ҳолатда дангасаликка ҳеч бир йўл қўймаслиги, мўҳмаллик ва енгилтакликни раво кўрмаслиги, илжи борича тезроқ ва илдамроқ ўз шайхининг ҳузурига етиб бориши керак. Агар унинг пири ҳаётда тирик ва мавжуд бўлса кимийе хосиятли суҳбатига ўзини уриши лозимки, пирнинг назари ва илтифотининг баракати билан унинг ботинида илиқлик пайдо қилади, завқу тарабни ҳосил қилади, шавқ ва талабни уйғотади, натижада равиш ва йўлдан ажраб қолмайди. Хуллас, қайси йўл билан бўлмасин, саъйу ҳаракат қилиши ва жидду жаҳддан тўхтамаслиги лозим. Чунончи, Шайх Фаридиддин Аттор, сирлари муқаддас бўлсин, буюрдилар:

*Чун фуруд ойи ба водийи талаб,  
 Пушт ояд ҳар замоне сад тағаб.  
 Сад бало дар ҳар нафас инжо бувад,  
 Тўтийи гардун мағас инжо бувад.  
 Жидду жаҳд инжо бибояд солҳо,  
 З-он ки инжо қалб гардад холҳо.  
 (Талаб водийсига кирганингдан сўнг,  
 Ҳар замонда юзлаб қийинчилик юз беради.*

Ҳар нафасда бу ерда юзлаб бало бўлади,  
Тўти ва чивинлар шу ерда бўлади.  
Бу ерда йиллаб жидду жаҳд қилиш керак,  
Шундагина бу ерда қалб ҳолга айланади.)

Охири «*хайрати махмуд*» (якши ҳайрат) сифати айни матлуб ва машҳуд сифатида намоён бўлади. Шунда «эй ҳайрондагиларни йўлга йўлловчи, бизларни йўлга йўлла» ҳадиси билан Ундан нажот талаб қилинади. Даражаларни юқорилаштириш учун эса «эй ҳайрондагилари йўлловчи, ҳайратни зиёда қил» ҳолати юз беради. Тамкин, таскин, ором жойи, мосиводан озодлик ва ўзликдан қутилиш ҳайрат мақомидадир. Бу жойда нур билан қўшилади, на дунё иши ҳаяжонга солади ва на уқбо ғами хафақон пайдо қилади. Маснавий:

(266) *То бидонӣ ҳар киро Эсад бихонд,  
Аз ҳама кори жаҳон бекор монд.  
(Билгинки, ҳар кимни Худо чақирса,  
Жаҳоннинг барча ишидан бекор қолади.)*

Бунда ҳеч қандай ўзгариш ва айланиш бўлмайди. Сўзлар ва феълларнинг ўзгариши, аҳвол ва аъмолларнинг мухталифлиги уларнинг ўзидан бўлмайди. Чунончи Асҳоби Қаҳфнинг, уларга Аллоҳнинг таҳийёти ва розилиги бўлсин, бадан ҳаракатлари Худованди Раҳмондан эди: «Ва сен гумон қилурсан уларни уйғоқлар деб, ҳолбуки, улар уйқудадирлар ва ағдарурмиз уларни ўнгга ва чапга». (Қуръон, 18/18).

*Авлиё асҳоби Қаҳфанд, эй ануд,  
Дар қиёму дар тақаллуб ҳар руқуд.  
Мекашадшонро ба тақлиф дар фиъол,  
Беҳабар зот ул-йамин, зот уш-шимол.  
Чист он зот ул-йамин, феъли ҳасан,  
Чист он зот уш-шимол, ашеоли тан.  
(Авлиёлар асҳоби Қаҳфдирлар, эй саркаш киши,  
Туришда ҳам, ёнбошлашда ҳам, уйғонишда ҳам.  
Уларни феълда куч билан ўнгга ва чапга,  
Ўзларининг хабари бўлмаган ҳолда айлангитрадилар.  
Ўша зот ул-йамин (ўнг томон) нима? Якши феъл  
Ўша зот уш-шимол (чап томон) нима? Бадан машғулоти*

Яна бошқа жойда айтилади:

*Хуфта аз аҳволи дунё рўзу шаб,  
Чун қалам дар панжаи тақлиби Рабб.  
Он ки ў панжа набинад дар рақам,  
Феъл пиндорад ба жунбиш аз қалам.  
(Дунё аҳволдан беҳабар уйқуда эди,  
Чунки қалам Раббнинг ўзгартирувчи қўлида эди.  
Ёзишда панжани кўрмаган киши,  
Қаламнинг ҳаракатини унинг феъл деб ўйлайди.)*

Алқисса, башарий сифатларнинг барчасидан чиқадилар ва Илоҳий сифатлар билан мавсуф бўладилар. «Аллоҳ таъоло хулқлари билан хулқланинглар» ҳукми бўйича Подшоҳнинг чиройли хулқлари билан хулқланадилар. Агар улар қуйи оламга нузул қилсалар Ҳақнинг юборгани сифатида нузул қиладилар, Онҳазрат саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг пок нуридан айрилмаган нур сифатида нузул кўргузадилар. Чунончи, Ҳазрати Мавлавий мазкур ҳол соҳибига ишорат қилиб буюрадилар:

*К-эй бибурда раҳти ҳисҳо сўйи гайб,  
Даст чун Мусо бурун овар зи жайб.  
Эй сифотат офтоби маърифат,  
(27а) Офтоби чарх банди як сифат.  
Гоҳ туршеду гаҳе дарё шави,  
Гоҳ Кўҳи Қоф ки анқо шави.  
Ту на ин боши на он дар зоти теш,  
Эй фузун аз ваҳмҳо в-аз пеши пеш.  
Рух бо илм асту бо ақл аст ёр,  
Рухро бо тозию турки чи кор?  
(Эй ўз ҳисларини ғайб сари қаратган киши,  
Қўлингни Мусо каби қўйнингдан чиқар.  
Эй сифатлари маърифат офтоби бўлган,  
Чарх офтобини бир сифат билан банд қил.  
Гоҳ қуёш, гоҳида дарё бўл,  
Гоҳи Кўҳи Қоф бўлки, анқо қуши бўласан.  
Ўз зотингда сен у ҳам бўлма, бу ҳам бўлма,  
Сен тасаввурлардан пешма-пеш зиёдасан.*

Руҳ илм ва ақл билан ёрдир,  
Руҳнинг турку този (араб) билан нима иши бор.)

Яна бошқа жойда буюрадилар:

*Эй Худо, жанро ту бинмо он мақом,  
К-андар ў бе ҳарф мерўяд калом.  
(Эй Худо, жанга ўша мақомни кўрсат,  
Қайсики, унда ҳарфсиз сўз пайдо бўлади.)*

Ҳадиси қудсийда буюради: «Менинг сифатларимдан хулқимга ўт, кимни кўрсанг, мени кўрасан, кимни мақсад қилсанг, мени мақсад қиласан, кимни яхши кўрсанг, мени яхши кўрасан» (ҳадис охиригача).

Вақтиқи, юқори кўтарилсалар ва висолга яқин етсалар ва жамоли Зу-л-жалол мушоҳадасига мушарраф бўлсалар бу - Худойи таъолонинг саралаб олиши ва розилигидир. Ҳайратда дил хатарлар ғуборидан соф бўлади. Ҳеч бир нарса тил ва дил орасига тўсиқ бўла олмайди. Тасбиҳ, таҳлил, дуо ва санодан нимаики айтсалар ёки Қуръон оятлари ва Раббоний калималардан ўқисалар ёхуд эшитсалар, **«қачонки Қуръон ўқилса унга қулоқ солинглари ва жим турунглари»** (Қуръон, 7/204) оятига амал қилиб, жимликни ва эшитишни камолга етқазадилар.

Ҳайрат аҳлидан бошқага бу ҳол муяссар бўлмайди, негаки купикча ҳайрат аҳлидан бошқага аҳволнинг ўзгариши ва истиғроқ сабабли фано юз беради, мастлик ва ҳалокат ғалаба қилади, шуур ўз жойида қолмайди ва наҳий қилинган **«намозга яқин борманглари вақтиқи сизлар маст бўлсангизлар, то айтиб турган нарсаларингиз ўзларингизга (276)маълум бўлгунча»** (Қуръон, 4/43) деган буйруққа эҳтиётлик кўрсата олмайдилар. Гоҳида қабз пайдо бўлади, олдинга парда тушади, фикр ва хотирада ҳалал пайдо бўлади ва буларнинг барчаси унга тўсиқ бўлади.

Бундан ташқари, бандаликнинг камолга етиши ҳайрат мақомида бўлади. Ҳазрати Зотни мушоҳада қилиб, унга бандалик ва бўйсунити ҳосил қиладилар. Яна бошқа томондан уларда ризо қилувчи феъллар ва солиҳ амаллар холис бўлади, тамаъ, ҳақ ва эваздан холий ва беғараз бўлади. Чунончи, Ҳазрати Мавлавий буюрадилар:

**Бегараз набвад ба гардиш дар жаҳон,  
Гайри жисму гайри жони ошиқон.  
(Ошиқларнинг жисми ва жонидан бошқа,  
Жаҳонда айланиб юриш бегараз бўлмайди.)**

Яна бошқа жойда айтадилар:

**Сахтрӯе ки надорад ҳеч пушт,  
Баҳражуеро даруни ҳеш кушт.  
Пок мебозад набошад музджу,  
Ончунон ки пок мегардад зи ҳу.  
Медихад Ҳақ ҳастияш беиллате,  
Месупорад боз беиллат фати.  
(Ҳеч бир ҳимояси бўлмаган қаттиқ юзли киши,  
Фойда қидиришни ўз ичиди йўқ қилди.  
Пок юрувчи фойда қидирувчи бўлмайди,  
Гўёки йирингдан пок бўлган каби.  
Ҳақ унга борлиқни беиллат беради,  
Уни ўша ёш беиллат қайтаради.)**

Ва бу пайтда бу нарса ҳамма ибодатлардан азизроқ ва лаззат-лироқ бўлади. Ва ўлчов ониди оғир ва қимматли нарса шуки, ҳар соат тажаллиёт ҳижобларининг орқасидан Онҳазрат саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг нури бош кўтариб, бевосита мушоҳада ҳосил бўладики, буни «Ҳақ жазбаларидан битта жазба жинлар ва инсонларнинг амалита баробардир» дейдилар.

Расул алайҳис саломнинг ҳадисича, кибриёлик ҳижоби етмиш мингтадир, чунончи, айтадилар: «Батаҳқиқ Аллоҳ таъолонинг нур ва зулматдан етмиш мингта ҳижоби бор, агар уни очса, ер юзи куяди». Нур ҳижобидан жамолининг нури муроддир, зулмат ҳижобидан (28а)жалол нури муроддир. Чунончи, бошқа ҳадисда келади: «Унинг ҳижоби нурдир». Баъзилар олам зулмати деганда сояни ва олам нури деганда руҳларни тушунадилар. Бундай сувратда парда очилгандан сўнг «**итроқи сабҳот**» сабабли ҳеч нарса қолмайди ва бўлмайди.

Ҳазрати Мавлавий, сирлари муқаддас бўлсин, буюрадилар.

Маснавий:

**3-онки ҳафсад парда дорад нури Ҳақ,  
Пардаҳои нур дон чандон табак.**

(Ҳақ нури етти юз пардага эга бўлиб,  
Бу нур пардаларини бир қанча табақалардан иборат  
деб бил.)

Етти юз парда бўлса, ҳар бир парда бир неча табақалардан иборат деб эътибор қилинади. Муборак ҳадисга қиёсан бу парданинг жами кўпайтириш бўйича етмиш мингта бўлади.

*Дар паси ҳар парда қавмеро мақом,  
Саф-сафанд ин пардаҳошон то имом.*

*Ахли саффи охирин аз заъфи теи,  
Тоб борад рӯшноӣи нур пеш.*

*В-он сафи пеш аз заъифийи басар,  
Тоб н-ояд рӯшноӣи бештар.*

*Рӯшноӣи к-ӯ ҳаёти аввал аст,*

*Ранжи жони фитнаи ин аҳвал аст.*

*Аҳвалиҳо андак-андак кам шавад,*

*Чун зи ҳафсад бигзару ӯ ям шавад.*

(Ҳар бир парданинг орқасида бир қавмнинг мақоми бор,

То имомгача улар саф-саф бўлиб турадилар.

Охирги сафдагиларнинг заифликлари сабабли,

Ёруғлик нури олди томондан тобиш қилади.

Кўришда заифлиги бўлган сафга,

Нур кўпроқ тушмайди.

Биринчи ҳаёт бўлган бу рӯшнолик,

Бу ғилай кўрувчилар жонининг ранжидир.

Уларнинг ғилайликлари оз-оздан камайиб,

Етти юздан ўтгач, катта денгизга айланади.)

Онҳазрат саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг нурлари охирги ҳижобдир. Солиқлардан ҳар бири, Мавлавий айтганларидек, бир пардада тўхтаб қоладилар, ораларидан биттаси Онҳазрат саллаллоҳу алайҳи ва саллам нурига восил бўлади ва қатра каби Муҳаммадий нури ичра маҳв ва нишонсиз бўлади. Парда орқасида (286)қолган барча аҳвол ва калималарни билувчи бўлади. Солиқларнинг нурлари унинг тасарруфи остида бўлади. Маснавий:

*Мо ҳама мурғобиёнем, эй гулом,  
Баҳр медонад забони мо тамом.*

(Эй ғулом, биз ҳаммамиз ўрдаклармиз,  
Бизнинг тилимизни денгизгина тугал билади.)

Ҳазрати Мавлавийнинг ғазалиётидан:

*Эй гофилон, эй гофилон, ман Шамси Табрези наам,  
Ман нури шамси Мустафо, ман ошиққи деринаам.  
(Эй гофиллар, эй гофиллар, мен Шамси Табризий эмасман,  
Мен Мустафо қуёшнинг нуриман, мен эски ошиқман.)*

Нақл қилишларича, Шайх Абул Ҳасан Харақоний, сирлари муқаддас бўлсин, бир куни важдда қизиган ва ҳол унга ғалаба қилган эди. Бир сўфий унинг мажлисида сўз асносида ўрнидан туриб, рақсга тушди ва: «Мен замона Жунайдиман, мен вақт Боязидиман» деб тўпалон бошлади. Шайх ҳам ҳаяжонга келиб, бир неча марта чарх урди. Сўнг деди: «Мен вақт Мустафосиман ва замона Худосиман», яъни вақт халифасиман ва соҳиби замонман. Бундан мурод, Шайхнинг сўзи ҳам мазкур маънода бўлиб, у ҳам Онҳазрат саллаллоҳу алайҳи ва саллам нурига етишган ва ўша ерда мақом тутандир. Ўша нур билан иршодга келиб, соҳиби замон ва валоят доирасининг кутбига айланган ва ўзини замона Мустафоси ва Худоси деб атаган. Ҳақиқатан, бир одам Онҳазрат саллаллоҳу алайҳи ва саллам нурининг мазҳарига айланса, бундай сўзни ўша одамга нисбатан ишлатиш мумкин. Чунончи, Мавлавий Румий, сирлари муқаддас бўлсин, буюрадилар:

*К-ў набийи вақти хеш аст, эй мурид,  
Ки аз ў нури наби ояд паид.  
(Эй мурид, кимки ўз вақтининг набийси бўлса,  
Ундан набий нури пайдо бўлади.)*

(29а)Бунинг мисоли қуёшнинг нуридирки, у юқоридан нур сочади ва ер юзини тамом эгаллайди. Шу орада бир хона унинг нури билан мунаввар бўлади ва бу нур орифнинг маънавий вужудининг нурига айланади ва бу вужуд Илоҳий сифатлар билан сифатланади. Демак, ниманики кўрса, ўша нур орқали кўради ва ундан бош чиқариб, Ҳазрати Зотни мушоҳада қилади. Маснавий:

*Гуфт Пайгамбар ки, ҳаст аз умматам,  
К-ӯ бувад ҳаммашрабу ҳамҳимматам.  
Мар маро з-он нур бинад жонашон,  
Ки ман эшонро ҳамебинам бад-он.*

(Пайгамбар дедиларки, умматимдан (баъзилари) борки,  
Улар мен билан ҳаммашраб ва ҳамҳимматдирлар.  
Уларнинг жони ўша нур орқали мени кўради,  
Мен эса у орқали уларни кўраман.)

Бундай одам жаҳонда ягона бўлади. Ҳазрати Мавлавий,  
сирлари муқаддас бўлсин, буюрадилар:

*Дар жаҳон он як кас аст, ин боқиён,  
Жумла атбоғи туфайланд, эй фалон.  
Дар жаҳон он як кас асту аблаҳ аст,  
Ахтарон ҳар як ҳама жузви маҳ аст.*

(У жаҳонда битта бўлади,  
Қолганлар унга тобелардир, эй фалон.  
Жаҳонда у ягона одамдир,  
Майда юлдузларнинг ҳар бири Ойнинг қисмларидир.)

Балки ҳар бир асрда ва даврда шундай нодири даврон  
зухурга келади ва у шундай олий даражадан истифода  
қилувчи ҳамда замона имоми ва даврон саромади бўлади.  
Байт:

*Қарнҳо бояд ки то аз лутфи Ҳақ пайдо шавад,  
Боязиде дар Хуросон ё Увайс андар Қаран.*

(Ҳақ лутфи билан Хуросондан Боязид ёки Қарандан  
Увайс чикқунча,  
Асрлар керак бўлади.)

(Абдурахмон Ҷомийнинг) «Силсилат уз-заҳаб» асарида  
айтилади:

*Қарнҳо даври осмон гардад,  
То чу ӯ ахтаре аён гардад.  
Умрҳо абри макрамат борад,  
То чу ӯ гавҳаре падид орад.*



(Унингдек юлдуз аён бўлиши учун,  
Осмон асрлар бўйи айланиши керак.  
Унингдек гавҳар пайдо бўлиши учун,  
Узоқ вақт карам ёмғири ёғиши керак.)

(296) Умматнинг охириги тараққий ва камоли мана шудир. Юқорилаш ва етишишнинг ғояти эса шу мақомдир. Бу мақомнинг ҳосил бўлиши ҳусни адабга тўлиқ риоя қилиш ва Саййид ул-аном алайҳис салоту вассаллом суннатига тобеъ бўлишдир. Муҳаммад алайҳис саломнинг ҳақиқати гайб пардасининг ортида яшириндир. Ҳеч кимса унинг сирига ета олмайди. Нури Аҳмадий ғоятда кенгдир, анбиё ва авлиёлардан ҳеч ким унинг чегарасини топа олмайди. Онҳазрат саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг шаъни ғоятда улғудир, уни васфига тил ожиздир. Унинг сирини одамларга кўрсатиш ва таърифини тугал қилиш баёнга сиғмайди. Худойи таъолонинг ўзи унинг мақтовчиси бўлди, анбиёлар ҳақидаги саҳифаларда унинг мадҳини баён қилди. Унинг вужудга келишидан (30а) аввал руҳлар жамоати олдида васфлар қилди. Демак бу бобда бошқаларга йўл бўлсин ва халойиқдан ким ҳам Унга ета олсин.

Байт:

*Хатми суҳан ба ҳама бар номи ӯ,  
Хотимаи қор ба пайғоми ӯ.*

(Сўзнинг хатм бўлиши Унинг номи билан,  
Ишнинг хотима топиши Унинг пайғоми билан.)

Унга, оиласига, асҳобларига, тобеларига, зурриётларининг барчасига то Қиёматгача саловотлар бўлсин!

## **БЕШИНЧИ ФАСЛ - ТАҚЛИД АҲЛИ БАЁНИДА ВА УЛАР БИЛАН БЎЛАДИГАН СУҲБАТНИНГ ЗИЁНИ ЗИКРИДА**

Билгинки, сўфийлар наздида, Аллоҳу таъоло уларни зиёда қилсин, тақлидчи - Парвардигорнинг нурларини кашф қилмаган, башарият сифатларидан қутилмаган, Илоҳий тажаллиёт оловида, «ўлмасдан туриб ўлинглар» ҳадисининг ҳукми бўйича бутунлай куймаган ва ҳалок бўлмаган, шунга қарамай, шайхлик ва муқтадоллик мақомида турган кишидир. У мукамаллик ва файз бағишловчиликни даъво қилади. Баъзи Илоҳий тажаллиёт орқама-орқа ва кетма-кет оқиб келган, нурлар ва сирлар дарёсидан нўш қилган бўлса-да, бироқ бир қилча ўзлик, «вужудинг гуноҳдир ва уни ҳеч бир гуноҳга қиёслаб бўлмайди» ҳукмича, унда ўзлик мавжуд бўлса, хоҳиш, ихтиёр, фикр ва хаёл асари боқий бўлса, у муқтадолликка арзимади.

Шайх Фаридиддин Аттор, сирлари муқаддас бўлсин, «Мантиқ ут-тайр» китобида буюрадилар:

*Як сари мўе бимонад аз худият,  
Хафт дўзах бар ту оянд аз будият.  
(Ўзлигингдан агар бир қил учича қолган бўлса,  
Етти дўзах бу борлигинг сабабли сени босади.)*

(306)Ва у ҳануз талвин (мақоми)да ва тараққий қилишда ўзи-ўзи билан машғулдир ва бошқа билан машғул бўлолмайди, демак у пирликка лойиқ эмас. Чунончи, Ҳазрати Мавлавий, сирлари муқаддас бўлсин, буюрадилар:

*Он ки бе визр аст шайх аст он жавон,  
Дар қабули Ҳақ чу андар каф камон.  
Шайх ки бвад хез, яъни мўсафед,  
Маънийи ин мў бидон, эй ноумед.  
Ҳаст мўеки сиях ҳастийи ў,  
То зи ҳастияш намонад торӣ мў.  
Гар сиях мў бошаду ёхуд ду мўст,  
Чунки ин ҳастииш намонад сайри ўст.  
Гар раҳид аз баъзе авсофи башар,  
Шайх набвад, кўхл бошад, эй писар.*

**В-ар бувад мўйи сафед, ў бо х(в)ад аст,  
Ў на пир асту на хоси Эзад аст.**

(Гуноҳсиз бўлсаю, ёш бўлса ҳам у шайхдир,  
Ҳақнинг қабулида қўлдаги камон кабидир.  
Шайх агар мўйсафид (соқоли оқ) бўлса,  
Бу мўйнинг маънисини бил, эй ноумид.  
Қора мўй унинг ўзлигини билдиради,  
Ўзлигидан бир тола мўй ҳам қолмалиги керак.  
Агар қора мўйли бўлса ёхуд икки хил мўйли бўлса,  
Агар унинг ўзлиги қолмаса бу унинг сайридир.  
Агар башарнинг баъзи сифатларидан қутилган бўлса,  
У шайх (пир) эмас, балки қариган кишидир, эй ўғил.  
Агар оқмўй бўлса-ю ўзлиги мавжуд бўлса,  
У пир ҳам эмас, Аллоҳнинг хос бандаси ҳам эмас.)

Бироқ ҳамон руҳ ғизоси она табиат йўлдошида қон ичувчи бўлса, вужуд зиндонидан шухуд оламнинг шаҳристонига чиқмаган бўлса, агар улар комиллик ва сарварлик даъвосини қилсалар, одамларнинг кўзига ўзини Онҳазратнинг яқини қилиб кўрсатсалар, зўжду тақвода бекаму кўст киши сифатида ўзларини намоён қилсалар, аслида улар жин ва одамлардан бўлган шайтонлар бўлиб, тақлид билан одамларни иймоннинг заволи бўлиш чоҳига ташловчилар ва гурур ҳамда ҳаво қаррига қулатувчилардир. У тақлидчи эканми, демак шайтон унинг дилига ўз партавини солган ва ўз нурлари билан тўлдириб, ўзи учун ўринбосарга айлантирган бўлади. Шунинг учун айтадилар:

**Дасти ноқис дасти шайтон аст дев,  
(31а) 3-онжи андар доми таклиф аст рев.  
(Нуқсонли қўл шайтон ва девнинг қўлидир,  
Чунки у кулфат ва айёрлик доми ичидадир.)**

Демак улар шайтоннинг иштини қиладилар ва шайтоннинг нури билан одамларни шайтонга тамон тортадилар, уларнинг ўзлари ҳам адаштирувчи, ҳам адашганлардандир. Аллоҳ бизларни улар-нинг зарарларидан асрасин. Бу замонда бу каби кишилар минг-минглаб бўлиб, мамлакатлар ва иқлимларда пайдо бўлгандирлар, шайтанат ва фириб билан одамларни алдашга машғулдирлар.

Ҳазрати Мавлавий, сирлари муқаддас бўлсин, буюрадилар:

**Сад ҳазор Иблиси «ло ҳавл» ор бин,  
Одами Иблисро дар мор бин.  
(Юз минглаб Иблисни «ло ҳавла» деювчи ҳолда кўр,  
Иблис одамни илонда кўр.)**

Улар фириб билан бир дамда Иблиснинг неча йиллик ишини қиладилар, риё ва иккиюзламачилик домини кўчаларга, масжидларга ва ибодатхоналарга ташлайдилар ва бу тузоққа ваъз, насиҳат, таълим, зикр талқини ва дуою вазифалари кўйиб, соддадил толибларни илинтирадилар ва ўз мақсадини улар орқали ҳосил қиладилар.

Байт:

**Оҳ аз ин жуҳҳоли қуттоъ ут-тариқ,  
Ҳамчу гулон раҳзанони ҳар фариқ.  
Халқро тақлидашон барбод дод,  
Ки ду сад лаънат бар он тақлид бод.  
(Оҳ бу йўл тўсувчи жоҳиллардан,  
Улар гул (саҳро шайтони) каби одамларнинг йўлини  
тўсади.**

Уларнинг тақлиди халқни барбод қилди,  
Бу тақлидга икки юзлаб лаънат бўлсин.)

Бундай жамоанинг пайдо бўлиши ва уларнинг кўпайиши Қиёматнинг белгиларидан ва Дажжолнинг чиқишидан нишонадир. «Гулшани роз» китобининг муаллифи буюрадилар:

**Нигар, Дажжоли аъвар то чигуна,  
Фиристодаст пеш аз худ намунa.  
Намуна боз бин, эй марди ҳассос,  
Хари ўро ки номаш ҳаст Ҳассос.  
Харонро ҳам бувад дар нанги он хар,  
Шуда аз жаҳл пешоҳанги он хар.  
(316) Чу Хожа қиссаи охир замон кард,  
Ба чандин жой ин маъни баён кард.  
Бубин акнун ки кўру кар шубон шуд,  
Улуми дин ҳама бар осмон шуд.  
(Бир кўзли Дажжолнинг қандайлигига боқ,  
У ўзидан олдин ўзининг намунасини юборибди.**

Эй ҳассос киши, бу намунага бок,  
Бу унинг эшагидир, бу эшакнинг номи Ҳассосдир.  
Эшаклар ҳам бу эшакдан ор қилади,  
Нодонлик сабабли у эшакларга пешволик қилади.  
Хожамиз охир замон қиссасининг баёнида,  
Бир қанча жойда бу маънони баён қилганлар.  
Кўргинки, бугун кўр ва карлар чўпон бўлди,  
Дин илмлари эса осмонга чиқиб кетди.)

«Гулшани роз» китобининг шарҳловчиси, унга Аллоҳнинг раҳмати бўлсин, Абу Ҳурайра разийаллоҳу анҳудан ҳадис ривоят қиладикки, Пайгамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Каззоб Дажжоллар пайдо бўлмагунча қиёмат бўлмайди» - деган эканлар. Яна ёзишча, бир киши Онҳазрат саллаллоҳу алайҳи ва салламдан: «Қиёмат қачон бўлади?» - деб сўради. Расулуллоҳ: «Имомлик йўқ бўлганда қиёматни кутавер» - дедилар. «Унинг йўқ бўлиши қандай бўлади?» - деб сўради ҳалиги киши. «Иш ўз аҳли бўлмаган кишига қолса, Қиёматни кутавер» дедилар Расулуллоҳ. Бу замонда «Исноди амр» яъни мусулмонларни тўғри йўлга солиш одамларнинг нодонроғига ва халойиқнинг гумроҳроғига нисбат берилади.

Яна «Гулшани роз»да айтилади:

**Фитода сарвари акнун ба жуххол,  
Аз ин гаштанд мардум жумла бадхол.  
(Бугун сарварлик жоҳилларга қолган,  
Шунинг учун барча одамнинг ҳоли ёмон.)**

Ва яна айтилади: **«Албатта, Қиёматнинг шартларидан бири илмнинг кўтарилиши ва нодонликнинг кўпайишидир».**

Бу кўр тоифа суҳбатининг зарари жуда оғирдир, уларнинг фитнаси ўта кучли, уларга кўрсатилган мулоҳаматдан балолар туғилади, офатлар кўнади, ботинда заҳматлар пайдо бўладикки, йиллаб унинг тадорукини қилиб бўлмайди, умрлар уни йўқотиш оғир кечади, бундан одамнинг динида халал пайдо бўлади, ақида нуқсон топади, дилга қоралик етади, «агар у бузилса, бошиқа аъзолар ҳам бузилади» ҳадисига мувофиқ барча аъзода бузилиш пайдо бўлади.

(32a) Тақлидчи шайх Шайтон нурининг зоҳир бўлиш жойи экан, демак унинг ҳузурита келган толиб ўша шайтоний нурни раҳмоний нур деб касб этади, чунончи, раҳмоний тажаллиётда нурни касб этиш ҳақиқий ботинда юз берар эди, бу бобда Ҳазрати Мавлавий Румий, сирлари муқаддас бўлсин, мисол келтириш йўли билан айтадилар:

*Шах чу ҳавзе дон, жисм чун нўлҳо,  
Об аз нўла равон дар кўлҳо.  
Чунки оби жумла аз ҳавзаст пок,  
Ҳар яке обе диҳад нур завқнок.  
В-ар дар он ҳавз об шўрасту палид,  
Ҳар яке нўла ҳамон орад падид.  
З-он ки пайвастаст ҳар нўла ба ҳавз,  
Ҳавз кун дар маънийи ин ҳарфи ҳавз.  
(Шоҳни ҳовуз ва жисмни кўза деб бил,  
Сув кўзадан кўлга равон бўлади.  
Сув токи пок ҳовуздан экан,  
Ҳар бир кўза завқли сув беради.  
Агар ҳовуздаги сув шўр ва ифлос бўлса,  
Кўза ҳам ўша сувни чиқаради.  
Демак ҳар бир кўза ҳовуз билан боғлиқ экан,  
Ҳовуз сўзининг маъноси ҳақида ўйла.)*

Демак бу жамоадан эҳтиёт бўлмоқ лозим ва уларнинг макридан бир лаҳза ғофил бўлмаслик керакки, дарвишлардан ва толиблардан кўпининг ҳалокати улар билан ҳамсуҳбат бўлишнинг касофати, уларга қилинган мулозамат ва хизматнинг офати сабаблидир. Тариқат машойихлари, Аллоҳ уларнинг сирларини муқаддас қилсин, бу жамоанинг суҳбатидан юз ўтирганлар ва эҳтиёт бўлишни зарур деб ҳисоблаганлар. Ҳазрати Мавлавий, сирлари муқаддас бўлсин, буюрадилар:

*Субҳи козиб омаду нафребадаш,  
Субҳи козиб олами некў бадаш.  
Субҳи козиб корвонҳоро задаст,  
Ки ба бўйи рўз берун омадаст.  
Субҳи козиб халқро раҳбар мабод,  
К-ў диҳад бас корвонҳоро ба бод.*

**Эй шуда ту субҳи козибро раҳин,  
Субҳи содиқро ту ҳам козиб мабин.**  
(Ёлғон тонг келдию уни алдолмади,  
Ёлғон тонг унинг яхши ва ёмон оламидир.  
Ёлғон тонг карвонларни йўлдан уради,  
У карвонларни шамолга совуради.  
Эй ёлғон тонгнинг тузоғига тушган,  
Чин тонгни ҳам сен ёлғонга чиқарма.

Кимки тариқат йўлига қадам қўйса, дарвишлик ва тасаввуфга майл кўргузса аввало унинг илмини ўрганиши керак ва илмларнинг асоси бўлган қалб илмини ва Илоҳий (32б)илмни, «*илм қидиринглар агарчандики Чинда бўлса ҳам*» (ҳадиси)нинг ҳукмига мувофиқ, илмни хоҳ Машриқда бўлсин, хоҳ Мағрибда бўлсин, топмоқ керак. «*Бас, сўранг аҳли илмдан агар билмасангизлар*» (Куръон, 16/43) ояти ҳукми бўйича, тасаввуф илмининг бидояти бўлган ҳақ ва ботилни билиш илмини эгаллаш лозимдир. Комил муршидни тошиб, унга етишиш ва иродат занжирига уланмоқ лозим. Аксинча бўлса, узоқлашувни қидириш, эҳтиёт ва хушёр бўлиш керак. Билмоқ лозимки, ҳаммаси ҳақ бўлавермайди ва ҳаммаси ботил ҳам бўлавермайди. Чунончи айтадилар:

**Он ки гўяд жумла ҳақ аз аҳмақист,  
В-он ки гўяд жумла ботил ў шақист.**  
(Кимки барча нарса ҳақ деса, бу аҳмоқликдандир,  
Кимки барча нарса ботил деса, у бадбахтдир.)

Ноқис ва тақлидчи одамнинг суҳбати захри қотилдир. Ҳазрати Мавлавий Румий, сирлари муқаддас бўлсин, айтадилар:

**Эй басо Иблиси одамрўй ҳаст,  
Ки ба ҳар дасте нашоюд дод даст.**  
(Иблисга ўхшаган одамлар зиёддир,  
Шунинг учун ҳар қандай қўлга қўл бериб бўлмайди.)

Ва Онҳазрат саллаллоҳу алайҳи ва саллам буюрдилар: «Кимки қишлоқда бир кун яшаса у бир ой аҳмоқ бўлади, кимки қишлоқда бир ой яшаса бир умр аҳмоқ бўлади». Ҳазрати Мавлавий Румий,

сирлари муқаддас бўлсин, бу ҳадиснинг таржимасини қуйидагича буюрадилар:

*Дех марав, дех мардро ахмак кунад,  
Ақро бенуру беравнақ кунад.  
Дех чи бошад шайхи восил ношуда,  
Даст дар тақлиди хужжат дарзада.  
Аз Худо не бўй ўро, не табар,  
Даъвияш афзун зи Шишу Бу-л-Башар.  
(Қишлоққа борма, қишлоқ одамни ахмак қилади,  
Бедил, бенур ва беравнақ қилади.  
Қишлоқ нима? Бу етишмаган шайх бўлиб,  
Тақлидга қўл урган ва уни ўзига хужжат қилгандир.  
Унинг Худодан на бўй ва на хабари бор,  
Даъвоси эса Шип ва Абул Башар (Одам)дан ҳам ортиқдир.)*

Улар шайтоний нур кўмаги билан қанчалик ибодат ва риёзат қилмасинлар, бу холис бўлмайди, шайтоний ва нафсоний ғараздан пок эмас. Барчаси риё билан иллатли, мақтаниш ва манманлик билан овора, озгина амал билан худбин ва худнамодирлар. Озгина яхшилик қилиш билан гурурга бериладилар. Кўпинча уларда фано (33а)ва бақога ўхшаган ҳолат юз беради ва шайтоний нур ичида маҳв ва мустағрақ бўладилар. *Тавҳиди вужуд* ва *шухудга* ўхшаган ҳаёл ва кўринишлар рўй беради. Уларда ҳақойиқ ва маъориф, истидрок ва ҳарқи одат (каромат) зуҳурга келади. Баъзиларида шайтоний нур билан одамларни тасарруф остига олиш юз беради, бу туфайли халқни ўз томонига тортади, одамларни тариқатга тарғиб этади, уларда дарвишликка рағбат уйғотади, одамларга шайтоний нисбатни ҳавола этади ва шайтоний нурдан уларга роҳат бағишлайди. Бу бечоралар эса бу шайтоний ҳолат эканини қайдан билсинлар, ахир улар аҳли Ҳақнинг суҳбатини ҳечқачон топмаган бўлсалар, Илоҳий май журъасидан тотиб кўрган бўлмасалар. Улар «ашёлар зидди билан аён бўлади» калмасининг ҳукми бўйича, аччиқ ва шириннинг фарқини ажрата билмайдилар, ҳақ ва ботилни идрок қила олмайдилар.

Ҳазрати Мавлавий, сирлари муқаддас бўлсин, буюрадилар:

*Муре чун бар оби шўре метанад,  
Оби ширинро надидасту мадад.*



Балки тақлид аст он иймони ӯ,  
 Рӯйи иймонро надида жони ӯ.  
 Бас хатар бошад муқаллидро азим,  
 Аз раҳи раҳзан зи шайтон ур-ражим.  
 (Куш шӯр сувга ўрганган экан,  
 Демак у ширин сувни кўрмаган ва фойда олмаган.  
 Балки унинг иймони тақлид юзасидан бўлиб,  
 Унинг жони асл иймон юзини кўрмаган.  
 Тошбўрон қилиниб Хайдалган қароқчи шайтон сабабли,  
 Тақлидчига катта хатар бордир.)

Оламнинг яратилиш таркиби ва одам жисмининг тузилишида Илоҳий фазонинг жараёни шундай бўлибдики, кенг ерни ва замон бисотини нур ва зулмат безаги билан беабди, олам аҳлини Ҳақ ва ботил либоси билан музайян қилибдики, бунга оқилларнинг ақли, ҳакимларнинг ҳикмати ожиз ва уламо илми қосирдир. Кўрмайсанмики, Одам алайҳис саломни яратди, уни вужудга келтирди, **«Ва батаҳқиқ, Биз иззат бердик Одам авлодларига ва (33б)минадиган нарсалар бердик уларга қуруқликда ва дарёда»** (Қуръон, 17\70) оятининг каромати остидан жой берди ҳамда **«Мен Ер юзига бир халифа (ноиб) пайдо қилурман»** (Қуръон, 2/30) оятининг тожини бошига қўйди.

Шайтон алайҳи-л-лаънага ҳам унинг муқобилида тугён ва сарафрозлик берди, унинг муқобилида ҳукумат мақомида ўтирсин деб тасарруф ва таъсирини бақувват қилди. Шунингдек, Мусога қарши Фиръавни, Иброҳимга қарши Намруд ва Расулимиз саллаллоҳу алайҳи ва салламга қарши **«муслимат ул-каззоб»** бор эди. Демак Шайтон Одам авлодига то олам инқирозга юз тутгунча ўзининг игво ва адаштирувини ишга солади ва ўз нурини ҳалойиқнинг қалбига ташлайди. Ўзига муносабати бўлган баъзи кишиларнинг дилини ўз нури билан тўлдиради ва ўз салтанатининг зуҳурга келиш жойига айлантиради. Ўша одам ҳам уни иши билан машғул бўлади ва одамларни тасарруф қилишга киришади, шайтоннинг нуридан одамларга ҳисса етказди ва бундай одамларнинг ҳаётдаги маишати ва завқи ўша нур орқали бўлади. Маснавий:

Заҳри морон морро бошад ҳаёт,  
 Нисбаташ бо одами бошад мамот.

(Илоннинг заҳари илон учун ҳаёт бўлади,  
Одам учун эса ўлимдир.)

Шунингдек, ўлим ва тирилиш ҳақида Расул саллаллоҳу алайҳи ва саллам хабар берадилар: «Яшаганингиз каби ўласизлар ҳам, ўлганингиз каби юбориласизлар ҳам, юборилганингиз каби йиғиласизлар ҳам». (Бу пайтда) улар Шайтон билан бўладилар ва улар билан тирилтириладилар. Худойи таъоло ҳидоят билан унинг ёмонлигидан ҳидоят топган кишилар бу дунё ва охиратда Раҳмон нуридан насиба топадилар ва Расул алайҳис саломнинг байроғи остида бош кўтарадилар. Ҳазрати Мавлавий Румий, сирлари (34а)муқаддас бўлсин, шайтоний ва раҳмоний нур ҳақида буюрадилар:

*Рак-рак аст ин оби ширин, оби шўр,  
Дар халойиқ меравад то нафҳи Сур.  
Нехувонро ҳаст мерос он хуш об,  
Ончи мерос аст аврасна-л-Китоб.  
(Ширин ва шўр сув доимо биргадир,  
Бу то Сур чалингунча халойиққа боради.  
Яхшилар учун ширин сув меросдир,  
Аврасна-л-Китоб<sup>1</sup> бизга мерос бўлгани каби.)*

Бошқа ерда ҳам Шайтоний ва Раҳмоний тажаллий ҳақида буюрб, кўпинча Шайтоний нур қора бўлишига ишорат қилган эдилар:

*Баҳрро нимеш ширин чун шакар,  
Таъм ширин, ранг равшан чун қамар.  
Ними дигар талх ҳамчун заҳри мор,  
Таъм талху ранг музлим қирвор.  
(Денгиз сувининг ярми шакар каби ширин,  
Таъми соз, ранги Ой каби равшан.  
Бошқа ярми эса илон заҳари каби аччиқ,  
Таъми носоз, ранги эса қийр (смола) каби қора.)*

---

<sup>1</sup> «Сўнгра Биз мерос бердик бу Китобни». (Куръон, 35/32).

Бошқа жойда эса Шайтоний нурдан эҳтиёт бўлиш ҳақида ёзиб, Раҳмоний нурнинг белгиларини баён қилади:

*Майшиносо, ҳин бичаш бо эҳтиёт,  
Токи майёбӣ муназзах з-иътилот.  
Ҳар ду мастӣ медиҳандат лек ин,  
Мастият орад кашон то Рабби дин.  
То раҳӣ аз фикру васвоси ҳиял,  
Бе иқолу ақл дар рақс ул-жамал.  
(Эй майшунос эҳтиётлик билан ич,  
Токи омихта бўлмаган тозасини топсанг.  
Иккиси ҳам мастлик келтиради, лекин бу,  
Сени Парвардигорга тортувчи мастлик келтиради.  
То фикр ва васваса ҳийлалаларидан  
Тушовсиз ва ақлсиз «туя рақси»да кутилгин.)*

Яъни, Раҳмоний нурда фикр ва ўй қолмайди, васваса ва ҳаёл йўқ бўлади. Шайтоний нурда эса васваса ва фикр кўп бўлади, чунки Шайтоннинг иши «васваса қилур одамларнинг дилларида»дир (Қуръон, 114/5). Унинг кўриниши қоралик ва хиралиқдир. Бир азиз бу бобда буюрадилар.  
Рубоий:

*Эй кашида дасти қаҳрат теги ғайрат аз наём,  
Хотиру фикру қиёсу ақлу фаҳм андохта.  
Фикрро андар биёбони жалолат пай зада,  
Нур бошу баҳри ақлу дур манзил сохта.  
(Эй қаҳр қўли ғайрат тигини қиндан чиқариб,  
Ўйни, фикрни, қиёсни, ақлни ва фаҳмни парчалаган киши.  
Улуғлигинг биёбонида фикрдан воз кечиб,  
Ундан узоқ бўл, ақлдан кеч, узоқлик манзилени туз.)*

(346)Турк машойихларидан бири, сирлари муқаддас бўлсин, буюрадилар ва бу бобда қандай ширин баён қиладилар:

Бақо ул-бақо мақомин бўлуб жондин кечарлар,  
Фано ул-фано бўлғонлар ул манзилга кўчарлар.  
Бақолиғнинг шароби на хуш тотлиғ шароб ул,  
Сирдин маъни туйғонлар ул шаробдин ичарлар.

Сирдин маъни туймайин ёлгон суврат қилгонлар,  
Зулмат ичра қолибон хаёл бирла учарлар.

Шайтоний ва Раҳмоний тажаллийни фарқлаш толибларга ўта қийиндир. Шайтон ўз нурини соликка ташлаганда ва бу нур унинг дилини тўлиқ эгаллаганда, унинг басийрат кўзи «мўъмин киши Аллоҳ нури орқали қарайди» (ҳадиси) бўйича очилмаган бўлади, зоҳирий назар ва бадан кўзи (бу икки нури) фарқ қилолмайди. «Маснавий» да бу бобда айтилади:

**Талху ширин дар назар н-ояд паид,  
Аз дарича оқибат донанд дид.**  
(Аччиқ ва ширин қарашда билинмайди,  
Даричадан оқибатни кўриб бўлмайди.)

Бошқа жойда яна улар айтадилар:

**Мўъмин «йанзуру би-нуриллаҳ» шудй,  
Аз хатову саҳв эмин омадй.**  
**Чашми охирбин тавонад диди рост,  
Чашми охирбин гурурасту хатост.**  
(«Мўъмин Аллоҳ нури билан қарайди» бўлагани учун,  
Хато ва нуқсондан эмин бўлди.  
Бадан кўзи билан гарчи кўрса ҳам,  
Бадан кўзи билан кўриш алдов ва хатодир.)

Унинг табиатидаги ихтилоф иллати ҳал қилиш шарбати билан мўътадиллик топмагани ва сафровий таъмга эга бўлгани учун бу нарсани унинг ҳислари идрок этолмайди. Яна «Маснавий» да айтилади:

**Ҳар ду сурат гар баҳам монад, равост,  
Оби талху оби ширинро сафост.**  
(Бу икки кўриниш бир-бирига ўхшаши раводир,  
Аччиқ сувда ҳам, ширин сувда ҳам соф кўриниш бўлади.)

(35а)Бундан ташқари, Шайтоний тажаллий бир хил таъм ва бир рангда бўлмайди, бир ҳолат ва бир кўринишда турмайди. Ҳазрати Махдуми Аъзам, Аллоҳ уларга раҳматини сочсин, ўз

рисолаларида айтадиларки, Раҳмон сўзи фаълон вазнидадир. Шайтон ҳам фаълон вазнида. Ташқаридан қараганда икки фаълон орасини фарқлаш осон эмас ва қайси бири Шайтон ва қайси бири фаълон эканини билиш қийин. Шунингдек уларнинг тажаллиётини фарқлаш ҳам мушқилдир. Гоҳида жалолният каби тажаллий қилади ва унда дарду ўртаниш бўлади. Баъзида хавф ва ҳайбат, гоҳида завқ ва тугён, гоҳида муҳаббат ва умид юз берадики, «суммат ул-хайр» (кейин яхши дегувчи) Шайтон нафси аммора билан бирлашади, шогирдни яхшилик сари тортади, шариатта ҳарис қилади ва шу орқали залолат ва адашувга олиб боради. Хуллас, шу каби саноқсиз балолари борки, кўринишда яхши ва ширин бўлади, шу восита билан одамларни ўзига ишқивоз ва қизиқувчига айлантиради ва бу найранги билан халойиқни мафтун этади. Буларни Илоҳий нурсиз билиш ҳеч кимга муяссар бўлмайди. Ҳатто комиллар ҳам буни қийинлик билан биладилар. Кимки аҳли Ҳақ бўлиб, ботини сафо тошган, руҳи покланган, нурларни касб қилган бўлса, бу маъноларни идрок қила олади.

Ҳазрати Мавлавий Румий, сирлари муқаддас бўлсин, буюрадилар:

*Эй басо ширин, ки чун шақкар бувад,  
Лек захр андар шақкар музмар бувад.  
(356) Он ки зийрактар, ба бӯ бишносадаш,  
В-он дигар чун бар лабу дандон задаш.  
Бас лабаш рад мекунад пеш аз гулу,  
Гарчи наъра мезанад Шайтон «кулув».  
В-он дигарро дар гулу пайдо кунад,  
В-он дигарро дар бадан расво кунад.  
В-он дигарро дар ҳадас сўзиш дихад,  
Дамбадам захми жигар дўзиш дихад.  
В-он дигарро баъди айёму шуҳур,  
В-он дигарро баъди марги нафхи сур.  
(Кўп ширин нарсалар борки, шақарга ўхшайди,  
Лекин бу шақкар остида захар яширин бўлади.  
Кимки зийракроқ бўлса, ҳидидан билади,  
Бошқа бири эса лаб ва тишига уради.  
Гарчи Шайтон унга «егин» деб наъра урса ҳам,  
Томоғидан аввал унинг лаби рад қилади.  
Бошқасини томоғида пайдо қилади,*

Бошқасини баданида расво қилади.  
Бошқасини ҳадасда азоб беради,  
Гоҳ-гоҳида жигар захмини пайдо қилади.  
Бошқасига кунлар ва ойлардан сўнг азоб берса,  
Бошқасини Сур чалингандан сўнгги ўлим (пайтида  
қийнайдди.)

Зикр қилинган бу икки фирқанинг белгиларини ва аломатларини билишнинг йўли бу ҳол илми бўлиб, Ҳақ субҳонаҳунинг ишбилармандлари ва иноят топанларига насиб этгандир, уларнинг ботинлари Илоҳий нур билан мунаввар бўлгандир. Маснавий:

*Нур бояд пок аз тақлиди авл,  
То шиносад мардро бефеълу қавл.*  
(Одамнинг феъли ва сўзига эътибор бермай, унинг кимлигини билиш учун,  
Номақбул тақлиддан пок бўлган нур керак.)

Илоҳий илмда нодонлик раво бўлмайди, демак Шайтоний тажаллиёт, нафс макри ҳамда бу иқовнинг офатларини басийрат кўзи билан кўриб ва билиб, эҳтиёт бўлмоқ ва дафъига киришмоқ лозим. Бу зотлардан бошқалар зоҳирий илмлар, хоҳ у ақлий илмлар бўлсин, хоҳ нақлий илм бўлсин, бу илмларга олим бўлсин ёки у жоҳил бўлсин, буларнинг билиши бир қанча нарсалардан далил олиш йўли билан бўлади. Булардан бири *«албатта танур эрдингиз унинг аломатларидан»* (Куръон, 47/30) оятида айтилгандек, сиймо (аломат)лар бўлиб, алдов ва айёрлик, мунофиқлик ва тилёғламалик, сотқинлик ва икки юзламачилик уларнинг номуборак юзларидан маълум бўлади. Оқил кишилар фаросат (Зба)назари ва чуқур имтиҳон юзасидан қараб, албатта, унинг қаллоб, ўғри, каззоб эканини биладилар.

Шунингдек, Илоҳий орифларнинг ва ошиқларнинг сидқу вафолари уларнинг равшан чеҳраларида зоҳирдир ва Субҳоний нурларнинг порлаши пешоналарида ҳувайдодир. Уларнинг муборак дийдорлари кўнгилларни ўзига жазб этади, уларнинг ёқимли атворлари кўнгилларнинг мақбули ва маҳбубидир. Уларнинг суҳбатига садоқат ва ихлос юзасидан кирилса, одам ўз ихтиёрини тамом қўлдан бериб, қалбида ўзгариш ва интилиш юз берганини, юрагида тортилиш пайдо бўлганини аниқ ҳис этади. Аллоҳни ёдда тутишга, агар бунга лойиқ бўлса, майлни зиёда бўлганини сезади.

(Орифлар ва ошиқларнинг) бошқа аломатлари - уларнинг феъллари ва амалларини шариат тарозуси орқали тортиш билан билинади. Агар унинг феъллари шариат, Аллоҳнинг Китоби ва Расулulloҳнинг суннатига мувофиқ дуруст ва рост бўлса ва холис Худо йўлида холис бўлса, бало ва мусибат, гам ва меҳнат юз берганда ўздан кетмаса, уларнинг ботиний ҳолининг ҳақиқатини ва сидқини шулардан билиш мумкин. Агар бунинг акси бўлса, бу шайтоний ҳолат бўлиб, бу нур уни истило қилиб, ҳалок этган, залолат чоғига тушган бўлади. Одамлар уни Ҳақнинг мажзуби, мастлик туфайли унда шу каби шариатга хос бўлмаган нолойиқ ишлар юз беради, деб ўйлайдилар. Билмайдиларки, (366)Илоҳий нур сақловчидир ва Ҳақ буйруғидан бошқа нарсани қилишга йўл қўймайди. Худойи таъоло бирор кишини ўзига яқин қилиш учун тортса, ўзига яқинлаштириш учун тавлаб олса, нима учун ўзи рози бўлмаган амални бажаришига йўл қўяди: *«(Эй Мухаммад), сиз айтингки, эй инсонлар, агар сизлар Аллоҳни дўст тутсангизлар, менга тобеъ бўлинглар, Аллоҳ сизларни дўст тутар»*. (Қуръон, 3/31).

Эки уларнинг иши истидрождир. ماشойихлар айтадиларки, бирор киши озгина шариатга зид ишни ихтиёр қилса, бироқ унинг аҳволига путур етмаса ва нуқсон топмаса, албатта, бу истидрож ва Илоҳий макр бўлиб, Аллоҳ уни кечроқ ушлайди ва энг оғир азобларга гирифтор қилади. Бас, замона одамларидан, улуғларидан, олийларидан ажабланасанки, девонага айланган, жин ва шайтонлар ақлини зойил қилган, чап билан ўнгини билмайдиган, феълининг шумлиги учун Худойи таъоло азобга гирифтор қилган, ўз душманини ўз устига ортиб қўйган, уларга ғазаб қилган, ҳаётини ҳалокат ва расволик билан ўтказаетганларнинг ҳар бирини Оламнинг кутби ва Одам фарзандининг ғавси деб биладилар. Хатто уларни Онҳазрат саллаллоҳу алайҳи ва саллам ва Увайс Қараний разийаллоҳу анҳу ўрнида деб биладилар. Шайтон ва ажинадан юз берган ҳолатларининг ғалабаси сабабли айтган баъзи сўзлари ва уларнинг кўрсатган нарсалари ҳақида сўзласалар, буни улардан юз берган мақомот ва каромот деб қабул қиладилар, Худойи таъоло ва Расул алайҳис саломнинг сўзларига эътибор қилмайдилар, муштаҳидлар ва (37а) машойихларнинг, Аллоҳ уларнинг барчасига раҳматини сочсин, айтганларига кулоқ солмайдилар, неча марта лаб уларнинг ёзган китобларидан тошган, кўрган ва билганларига қарамай, фаолият-

лари жараёнида ҳайронликда ва саросимада бўладилар. Хулоса шуки, Худованди таъоло бирорта одамга иноят назари билан боқмаса У илму дониши билан ҳидоят ва раҳбарлик қила олмайди, «ҳидоят ва иршод Аллоҳдандир, албатта, У Валий ва Ҳакимдир».

(Аллоҳнинг орифлари ва ошиқларини танишнинг) феълдан кейинги бошқа аломати - уларнинг сўзларидир. Ҳазрати Мавлавий Румий, сирлари муқаддас бўлсин, буюрадилар:

**Феълу қавл омад гувоҳони замир,  
З-ин ду дар ботин ту истидлол гир.  
Чун надорад сайри сийрат дар дарун,  
Бингар андар бавли ранжур аз бурун.  
Феълу қавл он бавли ранжурон бувад,  
Ки табиби жисро бурҳон бувад.  
В-он табиби руҳ дар жонаш равад,  
В-аз раҳи жон андар иймонаш равад.  
Ҳожаташ н-ояд ба феълу қавли хуб,  
Иҳзарухум хум жавосис ул-қулуб.**

(Феъл ва сўз ботиннинг гувоҳидир,  
Бу иқовдан ботинга далил қидир.  
Агар ботинда сайр ва сийрат бўлмаса,  
Касалнинг сийдигига ташқаридан боқ.  
Феъл ва сўз касалнинг сийдиги бўлади,  
Бадан табиби булардан далил олади.  
Руҳ табиби жонсари кириб боради,  
Жон орқали иймонига кириб боради.  
Яхши феъл ва сўз билан ҳожати чиқмайди,  
Улардан эҳтиёт бўлки, улар қалбларнинг жосусларидир.)

Ҳақ субҳонаҳу ва таъоло: «**Ва сиз уларни танирсиз сўз тариқасидан**» (Қуръон, 47/30) деб буюрди. Онҳазрат саллаллоҳу алайҳи ва саллам иноят юзасидан: «**Эркакнинг ҳусни тили остида яшириндир**» дедилар. Ҳазрати Мавлавий Румий, сирлари муқаддас бўлсин, бу ҳадис таржимасида буюрадилар:

**Одами махфист дар зери забон,  
Ин забон пардаст бар даргоҳи жон.  
Чунки бод ин пардаро дарҳам кашид,  
Сирри сахни хона бар мо шуд падид.**



*К-андарин хона гуҳар ё гандум аст,  
Ганжи зар ё жумла мори каждум аст.  
З-ин қибал фармуд Аҳмад дар мақол,  
Дар забон пинҳон бувад ҳусн ур-рижол.  
(Одамлик ўз тил остида яширин бўлади,  
Ва бу тил жон даргоҳига парда бўлади.  
Агар шамол бу пардани кўтариб юборса,  
Хона саҳни биз учун очилиб қолади.  
Хона ичида гавҳарми ёки донми,  
Тилла хазинасими ёки илону чаёнларми, (аён бўлади).  
Аҳмад (с.а.в.) шу маънода мақол айтдилар,  
Яъни, эркакнинг чиройи тили остида яширин, дедилар.*

(376)Бошқа жойда ҳақни, ботилни, ҳолат ва сўзни таниш ҳақида мисол билан буюрадилар:

*Ҳар ки дар ҳаммом шуд, сиймойи ӯ,  
Ҳаст пайдо бар руҳи зебойи ӯ.  
Туниёро низ сиймо ошкор,  
Аз либосу в-аз духону в-аз губор.  
В-ар набинӣ рӯӣ, бўяширо бигир,  
Бӯ асо омад далели ҳар зарир.  
В-ар надонӣ бӯ дарозаш дар суҳан,  
Аз ҳадиси нав бидон рози куҳан.  
(Кимки ҳаммомга тушган бўлса бунинг белгиси,  
Унинг зебо юзида акс этган бўлади.  
Гўлаҳларнинг белгилари ҳам,  
Либосдан, тутундан ва чангдан билиниб туради.  
Агар юзини кўрмасанг, ҳидини ҳидла,  
Ҳар бир кўрнинг далили ҳассадан билинади.  
Агар ҳидидан билмасанг, узун сўзига боқ,  
Янги сўздан эски сирни билиб ол.)*

Сўзларга қараб танишнинг йўли шуки, дарвишларнинг мажлислари ва маҳфилларида ўтиришга тўғри келганда, йўлнинг ва тариқатнинг нозик масалаларини эшитиб ва сўраб, «сўз оҳанги»га (Қуръон, 47/30) боқиб, аён кўриб ва билиб гапиряптими-йўқми ёки сўфийлар ҳақидаги китобларнинг ҳар жой, ҳар жойидан олиб, бир қанча сўзларни чала-чулпа гапиряптими, эътибор

қилинади. Бундай сўзлардан эшитувчига на фойда, на завқ бўлади ва на сўзловчининг кимлиги ва фарқи маълум бўлади. Нимаики гапирса, хаёл ва гумон бўлади. Шунинг учун ҳам ўтмиш улуғлари: «Авлиёларнинг нозик сўзлари маҳак (синов) тошидир, ҳар кимнинг кимлиги у орқали билиб олинади» - дейдилар.

Ҳазрати Мавлавий Румий, сирлари муқаддас бўлсин, тамсил орқали шу маънода буюрадилар:

*Имтиҳон бар имтиҳон аст, эй писар,  
Ҳар кӣ гўяд ман шудам сарҳанги дар.  
Ки надонад омма ўро з-имтиҳон,  
Пухтагонро роҳ жўяндаш нишон.  
Гар кунад даъвийи хайётӣ касе,  
Афканад дар пеши ӯ шах атласе.  
(Эй ўғил, имтиҳон устига имтиҳон бўлади,  
Кимки, мен сарҳанг бўлдим, деса,  
Омий халқ уни имтиҳондан билмайди,  
Пишганлар эса белги йўлини қидиради.  
Кимки тикувчилик даъвосини қилса,  
Унинг олдига (имтиҳон учун) шоҳ атласни ташлайди.)*

(38а) Шағол ҳақидаги масални келтирадиларки, у бўёқ хумига тушиб кетади ва кўёш нури остида ранги бошқача бўлиб қолади. Натижанда у ўз ҳамжинслари орасида товусликни даъво қилади. Имтиҳон пайтида расво ва шарманда бўлади. Маснавий:

*Эй шағолон, ҳин, магонедам шағол,  
Кай шағолеро бувад чандин жамол?  
Он шағолон омаданд онжо ба жамъ,  
Ҳамчу парвона багирдо-гирди шамъ.  
Бас чи хонемат бигў, эй жавҳарӣ,  
Гуфт товуси нарӣ чун муштарӣ.  
Бас бигуфтандаш, ки товусони жон,  
Жилваҳо доранд андар гулситон.  
Ту чунон жилва кунӣ, гуфто, ки не,  
Бодия норафта чун гўям мане.  
Бонги товусон кунӣ, гуфто, ки ло,  
Бас найи товус Хожа Бу-л-Ало.  
Хилъати товус ояд з-осмон,  
Кай расӣ аз ранги даъвиҳо бад-он.*

(Эй шақоллар, сизни қандай шақол дейин,  
 Шақолда бундай жамол бўладими?  
 Парвона шамнинг гир атрофида тўплангани каби,  
 Шоғоллар унинг атрофида жам бўлиб йигилдилар.  
 Эй жавҳар, айт сени ким деб атайлик?  
 Муштарийдек эркак товус деб атанглар.  
 Дедиларки, жонон товуслар,  
 Гулистон ичида жилвада бўладилар.  
 Сен ҳам жилва қил, дедилар.  
 Йўқ, далага бормаи, қандай жилва қиламан, деди у.  
 Товусларнинг сайрашини қил, дедилар. Йўқ, деди у.  
 Демак, сен товус эмассан, Хожа Бу-л-Ало.  
 Товуснинг хилъати осмондан келади,  
 Сен ранг даъво қилиш билан унга қачон ета оласан?)

Хулоса шуки, бундай имтиҳонларни амалга ошириш дарвишлар учун лозим ва толиблар учун зарурдир. Ҳар ким фаҳм ва истеъдодига яраша текширсин ва эҳтиёт чорасини жойига қўйсин, ташқи кўринишини безатиши ва эл орасида шухрат қозонишига алданиб қолмасин. Кўпинча ботил кишилар камолда шухрат топган, Ҳақ аҳли эса панада ва пинҳонда қолган бўлади. Неча вақтлар дарвишлар ҳалқасида айланиш, силсилага кирганлар ва ибодатда бўлганларни тавоф қилиш, тафтиш шартини жойига қўйиш лозим, (386)шоядқи Худойи таъоло унинг амалини зое кетказмаса ва «кимки бирор нарсани қидирса, топади» ҳукми бўйича уни комиллик сарҳадига етказса. Борди-ю, тополмаса ҳам талаб ҳуқуқини адо қилган бўлади. Ҳазрати Мавлавий Румий, сирлари муқаддас бўлсин, таҳқиқ ва текшириш ҳақида буюрадилар:

*Имтиҳон бар имтиҳон аст, эй писар,  
 Ҳар ки гўяд ман шудам сарҳанги дар.  
 Гар сафолин кўзаҳоро метарӣ,  
 Имтиҳоне мекунӣ, эй муштари.  
 Мезанӣ дасте бар он кўза, чаро,  
 То бидонӣ аз танин ишкастаро.  
 Бонги ишкаста дигаргун мешавад,  
 Бонги човуш аст, пешаш меравад.*

(Хар ким, мен сарҳанг бўлдим деса,  
Эй ўғил, имтиҳон устига имтиҳон бўлади.  
Агар сопол кўза сотиб олмоқчи бўлсанг,  
Эй харидор, уни имтиҳон қилиб кўрасан.  
Бу кўзага қўл уриб нима қиласан?  
Яъни овозидан унинг синганини биласан.  
Синганнинг овози бошқача эшитилади,  
Бутуниники эса узоққа кетади.)

Агар бу белги ва нишонлар, ўтказилган тажрибалар  
ва имтиҳонлар билан ҳам ҳақ ёки ботилни ажрата билмаса,  
комил ёки ноқисни фарқлай олмаса, бундай одам аҳмоқ,  
гўл ёки миясиз бўлиб, у ҳеч бир восита билан ислоҳга  
келмайди ва ҳеч қандай чора билан тuzалмайди. Ҳазрати  
Мавлавий Румий, сирлари муқаддас бўлсин, буюрадилар:

*Нақдро аз нақл нашносад гавист,  
Ҳин аз ў бугрез, агарчи маънарист.  
Раставу барбаستا пешу ў якест,  
К-аз яқин дон даъвийи ў дар шакест.  
Инчунин гар зиракийи мутлақест,  
Чунаш ин тамйиз набвад, аҳмақест.  
Ҳин аз ў бугрез чун оҳу зи шер,  
Сўйи Ҳақ биштоб, эй доно, далер.*

(«Нақд» билан «нақл» фарқини билмаган одам адашган  
одамдир,

Агар у маънавий одам бўлса ҳам, ундан қоч.  
«Ўсгану ўсмаган» сўзи унинг учун биттадир,  
Аён билгинки, унинг даъвоси пучдир.  
У мутлақ зийрак бўлганда ҳам,  
Унда тамиз ва фарқлаш бўлмаса, демак у аҳмоқдир.  
Оҳу шердан қочгани каби, кел, ундан тез қоч,  
Эй донову ботир киши, Ҳақ сари шошил.)

Ҳикоя қилишларича, бир куни бир киши Ҳазрати Ийсо  
алайҳис саломнинг гўёки шер унинг қонини тўкмоқчи  
бўлаётгандек, тоғ томонга қочиб кетаётганини кўрди.

(39a) Ҳалиги киши унинг орқасидан келиб: «Бундай тез қочиб кетаётганингизнинг сабаби нима?» - деб сўради. Шошиб кетаётган-лари сабабли жавоб бермадилар. Ҳалиги киши уларнинг орқасидан югуриб борди ва қасамёд қилиб, бироз тўхташини сўради. Тўхтадилар. Ҳалиги киши: «Нега қочаяпсиз, орқангизда на душман бор ва хавф?» - деб сўради. Ийсо алайҳис салом: «Аҳмоқ одамнинг дийдоридан қочаяпман!» - деб жавоб бердилар. У киши эса: «Ахир сиз мурдани афсун билан тирилтирадиган, Аллоҳ изни билан жонсиз нарсага жон киргизадиган, нима хоҳласангиз шуни қиладиган киши эмасмисиз? Шундай экан, нопоклар билан ўтиришдан ва бебошлар заҳматидан сизга қандай қўрқув бор?» - деди.

**ОЛТИНЧИ ФАСЛ -**  
**КАМОЛ АҲЛИНИНГ СИФАТИ ВА ҲАЗРАТИ**  
**ХУДОВАНДИ ТАЪОЛОГА ЯҚИН БЎЛГАН ИЛОҲИЙ**  
**ХОС БАНДАЛАРНИНГ ВИСОЛГА ЕТИШ ТАРИҚИ**  
**БАЁНИДА**

Маълум бўлсинки, ҳиммат ва ҳақиқат йўлида садоқат юзасидан холис мақсадда бўлган дарвишлар ҳар бир қадамда жон берган, тариқат водийсида икки қадам билан бор-йўқларидан кечиб, мақсад Каъбасига қадам қўйган эканлар, улар энг аввало ботини ўзлик иллатининг булғанишдан пок бўлган, бевоситалик мақомига етиб, лоязолий (Аллоҳ) мушоҳадасига мушарраф бўлган рафиқни қидирганлар. Чунончи, Расул алайҳис салоту вассалом: «*Аввал рафиқ, сўнг тариқ (йўл)*» - деб буюрганлар, токи уларнинг мададлари ва кўм аклари билан ишни охирига етказсинлар ва мақсадга восил бўлсинлар. Чунки пирнинг вужудисиз масофаларни ва хавфу хатарлар йўлларини босиб ўтиш муяссар бўлмайди. Комил йўл бошловчисиз манзиллар ва довоиларни осонлик билан тай этиб бўлмайди.

Ҳазрати Мавлавий Румий, сирлари муқаддас бўлсин, бу бобда буюрадилар:

*Ҳар кӣ дар раҳ бе қаловузе равад,  
Ҳар дурӯза роҳи садсола шавад.  
Ҷуз ки нодир бошад андар хофиқайн,  
Одаме сар бар занад бе волидайн.*  
(40а) *Мол он ёбад, ки касбе мекунад,  
Нодире бошад, ки бар ганже занад.  
Мустафое ку ки жисмаш жон шавад,  
Токи Раҳмон аллама-л-Қуръон шавад.*  
(Кимки йўлда йўлбошчисиз юрса,  
Икки кунлик йўли юз йиллик йўлга айланади.  
Одамнинг Шарқу ғарбда ота-онасиз туғилиши,  
Нодир ҳол бўлади.  
Молни касб билан шуғулланувчи топади,  
Бусиз хазинага етиши нодир бўлади.  
Токи «Раҳмон аллама-л-Қуръон»<sup>1</sup> бўлиши учун,  
Ҷисми жон бўладиган Мустафо қани?)

<sup>1</sup> «Ар-Раҳмон, таълим берди Қуръонни». (Қуръон, 55/1-2).

Пирнинг воситасисиз, хоҳ зоҳирда бўлсин, хоҳ ботинда бўлсин, ҳар ким узоқлик поғонасидан ҳақиқий Султоннинг яқинлик даргоҳига мушарраф бўлиши, хавфу хатарлардан саломат йўл босиб ўтиши нодир ҳодисалардан ҳисобланади. Маснавий:

*Лайса ли-л-инсон ва ла ли-л-жинни он,  
Тунфизу мин жинси ақтори замон.  
Ла нуфуза илла би-султан ил-худа,  
Мин тажовиф ис-самавати ил-ула.*  
(Инсонлар ҳам, жинлар ҳам,  
Замонни босиб ўтиб кетолмайдилар.  
Юксак осмонларнинг ораларидан,  
Ҳидоятга солувчи Султонсиз ўтиш йўқ.)

Бу ташқи оламда, масалан, энг яхши касбни эгаллашни ўзинга фарз деб билган бўлсанг, шу касбнинг устози берадиган таълимсиз уни осонлик билан эгаллай олмайсан, маҳорат ҳамда нозик нуқталарини била олмайсан. Бас, шундай экан, қандай қилиб аъло, улуғ ва барча мақсадлардан юқори бўлган Жаббор маърифати ва Ҳазрати Жаноби Кирдикорга етишишни касб этишни комил мурид дастурисиз ва омил муаллим йўл йўриғисиз ҳосил қилиш мумкин?! Чунончи, бу бобда «Маснавий»да айтилади:

*В-ин амал, в-ин касб дар роҳи садод,  
Кай тавон кард, эй писар, бе устод.  
Камтарин касбе, ки дар олам равад,  
Ҳеч бе иршоди устоде шавад.*  
(Бу амал ва бу касбни эгаллаш йўли,  
Эй ўғил, ҳеч устодсиз эгаллаб бўладими?  
Оламдаги энг оддий касб ҳам,  
Устознинг йўлланмасисиз ҳосил бўладими?)

(406)Бошланишда кўпгина машойихларга пирнинг дийдор давлати ва суҳбати зоҳирда муяссар бўлган, тобелик ва мулозамат шарафи насиб этган. Баъзи асрларда баъзи азизларга Онҳазрат алайҳис салоту вассаломнинг руҳоният тарбияси юз берган ва Расулulloҳнинг хос назарлари билан сарафроз бўлганлар. Бошқа улуғларнинг, Аллоҳ уларнинг сирларини муқаддас қилсин, руҳониятларидан ҳам парвариш ҳосил бўлган. Бундай жамоатни

истилоҳда **увайсийлар** дейиладики, улар қувват ва қурбат (яқинлик)да бошқалардан зиёда бўладилар ва давроннинг нодир авлиёларидан саналадилар.

Ҳазрати Мавлавий Жомий, сирлари муқаддас бўлсин, «Нафаҳот ул-унс» китобларида келтиришларича, тариқат шайхи Шайх Фаридуддин Аттор, сирлари муқаддас бўлсин, айтганларки, авлиёуллоҳлардан бир қавм бўладики, уларни тариқат машойихлари ва ҳақиқат бузругворлари **увайсийлар** деб атайдилар. Уларни зоҳирда Рисолатпаноҳий Муҳаммад ал-Мустафо алайҳис салоту вассалом ўз иноят хужраларида гайриларсиз парвариш қиладилар, чунончи, Увайс (Қараний)ни парвариш қилган эдилар. Бу кўп улуг мақомдир, кимни бу мақомга етказад-ю, кимга бу давлат насиб этади, «бу нарса Аллоҳнинг фазлидур, уни хоҳлаган бандасига берур». (Қуръон, 5/54).

Шунингдек, Онҳазрат саллаллоҳу алайҳи ва салламга тобе бўлган баъзи авлиёуллоҳлар баъзи толибларни, гарчи уларнинг зоҳирда пири бўлмаса-да, руҳониятлари (41а)орқали тарбиялайдилар ва бу жамоат ҳам увайсийлар қаторига киради. Тариқат машойихларидан кўпи сулукнинг аввалида мана шу мақомда бўлганлар. Масалан, шайхи бузругвор Шайх Абулқосим Гургонийи Тусийким, Ҳазрати Абулжаноб Нажмуддин Кубро машойихларининг силсиласи уларга уланади ва Шайх Абу Саъид Абул Ҳайр, Абул Ҳасан Харақоний, Аллоҳ уларнинг сирларини муқаддас қилсин, ушбу табақадан эдилар, бошланишда уларнинг зикри доимо «увайс, увайс» дейиш бўлган». (Жомий иқтибоси тугади).

Бас, қайси тариқада бўлмасин, унинг ботини пирнинг ҳидоят нури билан равшан ва мунаввар бўлиб, тўғри йўл маълум бўлса, «ўлик ғассол қўли остида бўлгани каби» пир ҳукми остида таслим бўлганлар, пирнинг ихтиёри ва ризоси қаршисида ўз ризосини тарк этганлар, пирга нисбатан шубҳа ва эътироздан барча ҳолатда эҳтиёт бўлганлар, пирнинг амру фармонига собитқадамлик билан қулоқ тутганлар. Битта йўлда бирдам бўлиб, зикр билан машғул бўлганлар. Аллоҳ ёдидан ўзга нимаики дилда пайдо бўлса, уни ҳайдаганлар. Нафсининг муродини тарк этишга ҳаракат қилганлар.

Шайх Жунайд Бағдодийдан, сирлари муқаддас бўлсин: «Тасаввуф нимадир?» - деб сўрадилар. Улар: «Ҳақнинг сени ўлдириши ва Ўзи учун тирилтириши» - деб жавоб бердилар. У ўз ҳоли ҳақида шундай хабар беради: «Банданинги ўз нафсидан



кечиши, Аллоҳ (41б)зикрига шўнғиши, Унинг ҳақларини адо қилиши, қалбига назар қилиши, Хувиййат нурлари билан қалбини ёқиши, муҳаббат косасидан май ичиши, унга Жабборнинг ғайб пардаларини очилиши, агар гапирса, Аллоҳ билан гапириши, агар сўзласа, Аллоҳдан сўзлаши, агар ҳаракат қилса, Аллоҳ амри билан ҳаракат қилиши, агар тўхтаса, Аллоҳ билан тўхташи, агар шундай бўлса, бас у Аллоҳ билан, бас у Аллоҳ учун». (Иқтибос тутади).

**Чашмбанди халқ жуз асбоб нест,  
Хар кй ларзад бар сабаб з-асҳоб нест.  
(Халқ кўзини боғлаган нарса сабабдан ўзга эмас,  
Хар ким сабабдан титраса у дўстлардан эмас.)**

(Бу зотлар) мусаббаб ул-асбобни ўз Парвардигорлари сифатида ихтиёр қилиб, Онҳазрат саллаллоҳу алайҳи ва саллам-нинг **«кимки Аллоҳ таъолони ўз Рабби сифатида билса, у иймон таъмини тотади»** ҳадисининг ҳукмича, ўз аҳдларига вафо қиладиларки, мийсоқ кунда Ҳазрати Худованди таъоло: **«Оё, Мен сизларнинг Раббларингиз эмасманми?»** (Қуръон, 7/172) хитобини бизларга қилди ва Рабблик нисбатини ўз номига қўшди ва биз **«Ҳа, Раббимиздурсан»** (Қуръон, 7/172) жавобини берган эдик, унинг Рабб (Парвардигор)лигига розилик билдиргандик. Улар бу аҳдда собит ва маҳкамдирлар ва фойда умидини Ҳақдан ўзгадан узганлар, фойда ва зарарни Худодан деб билганлар. Ҳақ субҳонаҳу ва таъоло: **«Мен ҳам аҳдима вафо қиламан»** (Қуръон, 2/40) деган содиқ ваъдаси остида уларни парвариш қилади ва маърифат юкини кўтаришни уларга арзон тутади.

Ҳазрати Мавлавий Румий, сирлари муқаддас бўлсин, буюрадилар:

**Ишқ чун вофист, вофй мехарад,  
Бар ҳарифи бевафо менангарад.  
Чун дарахтаст одамию бех аҳд,  
Бехро тимор мебоад ба жаҳд.  
(42а) Аҳди фосид беҳи пусида бувад,  
В-аз шумори лутф бубрида бувад.**

(Ишқ агар вофий (етарли) бўлса, вофий<sup>1</sup> уни сотиб олади,

Бевафо дўстларга У қарамайди.  
Одам дарахт бўлса, томири аҳддир,  
Демак томирни астойдил парвариш қилмоқ керак.  
Бузуқ аҳд чириган томир кабидир,  
У илтифотдан тамом қирқилган бўлади.)

Хазрати Шайх Фаридиддун Аттор, сирлари муқаддас бўлсин, буюрадилар:

*Посбони кун баче дар кўйи дил,  
З-он ки дуздонанд дар пахлўйи дил.  
Чун туро ин посбонӣ шуд сифат,  
Ишқ зуд ояд турову маърифат.*  
(Дил кўчасида кўп посбонлик қил,  
Чунки дил атрофида ўғрилар бордир.  
Агар сен учун бу посбонлик сифатга айланса,  
Сенда ишқ ва маърифат тезда ҳосил бўлади.)

Маърифат водийсида тариқат машойихлари, Аллоҳ уларнинг сирларини муқаддас қилсин, бир хил нарса билан машғул бўлганлар, барчаси битта йўлдан кетганлар, барча ҳолатда ҳам зикрга доимий машғуллик кўргизганлар, фикру хаёлларни ҳайдашга интилганлар. «Нузҳат ул-арвоҳ» китобида ёзилишича, агар ҳар ким сўфийликни даъво қилса, ўша вақт қозиси улардан иккита гувоҳни талаб қилади. Ҳар иккови доимий зикр ва тугал фикр билан қози ҳузурида лафз ва маънода иттифоқ бўлиб, гувоҳлик бермасалар, даъволари тасдиқ топмайди ва молу мато душманга қайтариб берилмайди. Қачонки, унда фикр ва андишадан ҳеч нарса қолмаса, ундаги доимий ва барқарор зикрга бир лаҳза ва бир он ҳам футур ва қусур етмаса, мақсад муяссар бўлади. Ва ҳолнинг комиллиги мана шудир.

Зикр айтиш жараёнида лаҳми санубарийни<sup>2</sup> бешта сезги томонга йўналтириш эмасдирки, ҳозирги замон машойихлари бунга кўп эътибор берадилар, буни сулук ва мақомот деб биладилар,

<sup>1</sup> Вофий - вафо қилувчи (Аллоҳ).

<sup>2</sup> Сановбар дарахтининг баргига ўхшаган гўшт, яъни юрак.

ваҳоланки асл нарса «*ёдкард*» да мустағрақ бўлиш, фикрлар ва васвасаларни йўқ қилиш, *исмдан мусаммо* сари ўтиш, бу ерда ўзини ҳам, нарсаларни йўқ ҳолда топиш, фоний филлоҳ ва боқий биллоҳ бўлишдирки, улар бу нарсаларни орқага ташлаганлар ва жисмоний ишларга машғулдирлар. Натижада фикр ва васвасани кўпайтирадиган феълга мубтало бўлганлар. Улар аъзо ҳаракатида қанчалик қадр бўлиши (42б) мумкин ва жисмни ҳаракатга келтиришда қанчалик эътибор бўлиши мумкин, буни билмайдилар.

Ҳазрати Хожа Алоуддин Аттор, сирлари муқаддас бўлсин, айтадиларки, дил ойнасига сайқал бермоқ лозим. Қўлга, бикинга ёки орқага сайқал бергандан фойда йўқ. Бу замонда хуфия зикрга машғул бўлганлар уни дилга эмас, қоринга айтадилар. (Иқтибос тутади).

Онҳазрат саллаллоҳу алайҳи ва саллам буюрадилар: «Ҳар бир нарсага сайқал берувчи бор, қалбга сайқал берувчи Аллоҳ таъолонинг зикридир». Зикр айтувчи зикр айтаётганда ўз қалбида сайқал топмаса, хаёл ва фикрлар тўлиғича йўқ бўлмаса, айна ғафлат ҳисобланган дил ҳаракатигина бўлса, бу зикр эмасдир. Бундай зикрдан қалб бузилиши ва Ҳақнинг ёмон кўришидан ўзга нарса унда ҳосил бўлмайди. Ҳадисда келишича, «кимки Аллоҳ деса-ю, қалби Аллоҳдан ғофил бўлса, икки дунёда унинг душмани Аллоҳдир».

Зикрнинг холис бўлишининг шарти шуки, зикр айтувчи дилга диққат қилиб, зикрни тилга ёки дилга йўналтирса ва ботин кўзини бошқа нарсаларга юмса, Шайтон унинг дили атрофидан қочади. Шайтон ўзини четга олганда эса васваса ва хаёллар кесилади. Онҳазрат саллаллоҳу алайҳи ва саллам буюрадилар: «Шайтон Одам фарзандининг қалбида ўтирувчидир, агар зикр айтса қочади, ғофил бўлса, васваса қилади».

Ҳазрати Мавлавий Румий, сирлари муқаддас бўлсин, буюрадилар:

*Зикри жисмона таъли ноқис аст,  
Васфи шохона аз онҳо холис аст.  
Зикри Ҳақ пок аст чун поже расид,  
Рахт барбандад, бурун ояд палид.*  
(43а) *Мегурезад зиддихо аз зиддихо,  
Шаб гурезад чун барафрўзад зиё.*

(Жисмнинг зикри - ноқис хаёлдир,  
Бу зикрдан шоҳона васф холий бўлади.  
Хақ зикри покдир, пок зикр келса,  
Нопоклик ўз анжомини йиғиштириб, чиқиб

кетади.

Қуёш чиқиши билан тун қочгани каби,  
Зид нарсалар ўз зиддиларидан қочади.)

Бас, маълум бўлдики, зикрда васваса бўлса, яъни тил ва дил зикрида орага бошқа нарса аралашса, бу зикр эмас. Зикр айтувчи зикрни тилда айтса ёки дилда айтса ҳам, зикрдан бошқа нарса хаёлдан ўтмаслиги, зикр Султони дил қалъасини тўлиқ эгаллаши, Шайтон лашкарини ташқарига ҳайдаши, зикрни соф ва холис қилиши, «Аллоҳу таъолони зикр қилинглари» амрига амал қилиши керак. Бундай нарса намозда ҳам шартдир. Худованди таъоло буни ҳам зикр деб атаган ва «намоз ўқигил Менинг ёдим учун» (Қуръон, 20/14) деб буюрган.

«Ихё ул-улум» китобида зикр этилишича, Расул саллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Агар банда намозини оқилона ўқимаса, у намоз эмасдир». Ҳар бир нарса намозда тил ва тандан содир бўлса, дил уни ақл юзасидан идрок этмаса, у намозга ҳисоб бўлмайди ва Ҳаққа яқинлашишга сабаб бўлмайди. Демак Ҳақ субҳонаҳунинг: «Сажда қил ва яқин бўл» (Қуръон, 96/19) ояти фикр ва ўйлардан тўлиқ қутилиб, Ҳаққа етишиш ҳақидадир.

Ҳазрати Мавлавий Румий, сирлари муқаддас бўлсин, қурб (яқинлик) ҳақида буюрадилар:

*Қурби Ҳақ боло, на настй рафтани аст,  
Қурби Ҳақ аз қайди хастй растан аст.  
(Ҳаққа яқинлик баланду настга бориш эмас,  
Ҳаққа яқинлик ўзлик қайдидан қутилишдир.)*

Шунингдек, Қуръон ўқишда ҳам ҳузур ва огоҳлик шартдир, васваса ва хаёлларни (436)кувиш, албатта, лозимдир. Онҳазрат алайҳис салоту вассалом буюрадиларки, кўп Қуръон ўқувчилар борки, Қуръон уларга лаънат ўқийди. Чунки улар Қуръонни кибру ҳаво ва ғафлат юзасидан ўқийдилар, таъзим ва ҳурматни жойига қўймадилар.

Бундан ташқари, зикр айтиш ва дуолар ўқишда ҳам ҳузур ва огоҳлик бўлиши шартдир. Онҳазрат алайҳис салоту вассалом: «Ижобат бўлишига қаттиқ ишонган ҳолда Аллоҳга дуо қилинглар, билинглар, албатта Аллоҳ ғофил қалбдан қилинган дуони қабул қилмайди» - деб буюрдилар. Хожа Алоуддин Аттор, сирлари муқаддас бўлсин, айтадиларки, бу ибодатлар ва тоатлардан мақсад ўздан қутилиб, Ҳаққа етишиш учун башарийлик вужудини инкор қилишдир. Ҳазрати Мавлавий Румий, сирлари муқаддас бўлсин, айтадилар:

*Жумла медонанд ин ҳастӣ фаҳ аст,  
Фикру зикру ихтиёрат дўзах аст.  
Мегурезад аз худӣ дар беҳудӣ,  
Ё ба мастӣ ё ба шувел, эй муҳтадӣ.*

(Барча билади, бу ўзлик тузоқдир,  
Фикр, зикр ва ихтиёринг дўзахдир.  
Беҳуд бўлиб худлик (ўзлик)дан қоч,  
Эй тўғри йўл изловчи мастлик билан ёки машғуллик билан.)

Ўзликдан халос бўлган кишилар икки гуруҳдирлар. Биринчиси **мажзуб солик** бўлиб, йиллаб дилни тозалаш ва руҳни холий қилиш учун уринган, тан поклиги ва нафс софлигини ҳосил қилган, Илоҳий тажаллиётга мушарраф бўлган, тажаллий шаробидан бир қултум ичган, маст ва ўздан фоний бўлган кишидир. Улар «фатҳдан сўнг ҳижрат йўқ» ҳадисини ўзлари учун ўқиганлар, мастлик ва беҳудликда қолганлардир. Улар иршод ва муқтадоликка ярамайдилар.

(44a) Яна бири мажзуб солик бўлиб, бошланишда тажаллий асарларини қидирганлар ва жазб уларни эгаллаб олган, нурлар денгизидан нўш этганлар ва сайрлари доимо тажаллиётда бўлган. Уларнинг сулуклари исмлар ва сифатларда бўлиб, жалол ва жамол пардаларидан ўта олганлар, ҳақиқати Муҳаммадия алайҳис салоту вассаломнинг улуғ ҳижоб (ҳижоби аъзам)ларига етишганлар ва у ерда зарраларга бўлиниб, қатра денгизга тушгани каби, ўзларининг ному нишонларидан фоний бўлганлар. Чунончи, Шайх Фаридуддин Аттор, сирлари муқаддас бўлсин, Расули акрам саллаллоҳу алайҳи ва саллам мақтовларида айтадилар:

*То нишоне ёфт жони ман зи ту,  
Бенишоне шуд нишони ман зи ту.  
(Менинг жоним Сиздан нишон топагч,  
Менинг нишоним бенишонга айланди.)*

Ҳар қандай мўъминнинг жонига Онҳазрат саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг нуридан бирозгина омонат қўйилган бўлса, Илоҳий иноят билан мўъминнинг жонида кўтарилиш (уруж) юз берса, унинг сулуки улухиййат тажаллийисигача етади. Шундан сўнг сайр қилувчининг нури шу нур бўладикки, бу нур жоннинг жони бўлади, сулукни кўрсатади ва Онҳазрат алайҳис салоту вассалом нурига қўшилади ва гарчи миангнинг йиллар ўтса-да, ўша ерда бўлади.

Ҳазрати Мавлавий Румий, сирлари муқаддас бўлсин, буюрадилар:

*Оби кўза чун дар оби жў шавад,  
Маҳв гардад дар ваю чу ў шавад.  
Васфи ў фонї шавад, зоташ бақо,  
Не зи пас гум мешавад, не буд лиқо.  
(Кўза суви ариқ сувига қўшилганда,  
Сув ичида йўқ бўлиб, ўша сувдек бўлиб қолади.  
Кўриниши йўқ бўлади, бироқ асли боқийдир,  
У аслида йўқ бўлмайди, бироқ кўринмайди ҳам.)*

Бу ерда ақл, фаҳм, ҳуш, идрок, дониш ва илм асло қолмайди, давомли ҳайратда бўладикки, зот мушоҳадасидан ўзга нарса унга шиор бўлмайди. Гоҳида муридларни тарбият қилиш учун, Набий алайҳис салоту вассаломнинг нуридан айрилмаган ҳолда, қуйига нузул қилади. Шунда *жуз кулл* билан ҳамроҳ бўлади, ва бу зот замона муришиди ва муқтадоси бўлади. Ҳазрати Мавлавий Румий, сирлари муқаддас бўлсин, бу нозил бўлган нурни Онҳазрат саллаллоҳу алайҳи ва саллам нури ичида макон тутишини ташбиҳ қилганлар, гоҳида денгизга, гоҳида тоққа ўхшатганлар. Ҳазрати Зотни мушоҳада қилиш Набавий алайҳис салоту вассалом нури орқали бўлишини таъкидлаб, комили мукамал ширга нисбатан хитоб қилиб дейдилар: «Эй ҳис юки ғайб оламига етказган зот, Мусо каби қўлингни ғайб қўйнидан чиқариб нурлантир ва толибларнинг дилида асарларни зоҳир ва ҳувайдо қил уларнинг ботинларини равшан нур билан мусаффо қил, чунончи, Ҳақ

субҳонаху айтандек: «**Ва олиб бор қўлингни қўлтишингаки, чуқур оқ бўлиб, айбсиз бўлур, иккинчи нишон, токи кўрсатайлик сенга буюк нишонларимизни**».  
(Куръон, 20/22).

Ва (Мавлавий Румий, сирлари муқаддас бўлсин), буюрадилар:

**Эй бибурда раҳти ҳисҳо суйи ғайб,  
Даст чун Мусо бурун овар зи жайб.**

**Эй сифотат офтоби маърифат,**

**Офтоби чарх набвад як сифат.**

**Гоҳ хуршеду гаҳе дарё шавӣ,**

**Гоҳ Кўҳи Қофси, анқо шавӣ.**

(Эй ҳислар юкини ғайб томон олиб чиққан киши,

Мусо каби қўлингни қўйнингдан чиқар.

Эй сифатлари маърифат қуёши бўлган одам,

Чарх қуёши фақат бир сифатда бўлмайди.

Гоҳида қуёшу гоҳида денгиз бўласан,

Гоҳида Кухи Қофдек анқо бўласан.)

Ҳақиқатда эса комилларнинг зоти бу ўхшатиш ва тамсиллардан айридир, бу тамсилларнинг барчаси ноқисдир, аслида ўзлари (яъни Румий) айтганларидек, қуйидагичадир:

(45а) **Ту на ин бошӣ, на он дар зоти хеш,**

**Эй фузун аз ваҳмҳо в-аз беши беш.**

**Руҳ бо илм асту бо ақл аст ёр,**

**Руҳро бо тозию турки чи кор.**

(Сен ўз зотинг билан на бусан, на усан,

Эй хаёллардаги нарсалардан афзун бўлган зот.

Руҳ илм билан бирга ва ақл эса ёрдир,

Руҳнинг араб ёки турк билан нима иши бор.)

Ақли кулдан иборат бўлган Онҳазрат саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг нурига етишишнинг аломати ва Илоҳий илм сифати билан муттасиф бўлишнинг белгиси шуки, табиат ҳарфлари йўқ бўлади, дилда сўзларни ва калималарни жамлаш муяссар бўлмайди. Чунки Худойи таъоло илмида ҳарф ва овоз йўқ. Бас, комилларнинг тилига нимаики келса, сўзларни тартибга солиб сўзлашдан ўзга бўлади, уларнинг дили ва тилида таржимон бўлади.

Воридот, илҳом ва бу маънони талаб қилиш борасида Мавлавий, сирлари муқаддас бўлсин, буюрадилар:

*Эй Худо, жанро ту бинмо он мақом,  
К-андарў безарф мерўяд калом.  
(Эй Худо, жонимизга ўша мақомни кўрсат,  
Қайсики, унда ҳарфларсиз сўз пайдо бўлади.)*

«Миръот ул-орифийн» китобида ёзилишича, ҳақиқат аҳлига ҳақиқат сўзлари ошкор, табиат ҳарфи эса йўқдир. Улардан бошқаларга эса табиат ҳарфи манзур ва ҳақиқат калимаси яширин. Улар бу кашф ҳақида «оё, Ул осмонларни ва ерни яратувчи Зотлиги ҳақида шубҳа борми? (Қуръон, 14/10) дейди. Булар эса бу ҳижоб ҳақида: «Оё, ул киши бу қадар маъбудлар ўрнига биргина маъбуд қарор бердимми? Бу ниҳоятда ажиб бир сўздир» (Қуръон, 38/15) дейдилар.

Анбиёларнинг, уларга саломлар бўлсин, фозиллари ва комиллари ва авлиёлар, уларнинг барчасига Аллоҳ таъоловинг розилиги бўлсин, бир ойна кабидурларки, Худованди таъоло ўзининг ҳукмлари ва сирларини бу ойнада зуҳур қилдиради, уларнинг вужуди ва тилидан бу ҳукм ва сирларни инов ва ихтиёрсиз содир қилади. Тўтига (456)ўхшаган муридлар ва таълим олувчилар ўзларининг суврати ва жисмига ўхшаш бу зотлардан маъориф ва ҳақойиқларни тинглайдилар, ахлоқ ва одоб ўрганадилар. Уларнинг сўзлари ва ҳаракатларини уларнинг ўзларидан деб ўйлайдилар, уларга тобелик ва пайравлик қиладилар. Бу нарсалар бошқа жойдан эканини билмайдилар.

Ҳазрати Мавлавий Румий, сирлари муқаддас бўлсин, буюрадилар:

*Ҳамчунон дар ойна жисми валий,  
Хешро бинад муриду мумталиий.  
Аз паси ойна ақли кулро,  
Кай бубинад вақти гуфти можаро.  
Ў гумон дорад, ки мегўяд башар,  
В-он дигар сармаст ў з-он беҳабар.  
Ҳарф омўзад вале сирри қадим,  
Ў надонад тўтй аст он не надим.*



(Валий жисми ойна каби бўлиб,  
Мурид ўзини унда тўлиқ кўради.  
Сўз ва можаролар вақтида,  
Ойна орқасидаги ақли куллини қайдан кўрсин.  
У одам гапиряпти деб гумон қилади,  
Бошқаси эса сармаст, бундан беҳабар.  
У ҳарф ўргатади, лекин қадимий сирни,  
Билмайди, у тўти каби ва у надим эмас.)

Бас, Худованди таъолонинг ўз дўстларига нисбатан мукаммал навозиши бор, Унинг лутфи уларни «ўз»ларидан тортиб олади, ихтиёридан бутунлай айриб қўяди, уларнинг ижтиҳод занжир-ларини узади ва Ўзи уларнинг зохири ва ботинини тасарруф остига олади, уларнинг диний ва дунёвий ишларини интизомга солади. Ҳадиси қудсийда дейилади: «Кимки Менга нафл ибодатлар билан яқинлашса, уни яхши кўраман, қачонки уни яхши кўрсам, унинг учун қулоқ, кўз ва тил бўламан».

Аҳмад ибн Мавлоно Жалолуддин Косоний, Аллоҳ уларга раҳматини сочсин, дейдилар: «Мағлублар узрлидир, улар нимаики айтсалар, Ҳақ билан айтадилар, Ҳақдан айтадилар ва Ҳаққа айтадилар. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Аллоҳнинг айтгани ҳақида ҳикоя қилиб дейдилар: «Мен билан эшитади, Мен билан кўради, Мен билан гапирди, Мен билан тутади, Мен билан қадам босади». (Иқтибос тутади).

Яна Онҳазрат саллаллоҳу алайҳи ва саллам Сиддиқи Акбарга, Аллоҳ улардан рози бўлсин, дедилар: «Кимики ўликни кўрмоқчи бўлса, ер юзини айлансин, бас, назар солсин Ибн Қаҳҳофага». Авлиё ва асҳобларнинг мукаммаллари, Аллоҳ уларнинг барчасидан рози бўлсин, шундай эдилар. Боққанда уларнинг суврати ва жисми боқий эди, вужудларига қараб, уларни гоҳ найга ўхшатардилар, гоҳи арғанунга, баъзи замонда ўликка нисбат берардилар. Уларнинг нисбати ва ҳақиқатининг камолини тўлиқ баён қилиб бўлмайди ва таърифга сиғмайдики, агар ҳаётнинг барча саҳифаларини уларнинг васфи ва мақтови билан тўлдирилса, ҳануз ҳам кам бўлади ва озгинаси баён қилинган бўлади. Агар фалакнинг барча табақаларига уларнинг мақомотлари ва даражотлари ёзилса, бунда ҳам қисқа бўлиб қолади ва чўзишга жой қолмайди.

Бас, энди баён бисотини ёйиш, ҳолни тавсиф қилиш, шарҳга муҳтож бўлган азизларнинг мақомотини кўз нурида жойлашган ҳиммат ҳумосини ваъда қилинган ишга ва аҳд қилинган шарҳга, асл мақсад шу эди, қаратишнинг муносиб вақти етди ва таҳқиқ ва қайсики тафтишга ружу қилингангайки, матлуб тезда қўлга киргай ва муддао тез орада ҳосил бўлгай. **«Тавфиқ Аллоҳдан ва У менга кифоя қилувчи ва яхши Вакилдир».**

Китоб матни - Мавлавий Румийдан, шарҳи эса Абул Музаффар ибн Музаффардан. Шарҳ қилувчининг муборак номлари Ҳазрати Шайх Одина Муҳаммад Хоразмийдир, Аллоҳ бу икковнинг сирларини муқаддас қилсин, руҳларини роҳатда қилсин ва қабрларини мунаввар этсин!

## БИРИНЧИ ЖИЛД

(466) **Биринчи мақола** - Ҳақ субҳонаху ва таъолонинг тавҳиди ҳамда комили мукаммил зотларнинг сўз айтишда ва бошқа боқий ҳаракатлар мақомида найга ўхшашлари баёнида, зероки найдан садо чиқар экан бу қавл (сўз) ва феъл уларнинг ўзидан эмас, балки буларнинг барчаси Ҳақдандир, чунки найнинг овози най чалувчидандир, на унинг ўзидан, аммо улар Раҳмон тажал-лийсига тобедирлар. **«Аллоҳ инсонни ҳидоят йўлига солувчидир».**

### БИСМИЛЛАҲИР РОҲМОНИР РОҲИЙМ

**Бишнава аз най чун ҳикоят мекунад,  
Аз жудойиҳо шикоят мекунад.**  
(Найга қулоқ солгинки, у нимани ҳикоя қилади,  
У ўзининг жудолиги ҳақида шикоят қилади.)

Най Ҳазрати Мавлавийнинг, унга Аллоҳнинг раҳмати бўлсин, ўзидан иборатдир. Ўхшатишнинг сабаби шуки, най (қамиш) ичидан тўсиқ бўладиган нарсалар олиб ташлангач, У овоз чиқаришга қобил бўлади. Сўнг ундан чиққан ҳар бир садо навозанда (най чалувчи)дан бўлади. Демак, Худойи таъоло фазли улардан, яъни Румийдан (47а) монеликларни чиқариб ташлаб, ўз зотига восил қилгандир ва улардан вужудга келган ҳар бир сўз ўша томондандир. Бошқа жойда яна шунга ишора қиладилар:

**Ҳамчунон, ки мурдаам ман қабла мавт,  
З-он тараф овардаам ин сайти савт.**  
(Шундай қилиб, ўлишдан аввал ўлган эдим,  
Бу шарафли овозни ўша томондан келтирдим.)

Бас, мендан эшитгинки, жамлик (бирлашиш)дан сўнгги айрилиш ҳақида қандай шикоят қиламан.

**Аз найистон то маро бубридаанд,  
В-аз нафирам марду зан нолидаанд.**  
(Қамишзордан мени кесиб олганларида,  
Эркагу аёл оҳ уришимдан нолага келдилар.)

Жам (бирга)лик бўлган қамишзордан мени жудо қилган вақтдан бошлаб, менинг оқ чекишимдан эркагу аёллар нола чекишдадирлар. Эркагу аёлларнинг оқ уришига сабаб бўлган нарса шуки, солиқда Аллоҳ инояти билан *фано филлоҳ* ҳосил бўлиб, *бақо биллоҳ* юз кўрсатса ва «*ҳақиқий ўтириш жойи*»да (Қуръон, 54/55) қарор топса, ўша ердан халқни иршод қилиш учун уни қуйи оламга юборадилар. Бу ерда у бир муддат Илоҳий тажаллийдан айрилади. Гарчи унинг иззати ва улуглиги мавжуд бўлса-да, бироқ ўша тажаллий ва мақомдан узоқлашувни айни зиллат ва хорлик деб билади, оқ чекиб, наъра уради. Шундан сўнг, султоний иноят карвонбошиси «*хожангизга боринг*» садосининг тўлиқ ишораси билан унга келади ва уни «*ҳақиқий ўтириш жойи*»га (Қуръон, 54/55) қайтаради.

Таҳқиқ этувчиларнинг саййиди ва тадқиқ этувчиларнинг суянчиғи Шайх Фаридуддин Аттор, қабрлари ичра сирлари муқаддас бўлсин, «Мантиқ ут-тайр» китобларида шунга ишора қиладилар:

*Баъд аз он ўро бақое дода кулл,  
Айни иззат карда бар вай айни зулл.  
То нагардад жони ту мардуди шох,  
Кай шавй мақбули шох ин жойгоҳ.  
Аввал андозад ба хорй дар раҳат,  
Боз баргирад ба иззат ногаҳат.  
(Унга тугал боқийлик бергандан сўнг,  
Иззатни унинг учун хорликка айлангирди.  
Сенинг жонинг шоҳ томонидан рад қилинмагунча,  
Бу жойда сен қачон шоҳга мақбул бўласан?  
Аввал бу йўлда сени хорликка ташплайди,  
Ногаҳон яна иззат сари етказди.)*

(476)Шундан сўнг, унинг орзусидан юқоридароқ даражада бўлган пок зотининг мушоҳадасини унга арзон тутуди. «Мантиқ ут-тайр»да шунга ишора қилинади:

*Ҳазрате диданд бе васфи сифат,  
Бартар аз идроки ақли маърифат.  
(Сифатининг васфисиз Ҳазратни кўрдилар,  
Бу маърифат ақлининг идрокдан устун эди.)*

Яна уруж (кўтарилиш) ва нузул (тушиш) ихтиёрини унга берадилар. Бошқа жойда шунга ишора қилинади. Маснавий:

*Ҳар даме ўро бувад меърожи хос,  
Бар сараш тожаш ниҳад сад тожи хос.  
Сураташ дар хок, жонаш ломакон,  
Ломакони фавқи ваҳми соликон.  
Ломаконе, ки дар ў ваҳм оядат,  
Ҳар даме дар вай хаёле зоядат.  
Бал макону ломакон дар ҳукми ў,  
Ҳамчу дар ҳукми бигиште чоражў.  
(Ҳар дамда унинг учун хос меърож бўлади,  
Бошига юзталаб хос тож кўядилар.  
Жисми тупроқда, жони эса ломаконда,  
Ломаконки, солиқлар тасаввуридан юқоридир.  
Бир ломаконки, унда сен учун ваҳм пайдо бўлади,  
Ҳар дамда унда бир хаёл туғилади.  
Балки, ломакон макони ҳам унинг ҳукмидадир,  
Гўё бигишт ҳукмида чоражў бўлгани каби.)*

Мана бу: «Қачонки, бақога етсалар подшоларга айланадилар» деган муборак ҳадиснинг мисоли ҳамда: «Ҳақиқий ўтириш жойида, кудратли Подшо олдида» (Қуръон, 54/55) ояти шу маънони ифодалайди. Маснавий:

*Сийна тохам шарҳа-шарҳа аз фиरोқ,  
То бигўям шарҳи дарди иштиёқ.  
Бир сийвани хоҳлар эдимки, бу сийнам айрилиқдан пора-  
пора бўлса, токи иштиёқ дардини унга айтсам.*

*Ҳар касе, к-ў дур монд аз асли хеш,  
Бозжўяд рўзгори васли хеш.  
(Ҳар ким ўз асладан узоқда қолса,  
Ўтган висол даврини излайди.)*

(Шарҳ). Ҳар ким ўз асли бўлган илоҳий нурдан узоқлашса, яна уни қайтадан қидиради. Чунончи, «Мен Аллоҳдан ва мўъминлар меңдан» ҳадиси шунга ишорат қилади. Ҳазрати Мавлавий Румий шунга мувофиқ буюрадилар:

**Аз сифоташ расташ валлоҳ нахуст,  
Дар сифоташ бозрав чолоғу чуст.**  
(Унинг сифатларидан қутилсанг, Худо ҳақи,  
Яна чаққон ва тезда Унинг сифатларига қайт.)

**Ман ба ҳар жамъияте нолон шудам,  
(48a) Жуфти хушҳолону бадҳолон шудам.**  
(Мен ҳар бир жамоатга нола қилдим,  
Хушҳол ва бадҳол кишиларга улфат бўлдим.)

(Шарҳ). Яъни, мен ҳар қандай жамоат билан, хоҳ хушҳол бўлсин, яъни огоҳ ва баҳраманд бўлсин, хоҳ бадҳол, яъни ғофилу бебаҳра бўлсин, сўзлашдим.

**Ҳар касе аз занни худ шуд ёри ман,  
Аз даруни ман бижуст асрори ман.**  
(Ҳар ким ўз хаёли билан менга ҳамдам бўлса,  
Ичимдан менинг сирларимни қидирди.)

(Шарҳ). Бу икки тоифадан ҳар ким менга ёру ҳамдам бўлса, менинг сирларимни қидирдилар.

**Сирри ман аз нолаи ман дур нест,  
Лек чашму гўшро он нур нест.**  
(Менинг сирим ноламдан узоқ эмас,  
Лекин кўзу қулоқда (сезувчи) нур йўқ.)

(Шарҳ). Яъни, сиримнинг нури сўзларимдан узоқ эмас, яъни кўз ва қулоқда ўшал нур йўқки, кўриш ва эшитиш билан менинг сиримни билса. Чунончи айтадилар:

**Шайхи нуруни зи раҳ оғаҳ кунад,  
Бо суҳан ҳам нурро ҳамраҳ кунад.**  
(Нуроний шайх йўлдан огоҳ қилади,  
Сўзга ҳам нуруни ҳамроҳ қилади.)

**Тан зи жону жон зи тан мастур нест,  
Лек касро диди жон дастур нест.**  
(Тан жондан ва жон тандан яширин эмас,  
Лекин одамга жонни кўриш рухсати берилмаган.)

(Шарҳ). Яъни, тан жондан ва жон тандан пинҳон эмас, шунингдек сирымнинг нури сўзларим билан бирдир, лекин ҳар кимга менинг нуримни кўришга рухсат йўқ.

**Оташ аст ин бонги ною нест бод,  
Ҳар кӣ ин оташ надорад нест бод.**  
(Бу най овози оловдир, у шамол эмасдир,  
Ҳар кимда бу олов бўлмаса, йўқ бўлсин.)

(Шарҳ). Яъни, бу овоз ишқ оловининг овозидирки, қобил кишиларни куйдиради. У фойдали бир шамол эмас, агар менда ишқ олови бўлмаса, унда йўқ бўлай. Ва бу қасам бўлиб, уларга мункир бўлган ва сўзлари қалбларига таъсир қилмаган ноқобиллар учун айтганлар.

**К-оташ ишқ аст, к-андар най фитод,  
Жўшиши ишқ аст, к-андар май фитод.**  
(Най ичига тушган нарса ишқ оловидир,  
Май ичига тушган нарса ишқнинг жўш уришидир.)

(Шарҳ). Яъни, менга тушган нарса ишқнинг оловидир, ишқ жўшиши эса толибларнинг ботинига тушган нурлар бўлиб, «унинг нуридан уларга томчилаган».

**Ҳамчу най захрею тарёке ки дид,  
(486) Ҳамчу най дамсозу муштоке ки дид.**  
(Най каби заҳар ва тарёқни ким кўрган?  
Най каби ҳамдам ва муштокни ким кўрган?)

(Шарҳ). Яъни, қаҳр заҳарининг ҳавола қилиниши ва тарёқни инъом этилиши менга кўрсатилган лутф бўлиб, замон саҳнида ва даврон майдонида мenden ўзга киши уни кўрмаган.

**Най ҳадиси роҳи пурхун мекунад,  
Қиссаҳойи ишқи Мажнун мекунад.**  
(Най қонга тўла йўллардан сўзлайди,  
Мажнуннинг қиссаларини баён қилади.)

(Шарҳ). Яъни, мен қонга тўла ишқ йўлидан ҳикоя қиламан, ошиқларнинг ишқ қиссаларини сўзлаб бераман.

**Маҳрами ин ҳуш жуз беҳуш нест,  
Мар забонро муштарӣ жуз гӯш нест.**  
(Бу ҳушнинг сирдоши беҳуш кишидан ўзга эмас,  
Тилнинг харидори эса қулоқдан ўзга эмас.)

(Шарҳ). Ишқ сири бўйича сирнинг маҳрами шундай кишиларки, пок Зот кашфи билан башариятнинг барча асарларидан, чунончи, ақл, ҳуш ва бошқаларидан мусаффо ва тозадирлар. Ҳазрати Мавлавий Румий ўз ҳаётликлари даврида бу сирнинг соҳиби ва бу рознинг маҳрами бўлган бошқа одам йўқ бўлган. Негаки, ҳар бир асрда бундай одам биттадан бошқа бўлмайди. Шунинг учун ҳам «Мар забонро муштарий жуз гӯш нест», яъни сирларнинг улуғи бўлган тилимнинг сўзларини ўзимдан бошқа харидори ва унинг толиби йўқ, деганлар. Чунки:

**Дарнаёбад ҳоли пухта ҳеч хом,  
Бас, суҳан кўтоҳ боёд, вассалом.**  
(Хом киши пухта (пишган) кишининг ҳолини ҳеч қачон  
билмайди,  
Бас, сўзни қисқа қилиш керак, вассалом.)

**Гар набудӣ нолиши найро асар,  
Най жаҳонро пур накардӣ аз шакар.**  
(Қамиш ноласининг таъсири бўлмаса эди,  
Қамиш жаҳонни шакарга тўлдирармиди?)

(Шарҳ). Агар сўзларимнинг таъсири бўлмаса эди, оламни нурга тўлдирмаган бўлардим. Менинг сўзим қаердаки тилга олинса, менинг нурым ўша ерда ҳозир бўлади. «Солиҳ кишилар зикр этилганда ўша ерга раҳмат ёғди» сўзи бу маънони таъкидлайди.

**Дар ғами мо рўзҳо бегоҳ шуд,  
Рўзҳо бо сўзи мо ҳамроҳ шуд.**  
(Бизнинг ғамимизда кунлар тун бўлди,  
Кунлар куйишимизга ҳамроҳ бўлди.)

**Ҳар ки жуз моҳӣ зи обаш сер шуд,  
(49а) В-он ки берўзист, рўзаш дер шуд.**



(Балиқдан бошқа ҳар ким унинг сувидан тўйди,  
Кундузи бўлмаган кишининг кундузи кеч бўлди.)

(Шарҳ). Толибдан ўзгаси сўзларим денгизининг сувидан  
ичиб тўйди. Бошқа ерда яна шу маънога ишора қиладилар:

*Оқилонро як ишорат бас бувад,  
Ошиқонро ташнагй з-он кай равад.*  
(Оқил кишиларга бир ишора етарли бўлади,  
Ошиқлардан эса унга ташна бўлиш қачон кетади?)

(Шарҳ). Ҳар кимга ундан баҳрамандлик бўлмаса, куни  
кеч бўлди ва бундан маҳрум қолди. (Балиқ ҳақидаги  
байтнинг шарҳи).

*Дарнаёбад ҳоли пухта ҳеч хом,  
Бас, суган кўтоҳ бояд, вассалом.*  
(Хом одам пухта (пишган) кишининг ҳолини  
ҳеч қачон билмайди,  
Бас, сўзни қисқа қилиш керак, вассалом.)

(Шарҳ). Пухта (пишган) дейилишидан мурод - дил  
ойинаси башариятнинг барча асарлари ва губорларидан,  
чунончи, ақл, ҳуш ва бошқаларидан мусаффо ва тоза  
бўлган кишидир. Бундай киши Онҳазрат саллаллоҳу алайҳи  
ва салламнинг нурига етишган ва айни ўша нурнинг ўзига  
айланган, ҳатто ўзини ўша нур сифатида кўрган ва билган  
бўлади. Шу маънода айтилади:

*Эй гофилон, эй гофилон, ман Шамси Табрэзй наям,  
Ман шамси нури Мустафо, ман ошиқи деринаям.*  
(Эй гофиллар, эй гофиллар, мен Шамси Табризий эмасман,  
Мен Мустафо нурининг куёшиман, мен қадимий ошиқман.)

Бу саодат давлати Илоҳий нур уни ўраб олгандагина муяссар  
бўлади. Бундай киши даврнинг ёлғизи, замоннинг ягонаси,  
Аллоҳнинг Исрофили ва амири, замона қутби ва соҳиби вақтдир.  
Бу ҳол ва мақомнинг хабарлари ўзларини, вақт Боязидиман,  
замона Жувайдиман, деганларнинг сўзларидан маълум бўлади.  
Шайх Абул Ҳасан Ҳарақоний, сирлари муқаддас бўлсин, замона  
Худосиман, давр Мустафосиман, деганлар, яъни соҳиби вақтман,

замона халифасиман, деганлар. Бунинг таъбири улугдир. (Бу маъно мана бу маснавийдаги) сўзда ҳам ифодасини тошган:

*Бода аз мо маст шуд, не мо аз ў,  
Қолиб аз мо ҳаст шуд, не мо аз ў.  
(Бода биздан маст бўлди, на биз ундан,  
Қолиб (жисм) биздан бор бўлди, на биз ундан.)*

(496)Яъни, толибларнинг қобилият заминига киритилган нурлар биздандир ва толиблар унинг тарбиятида мастлик ва нашъу намо тошган. Одамнинг қолиби, балки барча борлик бизнинг нуриимиздан яратилган.

*Бода дар жўшиш гадоиш жўши мо,  
Чарх дар гардиш гадоиш хўши мо.  
(Қайнаётган бода бизнинг қайнашимизнинг гадоси,  
Айланаётган чарх бизнинг хўшимизнинг гадоси.)*

Муридларнинг ва толибларнинг ботинларидаги нурлар «нуридан томчи берди»нинг томчиларидан бўлиб, Онҳазрат саллаллоҳу алайҳи ва саллам орқали бизнинг ботинимизда бўлган нур қайнашидан жўшга келади ва гадойлик қилади. Чунки Онҳазрат саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг нури кулл (умумий) ва куллнинг жуз (бўлак)лари толибнинг ботинида куллга айланади. Айланишда бўлган чарх мушоҳаданинг гадойдир. Маснавий:

*Бар симоъи рост ҳар кас чир нест,  
Тўзмаи ҳар муреаке анжир нест.  
(Тўғри сўзга ҳар ким мос бўлавермайди,  
Анжир ҳар қандай қушга овқат бўлмайди.)*

Яъни, айтилган ҳар қандай сўзлар воқеъликка мос бўлса-да, бироқ ҳар ким уни англашга қодир бўлавермайди. Шайх Фаридуддин Аттор, сирлари муқаддас бўлсин, айтадилар:

*Ҳафтумин водийи фақрасту фано,  
Баъд аз он рави равиш набвад раво.  
Дар кашии афти, равиш гум гардадат,  
В-ар бувад як қатра, Қулзум гардадат.*

(Еттинчи водий фақр ва фано водийсидир,  
Ундан сўнг юришу равиш раво бўлмайди.  
(Ҳақдан) тортишга тушсанг равиш йўқ бўлади,  
Агар бўлса ҳам бир қатраси кулзумга айланади.)

Бошқа жойда «Маснавий»да айтилади:

*Хамчунин сайр аст мустасно зи жинс,  
К-он фузун аз ижтиҳоди жинну инс.  
Инчунин жазбест не ҳар жазби омм,  
Ки ниҳодаш фазли Аҳмад, вассалом.*  
(Бу жинсдан мустасно бўлган шундай сайрдир,  
Ва жин ва одамнинг ижтиҳодидан ортиқдир.  
Бу шундай тортишқи, у ҳар кўпчилиكنинг тортиши эмас,  
Унинг асоси Аҳмаднинг фазлидир, сўз тамом.)

Яна: «Покдур ул Зотики, олиб кетди бандаси  
(Муҳаммад)-ни ҳурматли Масжиддан Ақсо  
масжидига қадар» (Қуръон, 17/1) ояти ҳам шу тортишга  
ишорадур.

*Банд бизсил, бош озод, эй писар,  
Чанд бошй банди сийму банди зар.*  
(Бандни еч, озод бўлгин, эй ўғил,  
Қачонгача олтину кумушга банд бўласан.)

*Гар бирезй баҳрро дар кўзае,  
Чанд гунжад қисмати якрўзае.*  
(Агар денгизни кўзага қуйсанг,  
Қанча сиғади? Бир кунлик ризқинг сиғади.)

*Косаи чаъми ҳарисон пур нашуд,  
То садаф қонез нашуд, пурдур нашуд.*  
(Очкўзларнинг кўз косаси асло тўлмади,  
Садаф тўймагунча дурга тўлмади.)

*Ҳар киро жома зи ишқаш чок шуд,  
Ў зи ҳирсу айб кулли пок шуд.*  
(Ҳар кимнинг либоси ишқдан йиртилгандагина,  
У ҳирс ва айбдан бутунлай пок бўлди.)

(Шарҳ). Ҳар кимнинг либоси Худойи таъолонинг ишқидан чок бўлса, дунёга ва бошқа нарсаларга нисбатан бўлган умумий айбдан пок бўлади.

*Шод бош, эй ишқи хушсавдойи мо,  
Эй табиби жумла иллатҳойи мо.  
(Эй бизнинг ёқимли савдойимиз бўлган,  
Эй, барча иллатларимизнинг табиби бўлган ишқ, шод бўл.)*

*Эй давойи нахвату номуси мо,  
Эй ту Афлотуну Жолинуси мо.  
(Эй бизнинг манманлигу номусимизнинг давоси,  
Эй бизнинг Афлотун ва Жолинусимиз.)*

*Жисми тоқ аз ишқ бар афлок шуд,  
Кўҳ дар рақс омаду чолоқ шуд.  
(Тупроқдан пайдо бўлган тан ишқдан осмонгача чиқди,  
Тоғ эса рақсга тушиб, чаққон бўлди.)*

(Шарҳ). Яъни Онҳазрат саллаллоҳу алайҳи ва саллам ишқ туфайли фалакка кўтарилдилар, Тур тоғи эса Мусо алайҳис салоту вассалом ишқидан рақсга тушди.

*Ишқи жонон Тур омад, ошиқо,  
Тур масту «харра Мусо соъиқо».  
(Эй ошиқ, ёр ишқи Тур (тоғи) бўлди,  
Тур (тоғи) - маст, «Мусо беҳуш бўлиб йиқилди».)<sup>1</sup>*

(Шарҳ). Яъни, қурб (яқинлик) ва висол иродаси бўлган Худойи таъолонинг ишқи (50б)ошиқлар учун Туртоғидир. Биринчи олийликка кўтарилиб Илоҳий нур зоҳир бўлгач, ишқ Тури маст бўлиб, рақсга тушиб, ҳаяжонда қолади. Руҳ - Мусо йиқилади ва беҳуш бўлади, яъни ирода ва ихтиёр, фикр ва хаёл асло қолмайди. Чунончи, айтадилар:

*Не хаёлу не амонатро амон,  
З-инчунин оташ, ки шуъла зад зи жон.*

---

<sup>1</sup> Қуръон, 7/143.

*Хасми ҳар шер омаду ҳар рубаҳ ӯ,  
Кулли шайъин ҳолик илла важҳату.*  
(Шундай бир олов жондан шуъла уриб чикқач,  
На ҳаёл қолди, на омонатта омонлик қолди.  
У ҳар бир шер ва ҳар бир тулкининг душманидир,  
«Ундан бошқа ҳар бир нарса йўқ бўлувчидир».<sup>1)</sup>)

*Сирр пинҳон аст андар зеру бам,  
Фош гар гўям, жаҳон барҳам занам.*  
(Сир юрагимда пинҳондир,  
Агар уни фош қлсам, жаҳонни йўқ қиламан)

(Шарҳ). Бу икки мисрада, агар сирни очсам жаҳонга барҳам бераман, мазмуни бўлиб, инкор ва эътироз воситаси мавжуд. Лекин биз уни баён қилдик. Негаки барча ақлли кишилар уларнинг сўзларини бу замонда қабул қиладилар. Билгинки, Ҳақ соликлари икки гуруҳдирлар. Биринчиси *солиқи мажзуб* (мажзуб солик) бўлиб, огир қийинчилик ва саноқсиз меҳнатдан сўнг Илоҳий тажаллийдан бир қултум билан сероб ва маст бўладилар. Мажзуб соликнинг яна бири Илоҳий нурлар денгизидан неча марталаб ичадилар ва то зотий кашф ҳосил бўлмагунча чанқоқлари қонмайди.

Нақл қилишларича, Яҳёи Маъоз, сирлари муқаддас бўлсин, айтадиларки, Илоҳий жомдан бир қултум шароб ичдим, азалу абад сероб бўлдим. Улуғ мақомли султон – Султон Боязиди Бистомий, сирлари муқаддас бўлсин, айтганларки, мен Илоҳий нурлар денгизидан нўш этаман, чанқоғимни қондирмайди, балки кўпайтиради.

«Нафаҳот ул-унс» китобида келтирилишича, Аҳмад Хузравия, Аллоҳ унга раҳмат қилсин, Илоҳим, бизнинг умидимизни ўзингдан қирқма, деганлар. Шайх Боязид ҳам, Илоҳим, бизнинг умидимизни ўзингдан қирқма, деганлар. Ҳазрати Султоннинг сўзи Шайх (51а) Аҳмад Хузравияга нисбатан етишиш усулининг таълими бўлиб, то соликнинг сифатлари ва зоти фанога етмаса, кашфи зотий (зотнинг кашфи) бўлган тугал етишиш муяссар бўлмаса, солик Унинг сифатлари жумласидан бўлаверади.

Мавлавий, сирлари муқаддас бўлсин, бошқа жойда айтадилар:

<sup>1</sup> Қуръон, 29/88.

*Сахтрўе, ки надорад ҳеч пушт,  
Баҳражўеро даруни хеш кушт.  
Пок мебозад набошад музджў,  
Ончунон, ки пок мегардад зи ту.  
Медихад Ҳақ ҳастияш беиллате,  
Месупорад боз беиллат фати.<sup>1</sup>*

«Нафаҳот»да келтирилишича, авлиёлар ҳар хил бўладилар, баъзилари *бесифат*, баъзилари *бенишон*, баъзилари *босифат*. Баъзиларининг сифатлардан нишоналари бордир, масалан, уларни *аҳли тавҳид* (тавҳид аҳли), *аҳли маърифат* (маърифат аҳли), *аҳли муомала* (муомала аҳли) ё *аҳли муҳаббат* (муҳаббат аҳли) дейдилар. Ҳолнинг ва авлиёллик даражаларининг камолда ниҳоятта етиши бесифатлик ва бенишонликдир. Айтишларича, бенишонлик *кашфи зотий* (зотий кашф)га ишорат бўлиб, бу жуда баланд мақом ва жуда азиз даражадир. Унинг улуглиги ҳақида иборат ва ишорат қилишга қалам ожиздир.

Авлиёйи босифат (сифатга эга авлиё) сифатларнинг тажаллиёти мартабасида бўлиб, Аллоҳнинг бирорта сифати солиқнинг жонига тажаллий қилади ва бу сифатлардан бир сифат уни фонийликка етказди. Сўнг ўша сифатдан яхшироқ яна бир сифат олдингисининг ўрнига ўтиради, то *кашфи зот* ҳосил бўлгунча шундай давом этади. Мавлавий шунга ишора қилдилар:

*Аз мубаддил ҳастийи аввал намонд,  
Ҳастие бехтар ба жойи ў нишонд.  
Ҳамчунин то сад ҳазорон ҳастҳо,  
Баъди як - дигар давим аз ибтидо.  
Он мубаддил бин васойитро бимон,  
Гар васойит дур кардӣ з-асли он.*

(Ўзгартирувчидан аввалги борлик қолмади,  
Унинг ўрнига ундан яхшироқ борлик келди.  
Шу каби юз минглаб борликлар,  
Бирин-кетин кела бошлади.  
Сен восита қўйиб, ўзгартирувчини кўрасан,  
Агар унинг аслидан воситани дур қилолсанг.)

<sup>1</sup> Байтлар таржимаси юқорида ўтган.

(516)Баъзилари сифатлардан нишоналарга эга бўлганлардир. Бу шундайки, *айн ул-йақин* ва *жамъ ул-жам* деб аталадиган рубубият зотининг тажаллийси солиқнинг сифатларини тамоман фоний (йўқ) қилган бўлади, бироқ бу сифатларнинг таъсири ва нишони ҳам собит ва боқий бўлади. Шу маънода бу фано соҳибини «сифатдан нишонаси бор» (аз сифат нишонманд) деб номлаганлар.

Илоҳий Зот тажаллийсида сифатларнинг асарлари бутунлай зойил бўлади. Энди бу солиқни бесифат (сифати йўқ) дейдилар. Рухдан иборат бўлган солиқнинг зоти ҳам фоний (йўқ) бўлади. Бироқ зотининг белги ва нишонлари боқий қолади. Бу рухнинг жони Онҳазрат саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг руҳи эди, чунончи, улар айтганлар: «Мен Аллоҳданман ва муъминлар мендан». «Маснавий»нинг бошқа жойида айтилади:

*Гар будӣ жон зинда бепартав кунун,  
Ҳеч гуфтӣ кофиронро майӣитун.  
(Агар жон нурсиз тирик бўлганда,  
Кофирларни «ўликлар» деб айтармидинг?)*

Уларни *ақли кулл* билан боқий ва рубубият сифатлари билан мавсуф қилиб, халқни Ҳақ йўлга бошлаш учун юбордилар. Бир неча вақт бу тажаллий (нур)нинг йўлини унинг учун очмайдилар. У ҳижрон заҳмати чеклади. Шу сабабли шикоят қилиб айтади:

*Аз найистон то маро бубридаанд,  
В-аз нафирам марду зан нолидаанд.  
(Қамишзордан мени кесиб келтирдилар,  
Оху зоримдан эркагу аёл нола чекдилар).*

Қуйидаги «ҳар касе, ки дур монд аз асли хеш» (ҳар ким ўз асладан узоқ қолса) (52a)мисрасидаги асладан мурод мана шу улухийят (Илоҳий) тажаллийдир. Зикр қилинган мазкур ҳижрон воқеаси ҳақида Фаридулдин Аттор, сирлари муқаддас бўлсин, айтадилар:

*Баъд аз он ўро бақое дода кулл,  
Айни иззат карда бар вай айни зулл.  
То нагардад жони ту мардуди шох,  
Кай шавӣ мақбули шох, ин жойгоҳ.*

**Аввал андозад ба хори дар раҳат,  
Боз баргирад ба иззат ногаҳат.**  
(Унга тугал боқийлик бергандан сўнг,  
Иззатни унинг учун хорликка айлангирди.  
Сенинг жонинг шоҳ томонидан рад қилинмагунча,  
Бу жойда сен қачон шоҳга мақбул бўласан?  
Аввал йўлда сени хорликка ташлайди,  
Ногаҳон яна иззат сари етказди).

Сулукнинг ибтидосидан то шу ергача солиқ учун нимаики рўй берса, буларнинг ҳаммаси исмлардан, сифатлардан, рубубият ва улухийят Зотидан етган тажаллиёт бўлади. Энди эса, бундан кейинги мартаба ҳақида, чунончи, «боз баргирад ба иззат ногаҳат» (ногаҳон яна иззатга етказди) дейдилар. Шундай қилиб, бу ҳижрон водийсининг солиқини юзлаб лутфу эҳсон билан қақирадилар ва Жаноби аzza ва жаллага яқин қиладилар, қудс кўшниси қиладилар ва сидқ жойига ўтқазадилар. У орзу қилгандан буюкроқ нарсани бериб, исмлар ва сифатлардан иборат бўлган Зоти пок кашфини унга арзон тутадилар. «Мантиқ ут-тайр»да шунга ишора қилинади:

**Ҳазрате диданд бе васфи сифат,  
Бартар аз идроки ақлу маърифат.**  
(Сифат васфига эга бўлмаган Ҳазратни кўрдилар,  
У ақл ва маърифат идрокидан юқори эди).

Энди «янги пайдо бўлган қадимга яқинлашгач, ундан нишона қолмайди» сўзининг тақозоси бўйича, улухийят тажаллийсида боқий қилинган солиқ зоти бу ерда бутунлай зойил ва йўқ бўлади ва ундан нишон ҳам қолмайди. Зотий кашф (кашфи зотий)нинг аломатлари ва белгиларига эга бўлган солиқда фикр, андиша ва хаёл қолмайди. Пайғамбар алайҳис салом айтдилар: **«Аллоҳнинг инояти ва илтифоти ҳақида фикр юритинглар, Аллоҳнинг зоти ҳақида фикр юритманглар».**

Ҳазрати Мавлавий бу ҳадиснинг таржимасида буюрадилар:

(526) **3-ин васийят кард моро Мустафо,  
Баҳс кам гуед дар зоти Худо.**



*Он ки дар зоташ тафаккур карданист,  
Дар ҳақиқат он назар дар Зот нест.  
Ҳаст ин пиндори ӯ зери бароҳ,  
Сад ҳазорон парда омад то Илоҳ.  
Ҳар яки дар парда мавсул чу аст,  
Ваҳми ӯ он аст к-он худ айни ӯ аст.  
З-он паямбар дафъ кард он ваҳм аз ӯ,  
То набошад дар галат савдопаз ӯ.  
(Мустафо бизга бу васиятни қилдилар,  
Худонинг Зоти ҳақида камроқ баҳс қилинглар, дедилар.  
Худонинг Зоти ҳақида кимки фикр қилса,  
Аслида бу назар Унинг Зотида йўқ.  
Унинг бу фикрлари бекордир,  
То Илоҳгача юз минглаб парда бор.  
Ҳар бир пардага етиб борганда,  
Гӯё унинг айни ўзи деб ўйлайди.  
Токи у адашувда савдопаз бўлмаслиги учун,  
Пайғамбар ундан бу хаёлни даф қилди.)*

Яна Зотий кашф ҳақида «Гулшани роз» китобида айтилади:

*Бувад дар Зоти Ҳақ андеша ботил,  
Муҳоли маҳз дон маҳсули ҳосил.  
(Ҳақ Зоти ҳақида ўйлаш ботил ишдир,  
Бу бобда ҳосилга эга бўлишни бекор деб бил.)*

Яна Зотий кашф аломатлари ва белгилари шундайки, Зотий кашф соҳиби ҳузур ва мушоҳада учун ломаконга кўтарилади ва у ерга олиб чиқилади ҳамда толибларнинг иллатларини муолажа қилиш ва парвариш қилиш учун ҳар замон ва хоҳлаган ҳар соатда бу қуйи оламга нузул қилдирилади. Унинг тасарруфи Ҳақ субҳонаҳу инояти билан ҳар икки томонга жорий ва ўтувчидир. Чунончи, айтадилар:

*Ҳар даме ўро бувад меърожи ҳос,  
Бар сараш тоҷаш ниҳанд сад тоҷи ҳос.  
Сураташ дар тоқ, жонаш ломакон,  
Ломакони фавқи фаҳми соликон.  
Ломаконе, ки дар ӯ ваҳм оядат,  
Ҳар даме дар вай хаёле зоядат.*

*Бал макони ломакон дар ҳукми ӯ,  
Ҳамчу дар ҳукми беҳишти чор жў.  
(Ҳар дамда унинг учун хос меърож бўлади,  
Бошига юзлаб хос тож қўядилар.  
Жисми тупроқда, жони эса ломаконда,  
Ломаконки, солиқлар тасаввуридан юқоридир.  
Бир ломаконки, унда сен учун ваҳм пайдо бўлади,  
Ҳар дамда унда бир хаёл тугилади.  
Балки ломакон макони ҳам унинг ҳукмида,  
Чунончи чоржў беҳишт ҳукмида бўлгани каби.)*

Махфий қолмасинки, юқорида *кашфи зотий* (зотий кашф) аломатларидан бири - унинг соҳибиди фикру андиша ва хаёл қолмайди, дейилган эди. Бу ерда эса, унинг соҳибига кўтарилиш (уруж) ва тушиш (нузул) ҳар замон ва ҳар соатда муяссардир, (53а) дейилмоқда. Бас, бу икки жумла орасида фарқ юз бермоқда. Бас, кашф соҳибининг ирода ва ихтиёри билан ундан бошқанинг ирода ва ихтиёри ўртасидаги фарқни баён қилиш лозимки, бу Аллоҳ таъолонинг кўмаги ва тавфиқи билан айтиб ўтилгусидир.

Бу икки нарсанинг орасидаги фарқ шундаки, кашфи зот соҳибининг ирода ва ихтиёри нафс маслаҳатидан ва нафсда ҳарфларни жам қилишдан ташқарида бўлади. «Маснавий» да шу нарсага ишора қилинади:

*Эй Худо, жонро ту бинмо он мақом,  
К-андар ӯ бехарф мерўяд калом.  
(Эй Худо, жонимизга ўша мақомни кўрсат,  
Қайсики унда ҳарфсиз сўз пайдо бўлади.)*

«Маснавий» да яна бошқа жойда айтилади:

*Қофия андешаму дилдори ман,  
Гўядам мандеш жуз дидори ман.  
Ҳарф чи бвад, то ту андешӣ аз он,  
Ҳарф чи бвад, хорийи девор аз он.  
Ҳарфу савту гуфтро барҳам занам,  
Токи беин ҳар чи бо ту дам занам.  
(Қофия ҳақида ўйласам, дилдорим,  
Менинг дийдоримдан ўзгани ўйлама, дейди.)*

Харф нимадир, сен у ҳақда ўйлайсан,  
Харф нимадир, девор хорлиги ундан.  
Харф, овоз ва сўзга барҳам бераман,  
Буларсиз сен билан сўзлашаман.)

«Миръот ул-орифийн» китобида шунга ишора қилинган ҳолда буюрилади: ҳақиқатта етганларга ҳақиқат калимаси аён ва табиат ҳарфлари эса йўқ, улардан ўзгага эса табиат ҳарфлари манзур ва ҳақиқат калимаси яширин. Улар бу кашф ҳақида: «Оё, Худо осмонларни ва ерни яратгани ҳақида шак борми?» (Қуръон, 14/10) дейдилар. Булар мазкур ҳижоб ҳақида: «Оё, ул киши бу қадар мағбудлар ўрнига биргина мағбуд қарор бердими? Бу ниҳоятда ажиб сўздир» (Қуръон, 38/5) дейдилар.

Аммо кашфи зот соҳибларидан бошқаларда ирода ва ихтиёр нафс маслаҳати ва ҳарфларни нафсда жамлаш бўлиб, бу ғаразларнинг бошланиш жойидир. Бундан ташқари, кашфи зотий соҳибларининг ирода ва ихтиёри бегараз ва бебоис бўлади. «Маснавий» да шунга ишора қилинади:

(536) *Бегараз набвад ба гардиш дар жаҳон,  
Гайри жисму гайри жони ошиқон.*

(Ошиқларнинг жисмидан ва жонида бошқа нарсаларнинг, Жаҳонда айланиши бегараз бўлмайди.)

Кашфи зотий соҳибларининг ирода ва ихтиёри бошқаларнинг ирода ва ихтиёрига тескари бўлиб, бошқаларнинг ирода ва ихтиёри бегараз ва бебоис бўлмайди.

Яна бошқа фарқи шуки, *кашфи зотий* соҳибининг ирода ва ихтиёри аслида Ҳазрати Ҳақ субҳонаҳу ва таъолонинг ирода ва ихтиёридир. Мана бу ҳадиси кудсийда шунга ишора қилинади: «Кимки менга нафл ибодатлари билан яқинлашса, мен уни яхши кўраман, агар уни яхши кўрсам, унга кулоқ, кўз, тил, қўл ва оёқ бўламан. У Мен орқали эшитади, Мен орқали кўради, Мен орқали гапирди, Мен орқали ушлайди ва Мен орқали юради».

«Жавоҳир ул-асрор» китобида Жунайди Бағдодийдан, сирлари муқаддас бўлсин, нақл қилинишича, ундан: «Тасаввуф нима?» - деб сўрадилар. У: «Ҳақ таъоло сени ўзингдан ўлдириши ва ўзи учун тирилтириши» - деб жавоб берди. Ўз ҳоли ҳақида хабар бериб деди: «Бир бандаки, нафсидан кечган, Раббисининг зикрига

боғланган, унинг ҳақларини адо қилган, қалбига назар қилган, Илоҳий нур билан қалбини ёққан, муҳаббат косасидан шароб ичган бўлса, Жаббор унинг учун ғайб сирларини очади, агар сўзласа, Аллоҳ сўзлатади, агар гапирса, Аллоҳдан гапиради, агар ҳаракат қилса, Аллоҳ амри билан қилади, агар сокин бўлса, Аллоҳ билан бўлади, бас у Аллоҳники, Аллоҳ учун ва Аллоҳ билан».

Ҳазрати Мавлавий, сирлари муқаддас бўлсин, бошқа жойда шу маънога ишорат қилиб, буюрадилар:

*Авлиё асҳоби Каҳфанд, эй ануд,*

*Дар қиёму дар тақаллуб, дар руқуд.*

(54а) (Эй қайсар одам, авлиёлар Каҳф асҳобларидир, Туришда ҳам, ҳаракатда ҳам, сокинликда ҳам.

*Ҳар кӣ ў аз ҳамзабоне шуд жудо,*

*Бенаво шуд гарчи дорад сад наво.*

(Ҳар ким ҳамзабонидан жудо бўлса,

Юзлаб садоси бўлса ҳам, бенаво бўлди.)

(Шарҳ). Яъни, ҳамзабон шундай кишики, ҳолатлар, тажаллиётлар ва кашфиётларга эга бўлади, бунга ўхшаган киши ўша замонда бўлмаган. Чунончи, қуйидаги байтда шунга ишора бор:

*Бо лаби дамсози худ гар жуфтამе,*

*Ҳамчу най ман гуфтаниҳо гуфтამе.*

(Дамсоз дўст лаби билан жуфтлашсам эди,

Най каби айтадиганларни айтар эдим.)

Юқоридаги байтда Мавлавийнинг ҳоли ўз тенгдошларига қиёсан баён бўлган эди. Келгуси байтда эса ўз ҳолини Ҳазрати Вожиб ул-вужудга қиёсан баён қиладилар ва дейдилар:

*Ду даҳон дорем гўё ҳамчу най,*

*Як даҳон пинҳон дар лабҳойи вай.*

*Як даҳон нолон шуда сўйи шумо,*

*Ҳой-ҳуёе дарфиканда дар само.*

*Лек донад ҳар кӣ ўро манзарест,*

*Ки фиғону ин сари ҳам з-он сарест.*

*Дамдамай ин ной аз дамхойи ўст,  
Хой-хуйи рух ҳайхохойи ўст.  
Жумла маъшуқ аст, ошиқ пардае,  
Зинда маъшуқ аст, ошиқ мурдае.  
(Найга ўхшаб иккита оғзимиз бор,  
Битта оғиз унинг лабларида яширин.  
Битта оғиз сиз томонга нола қилувчи,  
Ва осмонга ҳой-ҳуйимизни тапшовчи.  
Лекин кимнинг назари бўлса билади,  
Бу фиғон ва сир ҳам ўша сирдандир.  
Бу найнинг овози Унинг дамидан,  
Рухнинг ҳой-ҳуйи ҳам Ундандир.  
Барча маъшуқдир, ошиқ эса парда,  
Маъшуқ тирик, ошиқ эса ўликдир.)*

(Шарҳ). Яъни ошиқ парда каби ва барча маъшуқнинг ошиғидир. Бунда қуйидаги ҳадиси қудсийга ишора бор: «Кимки Менга нафл ибодатлари билан яқин бўлса, уни яхши кўраман, бас қачон уни яхши кўрсам, унинг учун кулоқ, кўз, тил, қўл ва оёқ бўламан» (546)(охиритача). Маъшуқ тирик бўлиб, У ошиқнинг феъллари ва сўзларини ирода қилувчидир. Ошиқ мурда бўлиб, ирода, ихтиёр, ақл, идрок унда асло йўқдир. Маснавий:

*Ман чигуна хуш дорам як нафас,  
Чун бибошад нури ёрам пешу пас.  
Нури ў дар йумну йусуру тахту фавқ,  
Бар сару бар гарданам монанди тавқ.  
(Мен қандай қилиб бир нафас ҳушёр бўлайин,  
Ёрим нури ҳамиша олдимдаю орқамда бўлса.  
Унинг нури ўнгу сўлимда, пастдаю тепада,  
Бошимдаю гарданимда гўёки тавқ каби бўлса.)*

(Шарҳ). Яъни, менинг барча томонимни Аллоҳ таъолонинг нури ўраб олганки, менинг кўнглимда ҳеч бир кишига муҳаббат ва майл йўқ. Ҳадисдаги: «Агар мен дўст тутганимда Абу Бакрни дўст тутардим, лекин сизларнинг дўстларингиз Халилуллоҳдир» маъноси шунга ишора қилади.

**Ишқ тоҳад к-ин суҳан берун бувад,  
Ойна гаммоз набвад чун бувад.**  
(Ишқ бу сўзнинг ташқарида бўлишини хоҳлайди,  
Агар ойна гаммоз (чақимчи) бўлмаса, қандай бўлади.)

(Шарҳ). Яъни, мен ойинаман, ишқ бу сўзни менинг баробаримга қўяди. Ойинанинг иши гаммозлик бўлиб, унинг олдига нимаики қўйилса, ўша нарсани кўрсатади.

**Ойнай жонат туро гаммоз нест,  
З-он, ки зангор аз руҳаш мумтоз нест.**  
(Жонингни ойнаси сен учун гаммоз эмасдир,  
Чунки у юзидаги зангордан пок эмас.)

(Шарҳ). Яъни, эй тақлидчи, жонингни ойнасини борлик (ўзлик) зангори қоплаган, бинобарин у гаммоз (кўрсатувчи) эмас.

**Ойна к-аз занги олойиш жудост,  
Пуршубоғ аз нури хуршеди Худост.**  
(Ойна занг билан булғанишдан жудо бўлса,  
Худо қуёшининг нури билан пурнур бўлади.)

(Шарҳ). Яъни, жон ойнаси борлик (ўзлик) зангига булғаниш-дан жудо бўлса, Худо нури билан нурланган бўлади. Шундан сўнг ҳақни ва ботилни ва қалбнинг иллатларини фарқлайдиган бўладики, (ҳадисда): «Мўъминнинг қарашидан кўрқинг, чунки у Аллоҳ таъоло нури орқали қарайди» дейилади.

**Рав ту зангор аз руҳи ӯ пок кун,  
Баъд аз он нур аз ӯ идрок кун.**  
**Ин ҳақиқатро шунав аз гўши дил,  
То бурун ойи ба куллай з-обу гил.**  
(Бор, унинг юзидан зангни тозала,  
Шундан сўнг ундан нурни топ.  
Бу ҳақиқатни дил қулоғи билан эшит,  
Токи обу гилдан (башарийлик)дан бутунлай чиқ.)

(55а)(Шарҳ). Дил ойнасидан зангни тозалаган вақтингда унинг нури орқали одам қандай бўлса, уни ўша ҳолда кўра оласан ва

хар қандай одамдаги қалб иллатларини тақлидсиз била оласан, унинг муолажасини ҳикмат юзасидан амалга ошира оласан, чунончи, қуйида бунинг ҳикоятни келади.

**ПОДШОНИНГ БИР КАНИЗАККА ОШИҚ БЎЛГАНИ,  
ПОДШОҲ КАНИЗАКНИ СОТИБ ОЛГАНИ,  
КАНИЗАКНИНГ КАСАЛ БЎЛИБ ҚОЛГАНИ,  
ПОДШОНИНГ КАНИЗАКНИ ДАВОЛАШ  
УЧУН КЎРГАН ТАДБИРИ  
ҲАҚИДАГИ ҲИКОЯТ**

Бу ҳикоятдан мақсад *муқаллид* ва *муҳаққиқнинг* ҳолини баён қилишдир.

*Муқаллид* ўзини доно ҳаким ва ҳозик табиб қилиб кўрсатиб, толибларнинг касалини даволашга қўл уради. Бироқ касаллик устига касалликни зиёда қилади, беморнинг касали нима, дориси қандай эканини билмайди.

*Муҳаққиқ* эса толибнинг касали дилда эканини билади, давосини ҳикматга мувофиқ амалга оширади, толиб касалликдан халос бўлади. Унинг жони адабга риоя қилган ҳолда зарарлардан саломат қолишини тавфиқ ато қилувчи Аллоҳдан сўрайди.

*Бишнавед, эй дўстон ин дoston,  
Худ ҳақиқат нақди ҳоли мост он.  
Нақди ҳоли теширо кай пай барем,  
Ҳам зи дунё, ҳам зи уқбо барх(в)рем.  
Буд шохе дар замона пеш аз ин,  
Мулки дунё будашу ҳам мулки дин.  
Итифоқо шох рўзе шуд савор,  
Бо хавоси хеш аз баҳри шикор.  
Баҳри сайде мешуд ў бар кўху дашт,  
Ногаҳон дар домн ишқ ў сайд гашт.  
Як канизак дид шах бар шохрох,  
(556) Шуд гуломи он канизак жони шох.  
(Эй дўстлар, бу дostonни эшитинг,  
Ҳақиқатда у бизнинг ҳолимизни билдирувчидир.  
Агар биз ўз ҳақиқатимизни била олсак,  
Дунёдан ҳам, охиратдан ҳам баҳра топамиз.*

Бундан аввал оламда бир шоҳ бўлган эди,  
Унда дунё мулки ҳамда дин мулки бор эди.  
Тасодифан, бир куни у отта миниб,  
Ўз аъёнлари билан овга жўнади.  
Ов қилиш учун тоғу даштга чиқди,  
Ногаҳон ишқ тузоғига илиниб қолди.  
У катта йўлда бир канизакни кўриб қолиб,  
Жони ўша канизакнинг қулига айланди.)

**КАНИЗАКНИНГ МУОЛАЖАСИДАН ГУМРОҲ  
ТАБИБЛАРНИНГ (56а)ОЖИЗ ЭКАНЛИКЛАРИНИНГ  
АЁН БЎЛИШИ, ПОДШОНИНГ ХУДО ДАРГОҲИГА  
ЮЗЛАНГАНИ, АЛЛОҲ ҲУЗУРИГА ТАЗАРРУ  
ҚИЛГАНИ, ПОДШОНИНГ ТУШДА ИЛОҲИЙ ҲОЗИҚ  
ТАБИБНИ ТОПГАНИ, ҲАҚИҚАТНИ БИЛУВЧИ  
ВАЛИЙ ТАБИБДАН ПОДШО МУРОДИНИНГ  
ҲОСИЛ БЎЛИШИ**

Билмоқ керакки, табиблар ва ҳакимларнинг канизакни даволай олмаганликлари муқаллид (тақлидчи) ва муддаий (даъвогар)ларга ишора бўлиб, улар беадаблик ва густохлик кўрсатиб, тасарруф қўлини чўзиб, Ҳақ таъоло бандаларини йўлдан уриш билан машғул бўладилар. Бу билан улар ўзларини ҳам, одамларни ҳам ҳалок қилиб, иймонидан жудо қиладилар.

Муҳаққиқ яримта жон олади-ю юзта жон бахшида қилади, фаросат етмайдиган нарсани ато этади, агар Худо хоҳласа. Эй муқаллид, сен муҳаққиқни ўзингга қиёс қилмагинки, сен яхшигина узоққа тушгансан, яқинроқ кел, сенга бир қисса айтмай, токи ундан баҳраманд бўлгин.

Билгинки, ақойидни (нуқсондан) соф қилгандан сўнг ва шариятдан кераклигини олгандан кейин, тариқат кўчасига қадам қўйган кишиларни *сўфиййа* деб атайдилар. Булар тўрт гуруҳга бўлинадилар. Улардан биринчиси фақатгина *солик* бўлиб, уларни *муфтадий* (бошловчи) ва зоҳид дейдилар. Бу фақат зоҳирга оро бериш эмас, балки қуйидаги буюрилганга мос бўлишдир, яъни: «Зўҳд - бу қалбни сабаблардан айриб, сабабларнинг Раббига қаратишдир». Ҳар ким шундай бўлмаса, сўфиййа соҳибларидан эмас. Шунинг учун ҳам, Мавлавий, сирлари муқаддас бўлсин, шунга ишорат қилиб буюрадилар:



**Чашмбанди халқ жуз асбоб нест,  
Хар кй ларзад бар сабаб, з-асҳоб нест.**  
(Халқдан кўз юм, халқ сабаблардан бошқа эмас,  
Хар ким сабабдан титраса, асҳобдан эмас.)

**Иккинчи гуруҳ** - фақатгина мажзуб бўлиб, «**Ҳақ жазбала-ридан битта жазба инсонлар ва жинларнинг амаллариға баробардир**» ҳукми бўйича, Илоҳий тажаллий ногоҳ зоҳир бўлиб, бу тажаллийда гарқ ва ҳалок бўлган, ирода, ихтиёр, ақл, фикр ундан узоқлашгандир.

**Учинчи гуруҳ** - мажзуб солик (солики мажзуб) бўлиб, у йиллаб талаб водийсида кезган, иссиқ-совуқни кўп кўрган, дилға посбон бўлишда доимий жаҳд ва тўлиқ интилишда бўлган кишидир. Унда Илоҳий тажаллийёт батафсил эмас, балки қисқа ҳосил бўлган ва ҳижратлари эса қирқилгандир. «**Миръот (62а)ул-орифийн**» китобида уларнинг шаънида: «**Фатҳдан сўнг ҳижрат йўқ**» дейилади. Ҳазрат Мавлавий айтадилар:

**Пайк агарчи дар замин чобуктак аст,  
Чун ба дарё рафт бугсиста рак аст.  
Ў «хамалноҳум» бувад дар барр бас,  
Он ки маҳмул аст дар баҳр аст кас.**  
(Хабарчи гарчи ерда тез чопувчи бўлса-да,  
Денгизга боргач, томири узилувчидир.  
«Уларни кўтардик куруқликда» етарли бўлса ҳам,<sup>1</sup>  
Яна у денгиз устида ҳам кўтарилувчидир.

**Тўртинчи гуруҳ** - солик мажзуб (солики мажзуб) бўлиб, бошланишдаёқ уларнинг дилға Илоҳий файз нур сочиб, ёқимсиз сифатлардан озод қилган. Чунончи, Шайх Фаридуддин Аттор, сирлари муқаддас бўлсин, «Талаб водийси» бобида буюрадилар:

**Чун дили ту пок гардад аз сифот,  
Тофтан гирад зи Ҳазрат нури зот.**  
(Сенинг дилинг сифатлардан пок бўлгач,  
Илоҳий нур унда нур соча бошлайди.)

---

<sup>1</sup> Куръон, 17/70.

Шундан сўнг, уларнинг назарлари тинимсиз ўша нурда бўлиб, шу жараёнда феъллар, исмлар ва зотий тажаллий муфассаллашиб, биттама-битта унга етишиб ва яна ундан ўтиб, сидқ жойидан ўрин олганлар. Булар ҳам **икки гуруҳга** бўлинадилар. **Биринчи гуруҳ** сидқ маснадида абад ул-абад мустаҳкам бўлиб, бироқ қуйига тушиш ва юқорига кўтарилиш уларнинг ихтиёрида бўлмайди. Улар Ҳақдан завқ ва насиба олувчилар бўлиб, Ундан бошқа билан машғул бўлмайдилар. Чунончи, Ҳазрати Мавлавий, сирлари муқаддас бўлсин, бир шайх ҳикоятда буюрадилар:

*Гар маконро раҳ будӣ дар ломакон,  
Хамчу шайхон будаме ман дар дукон.  
(Ломаконда макон учун йўл бўлганда эди,  
Дўконда ўтириб, шайхларга ўхшаган бўлар эдим.)*

**Иккинчи гуруҳини** халқнинг иршоди учун юборган бўлиб, тушиш ва кўтарилишни уларнинг ихтиёрига қўйган. Улар ботини мосиводан булганган кишиларни тарбият қилганлари сабабли, ўзлари ҳам кирларниб қолгач, қуйи оламдан юқори оламга чиқадилар ва бу ерда уларнинг эғниларидаги чиркин либосни елкаларидан ечадилар. Рабб ул-олабийн (Парвардигор)нинг тоза хилъатини уларга кийгизадилар. Уларнинг ишлари доимо шундайдир. Чунончи буюрадилар:

(626) *Чун шудам з-инжо нажас пок омадам,  
Бистудам хилъат, суйи хок омадам.  
Чун шавам олуда, боз онжо шавам,  
Суйи асли асли покийхо равам.  
Далқи чиркин барканам онжо зи сар,  
Хилъати покам диҳад бори дигар.  
Кори ў он аст, кори ман ҳамин,  
Оламорояст Рабб ул-оламин.  
(Бу ерда ифлос эдим, покланиб келдим,  
Хилъат олдим, яна заминга тушдим.  
Яна кир бўлиб қолсам, у ерга бораман,  
Асл покликлар сари бораман.  
Чиркин либосни бошимдан чиқараман,  
Менга яна янги хилъат берадилар.  
Унинг иши шундай, меники ҳам шунақа,  
Оламларнинг Рабби оламга чирой берувчидир.)*

Шу (охирги) уч гуруҳни *муҳаққиқлар* дейишади. Улар муршид ҳамда иккинчи ва учинчи муқаммаллардир. Бироқ на йўл босган, на йўл кўрган ва на восил бўлган киши шайхлик маснадига ўтирса, уни *муқаллид* (тақлидчи), золлу музийл (адаштирувчи ва адашган) дейдилар. У Шайтон ур-ражимнинг халифаси ва одамларни дўзах сари тортувчидир. Орифлардан баъзилари айтадилар:

*Эй фиғон аз ёри ножинс, эй фиғон,  
Халмишини нех жуъед, эй мехон.  
Нори хандон боғро хандон кунад,  
Сухбати мардон-т аз мардон кунад.  
Зоти ҳаққи поки Аллоҳ ус-Самад,  
Ёри бад бадтар бувад аз мори бад.  
Мори бад жоне ситонад аз салим,  
Ёри бад орад суйи нори жаҳим.  
(Эй фиғон, ножинс дўстан, эй фиғон,  
Яхши суҳбатдошни қидиринг, эй улуғлар.  
Кулиб турган анор боғни хандон қилади,  
Мардлар суҳбати одамни мард қилади.  
Аллоҳ ус-Самаднинг пок зоти ҳаққи,  
Ёмон дўст ёмон илондан баттардир.  
Ёмон илон соғлом одамнинг жонини олади,  
Ёмон дўст жаҳаннам сари олиб боради.)*

Муҳаққиқ ва муқаллиднинг аҳволини яхши билай десанг, бу ҳақда ёзган рисоламизни қидир, зеро «кимки бир нарсани жидду жаҳд билан қидирса, уни топади».

## **БАҚҚОЛ ВА ТЎТИ, МУШУКНИНГ СИЧҚОНГА ТАШЛАНИШИ, ТЎТИНИНГ МУШУКДАН ҚЎРҚИБ УЧИШИ, ТЎТИНИНГ БАҚҚОЛНИНГ ДЎКОНИДАН ЁҒНИ ТЎКИБ ЮБОРИШИ, БАҚҚОЛНИНГ ХОТИНИ ВА ТЎТИНИНГ КАЛ БЎЛИБ ҚОЛИШИ ҲАҚИДАГИ ҲИКОЯТ**

Эй муқаллид, сен ўз ишингни муҳаққиқларнинг ишига қиёс қилмагинки, сенинг ишинг ҳийлаю бепармлик, уларнинг иши ёруғлиги орқали кўнгилни иситишдир. Гарчи сен суврат ва кўринишда муҳаққиқлар каби бўлсанг ҳам, (63а) бироқ ботин ва

сийратда улар каби эмассан. Чунончи, шер ва шир<sup>1</sup>  
ёзилишда бир кўринишга эга, лекин бу иккининг ўртасида  
беҳад фарқ ва беадад тафовут бор. Маснавий:

**Жумла олам з-ин сабаб гумроҳ шуд,  
Кам касе з-абдоли Ҳақ огоҳ шуд.**  
(Оламнинг барчаси шу сабабдан гумроҳ бўлди,  
Кам одам ҳақ абдолларидан огоҳ эди.)

Жумлайи олам муҳаққиқни муқаллидга ва муқаллидни  
муҳаққиққа ўхшатиш ва қиёс қилишдан гумроҳ бўлди ва  
кам одам Ҳақ абдолларидан огоҳ бўлдики, абдолларнинг  
барча башарийлик сифатлари ёқимли сифатларга айланган  
эди. Маснавий:

**Кофиронро дидаи бино набуд,  
Неку бад дар чашмашон яксон намуд.**  
(Кофирларда ўткир кўрувчи кўз йўқ эди,  
Шунинг учун уларнинг кўзларига яхши-ёмон бир хил  
кўринарди.)

Уларнинг, яъни Мавлавийнинг бу сўзлари қиёсга нисбатан  
ишорат бўлиб, бу қиёс дилда кўра олиш қувватининг  
йўқлигидир. Маснавий:

**Ҳамсари бо анбиё бардоштанд,  
Анбиёро мисли худ пиндоштанд.**  
(Ўзларини анбиёларга ўхшатдилар,  
Анбиёларни ўзлари каби деб ўйладилар.)

Кофирларни анбиёлар билан тенглаштирдилар, шунингдек  
муқаллидни ҳам муҳаққиқларга қиёс қилдилар. Маснавий:

**Гуфт инак мо башар, эшон башар,  
Мову эшон бастаи хобему хвар.**  
(Дедилар, мана биз ҳам одам, у ҳам одам,  
Биз ҳам, улар ҳам ухлаймиз ва еймиз.)

---

<sup>1</sup> Шер ва шир бир шаклга эга.

Мазкур ҳикоятда Мавлавий муқаллид ва муҳаққиқни баён қилади.

Матн:

*Буд баққолеу мар ўро тўтие,  
Хушнавою сабз, гўё тўтие.  
Дар дукон будӣ нигаҳбони дукон,  
Нукта гуфтӣ бо ҳама савдогарон.*  
(Бир баққол бор эди, унинг бир тўтиси бўлиб,  
Бу тўти хушовоз, яшил рангли ва сўзловчи эди.  
У дўконда дўконнинг қоровули бўлиб,  
Келган савдогарларга ажойиб сўзлар айтарди.)

*Дар хитоби одами нотик будӣ,  
Дар навоӣи тўтиён ҳозик будӣ.  
Хожа рўзе суйи хона рафта буд,  
Дар дўкон тўтӣ ҳаросат менамуд.*  
(Одамзот тилида сўзлашда нотик эди.  
Тўтилар каби сайрашда ҳозик эди.  
Хожа бир куни уйига томон кетганда,  
Дўконда тўти кўрикчилик қилиб турди.)

*Аз қиёсаш ханде омад халқро,  
К-ў чу худ пиндошт соҳиб далқро.  
Кори поконро қиёс аз худ магир,  
Гарчи монад дар навистан шер шир.*  
(Унинг бу қиёсидан одамлар кулди,  
У дарвешни ўзига ўхшатган эди.  
Шер ва шир ёзилишда бир-бирига ўхшаганидек,  
Сен ҳам покларнинг ишени ўзинга қиёс қилма.)

*Ин надонистанд эшон аз зумо,  
Ҳаст фарқе дар миён бемунтаҳо.*  
(Улар кўрлик сабабли буни билмадилар,  
Ўртада эса ниҳояти йўқ фарқ бордир.)

(Шарҳ) Кофирлар кўрликдан буни билмадилар, ваҳоланки ўртада катта фарқ бор. Чунончи муқаллидлар ҳам шундай:

*Хар ду чун занбур хурад аз як маҳал,  
Лек з-ин шуд неш, в-он дигар асал.  
(Икки хил ари битта ердан нарса ейди,  
Лекин бири заҳар йиғади, бошқаси эса асал.)*

(Шарҳ). Бу байт фарқнинг баёнидир, яъни кўрмайсанмики, ҳар икки ари бир-бирига ўхшайди ва битта жойдан еб-ичади, бироқ (64а) бири заҳар йиғса, бошқаси асал йиғади. Муҳаққик ва муқаллид орасидаги фарқ ҳам шу кабидир.

*Хар ду чун оху гиёҳ хўрданду об,  
З-ин яке саргин шуду з-он мушки ноб.  
(Иккита бир хил оху бир хил гиёҳ еб, сув ичади,  
Биттасидан гўнг, бошқасидан тоза мушк ҳосил бўлади.)*

(Шарҳ). Бу ва ундан кейинги байтлар ҳам фарқнинг баёнидир.

*Хар ду най хўрданд аз як обҳвар,  
Ин яке толию он пур аз шакар.  
Сад ҳазорон инчунин ашбоҳ бин,  
Фарқашон ҳафтодсола роҳ бин.  
(Икки хил қамиш бир ариқдан сув ичади,  
Бири бўмбӯш, бири эса шакарга тўла бўлади.  
Юз минглаб бундай мисолларни кўр,  
Уларнинг орасидаги фарқ етмиш йиллик йўлдир.)*

*Ин хурад, гардад палиди з-ў жудо,  
В-он хурад, гардад ҳама нури Худо.  
(У ейди ва ундан ифлослик нажосат чиқади,  
Бу ейди ва бари Аллоҳ нурига айланади.)*

(Шарҳ). Агар муқаллид нарса эса, ундан бахиллик, ҳасад, кийна, адоват ва бошқа ярамас хулқлардан иборат палидлик вужудга келади, агар муҳаққик эса барчаси Аллоҳ нури бўлади.

(Шарҳ). Бу байт аввалги байтнинг тафсиридир.

*Ин замини пок, в-он шўрасту бад,  
Ин фаришта пок, в-он девасту дад.  
(Бу ер тоза ва у ер шўр ва ёмондир,  
Бу пок фаришта, у дев ва йиртқичдир.)*

(Шарҳ). Муҳаққиқ тоза ерга ўхшайди, унга ҳар қандай яхши уруғ экилса, яхши ҳосил пайдо бўлади. Муқаллид шўр ерга ўхшайди, унга экилган ҳар қандай уруғ охири йўққа чиқади. Шунингдек, муҳаққиқ фаришта каби бўлиб, ярамас хулқлардан пок, муқаллид йиртқич бўлиб, ярамас хулқлар билан то лабигача тўладир.

**Ҳар ду сураат гар баҳам монад равост,  
Оби талху оби ширинро сафост.**

(Икки хил нарса бир-бирига ўхшаса раводир,  
Аччиқ сув ҳам ширин сув ҳам кўринишда тозага ўхшайди.)

(Шарҳ). Агар муҳаққиқ ва муқаллид кўринишда бир-бирига ўхшаш бўлса-да, бунинг аҳамияти йўқ, негаки эътибор сийратдадир. Чунончи, аччиқ ва ширин сув кўринишда бир хилдир.

**Жуз ки соҳибзавқ к-ишносад баёб,  
Ў шиносад оби хуш аз шўра об.**

(Завқ соҳибигина буни била олади,  
У ширин сув ва шўр сувнинг фарқини сеза олади.)

(646)(Шарҳ). Ширин сув билан шўр сувнинг фарқини завқ эгаларигина била олади, шунингдек завқ соҳиблари муқаллид ва муҳққиқни ҳам таний оладилар.

**Сеҳрро бо мўъжиза карда қиёс,  
Ҳар ду ро бар макр пиндорад асос.**

**Соҳирон бо Муси аз истезаҳо,  
Баргирифта чун асои ӯ асо.**

(Сеҳрни мўъжизага қиёс қилиб,  
Ҳар иккисининг асоси макр деб ўйладилар,  
Сеҳргарлар Мусо билан олишиб,  
Мусонинг ҳассаси каби улар ҳам қўлга ҳасса олдилар.)

(Шарҳ). Сеҳргарлар Мусо алайҳис салоту вассалом билан жанг қилишиб, унинг ҳассаси каби қўлларига ҳасса олдилар. Шунингдек, муқаллид ҳам муҳаққиқ билан олишиб, муҳаққиқнинг ҳассаси каби ўзларига ҳасса қилдилар.

**3-ин асо то он асо фарқ аст жарф,  
3-ин амал то он амал роҳи шигарф.**  
(Бу ҳассадан у ҳассагача катта фарқ бор,  
Бу амалдан у амалгача улуғ йўл бор.)

(Шарҳ). Сеҳргарларнинг ҳассаларидан то Мусо алайҳис саломнинг ҳассаларигача катта фарқ мавжуд, сеҳргарларнинг амалларидан то Мусо алайҳис саломнинг амалигача улуғ йўл бор. Шунингдек, муқаллиднинг ҳассасидан то муҳаққиқнинг ҳассасигача фарқ жуда кўпдир, муқаллиднинг амалидан то муҳаққиқнинг амалигача тафовут бешумордир.

**Лаънатуллоҳ, он амалро дар қафо,  
Раҳматуллоҳ, он амалро дар вафо.**  
(Бу амал ортида Аллоҳ лаънати бор,  
Вафода ул амалга Аллоҳ раҳмати бор.)

(Шарҳ). Сеҳргарларнинг амаллари орқасида Аллоҳнинг лаънати бор. Мусо алайҳис саломнинг амали учун вафо бобида Аллоҳнинг раҳмати бор. Шунингдек, муқаллид амалидаги натижа шайтоний нурдир ва муҳаққиқ амали учун натижа Раҳмоний нурдир.

**Кофирон андар мирӣ бӯзина табъ,  
Офате омад даруни сина табъ.**  
(Кофирлар рақобат бобида маймун табиатига эгадирлар.)  
Бу табиат уларнинг сийваларида ўзлари учун офатдир.)

(Шарҳ). Кофирлар жанжал ва тортишувда маймунга ўхшай-дилар. Шунингдек, муқаллид ҳам баҳсу тортишувда муҳаққиққа ўхшаб кетади.

**Ҳар чи мардум мекунад, бӯзина ҳам,  
Он кунад, к-аз мард бинад дамбадам.**  
(Одамлар нима қилса, маймун ҳам ўшани қилади,  
У одамларда кўрган нарсани тақрорлайди.)

(Шарҳ). Маймун одамларда нимани кўрса, ўша нарсани қилади. Шунингдек, муқаллид муҳаққиқда нимани кўрса, ўшани қилади.



**Ў гумон бурда, ки ман кардам чу ў,  
Фарқро кай донад он истезарў.**

(У одам нима қилса, мен ҳам қилдим, деб гумон қилади,  
Бу эрмак қилувчи фарқни қайдан билсин.)

(Шарҳ). Маймун одам нима қилса, мен ҳам уни қилдим,  
деб ўйлайди, орадаги фарқни билмайди. Шунга ўхшаб,  
муқаллид ҳам муҳаққиқ қилганини қилдим, деб ўйлайди,  
орадаги тафовутни хаёлига келтирмайди.

**Ин кунад аз амру он баҳри ситез,  
Бар сари истезарўён хок рез.**

(Бу Аллоҳ амри учун, у эса фитна учун қилади,  
Бу фитна қилувчиларнинг бошига тупроқ сочинг.)

(65а)(Шарҳ). Одам Худонинг амри учун иш қилади,  
маймун эса жанжал ва тортишув учун. Шунингдек,  
муҳаққиқ Худонинг амри билан одамларни тўғри йўлга  
солади. Муқаллид эса фитна учун иш тутлади.

**Он мунофиқ бо мувофиқ дар намоз,  
Дар пайи истеза ояд не ниёз.**

(Мунофиқ одам мувофиқ одам билан намоз ўқиса,  
Ибодат учун эмас, бузғунчилик учун ўқийди.)

(Шарҳ). Мунофиқ одам мувофиқ одам билан намоз  
ўқишга келса, ибодат учун эмас, бузғунчилик ва хусумат  
учун келади. Шунингдек, муқаллид ҳам муҳаққиқ билан  
фитна ва бузғунчилик қилиш мақсадида намоз ўқийди.

**Дар намозу рўзаву ҳажжу закот,  
Бо мунофиқ мўъминон дар бурду мот.  
Мўъминонро бурд бошад оқибат,  
Бар мунофиқ мот андар охират.**

(Намоз, рўза, ҳаж ва закотда,  
Мўъминлар мунофиқлар билан олишувда бўладилар.  
Оқибатда мўъминларга ютиб чиқиш насиб бўлади,  
Мунофиққа эса охиратда ютқазил бўлади.)

(Шарҳ). Оқибат натижада мўъминларга зафар, мунофиқларга эса мағлублик бўлади. Шунингдек, муқаллид устидан муҳаққиқ зафар топади.

*Гарчи ҳар ду бар сари як бозиянд,  
Лек бо ҳам Марвазю Розиянд.*

(Гарчи улар битта ўйин устида бўлсалар ҳам,  
Бироқ Марваз ва Рай шаҳарлари каби (бир-биридан  
узок)дирлар.)

(Шарҳ). Гарчи муқаллид ва муҳаққиқ амалда бир-бирларига муносабатлари бўлса-да, бироқ ботинда Марв ва Райдек узок ва бегонадирлар.

*Ҳар яке сўйи мақоми худ равад,  
Ҳар яке бар вафқи номи худ равад.*  
(Улардан ҳар бири ўз мақоми сари боради,  
Улардан ҳар бири ўз номи сари боради.)

(Шарҳ). Мўъмин ва мунофиқнинг ҳар бири ўз мақоми сари қайтувчидир. Мўъминнинг мақоми Худойи таъолонинг лутфи, муқаллиднинг мақоми Аллоҳнинг қаҳридир. Шу каби муқаллид ва муҳаққиқ ҳам ўз мақоми сари қайтади.

*Мўъминаш хонанд, жонаш х(э)аш шавад,  
В-ар мунофиқ гўйи, пур оташ шавад.*  
(Агар мўъмин десанг жони хуш бўлади,  
Агар мунофиқ десанг оташга тўлади.)

(Шарҳ). Мунофиқ одамни мўъмин деб атасанг, жони шод бўлади. Мунофиқни мунофиқ деб атасанг, ғазаб оташига тўлади. Шунингдек, муқаллидни муҳаққиқ десанг, сурур ҳосил бўлади, агар уни муқаллид десанг, қўполлик зоҳир қилади.

*Номи ў маҳбуб аз зоти вай аст,  
Номи ин мабғуз з-офоти вай аст.*  
(Унинг номи ўз зоти сабабли маҳбубдир,  
Бунинг номи офатлари сабабли ёқимсиздир.)

(Шарх). Мўъминнинг номи илми сабабли яхши, мунофиқнинг номи офатлари сабабли ёмон кўрилгандир. Шу каби муҳаққиқнинг номи ўз зоти сабабли маҳбуб, муқаллиднинг номи офатлари сабабли ёмондир.

**(656) Миму вову миму нун ташриф нест,  
Лафзи мўъмин жуз пайи таъриф нест.**  
(Мим, вов, мим, нун (мўъмин)ни шарафлаш учун,  
Мўъмин сўзи фақат таърифдан ўзга учун эмас.)

(Шарх). Яъни, мўъмин сўзида ёмонлик ва офат йўқ, балки у таърифлаш ва танитиш учун. Шунингдек, муҳаққиқ сўзида ҳам ёмонлик ва офат йўқ, балки танимоқ учун.

**Гар мунофиқ хонияш ин номи дун,  
Хамчу каждум мехалад дар андарун.**  
(Бу пасткаш номини мунофиқ деб атасанг,  
Чаённинг нишидек ичига қадалади.)

(Шарх). Мунофиқни мунофиқ деб атасанг, бу сўз унинг ичига чаён нишидек қадалади. Шунингдек, муқаллидни муқаллид деб атасанг бу ном унинг ичига чаён нишидек қадалади.

**Гар на ин ном иштиқоқи дўзах аст,  
Бас чаро дар вай мазоқи дўзах аст.**  
(Агар унинг номи дўзахдан олинмаганда эди,  
Нима учун унда дўзахнинг тотти бўлур эди?)

(Шарх). Мунофиқнинг номи дўзах сўзидан олинмаганда эди, нега унинг номи дўзах мазасини беради? Шунингдек, агар муқаллид номи ҳам дўзахдан чиқмаган бўлса, нечун шайтоний нур бўлган дўзах мазаси унда зоҳир бўлади?

**Зиштиийи ин номи бад аз ҳарф нест,  
Талғийи он оби баҳр аз зарф нест.**  
(Бу ёмон номнинг хунуклиги ҳарфлардан эмас,  
Денгиз сувининг аччиқлиги идиш сабабли бўлмайди.)

(Шарҳ). Мунофиқнинг хунуклиги ҳарфлардан эмасдир. Шунингдек, денгиз сувининг шўрлиги ҳам идишдан эмас. Шу каби муқаллид номининг хунуклиги ҳам ҳарфлардан эмас.

*Ҳарф зарф омад дар ӯ маъни чу об,  
Баҳри маъни индаҳу Умм ул-Китоб.  
(Ҳарф - идиш, ундаги маъно эса сувдир,  
Маънолар денгизи Умм ул-Китоб ичрадир.)<sup>1</sup>*

(Шарҳ). Ҳарф идишдир, ундаги маъно эса сувга ўхшайди. Умм ул-Китобда эса бахтиёрлик ва бахтсизлик мустаҳкам эзиб қўйилган.

*Баҳри талҳу баҳри ширин дар жаҳон,  
Дар миёншон «барзахун ло йабвиён».  
(Жаҳонда шўр денгиз ва ширин денгиз бор,  
Уларнинг ўртасида «парда борки, бир-бирига қўшилмас»)<sup>2</sup>*

(Шарҳ). Раҳмоний ва шайтоний тажаллий (нур) халқ томонга оқиб турувчидир. Чунончи, бу бобда Ҳазрати Мавлавий, сирлари муқаддас бўлсин, буюрадилар:

*Рак-рак аст ин оби ширин, оби шўр,  
(6ба) Дар халойиқ меравад то нафҳи Сур.  
Некувонро ҳаст мерос он хуш об,  
Он чи мерос аст «аврасна-л-Китоб».<sup>3</sup>*

Худойи таъолонинг қудрати бу икки барзах (парда) ўртасида бўлиб, улардан бири бутунлай йўқ бўлмаса, бири бирининг устидан ғалаба қилолмайди.

*В-он ки ин ҳар ду зи як асле равон,  
Даргузар з-ин ҳар ду рав то асли он.  
(Ваҳоланки, бу икки денгиз битта манбадан равон бўлади,  
Сен бу иккидан кеч-да, асл манба сари интил.)*

<sup>1</sup> Умм ул-Китоб - ўзгармайдиган китоб, яъни Лавҳ ул-маҳфуз ёки Қуръон.

<sup>2</sup> Қуръон, 35/20.

<sup>3</sup> Таржимаси юқорида берилган.

(Шарҳ). Шайтоний тажаллий Худойи таъолонинг қаҳридан равондир, Раҳмоний тажаллий эса лутфидан равондир. Бу иккидан ҳам кечиб, Вожиб таъоло зоти бўлган асл (манба) сари боргилки, зотий кашфга эга бўлганингдан сўнг, бу иккининг фарқини биласан.

*Зарри қалбу зарри неку дар аёр,  
Бе маҳак ҳаргиз надонӣ з-эътибор.  
(Сохта тилла ва асл тиллани текширишда,  
Маҳаксиз<sup>1</sup> ҳеч қачон уларни билолмайсан.)*

(Шарҳ). Яъни, то Зотий кашф ҳосил бўлмагунча яхши ва ёмонни билолмайсан. Ўша нарса ҳосил бўлганда эса яхшини ёмондан ажрата оласан.

*Ҳар киро дар жон Худо бинҳад маҳак,  
Мар яқинро боз донад ў зи шак.  
(Худо ҳар кимнинг жони ичра маҳак тошини қўйса,  
Яқин (аниқ) билан шубҳали нарсанинг фарқини била олади.)*

(Шарҳ). Аллоҳ таъоло ўзининг бениҳоят инояти ва каромати билан ҳар кимга зотий кашфни арзон тутса, йақин аҳли билан шак аҳлини танийди.

*Дар даҳони зинда хошоке жаҳад,  
Онгаҳ оромд, ки берунаш ниҳад.  
(Бир тирик одамнинг оғзига хашак кириб кетса,  
Уни ташқарига чиқаргандагина ором олади.)*

(Шарҳ). Бир тирик одамнинг оғзига хашак кирса, уни чиқариб ташламагунча тинчимгани каби, комил одамнинг қалбида бир ёмон фикр пайдо бўлса, дарҳол уни йўқ қилмагунча ором олмайди.

*Дар ҳазорон луқма як хошоки хурд,  
Чун даромад ҳисси зинда пай бибурд.  
(Мингта луқма ичига битта кичкина хашак тушса,  
Тирик одамнинг ҳисси ундан огоҳ бўлади.)*

---

<sup>1</sup> Тилланинг асл ёки қалбаки эканини сияовчи маҳак (тош).

(Шарҳ). Илоҳий мингта луқмада битта ҳарф пайдо бўлса, комил одамнинг ботин ҳисси уни сезиб, дарҳол узоқлаштиради.

*Ҳисси дунё нарdbони ин жаҳон,  
Ҳисси уқбо нарdbони осмон.  
Сихҳати он ҳис бижуд аз табиб,  
(666) Сихҳати ин ҳис бихоҳед аз ҳабиб.  
Сихҳати он ҳис зи маъмурийи тан,  
Сихҳати ин ҳис зи таҳриби бадан.  
Шоҳи жон мар жисро вайрон кунад,  
Баъди вайронеш ободон кунад.  
(Дунё ҳисси - бу жаҳоннинг шотиси,  
Уқбо (охират) ҳисси - бу осмоннинг шотиси.  
Дунё ҳиссининг сихҳатини табибдан қидиринг,  
Уқбо ҳиссининг сихҳатини ҳабибдан сўранг.  
Дунё ҳиссининг сихҳати танни парварип қилип орқали,  
Уқбо ҳиссининг сихҳати баданни хароб қилип орқалидир.  
Жон шоҳи жисмни вайрон қилса ҳам,  
Вайрон қилгандан сўнг, яна уни обод қилади.)*

(Шарҳ). Яъни, жони жаҳон бўлган Худойи таъоло жисмнинг сифати бўлган - ақл, ҳуш, ирода, ихтиёр, андиша, хаёлот ва фаҳмни узоқлаштиради. Шундан сўнг уни Ўз сифатлари билан тўлдиради ва Ўз сифатлари билан унга оро беради. Чунончи, ҳадиси қудсийдаги: «Кимки менга нафл ибодатлари билан яқинлашса, Мен уни ёқтираман, агар уни ёқтирсам, унинг учун қулоқ, кўз, тил, қўл ва оёқ бўламан, у мен орқали эшитади, мен орқали кўради, мен орқали сўзлайди ва мен орқали юради» шарофатига муяссар бўлади.

*Карда вайрон хона баҳри ганжу зар.  
В-аз ҳамон ганжаш кунад маъмуртар.  
(Ҳазина ва тилла учун уйни вайрон қилиб,  
Ўша хазинадан уйни янада обод этади.)*

(Шарҳ). Худойи таъолонинг жисм хонасини вайрон этиши Ўз сифатлари билан уни янада обод қилиши учундирки, хазина ва тилла шундан иборатдир.

**Обро барбаст, жўро пок кард,  
Бағд аз он дар жў равон кард обхвард.  
(Сувни тўхтатиб, ариқни тоза қилди,  
Сўнг ариққа сувни равон қилди.)**

(Шарҳ). Фикр сувларини тўсиб, тан ариғини тозалаб, унга лойиқ ва мос бўлган нур сувларини ўша ариққа оқизди.

**Пўстро бишгофт, пайконро кашид,  
Пўсти тоза бағд аз онаш бардамид.  
(Терини ёриб, ўқни чиқариб олди,  
Шундан сўнг яна янги тери ўсиб чиқди.)**

(Шарҳ). Терини ёриб, хаёл ва андиша ўқини чиқариб олиб, сўнг бошқа бир вужудни унга ато қилди: «Ўша кунда бу ердан бошқа бир ер келтирилгай» (Куръон, 14/48).

**Қалъа вайрон карда аз кофир ситад,  
Бағд аз он барсохташ сад буржу сад.  
(Қалъани вайрон қилиб, кофирдан тортиб олди,  
Сўнг унда юзлаб буржлар ва деворлар курди.)**

(Шарҳ). Бадан қалъасини вайрон қилиб, шайтондан уни тортиб олди, сўнг ўз нурларидан минглаб буржлар ва деворлар курди.

(67а) **Кори бечунро кй кайфият ниҳад,  
Ин ки гуфтам аз зарурат меҳиҳад.  
(Яратувчи ишнининг қандайлигини ким ҳам айта олади,  
Менинг айтганларим зарурат юзасидан халос.)**

(Шарҳ). Бечун (Аллох) ишларининг кайфиятини айтиб бўлмади, айтган кайфиятлар ҳам зарурат туфайли айтилган эди, яъни одамларга равшанроқ ва тушунарлироқ бўлсин учун айтдим.

**Гаҳ чунин бинмояду гоҳе чунин,  
Жуз ки ҳайрони набошад кори дин.  
Комилон к-аз сирри таҳқиқ оғаҳанд,  
Бегуду ҳайрону масту волаанд.**

**Не чунон хайрон, ки пушташ сўйи ўст,  
Бал чунин хайрон, ки гарқи масти дўст.**

(Комиллар таҳқиқ сирларидан огоҳдирлар,  
Бехуд, хайрон, маст ва нолададирлар.

Улар дўстни унутадиган даражада маст эмаслар,  
Дўст мастлигига гарқ ботган хайрондирлар.)

(Шарҳ). Комилларнинг хайронлиги таҳқиқ сирдан огоҳлик бўлиб, уларнинг орқаси дўстга ўтирилган эмас, буни «**хайрати мазмуна**» (ёқимсиз хайрат) дейдилар. Улар Ҳақ таъоло мастлиги билан гарқ бўлган хайрон зотлардир ва буни «**хайрати махмуда**» (ёқимли хайрат) дейдилар.

Шайх Аттор, сирлари муқаддас бўлсин, айтадилар:

**Чун пас аз умре ба мақсуде расид,  
Айни оташ гашт мақсуде надид.**

(Бир қанча умрдан сўнг мақсудига етди,

Сўнг айни оловга айландию мақсудни кўрмади.)

(Шарҳ). Соликнинг жонига тажаллийнинг кириши ва бу тажаллийнинг солик билан ҳақиқий муомаласи юз бергач, бу соликнинг ўзи айни тажаллийга айланади ва бу «**фанойи атамм**» (тўлиқ фано) дейилади. Бундан сўнг бақо бўлиб, унинг изидан бундай фано юз бермайди. Бу рубубийят тажаллийсидаги фанонинг хилофи бўлиб, ундан сўнг бақо, ундан кейин фано юз беради ва бу зикр қилинган ўша «**тўлиқ фано**» (фанойи атамм)дир.

**Он якеро рўйи ў шуд рўйи дўст,  
В-он якеро рўйи ў худ рўйи ўст.**

(Улардан бирининг юзи дўстнинг юзига ўхшаб қолди,  
Улардан бирининг юзи айни унинг юзи эди.)

(Шарҳ). Бу байт Расул саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг: «Кимки мени кўрса, бас батаҳқиқ Ҳақни кўрибди» ҳадисларига ишорат бўлиб, баъзисининг юзи Унинг ўзининг юзидир.

(676) **Рўйи ҳар як менигар, медор пос,  
Бў, ки гардй ту зи хизмат рўшинос.**



(Ҳар бирининг юзига боқ ва диққат қил,  
Шоядки, сен ҳам хизматдан юзларни танувчи бўлсанг).

*Чун баче Иблиси одамрўй ҳаст,  
Бас ба ҳар дасте нашояд дод даст.  
(Иблис юзли одамлар кўп бўлади,  
Демак ҳар қандай қўлга қўл бериш ярамайди.)*

(Шарҳ). Ҳақ таъоло толибларининг шафқати ва лиқо зилоли-нинг лабташналари учун буюрадиларки, муршиднинг ихтиёрига ўтиш учун яхшилаб уни имтиҳон қилиш ва эҳтиёт бўлиш лозим. Шайхлик сажжодасига ўтирган ва муршидликни даъво қилган ҳар қандай шахсга қўл бермаслик керак. Негаки, Иблис кўринишидаги одамлар, яъни муҳаққиқ сифатида ўзини кўрсатувчи муқаллид (тақлидчи)лар кўпдир.

*З-он ки сайёд оварад бонги сафир,  
То фиребад мурғо он мурғир.  
(Сайёд қушни алдаш учун,  
Хуштак чалиб, унга фириб беради.)*

(Шарҳ). Сайёд қушга ўхшаш бонг билан қўшни алдаб, тутиб олгани каби, муқаллид ҳам толибларни муҳаққиқларнинг чиройли сўзлари билан алдаб, ўз тасарруфи остига киритади.

*Бишнавад он мурғ жинси бонги хеш,  
Аз ҳаво ояд биёбад дому неш.  
(Қуш ўз жинсининг овозини эшитиб,  
Ҳаводан учиб келиб, дому пичоққа тушади.)*

(Шарҳ). Ҳақ толиби муқаллиднинг сўзларини эшитиб, унга мойил бўлади ва домга мубтало бўлади. Яъни муқаллид шайтоннинг домидир, ҳар ким шайтон домига мубтало бўлса, заҳматлар кўради.

*Ҳарфи дарвешон бидуздад марди дун,  
То бихонад бар салиме з-он фусун.  
(Пасткаш киши дарвишларнинг сўзларини,  
Содда одамларга айтиб, уларни алдаш учун ўғирлайди.)*

(Шарҳ). Муқаллид муҳаққиқларнинг сўзларини соддадил кишиларга афсун каби ўқиб, уларни алдаш учун ўғирлаб, ўз домига мубталло қилади.

**Кори мардон равшанийю гарми аст,  
Кори дунон ҳийлаву бешарми аст.**  
(Мардларнинг иши равшанлик ва дилни иситишдир,  
Пасткашларнинг иши ҳийла ва бешармлиқдир.)

**Жома пашимин азбаройи кад кунад,  
Бу - Мусайламро лақаб Аҳмад кунад.  
Бу - Мусайламро лақаб каззоб монд,  
Мар Муҳаммадро улу-л-албоб монд.**  
(Жун либосни нарса олиш учун кияди.  
Бу - Мусайламга<sup>1</sup> Аҳмад деб от қўяди.  
Бу - Мусайлам каззоб (ёлгончи) деб ном олди,  
Муҳаммад (а.с.) ақл соҳиби деган номга мушарраф бўлди.)

(68a)(Шарҳ). Муқаллиднинг жун либос кийишдан мақсади одам-лардан нарса ўндиришдир. Муқаллидлар Мусайламат ул-каззоб бўлсалар-да, ўзларига муҳаққиқ деб ном қўйиб, бу билан бечора толибларни биёбонда йўлдан адаштирувчи жин каби йўлдан оздирадилар. Бир муҳаққиқ шунга ишора қилиб буюради:

**Ох аз ин жуҳҳоли қуттоъ ул-тариқ,  
Ҳамчу гулон раҳзанони ҳар фариқ.  
Он шароби Ҳақ хитомаш мушки ноб,  
Бодаро хатмаш бувад кунду азоб.**  
(Бу водон қароқчилардан оҳким,  
Улар ҳар бир гуруҳни йўлдан адаштирувчи жинлар  
кабидирлар.)

**Ҳақ шаробининг натижаси тоза мушқдир,  
Дунё бодасининг оқибати кипан ва азобдир.)**

(Шарҳ). Илоҳий тажаллийнинг оқибат натижаси тоза мушқ кабидир, шайтоний нурнинг оқибати кипан ва азобдир.

---

<sup>1</sup> Бу Мусайлам Расулуллоҳга қарши чиққан ва пайғамбарлик даъво қилган киши.

## **НАСРОНИЙЛАРНИ ТААССУБ САБАБЛИ ЎЛДИРГАН ЖУХУД ПОДПОСИНИНГ ДОСТОНИ БАЁНИДАКИМ, ЖУХУД МУСАВИЙ, НАСРОНИЙ ИСАВИЙ ЭДИ, ҲАМДА УСТОД ВА ШОГИРД ДОСТОНИ**

Бу дostonни зикр этишдан мурад бузгунчи кишиларнинг ҳасад ва кийналари, муҳаққиқ жанобларга нисбатан макру ҳийлалари, уларнинг ҳужумлари ва галабалари, уларнинг зараридан сақланиш учун Ҳазрати Ҳақ субҳонаҳу ва таъолодан паноҳ тилашдир.

Аmmo, дoston жуҳуд подпоси ва унинг вазири ҳақида эди. Бироқ шарҳда подшо муқаллидга ва вазири унинг халифасига нисбат берилди ва бу осон тушунилиши учун қилинди. Чунончи, Мавлавийнинг ўзлари буюрадилар:

*Хуштар он бошад, ки сирри дилбарон,  
Гуфта ояд дар ҳадиси дигарон.  
(Дилбарларнинг сирлари,  
Бошқалар тили орқали айтилса ёқимли бўлади.)*

Матн:

*Буд шoҳе дар жуҳудон зулмсоз,  
Душмани Ийсову насронигудоз.  
(Жуҳудларнинг бир зoлим подпоси бор эди,  
У Ийсога душман, насронийларни эса куйдирувчи эди.)*

(Шарҳ). Бир муқаллид бор эди, уни муҳаққиқларнинг йўлида деб билувчи (686)бир неча дарвишларни, қалбининг тугал қоралиги билан зoлим адаштирувчи сифатида алдар эди. Баъзилар унинг даврида ҳаёт бўлган бошқа муҳаққиқни душман деб билардилар.

*Аҳди Ийсо буду навбат они ў,  
Жони Мусо ўву Мусо жони ў.  
(Исо замони эди ва унинг навбати эди,  
Мусонинг жони у ва унинг жони Мусо эди.)*

(Шарҳ). Замонада муҳаққиқ бўлиб, у мазкур муҳаққиқнинг жони эди. Бу муҳаққиқни муқаллидни унинг муридларидан деб билди.

**Шоҳи аҳвал кард дар роҳи Худо,  
Он ду дамсози Худойиро жудо.  
(Ғилай шоҳ Худо йӯлидаги,  
Бу икки дӯстни жудо қилди.)**

(Шарҳ). Ғилай муқаллид Мусо ва Исодан иборат бўлган бу икки муҳаққиқни бир-биридан жудо қилди, ваҳоланки, ҳақиқатда бу икки муҳаққиқ битта бўлиб, ғилай муқаллиднинг кўзига иккита бўлиб кўринар эди.

**Гуфт устод аҳвалеро к-андаро,  
Рав, бурун ор аз висоқ он шишаро.  
(Устод ғилайга, ичкарига кириб,  
Уйдаги шишани олиб чиқ, деди.)**

**Гуфт аҳвал з-он ду шиша ман кудом,  
Пеши ту орам бикун шарҳи тамом.  
(Аҳвал, иккита шишадан қайси бирини,  
Олдинга келтирай, тўлиқ тушунтир, деди.)**

**Гуфт устод он ду шиша нест рав,  
Аҳвали биззору афзунбин машав.  
(Устод дедикӣ, у шиша иккита эмас, битта,  
Ғилайликни ташла ва кўп кўришни кўй.)**

**Гуфт, эй устод маро таъна мазан,  
Гуфт устод з-он ду яхро дар шикан.  
(Деди, эй устод, менга таъна қилманг,  
Устод деди, ўша иккита шишадан бирин синдир.)**

**Чун яке бишкаст, ҳар ду шуд зи чашм,  
Мард аҳвал гардад аз майлону хаши.  
(Биттаси сингач, ҳар иккиси ҳам кўздан йўқолди,  
Одам шаҳват ва ғазабдан ғилай бўлади.)**

**Шиша як буду ба чашмаш ду намуд,  
Чун шикаст он шишаро, дигар набуд.  
(Шиша битта эди, кўзига иккита кўринди,  
Биттаси сингач, бошқаси ҳам йўқ бўлди.)**

(Шарҳ). Бу тамсил то охиригача шунинг учун келтирилганки, муҳаққиқлар аслида биттадирлар, лекин бироқ ғилайлар қарашида иккита кўринади, чунончи ғилайнинг кўзига битта шиша иккита кўрингани кабидир. Ҳар ким битта муҳаққиқнинг олдидан қувилса, бошқаларининг олдидан ҳам қувилади. Демак ғилайликни ташлаш керак ва барча муҳаққиқларни маълум бўлган йўлларнинг қайси бири орқали бўлмасин, битта деб билмоқ керак.

(69а) Билгинки, авлиёуллоҳ силсиласининг соҳиби бўлмоқ шундайки, ўшал валийнинг ботинидаги нурдан тоқат етгунча Худойи таъоло инояти орқали олмоқ керак, ўшал валий хоҳ тирик бўлсин, хоҳ ўлган бўлсин. Чунончи, Абулҳасан Ҳарақоний Боязиди Бистомийдан, Боязиди Бистомий Имоми Жаъфари Содикдан, Аллоҳ уларни ўз раҳматига олсин, нур олганлар, ваҳоланки улар бир-бирларини кўрмаганлар. Улар нур олмасдан туриб, ўзларини фалон бузругворнинг йўлидаман, деб айтмаганлар. Чунончи, бу замонда шундай қилмоқдалар ва ўзини фалон бузругворнинг силсиласи соҳибидан демоқдалар. Ваҳоланки, даъводан ўзга уларнинг ботинида ўша бузрукнинг нуридан асар ҳам йўқдир. Аллоҳ бизларни бундай адашув ва зарардан асрасин!

*Ҳашму шахват мардро аҳвал кунад,  
З-истиқомат мардро мабдал кунад.  
(Ғазаб ва шахват кишини ғилай қилади,  
Кишининг тўғри ҳаётини ўзгартиради.)*

*Чун ғараз омад хунар пўшида шуд,  
Сад ҳижоб аз дил ба сўйи дийда шуд.  
(Ғараз юз бергач, хунарни ёшиб кўяди,  
Юракдан кўз сари юзта ҳижоб пайдо бўлади.)*

(Шарҳ). Бирорта кишининг юрагида ғараз пайдо бўлса, чунончи, ғазаб, шахват, душманлик, адоват, гина ва ҳасад юз берса, кишининг яхшилигини бекитиб кўяди, яъни бошқа кишининг яхшилигини ғараз эгаси кўрмайди.

*Чун диҳад қози ба дил ришват қарор,  
Кай шиносад золим аз мазлуми зор.  
(Қози кўнглида пора олишга қарор қилса,  
Золимдан бечора мазлумни қандай ажратсин.)*

## ЖУҲУД ПОДШОНИНГ ВАЗИРИ НАСРОНИЙЛАРНИ АЛДАШ УЧУН ВАЪЗ АЙТГАНИНИНГ БАЁНИДА

*Дил бад-ўй доданд тарсоён тамом,  
Худ чи бошад қуввати тақлиди омм.  
Дар даруни сина меҳраш коштанд,  
Нойиби Исош мепиндоштанд.*

(Тарсоларнинг барчаси унга кўнгил бердилар,  
Омманинг тақлиди қанчалик ҳам бўларди.  
Кўнгиллари ичига унинг меҳр уруғини эқдилар,  
Уни Исонинг ноиби деб хаёл қилдилар.)

(71a)(Шарҳ). Насроний халқ ўз дилини ўша муқаллид халифага, яъни жуҳуд подшонинг вазирига бердилар ва унинг сўзларини жону дилдан қабул қилдилар. Омманинг тақлиди қанчалик қувватга эга бўларди, озгина нарса билан йўқ бўлади ва Ҳақ йўлдан ботил йўлга юз кўядилар.

*Ў басар Дажжолу якчашми лаъин,  
Эй Худо фарёд рас, ниъма-л-муъин.*

(У бошида бир кўзи бор лаъин Дажжолдир,  
Эй Худо, сен ўзинг яхши кўмак берувчисан,  
фарёдимишга ет.)

(Шарҳ). Муқаллид бир кўзли лаънати Дажжол бўлиб, зохирий кўзга эга, ботиний кўзи йўқ. Шу маънога муносиб «Гулшани роз» китобида айтилади:

*Нигар Дажжолу азвар то чигуна,  
Фиристодаст пеш аз худ намуна.  
Намуна боз бин, эй марди ҳассос,  
Нари ўро, ки номаш ҳаст ҳассос.  
Харонро бин ҳама дар нанги он хар,  
Шуда аз жатл пешоҳанги он хар.*

(Бир кўзли Дажжолга боққинки,  
Ўзидан аввал ўзининг намунасини юборибди.  
Агар намунасини кўрмоқчи бўлсанг, эй ҳассос киши,  
Намунаси Жассос исмли эшакдир.)

Эшакларни кўргинки, барчаси унга эргашиб,  
Подоялик сабабли унинг изидан юрувчидирлар.

**Матн:**

*Сад ҳазорон дому донаст, эй Худо,  
Мо чу мурвони ҳариси бенаво.  
Дамбадам мо бастаи доми туем,  
Ҳар яке гар бозу симурве шавем.  
Мераҳонӣ ҳар даме морову боз,  
Сўйи доме меравем, эй сарфароз.  
(Эй Худо, йўлда юз минглаб тузоқ ва дон бор,  
Биз эса очкўз ва бенаво қушлармиз.  
Ҳар дамда биз сенинг тузоғингга тушувчимиз,  
Гарчи ҳар биримиз бургут ва семурғ бўлсак ҳам.  
Сен бизни ҳар дамда домдан қутқарсанг ҳам,  
Биз яна бошқа дом сари бораверамиз, эй бизни  
қутқаргувчи.)*

(Шарҳ). Муқаллид - шайтоннинг доми, ҳар ким бу домга мубта-ло бўлса, шайтон турли фикр ва хаёллар билан унинг тоатлари ва ибодатларини нобуд қилади.

*Мо дар ин анбор гандум мекунем,  
Гандуми жамъ омада гум мекунем.  
(Биз бу омборга дон йиғамиз,  
Сўнг йиққан донимизни яна йўқотамиз.)*

(716)(Шарҳ). Дил омборини тоат нурунинг буғдойи билан тўлдиришни хоҳлаймиз, бироқ бу буғдойнинг йўқ бўлиб қолганини кўрамиз. Агар тоат нурунинг буғдойи йиғилганда эди, бориб-бориб шамга айланар эди ва унинг нури орқали домни кўрар эдик.

*Менаяндешем охир мо ба ҳуш,  
К-ин талал дар гандум аст аз макри муш.  
(Буғдойдаги бу нуқсон сичқондан эканини,  
Биз ҳуш билан ҳечқачон ўйламаймиз.)*

(Шарх). Биз тоат нурининг буғдойи шайтоннинг макри туфайли экани ҳақида фикр қилмаймиз.

*Муш то анбори мо ҳафра задаст,  
Аз фанаш анбори мо вайрон шудаст.  
Аввал, эй жон, дафъи шарри муш кун,  
В-онгадон дар жамъи гандум жўш кун.*  
(Сичқон омборимизни тешиб,  
Ҳийла билан омборимизни вайрон қилибди.  
Эй жон, аввал сичқоннинг зарарини йўқ қил,  
Шундан сўнг буғдой йиғишга ҳаракат қил.)

(Шарх). Аввал шайтоннинг зарарини даф қилмоқ керак, сўнг тоат буғдойини жам қилишга киришмоқ лозим. Шайтоннинг зарарини эса мукамил (камолга етказувчи)сиз даф қилиб бўлмайди.

Ҳазрати Мавлавий бу борада бошқа жойда буюрадилар:

*Ин амал в-ин касб дар роҳи судод?  
Кай тавон кард, эй падар, бе устод.  
Дунтарин касбе, ки дар олам равад,  
Ҳеч бе таълими устоде шавад.*  
(Ҳақиқат йўлидаги бу амал ва бу касб,  
Эй ўғил, устодсиз қачон ҳосил бўлади?!  
Оламдаги энг арзимас касбни ҳам,  
Устознинг таълимисиз ўрганиб бўладими?!)

(Шарх). Демак, ҳожатмандлик бошини унинг иродат остонасига қўй, токи шайтоннинг шарридан озод бўлгайсан.

*Реза-реза сидқ ҳар рўзи чаро,  
Жамъ менояд дар ин анборҳо.  
Бас ситора оташ аз оҳан жаҳид,  
В-он дили шўрида назруфту кашид.*  
(Садокатимиз қатра-қатра бўлиб, нима учун ҳар куни,  
Бу омборимизда йиғилиб жам бўлмади.  
Темирдан сачраган олов юлдузларни,  
Қийналган дил қабул қилиб, уни тортади.)



**Лех дар зулмат яке дузди ниҳон,  
Мениҳад ангушт бар исторагон.**  
(Бироқ зулмат ичида бир яширин ўғри,  
Бармоғини юлдузлар устига қўйиб бекитади.)

(Шарҳ). Тоат темиридан ҳосил бўлган нур банданинг дилида пайдо бўлгач, шайтон ўзининг васвасаси ва тойдиришининг белгиси бўлган бармоғини шу нур устига қўйиб, нобуд қилмоқчи бўлади. Байтда айтилгандек, тортади, яъни (72a)нурни тортиб олмоқчи бўлади.

**Мекашад исторагонро як-баяк,  
То наяфрўзад чароге бар фалак.  
Чун иноётат бувад бар мо муқим,  
Кай бувад биме аз он дузди лағим.**

(Токи фалакда чироқ бўлиб, нур сочмасин учун,  
Юлдузларни бирма-бир тортади.  
Сенинг иноятинг бизга доимий экан,  
Бу лаим ўғридан қачон бизга қўрқинч бўлади?!)

**Гар ҳазорон дом бошад ҳар қадам,  
Чун ту бо мойи, набошад ҳеч ғам.  
Ҳар шабе аз доми тан арвоҳро,  
Мераҳонӣ механӣ алвоҳро.**

(Агар ҳар бир қадамимизда минглаб дом бўлса ҳам,  
Сен биз билан экансан, ҳеч қандай ғам бўлмайди.  
Ҳар бир кечада тан домидан руҳларни,  
Озод қиласан ва бадан эшигини очасан.)

(Шарҳ). Ҳар бир ғайбат (беҳушлик)да тан қафасидан руҳларни озод қиласан ва тан ҳижобини ечасан.

**Мераҳанд арвоҳ ҳар шаб з-ин қафас,  
Фориғон не ҳокиму маҳкуми кас.  
(Руҳлар ҳар кеча бу қафасдан бўшаб,  
Ҳоким у маҳкумлиқдан озод бўладилар.)**

(Шарҳ). Шундан сўнг, бениҳоят карам ва бегоят лутф сабабли тан ҳижобларини узоқ қиласан, руҳлар ҳар бир ғайбат (беҳуш-лик)да бадан қафасидан бўшайдилар, ҳоким ва маҳкумлиқдан озод бўладилар.

**ШУ ЕРГАЧА АҲЛИ ЙАҚИН БЎЛГАН МУБТАДИЙ  
(БОШЛОВЧИ)НИНГ БАЁНИ БЎЛИБ, УНИ ҒАЙБАТ  
ТУНИ УЙҚУСИДА ҚОЛДИРГАН ЭДИЛАР, ЭНДИ ЭСА  
ВИРОЗГИНА МУНТАҲИЙ (КАМОЛГА ЕТГАН),  
ОРИФЛАР ҲОЛИДАН БАЁН ҚИЛИНАДИ**

*Ҳоли ориф ин бувад беҳоб ҳам,  
Гуфт Изад «хум руқудун» 3-ин марам.  
(Орифнинг аҳволи уйқусиз ҳам шундай (комил) бўлади,  
Тангри бу ҳол ҳақида «улар уйқуда» деди.)*

(Шарҳ). *Тамжинга* етиб, *талвиндан* халослик даражасига ет-ганларнинг ҳоли шу кабидир, яъни ғам, фойда ва зиённинг фикри, у ёки бунинг хаёлига эга эмаслар. Чунончи, Худойи азза ва жалл Каҳф асҳоблари ҳақида буюрди: «Сен уларни уйғоқлар деб ҳисоблайсан, ваҳоланки улар уйқудадурлар» (Қуръон, 18/18). Такмил (мукаммаллик) арболарининг ҳоли Каҳф асҳобларининг ҳоли кабидир. Бошқа ерда буюрадилар:

*Авлиё асҳоби Каҳфанд, эй унуд,  
Дар қиёму дар тақаллуб ҳам руқуд.  
Мекашадшон бетакаллуф дар фиёл,  
Беҳабар зот ул-йамин, уш-шимол.  
(726) Чист он зот ул-йамин, феъли ҳасан,  
Чист он зот уш-шимол, ашголи тан.*

(Эй қайсар киши, авлиёлар туришда, юришда ва уйқуда, Гуё Каҳф асҳоблари кабидурлар. Улар феълу ҳаракатда қийиналмайдилар, Зот ул-йамин зот уш-шимолдан беҳабар қоладилар. «Зот ул-йамин» нима? Бу - яхши феъл, «Зот уш-шимол» нима? Бу - бадан машғулоти.)

Матн:

*Хуфта аз аҳволи дунё рўзу шаб,  
Чун қалам дар панжайи тақлиби Рабб,  
(Туну кун улар дунё аҳволидан беҳабардурлар,  
Улар Парвардигорнинг айлантирувчи панжасидаги қалам  
кабидурлар.)*

(Шарҳ). Бу байт аввалги байтнинг шарҳидир, яъни дунё ва уқбо (охират) аҳволдан беҳабардурлар. Худойи таъоло уларни қалам каби ҳар томонга айлантиради. Чунончи, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг: «Муъминнинг қалби Аллоҳ бармоқларидан бўлган икки бармоқнинг орасидадир, қандай хоҳласа, уни шундай айлантиради» деган сўзлари шу маънога ишорат қилади.

**Он ки ў панжа набинад дар рақам,  
Феъл пиндорад ба жунбиш аз қалам.  
(Ёзишда панжани кўрмаган киши,  
Бу ҳаракат қаламнинг иши деб ўйлайди.)**

(Шарҳ). Худойи таъоло иродасини уларда кўрмаган одам уларнинг ишини ўзлари амалга ошираётган иш деб ўйлайди.

**Шаммае з-ин ҳоли ориф во намуд,  
Халқро ҳам тоби ҳисси даррабуд.  
(Бу ориф ҳолидан озгина очилди-ю,  
Халқни ҳам ҳиссий уйқу қоплади.)**

(Шарҳ). Бу орифнинг ҳолидан бир шингил халқ учун баён қилинган эди, уларни ҳам ҳиссий уйқу, яъни мосиво фикри қоплаб олди.

**Рафта дар саҳрои бечун жонашон,  
Руҳашон осудаи абдонашон.  
(Жонлари бенишонлик саҳросига кетиб,  
Руҳлари баданлари билан осудалик топди.)**

(Шарҳ). Бенишонлик саҳросига кетиб, руҳлари баданлари билан тинч бўлди. Ва осудалик шундай вақтда бўладики, жон бенишонлик оламида мушоҳадага ва тан иршод амри билан машғул бўлишдан озод бўлади. Чунки халқни иршоди билан машғул бўлишда ноқислар билан суҳбат сабабли жонда хиралик пайдо бўлади. Шу сабабли: «Тинч қўй, ё Билол» дейилган. Чунончи, Ҳазрати Мавлавий дейдилар:

**3-ихтилооти халқ ёбад эътилол,  
3-он сафар жўяд к-«арихна ё Билол».**  
(Халққа машғул бўлишдан иллат юз беради,  
Ўша сафардан «Тинч қўй, ё Билол»ни қидиради.)

(73а)Шундан сўнг, орифларнинг жони бенишонлик  
сахросига бориб, руҳлари баданлари билан осуда бўлди:

**Чунки нури субҳидам сар барзанад,  
Каркаси заррини гардун пар занад.**  
(Чунки субҳидам нури бош кўтаргач,  
Тилларанг гарданли каркас қанот қоқади.)

(Шарҳ). Тонг янглиг Зот тажаллийсининг нури иноят  
машри-қидан кўринган вақтда: «Ул кунки, баъзи юзлар  
оқарур ва баъзи юзлар қоракур» (Қуръон, 3/106) сири  
ошкор бўлади. Бошқа жойда Ҳазрати Мавлавий  
букюрадилар:

**Ин замон пайдо шуда бар ин гуруҳ,  
Явма табайъаз ва тасаввад вужуҳ.**  
(Бу пайтда бу гуруҳга:  
«Ул кунда юзлар оқаради ва қораяди»<sup>1</sup> юз беради.

Матн:

**«Фалиқ ул-асбоҳ» Исрофилвор,  
Жумларо дар сурат орад 3-он диёр.**  
(«Тун равшанлигини ёриб чиқарувчи»<sup>2</sup> Исрофил каби,  
Барчани ўша диёрдан яна ўз шаклига келтиради.)

(Шарҳ). Бу байт аввалги байтнинг тафсиридир.

**Рухдойи мунбаситро тан кунад,  
Ҳар танеро боз обистан кунад.**  
(Тарқаб кетган руҳларни танга қайтаради,  
Ҳар бир танни руҳни кўтариб юрувчи қилади.)

---

<sup>1</sup> Қуръон, 3/106.

<sup>2</sup> Қуръон, 6/96.

(Шарҳ). Яъни, тан қафаси сиқиб турган руҳ ғайбнинг кенг саҳросига кетиб, у ерга кенг бисотини ёйган эдилар, уларни ўша ердан қайтариб, баданга киритадилар ва тан қорнини бу руҳлар билан обистан (юкли) қиладилар.

*Аспи жондоро кунад ори зи зин,  
Сирри «ан-навму аху-л-мавт» аст ин.  
(Жон отини эгардан холий қилади,  
«Уйқу ўлимнинг биродари» (ҳадиси)нинг сири шудир.)*

(Шарҳ). Жонларнинг отини вужуд этаридан холий қилиб қўйишдан мурод ғайбат (ўздан кетиш) воқеасидир. Ғайбатнинг юз бериши «уйқу ўлимнинг биродари» ҳадисидаги тўлиқ фанога ишорадир.

*Лек баҳри он ки рўз оянд боз,  
Бар ниҳанд бар пояшон банди дароз.  
(Бироқ кунлар яна келиши учун,  
Оёқларига узун банд соладилар.)*

(Шарҳ). Лекин руҳлар бадандан узилганларидан сўнг, вужуд хоналаридан бенишонлик ўтлоқларига кетган эдилар, ғайбат тунлари келганда уйғоқлик майдонига қайтишни хоҳлайдилар. Ва ўз оёқларига узун банд соладиларки, бу банд руҳнинг баданга боғлиқлигидир. Бунинг сабаби сўнгги байтда баён (73б)қилинган бўлиб, бу шунинг учунки, ғайб оламининг ўтлоқзори ва ло райб саҳнининг кўкаламзоридан тортиб олиб, вужуднинг юки остига киритсалар. Шу каби бирин-кетин то тўлиқ фано юз бергунча ғайбат юз бераверади, то васл ипининг узиладиган вақтига етгандагина узадилар. Чунончи, Ҳазрати Мавлавий бошқа ерда буюрадилар:

*Токи аз тан тори васлат бигсаланд,  
Пеши ту оянд к-аз ту муқбиланд.  
Парзанон эмин зи ражъ сарнигун,  
Дар ҳаво к-«инна илайҳи рожиъун».  
Бонг меояд «таъолав» з-ин карам,  
Баъд аз ин ражъат намонад дарду еам.*

**Бас ғарибидо кашидед аз жаҳон,  
Қадри ман доништа бошед, эй меҳон.  
Зери соя ин дарахтам масту ноз,  
Ҳин биандозед поҳоро дароз.  
(Токи бадавингдан васл ипини узиш учун,  
Ҳузурингга сендан бахтлироқлар келади.  
Қулаб тушишдан эмин бўлиб,  
Ҳавода қанот қоқиб, «албатта биз унга қайтувчилармиз»  
дегувчи бўладилар.<sup>1</sup>**

**«Келинглар» деган овоз Унинг карами туфайли келади,  
Бу қайтишдан сўнг дарду ғам қолмайди.  
Дейди, жаҳонда кўп ғарибликлар тортдингиз,  
Менинг қадримни билинглар, эй улуғлар.  
Бу дарахтим сояси остида маст бўлиб, эркаланиб,  
Оёгингизни узатиб ўтиринглар.)**

Матн:

**Токи рўзе вокашад з-он марзор,  
В-аз чарогоҳ орадаш дар зери бор.  
(Токи бир куни ўша кўкаламзордан тортса,  
Ва ўша ўтлоқзордан яна юк остига киритса.)**

(Шарҳ). Токи бир куни ғайб оламнинг кўкаламзоридан ва унинг ўтлоқзоридан тортиб олиб, вужуднинг юки остига киритса. Набий алайҳиссалом айтдилар: «Мен сизларнинг бировингизга ўхшамайман, Парвардигорим ҳузурида тунайман, едириламан ва ичтириламан».

**Кош чун асҳоби Қаҳф ин руҳро,  
Ҳифз кардӣ ё чу киштӣ Нуҳро.  
(Кошки Қаҳф асҳоблари руҳни асрагани,  
Еки Нуҳ кемани асрагани каби уни асрай олсалар.)**

(Шарҳ). Бу байтда ғайб аҳлининг тўлиқ фаноғи асрашни арзу қилганларининг баёнидир. Яна улар Ҳақ таъолодан фаноғи тилаб

---

<sup>1</sup> Қуръон, 2/156.

айтадиларки, кошки Хақ таъоло бизни ғайб фароғат майдонида асақлага ва бизни вужуд (74a)юкининг остида, фойда ва зиён андешасининг ғавғоси остида қолдирмаса, гўё Қаҳф асҳоблари кабиким, Сенинг фазлинг уларни ҳар томонга айлангирди, гўё Нуҳ алайҳис салом кабиким, тан кемасининг ҳаракати ва ҳаракат-сизлиги ва унинг вужуди Сендандир. Чунончи, айтдинг: «Ва миндирдик уни тахталар ва михлардан иборат (кема)га» (Қуръон, 54/13). Яна айтдингки: «Эй Нуҳ, тушгил саломатлик ила Бизнинг тарафимиздан ва баракотлар сенга» (Қуръон, 11/48) токи ўздан фориг бўлиб, янада машғулроқ бўлар эдик. Чунончи, айтадилар:

**То аз ин тўфони бедорию хуш,  
Вораҳидӣ ин замиру чашму гўш.  
(Бедорлик ва ҳушёрлик тўфонидан  
Бу замир, кўз ва қулоқ озод бўлса эди.)**

(Шарҳ). Токи бедорлик ва ҳушёрлик тўфонидан бу замир, кўз ва қулоқ қутилса эди.

**Эй басо асҳоби Қаҳф андар жаҳон,  
Пахлуйи ту, пеши ту ҳаст ин замон.  
(Бу замонда жаҳон ичида қанчалаб Қаҳф асҳоблари,  
Ёнингизда ва олдингизда кўчдир.)**

(Шарҳ). Бу Ҳазрати Мавлавийнинг, сирлари муқаддас бўлсин, ўзларига ишорадир, яъни мен ҳол илмида Қаҳф асҳобиман, бу замонда ёнингда мавжудман.

**Ёр бо ӯ, гор бо ӯ дар суруд,  
Мухр бар гўш аст, бар чашмат чи суд.  
(Кўшиқда «ёр у билан, гор у билан» дейилади,  
Қулоғу кўзингда мухр бўлса, нима фойда.)**

(Шарҳ). Ҳақиқий ёр мен билан ва вужуд гори кўшиқда, лекин кўзу қулоқда мухр бор, эшитмайсан ва кўрмайсан.

## ХАЛИФА ЛАЙЛИНИ КЎРГАНИ, ХАЛИФАНИНГ ЛАЙЛИГА САВОЛ БЕРГАНИ ВА УНИНГ ЖАВОБИ ҲАҚИДАГИ ҲИКОЯТ БАЁНИДА

Бу ҳикоятдан мақсад шуни исботи қилишки, улар айтдиларки, мен асҳоби Қаҳфман, мени кўриш учун сенда кўз йўқ, Лайлининг дийдорини Мажнуннинг кўзи кўради, ҳар қандай енгилтак кўравермайди. Агар сен бизнинг Мажнунимиз бўлсанг эди, албатта, бизнинг дийдоримизни кўрган бўлардинг.

*Гуфт Лайлиро халифа к-он туйи,  
Аз ту шуд Мажнун паришони гавий.  
Аз дигар хубон ту афзун нестй,  
Гуфт, хомуш, чун ту Мажнун нестй.  
(Халифа Лайлига дедик, сен ўшамисан,  
Сен туфайли Мажнун паришон ва мафтун бўлганми?  
Бошқа гўзаллардан сен ортиқ эмассан,  
Деди, жим бўлки, сен Мажнун эмассан.)*

*Дидаи Мажнун агар будй туро,  
Ҳар ду олам бехатар будй туро.  
(746) Бохуди ту, лек Мажнун бехуд аст,  
Дар тариқи ишқ бедорй бад аст.  
(Агар сенда Мажнуннинг кўзи бўлганда эди,  
Ҳар икки олам сен учун бехатар бўлар эди.  
Сен ўзингдасан, бироқ Мажнун ўзида эмас,  
Ишқ йўлида бедорлик яхши эмас.)*

(Шарҳ). Бехудлик шундайки, ирода, ихтиёр, фикр ва хаёл асло бўлмайди.

*Ҳар кй бедор аст й дар хобтар,  
Ҳаст бедорияш аз хобаш батар.  
Чун ба Ҳақ бедор набвад жони мо,  
Ҳаст бедорй чу дар бандони мо.  
(Кимки беҳабар ҳолда бедор бўлса,  
Унинг бедорлиги уйқусидан бадтардир.  
Агар жонимиз Ҳақ учун бедор бўлмаса,  
Бедорлик қалъа ичидаги қамалган нарса каби бўлади.)*



**Жон хама рўз аз лагаджуби хаёл,  
В-аз зиёни суду аз хавфи завол.  
Не сафо мемонадаш, не лутфу фар,  
Не ба сўйи осмон роҳи сафар.**  
(Зиёну фойда ва завол бўлиш хавфи билан,  
Жон ҳар куни хаёл қийноғидадир.  
Унда на сафо қолган, на лутф ва улуғлик,  
Ва на осмон сари сафар қилиш қолган.)

(Шарҳ). Яъни сафо ва улуғлик, осмонга сафар қилиш хаёл ва андишани йўқ қилгандан сўнг ҳосил бўлади.

**Заъфи сар бинад аз ону тан палид,  
Оҳ аз он нақши падида нопадид.  
Муре бар боло парону сояаш,  
Меравад бар хок паррон муреваш.**  
(Бу ҳолдан боши заиф, тан эса ифлос,  
Оҳ бундай кўринувчи-ю кўринмас нақшдан.  
Қуш осмонда ўчиб боради-ю,  
Сояси ҳам ерда қушсимон учиб боради.)

(Шарҳ). Ризқ осмондадир: «Ва осмондадур ризқларингиз ва яна ул нарасаки ваъда қилинур сизларга» (Қуръон, 51/22) ва унинг ҳосил бўлиш сабаблари ердадир.

**Аблаҳ сайёди он соя шавад,  
Медавад чандон, ки бемоя шавад.**  
(Аблаҳ одам бу соянинг овчиси бўлади,  
Шунчалар қувадики, охири ҳеч нарасасиз қолади.)

(Шарҳ). Аблаҳ ва нодон одамлар ризқнинг ердаги сабабларига қарайди ва ризқ берувчидан гафлатда қолади.

**Беҳабар к-он акс аз мурғи ҳавост,  
Беҳабар, ки асли ин соя кужост.  
Тир андозад ба сўйи соя ў,  
(75а) Таркашаш холий шуда аз жўстужў.**  
(Бу соя ҳаводаги қушнинг акси эканини билмайди,  
Ва соянинг асли қаердан эканидан беҳабардир.

У соя сари ўқ отади,  
Бу қидиришдан унинг ўқдони бўм-бўш қолади.)

*Таркаши умраш тикъи шуд, тир рафт,  
Аз давидан дар пайи он соя тафт.  
Сояи Яздон чу бошад дояваш,  
Мераҳонад аз хаёлу сояаш.  
(Умр ўқдони бўшади, ўқ кетди,  
Соя орқасидан югуриб куйди.  
Яздон сояси унинг дояси бўлса эди,  
Хаёлу соядан уни кутқарар эди.)*

(Шарҳ). Ҳар кимни Худойи таъоло лутфининг сояси, яъни комил пир парвариш қилса, сояга ўхшаган хаёлдан кутқаради.

*Сояи Яздон бувад бандай Худо,  
Мурдаи ин оламу зиндаи Худо.  
(Яздоннинг сояси - Худонинг бандасидир,  
У бу оламнинг мурдаси, Худонинг эса зинда (тириги)дир.)*

(Шарҳ). Худойи таъоло лутфининг сояси мукаммаллар бўлиб, бу Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламдирки: «Султон - Аллоҳнинг соясидир» шундай маънога ишорадирки, бу оламда ўлганлар Сиддиқвор. Пайгамбар алайҳис салом Сиддиқ ул-Ақбар разийаллоҳу анҳу шаънида: «Ҳар ким ўликнинг юзига боқмоқни истаса, ер юзида юрсин ва Ибн Қаҳҳофага қарасин» деганлар. Ва улар Худойи таъоло хузурида тирикдирлар. Худойи таборак ва таъоло айтди: «Ва улар одамларики, Аллоҳ йўлида ўлдирилдилар, уларни ўликлар деб гумон қилмагин, балки улар тирикдурлар. Парвардигорлари қошида уларга ризқ берилур» (Қуръон, 3/169).

## **ВАЛИЙ МУРШИДГА ТОБЕЪ БЎЛИНГА ТАРҒИБ БАЁНИДА**

*Домани ў гир зудтар безумон,  
То раҳъ аз офати даври замон.  
«Кайфа мадд аз-зилл» нақши авлиёт,  
К-ў далели нури хуршеди Худост.*

(Тезроқ унинг этагидан тут,  
Замова даврининг офатларидан бегумон қутиласан.  
«Нучук узун қилибдур сояни» бу авлиёнинг нақшидирки,  
У Худо қуёши нурунинг далилидир.)

(Шарҳ). Авлиёларнинг нури чўзилган соя каби бўлиб,  
Худойи таъоло Зоти тажаллийсининг раҳнамоси удир. Аллоҳ  
таъоло айтди: «Оё боқмадингизми Парвардигорнинг  
кудратигаки, нечук узун қилибдур сояни? Ва агар хоҳласа  
эди, уни тўхтатиб қўяр эди. Кейин Биз қуёшни раҳнамо  
қилдик. Кейин Биз уни оҳиста-оҳиста йиғиб олдик» (Қуръон,  
23/45-46).

*Андарин води марав беин далил,  
Ло уҳибб ул-офилин гў чун Халил.  
(Бу далилсиз водий ичига борма,  
Халилдек «Мен ботиб кетувчиларни севмасман»<sup>1</sup> дегин.)*

(Шарҳ). Талаб водийсига авлиёнинг нурусиз борма, бу  
авлиё эса талвиндан халос бўлган бўлсин.

*Рўзи соя офтоберо биёб,  
Домани шах Шамси Табреси битоб.  
(756) Раҳ надонӣ жониби ин суру урс,  
Аз Зиё ул-Ҳақ Хусомуддин билурс.  
(Сояли кунда бир қуёшни топ,  
Шоҳ Шамси Табризийнинг этагини тут.  
Агар бу тўйу таътана томон йўл билмасанг,  
Буви Ҳақ зиёси Хусомуддиндан сўра.)*

## **ИБЛИС ОДАМ САФИЮЛЛОҲГА ҲАСАД ҚИЛГАНИ КАБИ МУҚАЛЛИД ХАЛИФАНИНГ МУҲАҚҚИҚҚА ҲАСАД ҚИЛГАНИ БАЁНИДА**

*В-ар ҳасад гирад туро дар раҳ гулу,  
Дар ҳасад Иблисро бошад гулу.  
К-ў зи одам нанг дорад аз ҳасад,  
Бо саъодат жанг дорад аз ҳасад.*

<sup>1</sup> Қуръон, 6/76.

(Бу йўлда ҳасад сенинг томоғингдан олса,  
Бу ҳасадда Иблиснинг ғалваси бўлади.  
У ҳасад туфайли Одамдан ор қилади,  
Ҳасад туфайли саодатга қарши жанг қилади.)

**«Таҳдира байтий» баёни поки аст,  
Ганжи нур аст ар тилисмаи хоки аст.  
Гар кунӣ бар беҳасад макру ҳасад,  
З-он ҳасад дилро сиёҳиҳо расад.**

(«Пок тутинглар Менинг хонамни»<sup>1</sup> (оятти) покликнинг  
баёнидир,

Гарчи унинг тилсими хокий бўлса-да, нур хазинасидир.  
Агар ҳасади йўқ одамга макру ҳасад қилсанг,  
Бу ҳасаддан дилингга қораликлар етади.)

(Шарҳ). Эй муқаллид, авлиёуллоҳга ҳасад қилсанг,  
дилингга қораликларни кўрасан.

**Хок шав мардони Ҳақро зери по,  
Хок бар сар кун ҳасадро ҳамчу мо.  
(Ҳақ мардонларининг оёғи остида тупроқ бўл,  
Биз каби ҳасаднинг бошига тупроқ соч.)**

## **ВАЗИРНИНГ ЖУҲУД ПОДШОСИГА ҲАСАД ҚИЛГАНИ БАЁНИДА**

**Он вазирак аз ҳасад будаи нажд,  
То ба ботил гўшу бинӣ бод дод.  
(Ўшал вазирнинг ирқи ҳасаддан эди,  
Ботиллик билан қулоғу бурнини бодга берди.)**

(Шарҳ). Муқаллид халифанинг ирқи ҳасаддан бўлиб,  
бузғун-чилиги учун қулоғу бурнидан айрилди, яъни  
муҳаққиққа ҳасад қилгани сабабли ҳақ сўзни эшитмади ва  
Ҳақ томонга юз қўймади.

**Бар уммеди он ки аз неши ҳасад,  
Заҳри ӯ бар жони мискинон расад.**

---

<sup>1</sup> Куръон, 2/125.

(Ҳасад нишидан заҳари мискинларга,  
Етса эди деган умидда эди.)

(76a)(Шарҳ). Унинг ҳасад сабабли қулоқ ва бурнидан айрилиш-дан умиди шайтоний тажаллийдан иборат нишининг заҳарини мискин толибларнинг жонига уриш эди.

**Бинӣ он бошад, ки ӯ бӯйе барад,  
Гӯш он бошад, ки ҳақро бишнавад.**

(Бурун шундай бурун бўлсинки, у ҳидни сезсин,  
Қулоқ шундай қулоқ бўлсинки, ҳақ сўзни эшитсин.)

(Шарҳ). Бурун шундай нарсаки, у муҳаққиқнинг ҳидини олсин ва уни Изад таъоло томонига олиб борсинки: «Валий - Аллоҳнинг райҳонидир, содиқлар уни ҳидлайдилар, унинг ҳиди қалбларга етиб боради, бас муштоқ бўладилар уларнинг аҳволига». Қулоқ шундайки, муҳаққиқдан тоза сўзни эшитади ва бу тоза сўзни Аллоҳ томонидан деб билади ва қулоғига олади. Аллоҳ таборак ва таъоло айтди: «Хушхабар беринг ул бандаларимгаки, сўзни эшитурлар ва унинг яхшироғига тобе бўлурлар, шулардир ул жамоаки, уларни Худо ҳидоят қилибдур» (Қуръон, 39/18) (оятӣ) бу икки маънога ишоратдир.

**Ҳар кӣ бӯяш нест бе биний бувад,**

**Бӯйи он бӯйест к-он динӣ бувад.**

**Чунки бӯе бурду шукри ӯ накард,**

**Куфри неъмат омаду биниш хвард.**

(Ҳар кам ҳид билмаса, у бурунсиздир,

Ҳид шундай ҳидки, у дин ҳидидир.

Кимки ҳид билса-ю, шукрини қилмаса,

Бу куфрони неъмат бўлади ва бурнини ейди.)

(Шарҳ). Ҳар вақт муҳаққиқнинг ҳидини олса-ю, шукрини бажо қилмаса, бу куфрони неъматлик уни бурунсиз қилади. Чунончи, Аллоҳ таъоло айтди: «Агар сизлар шукр қилсангизлар сизларга зиёда неъмат берурман, агар ношукрлик қилсангизлар, албатта, Менинг азобим қаттиқдур» (Қуръон, 14/7).

**Шукр кун, мар шокиронро банда бош,  
Пеши эшон мурда шав, поянда бош.**  
(Шукр қил ва шукр қилувчиларга банда бўл,  
Уларнинг олдида жон бериб, мурда бўл ва маҳкам тур.)

(Шарҳ). Шукр қилиб, муҳаққиқларга банда бўл, уларнинг олди-да жон бериб, мурда бўл, яъни ирода ва ихтиёрини йўқ қилади, муҳаққиқнинг ирода ва ихтиёрини амалга оширишда мустаҳкам ва барқарор бўлади.

**Чун вазир аз раҳзанӣ моя масоз,  
Халқи Ҳақро бар маёвар аз намоз.**  
(Вазирга ўхшаб йўлдан уришни қурол қилмагин,  
Ҳақ халқни эса намоздан чалғитмагин.)

(Шарҳ). Эй муқаллид халифа, жухуднинг вазири каби йўлдан уришни ўзинга қурол қилма, Ҳақ халқини Вожиби Мутаъолга (766) етишишдан қайтармагинки, «таҳорат ажралиш, намоз етишиш, демак, кимки ажралмади, у етишмади», яъни кимки мосивоуллоҳдан ажралмаса, Аллоҳ таъолога етишмайди.

## **НАСОРО ҲОЗИҚЛАРИНИНГ ВАЗИР МАКРИНИ ПАЙҚАБ ҚОЛИШЛАРИ БАЁНИДА**

**Носихи дин гашт он кофир вазир,  
Карда ӯ аз макр дар лавзина сир.  
Ҳар кӣ соҳиб завқ буд аз гуфти ӯ,  
Лаззате меду талхи жуфти ӯ.**  
(Кофир вазир дин насихатчиси бўлиб,  
Макр билан бодом ҳолвасига саримсоқ кўшди.  
Кимки соҳиби завқ бўлса,  
Унинг сўзида лаззат кўрарди ва лаззат билан бирга  
аччиқлик ҳам бор эди.)

(Шарҳ). Ҳар ким Худойи таъоло нуридан тотган бўлса, муқаллиднинг сўзида лаззат билан шайтоний нурдан иборат бўлган аччиқликни ҳам бирга эканини сезади. Эй толиби содиқлар, в-эй ёри мувофиқлар, муқаллиднинг сўзлари зоҳирда чиройли ва ширин

бўлса-да, бироқ ботинида шайтоний тажаллий яширин, у алдов ва ярамас сўзларни ёяди. Жоҳилнинг сўзи гўё офилхонада ўсган сабза кабидир, зоҳирда чаққон сўзласа-да, ботинда иши сустдир.

*Нуктаҳо мегуфт ў омехта,  
Дар жулобу қанд захре рехта.  
Ҳон, машав мағрури гуфтори наку,  
З-он, ки дорад сад бади дар зер ў.  
(Гўё қанд ва гулобга заҳар қуйган каби,  
У омехта бўлган ҳикмат сўзларини айтарди.  
Хушёр бўл, унинг чиройли сўзларига учма,  
Унинг тагида юзлаб ёмонликлари бор.)*

(Шарҳ). Офилхонада ўсган кўкатдан бурунга бадбўй ҳид келади. Муқаллидларнинг сўзлари ҳам шундай эканига «Маснавий»нинг бошқа жойида ишорат қиладилар:

*Он нажосат бўяш ояд басти ком,  
В-ин нажосат бўяш аз Рай то ба Шом.  
Балки бўяш осмонҳо бардавад,  
Бар димоғи ҳури ризвон пур шавад.  
(77a) Бар чунон сабза ҳар он к-ў барнишаст,  
Бар нажосат бешаке биншастааст.  
Боядаш худро бишустан з-он ҳадас,  
То намози фарзи ў набвад абас.  
(Ул нажосатнинг ҳиди димоққа етади,  
Бул нажосатнинг ҳиди Райдан Шомгача етиб боради.  
Балки унинг ҳиди осмонларгача етиб боради,  
Жаннат ҳурларининг димоғини тўлдиради.  
Бундай кўкат устига ҳар ким ўтирса,  
Шубҳасиз нажосатга ўтирган бўлади.  
Фарз намози бекорга кетмаслиги учун,  
Бундай нажосатдан ювинмоқ лозим.)*

## ИХТИЛОФ ҲАҚИҚАТ ЙЎЛИДА ЭМАС, БАЛКИ СУВРА ЙЎЛИДА ЭКАНИНИНГ БАЁНИДА

*3-ин наमत 3-ин нав даҳ, тумор ду,  
Барнавишт он дини Йисоро адув.  
Ў зи якрангийи Йисо бў надошт,  
Аз мизожу хумми Йисо хў надошт.*  
(Бу Исо динининг душмани,  
Ўн икки хатни шу тартиб ва шу хилда ёзди.  
У Исонинг тоза ва поклигидан асло беҳабар эди,  
Исонинг миждоз хумидан насиба олишдан узоқ эди.)

(Шарҳ). Муқаллид Онҳазрат саллаллоҳу алайҳи ва саллам нурининг якрангидан беҳабар эди, шу сабабли ҳар хил йўлларни одамларга кўрсатар эди. Муҳаммад алайҳис салоту вассаломнинг миждоз хумидан нишони ҳам йўқ эди, шу сабабли манманлик байроғини оламга тиккан эди.

*Жомаи садранг аз он хумми сафо,  
Содаи якранг гаштӣ чун зиё.*  
(Юз хил рангли либос сафо хуми сабабли,  
Нурга ўхшаб содда, бир рангга айланди.)

(Шарҳ). Яъни, соликларнинг жон либосиким, Парвардигорнинг тажаллийсидан ҳосил бўлган эди ва бундан ўзга сифатлар ва асарларнинг тажаллийсиким, юз рангли, балки минглаб рангли дилшазир ва жонфизо ранглар эди, Онҳазрат саллаллоҳу алайҳи ва саллам соф нурининг хумидан (79а) ҳосил бўлган эди, бу нур ғоятда соф, балки айни сафо бўлиб, соф ва содда рангларда жилваланар эди, уларнинг барчаси якранг (бир ранг)га айланган эди.

*Нест якранги к-аз ў хезад малол,  
Бал мисоли моҳию оби зулол.*  
(Унда якранглик бор эди, лекин малоллик йўқ эди,  
Балки «балиқ ва зилол сув»нинг мисоли эди.)

(Шарҳ). Бу малоллик пайдо қилувчи якранглик эмас эди, балки якрангликда балиқ ва зилол сувга ўхшарди. Гарчи нурлар якранг ёки ҳар хил ранг бўлса-да, жон кўзида лаззатлар зиёда бўлади.



лекин Онҳазрат саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг нури барча нурларни якрангга айлантирса ҳам, бироқ бу денгизнинг балиқ-ларига барча лаззатлардан юқори бўлган лаззат етади.

**Гарчи дар хушки ҳазорон рангҳост,  
Моҳиёнро бо йубусат жангҳост.**

(Гарчи қуруқликда минглаб ранглар бўлса-да,  
Балиқлар учун қуруқликда жанглар бор холос.)

(Шарҳ). Соликларнинг вужуд қуруқлиги учун денгиздан ташқарида манзилларни босиб ўтиш ҳосил бўлиб, ўша ранг-баранг нурлар ҳосил бўлса-да (796), бироқ уларда бу ранглар билан жанглар бор, яъни улар учун ўша ранг-баранг нурлар билан доимий алоқа ва улфатлик барқарор эмас, балиқлар сувдан ташқарида қарор топмаганидек, улар ҳам ҳар дамда ҳаяжон ва ихтиробда юрадилар. Улар токи ўзларини Онҳазрат саллаллоҳу алайҳи ва саллам нур денгизига отмагунаррича ором топмайдилар. Улар денгизга етишишдан аввал бу тажаллиёт нурларидан ажраб қолсалар, бу ҳолни «васли эъдом» (йўқ бўлувчи висол) дейдиларки, бу ҳаяжон, изтироб ва кашма-кашликнинг аввалидир. Бу ерда мурод авлиёларнинг улуғ соликларидир. Денгиздан ташқарида ором топган соликлар эса жуда кўпдир. Авлиё хоҳ тавҳиди машраб, хоҳ тавҳиди шухудий, хоҳ тавҳиди вужудий бўлсин, уларнинг бу нур билан муомаларини таҳрир ва баёнга сиғдириб бўлмайди. Агар уни баён қилиш мумкин деб фараз қилсак, у пайтда эшитувчининг тоқати бунга етмайди. Шунинг учун ҳам айтадилар:

**Жону дилро тоқати ин жўш нест,  
Бо кӣ гўям, дар жаҳон як гўш нест.  
Ҳар кужо гўше буд, аз вай чашм гашт,  
Ҳар кужо санге буд, аз вай йашм гашт.**

(Жону дилнинг бу жўшу хурушга тоқати етмайди,  
Қимга ҳам айтайки, жаҳонда уни эшитувчи қулоқ йўқ,  
Ҳар ерда қулоқ бўлса, ундан кўзга айланди,  
Ҳар ерда тош бўлса, ундан йашмга<sup>1</sup> айланди.)

---

<sup>1</sup> Йашм - яшма (қимматбаҳо рангдор тош).

(Шарҳ). Яъни, ҳар ерда бир қобил одам бўлса таслим ва тасдиқ қулоғини улуғларнинг сўзларига тутди. Шунинг тақозоси бўйича: «Нажот - сидқ (туғрилик)дадир» ваъдаси юз бериб, бу мақомга етишиш учун ҳар қандай тўсиқдан нажот топди ва эшитган ҳамда кўрган киши бу улуғ мақсадга эришди. Ва ўзи ҳақида айтди:

**Дар ин маъно бaсе кўшиш намудам,  
Дурустат ончи гуфтам, озмудам.  
(Бу маъно ҳақида кўп ҳаракат қилдим,  
Айтган нарсаларимни синовдан ўтказдим.)**

(80a)Агар бу хабарни эшитишнинг аввалида ёки бу мақомга етмасдан бурун у кирланган бир тош бўлса, машриқ томон оқиб турувчи дарё суҳбатининг баракатидан унинг нурлари йашиш тошидек жило топиб, соф бўлди ва у инкор пардаси орқасида қолмади. Баъзи авлиёлар тавҳидни аъло мақом, сулуқ сафарининг ниҳоятти деб биладилар ва шу сабабли Онҳазрат саллаллоҳу алайҳи ва саллам нур мақомидан бош кўтариб чиқиб, пок Зотни мушоҳадасидан маҳрум қолардилар.

**Кимёсозист, чи бвад кимиё,  
Мўъжиза бахшист, чи бвад симиё.  
(Кимиё нима бўпти, у кимиёсоз эди,  
Симиё нима бўпти, у мўъжиза бағишловчи эди.)**

(Шарҳ). Яъни, зулматли нафс, ақл ва кирланган руҳ давроннинг нодир улуғларининг суҳбати таъсиридан мусаффо, жилодор ва нуроний бўлади. Бу кимёсознинг хислати каби бўлиб, у қалб ва табиатни бир ҳолдан бошқа ҳолга ўзгартиради. Кимёсозлик мисни кумуш ва тиллага, тошни ёқут ва гавҳарга айлантиради, бу санъат аҳлининг қудрати ва имконияти шунга мос бўлиб, агар Худо хоҳласа, шу фан устодининг қўлидан келади.

**Ин сано гуфтан зи ман тарки саност.  
К-ин далели ҳастй ҳастийи хатост.  
(Менинг бу сано айтишим тарки сано қилишимдир,  
Бу борлиқ далили бўлса, борлиқ хатодир.)**

(Шарх). Яъни, Онҳазрат саллалоҳу алайҳи ва салламдан нур эмган авлиёларнинг улуғларига сано айтиш аслида Онҳазрат саллаллоҳу алайҳи ва салламга чиройли сифатлар ва гўзал мақтовлар билан сано айтишдир. Бас, (806)сано ва мақтов борлиқнинг далилидир. Борлиқ эса хато ва мақсаддан йироқдир. Чунки мақсад солиқнинг фанога етиши, балки Онҳазрат саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг нуридан иборат бўлган ақли кулга етишишдир. Ҳақ таъоло барча нарсани ақли кулл учун яратган. Чунончи, қудсий ҳадисда Ҳақ таъоло буюрди: «Эй Муҳаммад, Сендан бошқа нарсани сен учун яратдим». Онҳазрат саллаллоҳу алайҳи ва саллам эса Ҳақ таъоло ризоси учун тарк қилиб, Аллоҳ даргоҳига мурожаат қилиб, дедилар: «Эй Аллоҳим, Сенсан ва мен эмасман, Сен учун Сендан бошқа нарсани тарк этдим». Демак, Онҳазрат саллаллоҳу алайҳи ва саллам борлиги олдида солиқнинг борлиғи хатодир, унинг йўқлиги мақсуддирки, буюрадилар:

*Пеши ҳастӣ ў бибояд нест буд,  
Чист ҳастӣ пеши ў кўру кабуд.  
(Унинг борлиғи олдида йўқ бўлмоқ керак,  
Унинг олдида кўру кўкнинг борлиғи нимадир?)*

(Шарх). Солиқнинг борлиғи хато ва мақсадининг йўқлик экани шу сабабданки, солиқнинг борлиғи Ҳақнинг мушоҳадасига тўсиқ бўлади ва бу мушоҳаданинг ажойиб ва гаройиблари таҳрир ва баён доирасидан ташқаридир. Бу мушоҳада эса Онҳазрат саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг борлиғи ва нурига фарқ ва йўқ бўлгандан сўнг ҳосил бўлади. Чунончи, Шайх Агтор, сирлари муқаддас бўлсин, Онҳазрат саллаллоҳу алайҳи ва саллам наътида буюрадилар:

*То нишоне ёфт жони ман зи ту,  
Бенишоне шуд нишони ман зи ту.  
(Менинг жоним Сендан нишон топгач,  
Менинг нишоним Сендан бенишон бўлди.)*

Солиқнинг борлиғи тўлиғича ва бутунича кўрийу кабудий ва ҳижобдир, чунончи, айтиб ўтилганидек, бу ерда улуг ҳижоб борлиқдир. Чунончи, буюрадилар:

*Гар набудй кўр аз ў бигдохтй,  
(81a) Гармийи хуршедро бишнохтй.  
(Агар кўр бўлмаса эди, эриб кетарди,  
Қуёшнинг иссиғини билган бўларди.)*

(Шарҳ). Яъни Онҳазрат саллаллоҳу алайҳи ва саллам нурининг иссиғини билган бўларди ва тушуварди.

*Пеши ҳастий ў бибояд нест буд,  
Чист ҳастй пеши ў кўру кабуд.  
(Унинг борлиғи олдида йўқ бўлмоқ керак,  
Унинг олдида кўру кўкнинг борлиғи нимадир?)*

(Шарҳ). Онҳазрат саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг нури бўлган ақли кулл олдида йўқ бўлмоқ керак, яъни ирода, ихтиёр, фикр, хаёлни тарк этмоқ лозим.

*В-ар набудй ў кабуд аз таъзият,  
Кай фусурдй ҳамчу ях ин ноҳият.  
(Таъзиядан у кўк бўлмаганда эди,  
Муз каби қачон эриб кетган бўларди.)*

## **БУ ҲИЙЛА ВА НАЙРАНГДА ВАЗИРНИНГ ЗИЁН ТОПИШИ БАЁНИДА**

*Ҳамчу шах нодону гофил буд вазир,  
Панжа мезад бо Қадими ногузир.  
(Шоҳ каби вазир ҳам нодон ва гофил эди,  
Аллоҳ панжасига панжа урмоқчи бўлди.)*

(Шарҳ). Муқаллид халифа нодон муқаллидга ўхшаб, гофил эди, бинобарин Қадим, яъни Яратувчи панжасига панжа урмоқчи бўлди, бу билан Унинг бандаларини макру ҳийла билан залолатга ташламоқчи бўлди.

*Ногузире жумлагон Ҳаййи қадир,  
Ло Язолу Лам язал фарду басир.*

**Бо чунон Қодир Худое к-аз адам,  
Сад чу олам ҳаст гардонад ба дам.**  
(Барча унга муҳтож бўлган Ҳай ва қадир,  
Абадий, боқий, ягона ва кўрувчи Зотдир.  
У шундай қодир Худоки, йўқликдан,  
Юзта оламни бир дам билан бор қилади.)

**Чунки чашматро ба худ бино кунад,  
Сад чу олам дар назар пайдо кунад.**  
**Гар жаҳон пешат азиму бе санист,  
Пеши қудрат заррае медон, ки нест.**  
(Кўзингни Ўз Зотига бийно қилса,  
Юзта оламни назарингда пайдо қилади.  
Гарчи жаҳон сенинг олдингда катта ва такрори йўқ бўлса-да,  
Унинг қудрати олдида бир зарра, гўёки йўқ кабидир.)

**Ин жаҳон худ ҳибси жонҳойи шумост,  
Ҳин, равед он сў, ки сазройи шумост.**  
(Бу жаҳон сизнинг жонингизга зиндондир,  
У томонга боринги, у ер сизнинг дала-боғингиздир.)

(Шарҳ). Эй биродар, бу жаҳоннинг нарсалари сенинг жонингни зиндондир, уни босиб ўтиб, ломакон сари қадам кўйки, у сенинг кенг далангдир.

**Ин жаҳон маҳдуду он худ беҳад аст,  
Нақшу сурат пеши он маънӣ сад аст.**  
(Бу жаҳон чегарали, униси чегарасиздир,  
Бу маънога нақш ва суврат тўсиқдир.)

(Шарҳ). Бу жаҳоннинг охири бор, ломаконнинг охири йўқ, бу жаҳон нақш ва сувратдан иборат, нақш ва суврат бу маънога тўсиқдир.

**Сад ҳазорон найзаи Фиръавро,  
Даршикаст он Мусо бояк асо.**  
(816) **Сад ҳазорон тибби Жолинус буд,  
Пеши Ийсову дамаш афсус буд.**

(Фиръавнинг юз минглаб найзасини,  
Мусонинг битта ҳассаси синдирди.  
Юз минглаб Жолинусу тибби ҳам,  
Ийсо дами олдида ҳеч нарса бўлмай қолди.)

*Сад ҳазорон дафтари ашъор буд,  
Пеши ҳарфи уммийи ў ор буд.  
Бо чунин қодир Худованде касе,  
Чун намирад гар набошад ў тасе.*  
(Юз минглаб шеър китоблари бор эди,  
Бироқ Пайгамбар сўзи олдида ҳеч нарса эмас эди.  
Шундай қудратга эга Аллоҳ учун,  
Агар одам жон бермаса, демак у жонсиз хашакдир.)

*Бас диле чун кўхро ангехт ў,  
Мурғи зийрак бо ду по оветт ў.  
Фаҳми хотир чуст кардан нест роз,  
Жуз шикаста меназирад фазли шох.*  
(У тоғ каби тоғларни қўзғотди,  
Зийрак қушни икки оёғидан осди.  
Фаҳм ва хотирани чаққон қилиш - йўл эмас,  
Шоҳ фазлини фақат синиқ дилгина топади.)

(Шарҳ). Фаҳму хотирни тез ва чаққон қилиш йўл эмас,  
балки йўл уни тарк этишдир. Худойи таъоло фазлини  
фаҳми ўтмаслар ва башарият сифатларига эга кишилар  
топа олмайдилар.

(82a) *Аспи ҳиммат сўйи охир тохтӣ,  
Одами масжудро нашнохтӣ.  
Охир одамзодай, эй нохалаф,  
Чанд пиндорӣ ту сустиро шараф.*  
(Ҳиммат отини қуйи тарафга чоптирдиг,  
Сажда қилинган Одамни танимадинг.  
Ахир сен одамзодсан, эй ярамас,  
Сустликни тоқайгача шараф деб биласан?!)

(Шарҳ). Эй муқаллид, тоқайгача ярамасликка ёпишиб  
олиб, молу дунё ва унинг машғуллиги ҳисобланган  
сустликни ўзинг учун шараф деб биласан?!

*Чанд гуйи ман бизирам оламе,  
Ин жаҳонро нур кунам аз худ ҳаме.  
Гар жаҳон нурбарф гардад сарбасар,  
Тоби хур биздозадаш дар як назар.*

(Мен оламни оламан,  
Бу жаҳонни ўзим билан тўлдираман, деб қачонгача гапирасан?)

Агар жаҳон қор билан бутунлай қопланса ҳам,  
Қуёш бир бор назар ташласа, эритиб юборади.)

(Шарҳ). Эй муқаллид, қабул бўлмасликка сабаб бўладиган бу барча кирдорларинг билан ҳам Аллоҳнинг даргоҳидан ноумид бўлмаки, ниҳояси йўқ офтобининг лутфи жаҳоннинг қор-гуноҳини бир нур сочиш билан йўқ қилади.

*Визру ўву визри у чун сад ҳазор,  
Нест гардонад Худо аз як шарор.  
Айни ин тахйилро ҳикмат кунад,  
Айни он захробро шарбат кунад.*  
(Унинг гуноҳи агар юз минг гуноҳ бўлса ҳам,  
Худо битта учқун билан уни йўқ қилади.  
Айни бу хаёлни ҳикматга айлантириб,  
Айни бу заҳарни шарбатга айлантиради.)

## **ВАЗИРНИНГ ҚАВМГА ҲИЙЛА ҚИЛИШ ВА УЛАРГА КУЛФАТ ЕТКАЗИШ УЧУН ХИЛВАТГА КИРИШИ**

Бу ҳикоятдан мақсад шуки, муқаллид хилватга киради ва чилла ўтиради, риёзат ва ибодатларни намоён қилади, бу билан ғарибларни ўзига ром қилади, залолат чоҳига боши билан кулатади.

*Чун вазири можири бадэътиқод,  
Дини Ийсоро бадал кард аз фасод.  
Макри дигар он вазир аз худ бибаст,  
Ваъзро биззошт, бар хилват нишаст.*  
(Эътиқоди бузуқ макрли бу вазир,  
Ийсо динини фасодга айлантирди.)

Яна бир ҳийла қилишга аҳд қилиб,  
Ваъзни йиғиштирди ва хилватга кирди.)

*Дар муридон дарфиканд аз шавқ сўз,  
(826) Буд дар хилват чилу панжох рўз.  
Лобаву зори ҳамекарданд ў,  
Аз риёзат гашта дар хилват ду тў.  
(Муридларнинг кўнглини шавқдан куйдириб,  
Хилватда қирқ-эллик кун ўтирди.  
Муридлар ёлбориб, зорлар қилишарди,  
Унинг эса риёзатдан қадди дуто бўлган эди.)*

*Панба андар гўши ҳисси дун кунед,  
Банди ҳис аз чашми дил берун кунед.  
Панбаи он гўшисар гўши сар аст,  
То нагардад он, ки он ботин кар аст.  
(Сизлар ҳис қулоғига пахта тиқинглар,  
Дил кўзидан пардани кўтаринглар.  
То қулоқ ҳисси бекилмагунча,  
Ботин қулоғи кар бўлиб тураверади.)*

(83а)Бу ҳикоят заминида толибларга сулук ва унга лозим бўлган навни баён қиладилар, яъни зоҳирий ҳис қулоғидан пахтани чиқариб ташлаш лозимки, бу бошимиздаги қулоқдир. Зоҳирий қулоқ то кар бўлмас экан, ботин қулоғи очилмайди.

*Беҳису беғўшу бефикрат шавед,  
То хитоби «Иржиъий»ро бишнавед.  
(Ҳиссиз, қулоқсиз ва фикрсиз бўлсангиз,  
Шунда «қайт» хитобини эшитасиз.)*

(Шарҳ). Қуйидаги: «Эй қарор ва ором олган жон, қайттил Парвардигоринг тарафига рози бўлган ва рози бўлинган ҳолда ва дохил бўл бандаларим ораларига ва дохил бўл жаннатимга» (Қуръон, 89/27-30) лутфу иноят оятининг мазмунича зоҳирий сезги ва унга тааллуқли нарсалар, чунончи, фикр, хаёл, андишани тарк этмоқ керак, токи жазбаи Илоҳийга лойиқ бўлсин.



**Ту ба гуфтугўйи пиндорон дарӣ,  
Ту зи гуфти хуб кай бўйе барӣ.**

(Токи сен гап-сўз ва фикр учун эшик экансан,  
Чиройли сўзлардан қачон фойда оласан?)

(Шарҳ). Модомики сен гап-сўз ва фикрда экансан  
улуғларнинг сўзларидан баҳра ололмайсан.

**Сайри берунист қавлу феъли мо,  
Сайри ботин ҳаст болойи само.  
Ҳисси хушкӣ дид к-аз хушкӣ бизод,  
Исйи жон пой дар дарё ниҳод.**

(Бизнинг сўзимиз ва феъллимиз ташқи сайрдир,  
Ботин сайри - само устига чиқишдир.  
Қуруқ сезги қуруқликдан туғилганини кўргач,  
Жон Исоси дарёга оёқ қўйди.)

(Шарҳ). Зоҳирий сезги зоҳирни кўради, жон Исоси эса  
Илоҳий нурлар денгизига оёқ қўяди.

**Чунки умр андар раҳи хушкӣ гузашт,  
Гоҳ кўху, гоҳ саҳро, гоҳ дашт.  
Оби ҳайвонро кужо хоҳӣ ту ёфт,  
Мавжӣ дарёро кужо хоҳӣ шигофт.**

(Чунки умр қуруқлик йўли узра,  
Гоҳ тоғда, гоҳ саҳрода, гоҳ даштда ўтди.  
Сен обиҳаёт сувини қаердан топасан,  
Дарё мавжини қаерда кечиб ўтасан?)

(Шарҳ) Умр ҳарқачон бу жаҳоннинг қуруқ андишалари ичида  
ўтар экан, у обиҳаёт сувини ҳечқачон топа олмайдӣ ҳамда Илоҳий  
нурлар денгизи мавжларини кечиб ўтолмайди.

**Мавжӣ тоқӣ ваҳму фатму фикри мост,  
Мавжӣ обӣ маҳву суқрасту фаност.**

(Тупроқ мавжӣ бизнинг хаёл, фаҳм ва фикримиздир,  
Сув мавжӣ йўқ бўлиш, мастлик ва фанодир.)

(836) **То дар ин фикре аз он суқре ту дур,  
То аз ин мастӣ аз он жоме ту кўр.**

(То бу фикрда экансан ўша мастликдан узоқдасан,  
То бу мастликда экансан ўша жомни кўришдан  
ожижсан.)

(Шарҳ). Сен фикрда юрар экансан, ўша мастликдан  
узоқда бўласан, бу мастликдан эса Илоҳий нурлар  
қадаҳини кўрмайсан, яъни кўрсан.

*Гўфтугўйи зоҳир омад чун губор,  
Муддате томўш хў кун хуш дор.*  
(Зоҳирий сўзлашувлар чанг ва губор каби бўлади,  
Бир муддат жим бўл ва хушёр торт.)

### **МУРИДЛАРНИНГ ВАЗИРГА ЯЛИНИБ- ЁЛБОРГАНЛАРИ БАЁНИДА**

*Жумла гўфтанд, эй вазир, инкор чист,  
Гўфти мо чун гўфтани агёр нест.*  
*Ашки чашм аст аз фироқи ту давон,  
Оҳ-оҳ аст аз миёни жон равон.*  
(Барча дедик, эй вазир, бу инкоринг нимадир,  
Бизнинг айтган сўзимиз агёрларнинг сўзи эмас.  
Кўзимизнинг ёши фироқингдан думалаб оқмоқда,  
Жонимиз ичидан эса «оҳ-оҳ» нидоси тарқалмоқда.)

*Тиғл бо доя ностизад валек,  
Гиряд ў гарчи на бад донад на нек.*  
*Мо чу чангему ту захма мезанй,  
Зори аз мо не, ту зори мекунй.*  
(Гўдак доя билан уришмайди,  
Бироқ яхши-ёмонни билмаса-да, йиғлайди.  
Биз гўё чангмиз, сен чангга панжа урасан,  
Биз зору фиғон қилмаймиз, зору фиғон сендандир.)

(Шарҳ). Бу ҳикоятдан муддао - мурад одобларини баён  
қилишдир. Демак, мурид хоҳиш ва ихтиёрини тарк этиши  
ва ўзини фано фи-ш-шайх (шайх вужуди ичига фано)  
қилиши керак. Бу чанг асбобига ўхшайдики, чалиниш ва  
овоз айни чангдан чиқади.

**Мо чу нойему наво дар мо зи туст,  
Мо чу кўҳиму садо дар мо зи тўст.**  
(Биз найдирмиз, биздаги наво сендандир,  
Биз тоғдирмиз, биздаги садо сендандир.

(Шарҳ). У найга ўхшайди, наво эса найдандир, у тоққа ўхшайди, садо эса тоғдан қайтади.

**Мо чу шатранжем андар бурду мот,  
Бурду моти мо зи туст, эй хушсифот.**  
(Ютиш ва ютқазишда биз шатранж казимиз,  
Эй хуш сифатли Зот, ютиш ва ютқазишимиз ҳам  
сендандир.)

(Шарҳ). У шатранжга ўхшайди, унинг ютиш ва ютқазиши ўйинчи томонидандир.

**Мо, ки бошем, эй ту моро жони жон,  
(846) То ки нобошем бо ту дар миён.**  
(Биз бормизки, сен жонимизга жонсан,  
Биз қандай қилиб ўртада бўлмайлик).

(Шарҳ). Пир муриднинг жонидир, агар мурид ўртада бўлмаса, бас у кимдир.

**Мо адамхўйему ҳастихўйи мо,  
Ту вужуди мутлақи фонинамо.**  
(Биз борлиқнамо йўқликмиз,  
Сен фонийнамо мутлақ вужудсан.)

(Шарҳ). Муриднинг борлиғи мавжуд йўқликдир, пир Худойи таъолонинг нуридир, бироқ фонийнамо (йўқлик кўринишида).

**Мо ҳама шерон, вале шеру алам,  
Ҳамлашон аз бод бошад дамбадам.  
Ҳамлашон пайдову нопадост бод,  
Он ки нопадост ҳаргиз кам мабод.**  
(Биз ҳаммамиз шермиз, бироқ байроқдаги шермиз,  
Ҳамламиз дамбадам шамол орқалидир.

Ҳамламиз кўринади, лекин шамол кўринмайди,  
Ўша кўринмаган нарса ҳечқачон кам бўлмасин.)

(Шарҳ). Муҳаққиқларнинг ҳаммаси зоҳирда кўриниб туради, бироқ Илоҳий нур кўринмайди, ўша кўринмайдиган нур зиёда бўлаверади.

*Боди мову буду мо аз доди туст,  
Ҳастийи мо жумла аз ижоди туст.*

(Бизнинг шамолимиз ҳам, борлигимиз ҳам Сенинг адолатинг туфайлидир,

Борлигимизнинг барчаси Сенинг ижодинг туфайлидир.)

(Шарҳ). Эй Илоҳим, шамолу борлигимизнинг ҳаммаси Сенинг ижодинг, яратишингдандир.

*Лаззати ҳасти намудӣ нестро,  
Ошиқи худ карда будӣ нестро.*

*Лаззати инъоми худро вомагир,  
Нуқлу бода жоми худро вомагир.*

(Йўқликка борлиқ лаззатини кўрсатдинг,  
Йўқликни ўзингга ошиқ қилдинг.

Ўз инъоминг лаззатидан бизни айирма,  
Ширинлиги май тўла қадаҳни биздан олиб жудо қилма.)

*В-ар бизирӣ кист жустужӯ кунад,*

*Нақш бо наққош чун неру кунад.*

*Мункир андар мо макун дар мо назар,*

*Андар икрому саҳойи худ нигар.*

(Агар олиб қўйсанг, Сендан ким ҳам ололади,

Нақш наққош билан қандай куч синашсин?

Бизга инкор назари билан боқма,

Бизга икром ва саҳо юзасидан қара.)

*Мо набудему тақозо мо набуд,*

*Лутфи ту ногуфтаи мо мешунуд.*

*Нақш бошад пеши наққошу қалам,*

*Ожизу баста чу кўдак дар шикам.*

(Биз йўқ эдик ва талабимиз ҳам йўқ эди,  
Сенинг лутфинг бизнинг айтилмаган сўзларимизни  
эшитилади.)

Она қорнидаги ожиз ва боғлиқ гўдак каби,  
Нақш - наққош ва қалам олдида турар эди.)

*Пеши қудрат жумла халқи боргах,  
Ожиза чун пеши сўзан коргах.*  
(Аллоҳ қудрати олдида барча халқ,  
Нина олдидаги тикиладиган мато каби ожиздирлар.)

(Шарҳ). Илоҳим, Сенинг қудратинг олдида зот тажаллийси боргоҳида бўла оладиган барча халқ ожиздирлар, бу гўё нина олдида матонинг ожизлиги кабидир.

*Даст не, то даст жунбонад ба дафъ.*  
*Нутқ не, то дам занад аз зарру нафъ.*  
(Даф қилишга қўл қимирлатиш учун қўли йўқ,  
Зарар ва фойдадан сўзлаш учун нутқи йўқ.)

(85a)(Шарҳ). Ирода ва ихтиёрлари йўқдир, уларнинг нафс тиллари гўнг ва лолдир, ҳатто дам уришга мажоллари йўқ: «Кимки Аллоҳни таниса, тили гунг бўлади».

*Ту зи Қуръон бозгон тафсири байт,  
Гуфт Изад «ма рамайта аз рамайт».*  
(Сен бу байтнинг тафсирини қуръондан ўқи,  
Аллоҳ: «Вақтики отдинг, сен отмадинг» деди.)

(Шарҳ). Бу байтнинг тафсирини Қуръондан қидирки, Аллоҳ айтди: «Сиз отмадингиз, (эй набий), вақтики отмадингиз ва лекин Аллоҳ (уни) отди» (Қуръон, 8/17).

*Гар бипарронем тир он на зи мост,  
Мо камонду тирандозаш Худост.*  
(Агар биз ўқ отсак, бу биздан эмас,  
Биз камонмиз, ўқ отувчи Худодир.)

(Шарҳ). Бу байт биринчи байтнинг тафсиридир. Гарчи биз зоҳирий томондан ўқ отувчи бўлиб кўринсак-да, бу ўқ биздан эмас, биз камонмиз холос, ўқ отувчи Худонинг ўзидир. Худди шу каби жисмимизда содир бўлган ҳар қандай феъл ва сўзнинг ҳаммаси Аллоҳдандир.

**Ин на жабр, ин маънийи жаббори аст,  
Зикри жаббори баройи зори аст.  
Зорийи мо шуд далели изтирор,  
Хижлати мо шуд далели ихтиёр.**

(Бу жабр эмас, жабборийликнинг маъносидир, Жабборийни зикр этиш нолаю зор қилиш учундир. Бизнинг нолаю зоримиз - оғир ҳолатнинг далили, Хижолат тортишимиз ихтиёрлик далилидир.)

**Гар набудӣ ихтиёр, ин шарм чист,  
В-ин дарегу хижлату озарам чист.**

(Агар ихтиёр бўлмаса, бу уялиш нимадир?  
Бу афсус, хижолатлик, хафалик нимадир?)

(Шарҳ). Агар бизда ихтиёр бўлмаса, бу уялиш, ҳаё, хижолат-лик ва бу ҳасрат нега бизда бўлади.

**Зажри устодон ба шогирдон чарост,  
Хотир аз тадбирҳо гардон чарост.**

(Устозларнинг шогирдга жазоси нима учун?  
Хотирни тадбирларга қаратиш нима учун?)

(Шарҳ). Агар одамда ихтиёр бўлмаса, устозларнинг шогирд-ларга берадиган адаби ва қийнаши, кўнгилни тадбирларга қаратилиши нима учун рўй беради?

**В-ар ту гўйи гофил аст жабри ў,  
Моҳи нав пинҳон шуда дар абри ў.**

(Агар сен унинг жабридан беҳабар,  
Янги ой унинг булути остида пинҳондир, десанг.)

(Шарҳ). Бу камчилик жабарийлар оқими тилидан, яъни жаба-рийлардан бирор киши айтсаки, шарм ва ҳасратни ихтиёрийликка далил қилган киши Худойи таъолонинг иродаи жабридан, янги ой булут остида пинҳон бўлгани каби гофилдир, деса:

(856) *Ҳаст инро хуш жавоб, ар бишнавай,  
Биззарӣ аз куфр, дар дин бизравӣ.*  
(Бунга хуш жавоб бор, агар уни эшитсанг -  
Куфрдан қутуласан ва дин йўлига қайтасан.)

(Шарҳ). Бу баҳса яхши жавоб бор, агар уни эшитсанг, куфрдан қутилиб, динга қайтасанки, жавоб будир:

*Ҳасрату зори, ки дар бемори аст,  
Вақти бемори ҳама бедори аст.  
Он замон, ки мешавӣ бемор ту,  
Меҳунӣ аз журм истиғфор ту.  
Менамояд бар ту зиштиӣ гуноҳ,  
Меҳунӣ нийят, ки боз оям ба роҳ.  
Аҳду паймон меҳунӣ, ки баъд аз ин,  
Жуз, ки тоат набвадам кори гузин.  
Бас яқин шуд ин, ки бемори туро,  
Мебубаҳшад хуш бедори туро.  
Бас, бидон ин аслро, эӣ аслжӯ,  
Ҳар киро дардаст, ӯ бурдаст бӯ.  
(Беморликда ҳасрату нола бўлади,  
Беморлик вақтида бемор доимо уйғоқ ва бедор бўлади.  
Сен бемор бўлиб ётган вақтингда,  
Гуноҳларингдан истиғфор қиласан.  
Гуноҳнинг ёмонлиги сенга равшан кўринади,  
Сен, тўғри йўлга қайтаман, деб ният қиласан.  
Бундан буён фақат танлаган ишим,  
Тоат-ибодат бўлади, деб аҳду паймон қиласан.  
Бас, аниқ бўлдики, сенинг беморлигинг,  
Сен учун бедорликни ҳадея этди.  
Бас, эӣ ҳикматни қидирувчи, бу ҳикматни билгинки,  
Кимда дард бўлса, у Ҳақдан огоҳлик топади.)*

(Шарҳ). Демак, қоида шуки, кимда дард бўлса, у Ҳақдан бўй олди, яъни Яратувчидан огоҳ бўлди.

**Ҳар кӣ ў бедортар, огоҳтар,  
Ҳар кӣ ў огоҳтар, руҳзардтар.**  
(Ҳар ким бедорроқ бўлса огоҳроқ бўлди,  
Ҳар ким огоҳроқ бўлса, юзи сариқроқ бўлди.)

(Шарҳ). Ҳар ким Худойи таъолодан бедорроқ ва огоҳроқ бўлса, дарди кўпроқ ва юзи заъфаронроқ бўлади.

**Гар зи жабраш огаҳӣ, зорит ку,  
Жунбиши занжири жабборит ку?**  
(Агар сен жабридан огоҳ бўлсанг, нолаю зоринг қани?  
Жабборийат занжирининг ҳаракати қани?)

(Шарҳ). Сенки, Худойи таъоло жабридан огоҳлик даъво қилар эдинг, огоҳлик белгиси бўлган сариқ юзлиликдан асар қани ва жабборий (жабр) занжирини нега кўрмайсан?

**Баста дар занжир чун шодӣ кунад,  
Кай асири ҳабс озодӣ кунад.**  
(Занжирга банд бўлган киши қандай шод бўлсин,  
Зиндонда маҳбус бўлган киши қандай озодлик топсин?!)

(Шарҳ). Агар жабборий занжирита боғланган бўлсанг, ҳарқалай, шодлик қилмас эдинг, чунончи, зиндон маҳбуси озодлик гапига эга бўлмагани каби.

**В-ар ту мебинӣ, ки поят бастаанд,  
Бар ту сарҳангони шах бинишастаанд.**  
**Бас, ту сарҳанги макун бо ожизон,  
З-он ки набвад табъу хӯйи ожизон.**  
(Агар кўрсангки, оёгингни боғлаб,  
Сени шоҳга лашкарбоши қилибдилар.  
Бас, сен ожизларга лашкарбошилиқ қилма,  
Токи табиатинг ва одатинг бу ишга ожиз бўлмасин.)

(86а)(Шарҳ). Эй жабарий, ўз ихтиёринг билан ихтиёрсизларга сарҳанглиқ қилма, улар башарийлик сифатларидан фоний бўлиб, Илоҳийлик сифатлари билан безангандирлар, сен эса бу иллатларга гирифтурсан.



**ВАЗИРНИНГ, ХИЛВАТНИ ТАРК ЭТМАЙМАН, ДЕБ  
ЖАВОБ АЙТГАНИ ВА НОУМИД ҚИЛГАНИ, СЎНГ  
МУРИДЛАРГА, ИСО МЕНГА ЁЛГИЗ БЎЛ, ДЕБ  
ХАБАР БЕРДИ, ДЕГАНИНИНГ БАЁНИДА**

*Он вазир аз андарун овоз дод,  
К-эй муридон аз ман ин маълум бод.  
Ки маро Ийсо чунин пайгом кард,  
К-аз ҳама хешону ёрон бош фард.*  
(Вазир ичкаридан овоз бериб, дедик:  
- Эй муридлар, менадан сизга маълум бўлсинки,  
Исо менга, хабар бериб,  
Ёру биродарларингдан ёлғиз бўл, деди.)

*Рўй дар девор кун танҳо нишин,  
В-аз вужуди хеш ҳам хилват гузин.  
Баъд аз ин дастурийи гуфтор нест,  
Баъд аз ин бо гуфтугўям кор нест.*  
(Юзингни деворга қилиб, ёлғиз ўтир,  
Ўз вужудингдан ҳам хилватда бўл  
Бундан сўнг сўзлашга рухсат ҳам йўқ,  
Бундан сўнг гап-сўз билан ишим ҳам йўқ.)

*Алвидо, эй дўстон, ман мурдаам,  
Рахт бар чорум фалак бар бурдаам.*  
(866) *То ба зери чархи нори чун ҳатаб,  
Ман на сўзам дар анову дар атаб.*  
(Алвидо, эй дўстларим, мен ўлганман,  
Жойимни тўртинчи осмонга олиб чиққанман.  
Бу оташли чарх остида гўё ўтин каби,  
Заҳмат ва қўлингчиликдан ёнмайман.)  
*Паҳлуйи Ийсо нишинам баъд аз ин,  
Бар фарози осмони чорумин.*  
(Бундан буён Исонинг ёнига чиқиб,  
Тўртинчи осмонда ўтираман.)

(Шарҳ). Бу ҳикоятдан мурод шуки, муқаллид дарвишларнинг йўлини ҳечқачон кўрмаган ва билмаган бўлса-да, бир неча муридларни зоҳирига эътибор берган ҳолда, масалан, саййидлигига,

донишмандлигига, бойлигига ва бошқа томонларига қараб, ўзига халифа (ўринбосар) қилиб тайинлайди ва бир-бирига зид бўлган «хатти иршод»ни<sup>1</sup> ҳар бирига беради, халойиқнинг иймонини томиридан қўпоради. Одамларнинг эътиқодини оят, ҳадис ва машойихларнинг сўзларига муҳолиф бўлган сўзлар билан бузади.

## **ВАЗИРНИНГ ХИЛВАТДА ЎЗ-ЎЗИНИ ЎЛДИРИШИ**

*Чун Худо андар наёйд дар жаҳон,  
Нойиби Ҳаққанд ин пайғамбарон.  
Не галат гуфтам, ки нойиб бо мануб,  
Гар ду пиндорӣ, қабех ояд, на хуб.*  
(Худо жаҳонга аён ҳолда келмагач,  
Пайғамбарлар Унинг нойиби бўлиб келдилар.  
Йўқ, нойиб мануб билан деб хато қилдим,  
Буни иккита деб хаёл қилсанг, бу саз эмас, балки  
қабихдир.)

(Шарҳ). Нойиб ва мануб - пайғамбарлардан ва Ҳақ таъолодан иборат бўлиб, агар буни иккита деб ҳисобласанг, саз эмас, ёмон бўлади. Чунки пайғамбарлар, уларга саломлар бўлсин, Худойи таъолонинг нурига фарқ ва унинг ичида йўқ бўлувчилардир. Улар борлиқ ва ному нишондан озоддирлар. Басийрат эгалари жисмни эмас, балки бу нурни кўрадилар.

*Не ду бошад бо ту, эй суратпараст,  
Пеши ӯ як гашт к-аз сурат бираст.*  
(Сенинг наздингда у иккидир, эй сурат ва шаклни  
кўрувчи,  
Сурат ва шаклни кўришдан озод кишилар қошида у  
биттадир.)

(Шарҳ). Нойиб ва манубнинг иккита бўлиб кўриниши сурат ва шаклни кўрувчининг назаридадир. Аммо, сурат ва шаклни кўришдан озод кишилар қошида у биттадир.

*Гар ба сурат бингарӣ, чашмат ду аст,  
Ту ба нураш дарнигар к-он якту аст.*

(Агар сувратта қарасанг, кўзинг иккита кўринади,  
Сен унинг нурига қара, аслида биттадир.)

(Шарх). Чунончи шакл ва сувратда кўзинг иккита кўринади, аслида биттадир.

**Нури ҳар ду чашм натвон фарқ кард,  
Чунки бар нураш назар андохт мард.  
(Марди Ҳақ агар нурига назар ташласа,  
Ҳар икки кўзнинг нурини фарқ қилмайди.)**

(Шарх). Вақтики, кўзнинг нурига назар ташласанг, ҳар икки кўзнинг нурини бир-биридан фарқлай олмайсан.

**Ложарам чун бар яке афтад назар,  
Он яке бинӣ ду н-ояд дар назар.  
(Шубҳасиз, агар биттага назар тушса,  
Уни битта кўрасан, боқишда иккита кўринмайди.)**

(Шарх). Бинобарин, биттага қарасанг, битта кўринади, иккита эмас.

## **«БИЗ ПАЙҒАМБАРЛАРНИНГ ҲЕЧ БИРИНИ ФАРҚ ҚИЛМАЙМИЗ»<sup>1</sup> ОЯТИНИНГ ТАҒСИРИ БАЁНИДА**

**Даҳ чароғ ар ҳозир ояд дар макон,  
Ҳар яке бошад ба сурат гайри он.  
(Бирорта маконда ўнта чироқ ҳозир қилинса,  
Ҳар бири кўринишда бир-бирига ўхшамайди.)**

(Шарх). Анбиё алайҳимис саломлар кўринишда бир-бирларига ўхшамасалар ҳам, аммо ботинда бир-биридан фарқ қилмайдилар.

**Фарқ натвон кард нури ҳар яке,  
Чун ба нураш рӯй орий, бешаки.  
(Агар нурига назар солсанг, шубҳасиз,  
Улардан ҳеч бирининг нурини фарқ қилиб бўлмайди.)**

---

<sup>1</sup> Қуръон, 3/285.

(88a) (Шарҳ). Бу байт аввалги байтнинг тафсиридир.

*Утлуб ул-маъно мин ал-Қуръон қул,  
Ло нуфарриқ байна оҳод ир-русул.  
Гар ту сад себу сад оби бишмури,  
Сад намонад, як шавад чун бишмури.*

(«Биз пайгамбарларнинг ҳеч бирини фарқ қилмаймиз»,  
Оятининг маъносини Қуръондан қидир.  
Сен юзта олма ва юзта беҳи деб санасанг ҳам,  
Сувини сиқсанг, битта бўлиб қолади, юзта қолмайди.)

*Дар маъони тажзияв афрод нест,  
Дар маъони қисмату эъдод нест.  
Иттиҳоди ёр бо ёрон хуш аст,  
Пойи маъни гуру сурат саркаш аст.*

(Маъноларда қисм ва бўлақлар йўқ,  
Маъноларда тақсим ва санок йўқ.  
Ёрнинг ёр билан қўшиливи ёқимлидир,  
Маъно этагидан тут, суврат саркашдир.)

*Сурати саркаш гудозон, кун ба ранж,  
То бубинӣ зери он ваҳдат чу ганж.  
(Бу саркаш сувратни ранж билан куйдир,  
Унинг тагида хазина мисол ваҳдатни кўрасан.)*

(Шарҳ). Саркаш суврат ва шаклни нафс риёзати ва унга қаршилиқ олови билан куйдир, токи унинг тагида ваҳдат хазинасини кўргайсан.

*В-ар ту нагдозӣ иноятҳойи ӯ,  
Худ гудозад, эй дилам мавлоӣи ӯ.  
(Агар сен куйдирмасанг, ўз иноятлари билан,  
Ўзи куйдиради, эй дилим сенинг фидойинг.)*

(Шарҳ). Агар сен куйдирмасанг, Унинг иноятлари куйдиради. Бу ерда аввал солиққа ишорат бор, бу жисм эса мажзубга ишоратдир.

**Мунбасит будему як жавҳар ҳама,  
Бесару бепо будем он сар ҳама.**

(Ғйилган эдик, лекин аслида битта жавҳар эдик,  
Биз бошсизу оёқсиз эдик, у эса бош эди.)

(Шарҳ). Муъминларнинг барчаси Онҳазрат саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг нурига етишувчи кенг тарқалган бир жавҳардирлар, агар буни далиллар билан тушунтирсам, сўз узаяди.

**Як гуҳар будем ҳамчун офтоб,  
Бе гирех будим софий ҳамчу об.  
Чун ба сурат омад он нури сара,  
Шуд адад чун сояҳойи кунгура.**  
(Қуёшга ўхшаб битта гавҳар эдик,  
Тугунсиз, худди сув каби соф эдик.  
Бу сара нур суврат ҳолига киргач,  
Кунгиранинг соялари каби санокқа кирди.)

**Кунгура вайрон кунед аз манжаниқ,  
То равад фарқ аз миёни ин фариқ.  
Шарҳи инро гуфтаме ман аз мири,  
Лек тарсам то налағзад хотире.**  
(Манжаниқдан отиб, кунгурани вайрон қилинг,  
Токи бу фарқларнинг орасидаги фарқ кетсин.  
Мен бунинг шарҳини айтган бўлар эдим,  
Бирок хаёллар тойиб кетмасин деб қўрқаман.)

**АНБИЁ АЛАЙҲИС САЛОМГА: «ОДАМЛАРНИНГ  
АҚЛЛАРИГА ЯРАША СЎЗЛАНГЛАР» ДЕЙИЛДИ,  
ЧУНКИ УЛАРГА ЗИЁН ҚИЛАДИ ВА ПАЙҒАМБАРИМИЗ:  
«МЕН ОДАМЛАРНИ ЎЗ МАНЗИЛИГА ТУШИРИШГА  
БУЮРИЛИНДИМ» ДЕГАНЛАРИ БАЁНИДА**

**Нуктаҳо чун теги пўлод аст тез,  
(886) Гар надорӣ ту сипар вопас гурез.  
Пеши ин алмос бе испар маё,  
К-аз буридан тегро набвад ҳаё.**

(Бу ҳикматлар пўлат тиг каби ўткирдир,  
Агар қалқонинг бўлмаса, орқага қоч.  
Бу олмос рўпарасига қалқонсиз келма,  
Чунки тиг кесишдан тортиниб турмайди.)

(Шарҳ). Менинг сўзларим пўлат тиг ва олмос каби кескирдир, агар тўлиқ фано қалқонига эга бўлмасанг, бу олмос каби сўз олдига келмагинки, қалқонсиз иймоннинг бошини кесади. Чувончи, «Гулпани роз» китобида айтилади:

*Вале то бо худй зинҳор, зинҳор,  
Ибороти шаризатро ниғат дор.  
Ки рухсат аҳли дилро дар се ҳол аст,  
Фанову суқр, пас дигар далолат аст.  
Туру гар нест аҳволи мавожид,  
Машав кофир ба нодони зи тақлид.  
(Агар сен ҳушинг ўзингда бўлса, зинҳор,  
Шариғат иборатларини асрагин.  
Авлиёлар учун уч ҳолатда рухсат бор,  
Фанода, мастликда ва яна бири далолатда.  
Агар сенда валийлик ҳоли бўлмаса,  
Нодонлик билан, тақлидга берилиб, кофир бўлма.*

Матн:

*3-ин сабаб ман тег кардам дар гилоф,  
Токи кажтоне нахонад бар гилоф.  
(Шу сабабдан мен тигимни қинга солдим,  
Токи уни тушунмайдиган маънога хилоф  
ҳолда ўқимасин.)*

(Шарҳ). Бу олмос тигига ўхшаган нукта ва ҳикматларим қалқонсиз иймоннинг бошини кесмаслиги учун уларни ҳижоят филофига солдим ва нозик рамзлар қаърига пинҳон қилдим.

## **ИСО ДИНИНИ ЙЎҚ ҚИЛИШГА ҲАРАКАТ ҚИЛГАН БОШҚА БИР ЖУХУД ПОДШОНИНГ ҲИКОЯТИ**

Бу ҳикоятдан мақсад шуки, қонхўр муқаллид вазир нобуд бўлгандан сўнг, бошқа бир муқаллид вазир тақлид бунёд қилиб, мусулмон қавмини ҳалок қилишга бел боғлади. Беадад лаънатлар то қиёматгача носазо йўлни бунёд қилгани учун, бу бадкирдор ҳабиснинг устига ёғилсин.

*Бағди он хунрез дармон нопазир,  
Ки дар афтод аз балойи он вазир.  
Як шаҳе дигар зи насли он жуҳуд,  
Дар ҳалоки қавми Ийсо рӯ намуд.*  
(Одамлар бошига бало ёғдирган,  
Ўша тузалмайдиган қонхўр вазирдан сўнг.  
Ўша жуҳуд наслидан бўлган бошқа бир шоҳ,  
Исо қавмини ҳалок қилишга юз тутди.)

*Гар хабар хоҳӣ аз ин дигар хуруж,  
Сура бархон «Вас-с-само зоти-л-буруж».<sup>1</sup>  
Суннати бад к-аз шаҳи аввал бизод,  
Ин шаҳи дигар қадам бар вай ниҳод.*  
(Агар бу хуруж қилиб чиқишдан хабар тошмоқчи бўлсанг,  
Қуръондаги «Вас-с-самои зоти-л-буруж» сурасини ўқи.  
Бу ёмон одат аввалги шоҳдан қолди,  
Бу бошқа шоҳ ҳам шу йўлга қадам қўйди.)

*Ҳар ки ӯ бинҳод ноҳуш суннатте,  
Сўйи ӯ нафрин равад ҳар соатте.  
З-он ки ҳар чун ин кунад он чун ситам,  
З-аввалин жўяд Худойи бешу кам.*  
(Кимки биринчи бўлиб бир одатни барпо қилса,  
Унга ҳар соатда нафрат етиб туради.  
Ундан сўнг кимки бундай ситамни такрорласа,  
Худо бунинг жазосини аввалгидан қидиради.)

---

<sup>1</sup> «Буржлар эгаси бўлган осмонга қасам» Қуръон, 85/1).

**Некувон рафтанд суннатҳо бимонд,  
В-аз лаимон зулму бидъатҳо бимонд.**

(Яхши одамлар кетди, бироқ улардан яхши одатлар қолди,  
Ёмонлардан эса зулм ва бидъатлар қолди.)

(Шарҳ). Муҳаққиқлардан яхши одатлар ҳамда кунни ёритадиган нурлар қолди. Улар эргашишга ва этакларига қўл уришга лойиқ соҳиб давлат кишилар эди. Муқаллид ярамаслар эса, аввало, ўзлари ёқимли ғизо овқат емайдилар, сўнг бошқаларга ҳам раво кўрмайдилар. Улардан андуҳни оширадиган зулмлар ва оламни куйдирадиган, қийноққа соладиган бидъатлар қолади.

**То қиёмат ҳар кӣ жинси он бидон,  
Дар вуҷуд ояд, бувад рӯяш бар он.**

(То қиёматгача ҳар ким шу ёмон жинсдан,  
Вуҷудга келса, улардан бирига ўхшаб қолади.)

(Шарҳ). Қиёматгача ҳар ким яхшилар жинсидан бўлса, ўша яхшига ўхшайди, кимки ёмонлар жинсидан бўлса, ўшанга ўхшайди.

**Рак-рак аст ин оби ширин, оби шўр,  
Дар халойиқ меравад то нафти Сур.**

(Бу ширин сув ва шўр сув,  
То Сур чалингунча халойиққа оқувчидир.)

(Шарҳ). Шайтоний тажаллиёт ва Раҳмоний тажаллиёт то Сур чалингунча одамларда пайдо бўлаверади. Муҳаққиқлар Раҳмоний тажаллиётнинг зуҳур қиладиган жойи, муқаллидлар эса Шайтоний тажаллиётнинг зуҳур этадиган манбаидир.

**Некувонро хаст мерос он туш об,  
Ончи мерос аст «Аврасна-л-Китоб».**

(Яхши кишиларга бу ширин сув меросдир,  
«Биз мерос бердик бу Китобни»<sup>1</sup> каби меросдир.)

(Шарҳ). Яхшилар учун мерос Раҳмоний тажаллиётдир.

---

<sup>1</sup> Қуръон, 35/32.



**Шуд ниёзи толибон ар бингарӣ,  
Шуълаҳо аз гавҳари пайгамбарӣ.**  
(Агар қарасанг, толибларнинг истаган нарсаси,  
Бу - пайгамбарларнинг нур гавҳари шуъласидир.)

(Шарҳ). Толибларнинг ниёзи пайгамбар алайҳимис саломларнинг нур гавҳарининг шуъласидир.

**Шуълаҳо бо гавҳарон гардон бувад,  
Шуъла ин жониб равад ҳам к-он бувад.**  
(Шуълалар гавҳар билан айланиб юрувчи бўлади,  
Шуъла бошқа томон юрса ҳам, барибир уники бўлади.)

(Шарҳ). Пайгамбарларнинг нур гавҳаридан бўлган толибларнинг шуъласи ўша гавҳар томонга айланувчи бўлади, яъни ҳар бир авлиё бир пайгамбар алайҳис саломнинг қадамида бўлиб, нури уларнинг нуридан зухур қилади ва ўша нурга қайтувчи бўлади.

**Нури равзан гирди хона медавад,  
З-он ки хур бурже ба бурже меравад.**  
**Ҳар, киро бо ахтаре пайвастагист,  
Мар варо бо ахтари худ ҳамтагист.**  
(Уй тешигидан тушган нур уй ичи атрофида чопади,  
Чунки куёш бир бурждан иккинчи буржга юриб ўтади.  
Ҳар ким бирорта юлдуз билан боғлиқ бўлса,  
Демак ўша юлдуз билан хислати боғлиқ бўлади.)

**Толеъаш гар Зухра бошад бо тараб,  
Майли кулли дораду ишқу талаб.**  
**В-ар бувад Миррихийи хунрезгӯ,  
Жангу бўҳтону хусумат жӯяд ӯ.**  
(Агар унинг толеъи Зухра бўлса, шодлик қидирувчи бўлади,  
Ишқ ва ўйин-кулгига тўлиқ майл кўрсатувчи бўлади.  
Агар қон тукувчи Миррих толеъига эга бўлса,  
Жанг, бўҳтон ва хусумат қидирувчи бўлади.)

*Ахтаронанд аз варойи ахтарон,  
(91a) К-эхтироқи наҳс набвад андар он.  
(Бу юлдузлардан бошқа юлдузлар борки,  
Уларда куйдирувчи наҳс ҳолати бўлмайди.)*

(Шарҳ). Худойи таъолонинг тажаллиёт юлдузлари бу юлдуз-лардан ўзга бўлиб, уларда куйдирувчи наҳсият бўлмайди, балки саъодат устига саъодатдир.

*Сойирон дар осмонҳойи дигар,  
Гайри ин ҳафт осмони муштаҳар.  
(Улар бу машҳур етти осмондан бошқа,  
Ўзга осмонларда сайр қиладилар.)*

(Шарҳ). Илоҳий тажаллиётнинг юлдузлари дилнинг еттита осмонида сайр қиладилар.

*Росихон дар тоби анвори Худо,  
Не ба ҳам пайваста не аз ҳам жудо.  
(Мустаҳкам зотлар Худо нурларининг тобишида бўлади,  
На унга ёпишган бўлади ва на ундан жудо бўлади.)*

(Шарҳ). Росухони тариқат (тариқат йўлидаги мустаҳкам зотлар), яъни муҳаққиқлар Кибриё нурлари офтобининг нури остида бўладилар, унга пайваста ҳам бўлмайдилар ёки ундан жудо ҳам эмаслар.

*Ҳар кӣ бошад толеъи ӯ з-он нужум,  
Нафси ӯ куйффор сўзад дар ружум.  
(Ҳар кимнинг толеъи ўша юлдузлардан бўлса,  
Унинг нафси ҳужумда кофирларни куйдиради.)*

*Ҳашми Мирриҳӣ набошад ҳашми ӯ,  
Мунқалиб рӯ голибу мағлуб хӯ.  
(Унинг ғазаби Мирриҳ ғазабига ўхшамайдики,  
Мирриҳнинг ғазаби гоҳ голиб томон, гоҳ мағлуб томонга  
ўзгариб туради.)*

(Шарх). Муҳаққиқларнинг газаби Миррихдан эмаски, борлиққа боғлиқ бўлса, борлиқ уларда мағлубдир, улар эса бунга ғолиб-дирлар.

*Нури ғолиб эмин аз нуқсу фисақ,  
Дар миёни асбуғайни нури Ҳақ.  
Ҳақ фишонад он нурро бар жонҳо,  
Муқбилон бардоштаанд домонҳо.  
(Бу нур қоронғилик нуқсонидан омон бўлиб,  
Ҳақнинг икки бормоғи орасидан чиқади.  
Ҳақ бу нурни жонларга ўрнатади,  
Бахтли зотлар ундан этак тўлдириб олади.)*

(Шарх). Бу байт: «Албатта Аллоҳ таъоло халқни зулматда яратди, сўнг унга нурини сочди, кимки шу нурга етишган бўлса, ҳидоят йўлини топди, кимки бунда хатога йўл қўйса, йўлдан адашди» деган қавлга ишорадир.

*В-ин нисори нур ҳар к-ў ёфта,  
Рўй аз ғайри Худо бартофта.  
Ҳар киро домони ишқе н-омада,  
З-он нисори нур бебаҳра шуда.  
(Ҳар ким бу нурдан нисор тошган бўлса,  
Юзини Аллоҳдан ўзга нарсадан ўтирди.  
Ҳар кимга ишқ этаги насиб бўлмаса,  
Ўша нур нисоридан бебаҳра қолди.)*

*Жузвҳоро рўйҳо сўйи кулл аст,  
Булбулонро ишқбози бо гул аст.  
(Қисмлар юзни бутун томонга қаратади,  
Булбулларнинг ишқбозлиги эса гулгадир.)*

(Шарх). Ҳар кимнинг ботинида нур бўлса, бу нур ўша бутун (кулл) нурнинг майда (жуз) бўлаги бўлиб, бу майда нур бутун ва тўлиқ нур сари интилади.

*Говро ранг аз бурун аст, мардро -  
Аз дарун жў ранги сурху зардро.  
(Ҳўкизнинг ранги ташқаридан билинади,  
Марднинг ранги қизил-сарик эканини ботинидан қидир.)*

(Шарҳ). Муқаллидлар сариқ, қизил, оқ, қора ва шунга ўхшаш (916) рангдор либослар билан зоҳирига оро берадилар, муҳақ-қиқларнинг ботини эса ҳар хил нурлар билан музайяндир.

*Рангҳое нек аз хумми сафост,  
Ранги зиштон аз сияҳоба жафост.  
(Яхши ранглар сафо хумидандир,  
Ёмон ранг қоралиқдан бўлиб, жафодир.)*

(Шарҳ). Муҳаққиқларнинг ботинида бўлган ранглар Онҳазрат саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг сафо хумидандир. Муқаллидлар-нинг ботинидаги ранглар Шайтоний тажаллиётнинг қора зимис-тонидандир.

*Сибгатуллоҳ номи он ранги латиф,  
Лаънатуллоҳ бўйи он ранги касиф.  
Ончи аз дарё ба дарё меравад,  
Аз ҳамон жо к-омад, онжо меравад.  
(Ўша латиф рангнинг номи сибгатуллоҳдир,<sup>1</sup>  
Ўша ифлос рангнинг ҳиди лаънатуллоҳдир.  
Дарёдан дарёга кетаётган нарса,  
Қайдан келган бўлса, яна ўша ерга боради.)*

*Аз сари кўҳ селҳойи тезрав,  
В-аз тани мо жони ишқомез рав.  
(Тоғ устидан тез оқувчи сел каби,  
Эй ишқ билан омикта бўлган жон, кет.)*

## **ҲАҚИҚИЙ МАЪШУҚ ТОМОНИДАН СОЛИККА ИЛҲОМ КЕЛИБ, ТАСАВВУР ВА ТАФАККУРДАН ТАШҚАРИ ЧИҚМАСАНГ, БИЗНИ ТОПОЛМАЙСАН, ДЕЙИЛГАНИ**

*Қофия андешаму дилдори ман,  
Гўядам, мандеш жўз дидори ман.  
Хуш нишин, эй қофияандеши ман,  
Қофияй давлат туйи дар пеши ман.  
(Қофия тўқисам, менинг дилдорим,  
Дийдоримдан бошқани ўйлама, дейди.*

Эй менинг қофия тўқувчим, шод ўтиргинки,  
Менинг хузуримда қофия давлати ўзинг.)

(Шарҳ). Яъни, ҳақиқий маҳбуб ўзининг комил муҳаббати туйфай-ли Ҳазрати Мавлавийга илҳом йўли билан дейди: «Қофия ва сўз ҳақида ўйлаганингда менинг дийдоримдан бошқани ўйламагинки, сенинг қофия ва сўзинг нимага ҳам яраб эди!»

*Ҳарф чи бвад, то ту андешй аз он,  
Савт чи бвад, хори девори разон.*  
(Ҳарф нимадирки, сен у ҳақда ўйлайсан,  
Овоз нимадир? Токзор деворидаги бир тикандир.)

(Шарҳ). Хор (тикан) нимадирки, у ҳақда ўйлайсан? У Илоҳий тажаллиёт деворидаги бир тикандир. Ҳар кимда ҳарф ва сўз табиатга айланса, у кириш учун тўсқинлик қилади. «Миръот ул- орифийн» китобида шу нарсага ишорат қилинган ҳолда айтилади: «Муҳаққиқлар учун ҳақиқат калимаси ошкор, (92а)табиат ҳарфи эса йўқдир. Улардан ўзгаларга эса табиат ҳарфлари манзур ва ҳақиқат калимаси яшириндир. Улар бу кашфу каромат ҳақида: «Оё, Худо ҳақида шак бормики, Ул осомонларни ва ерни яратибдур» (Қуръон, 14/10) дейдилар. Булар эса бу ҳижоб ҳақида: «Оё, бу киши бу қадар маъбудлар ўрнига биргина маъбуд қарор бердимми? Бу ниҳоятда ажиб бир сўздир» (Қуръон, 38/5) дейдилар.

*Ҳарфу савту гуфтро барҳам занам,  
То ки бе ин ҳар се бо ту дам занам.*  
(Ҳарф, овоз ва сўзга барҳам бераман,  
Токи бу уч нарсасиз Сен билан сўзлаша олай.)

(Шарҳ). Табиатнинг ҳарф, овоз ва сўзига барҳам бериб, бу уч нарсасиз Сен билан сўзлашай. Шундан сўнг, Сендан зоҳир бўладиган ҳар бир сўз бу учтадан холий бўлсин. «Миръот ул-орифийн» китобининг сўзи шу ишорани баён қилувчи ва тушунтирувчидир. «Ва у нафсинг хоҳишидан сўзламас» (Қуръон, 53/3) ояти бу маънонинг сиридир.

*Он даме к-аз Одамаш кардам ниҳон,  
Бо ту гўям, эй ту асрори жаҳон.*

**Он дамеро, ки нагуфтам бо Халил,  
В-он гамеро, ки надонад Жабраил.**  
(Бу сўзни Одамдан ҳам яширдим,  
Эй сирлар олами, уни сенга айтаман.  
Бу сўзни Иброҳим Халилуллоҳга айтмаган эдим,  
Бу шундай ғамки, уни Жабраил ҳам билмайди.)

**Он даме, к-аз вай Масеҳо дам назад,  
Ҳақ зи ғайрат низ бе «мо» ҳам назад.**  
(Бу шундай сўзки, бундан Исо ҳам сўз демади,  
Ҳақ ғайрати сабабли сўзни «мо»сиз ҳам айтмади.)

(Шарҳ). Дам (сўз)дан мурод ҳақиқий калом (сўз)дирки, у ҳарф, овоз ва сўздан ҳолидир. Бу Илоҳий тажаллиётнинг аломати бўлиб, Аллоҳ ўзининг махсус ғайрати сабабли ўз маҳбубига айлантиради. Умматларининг баъзи бошоқ терувчиларига ҳам уларнинг баракатларидан насиба арзон тутгандир. Чунончи, бу «Мирсод ул-ибод» китобининг «Тажаллийи Зот» фаслида баён қилинган. Қолган анбиё алайҳимис салом ва умматларига буни ҳосил қилмади. Чунончи, мажозий подшонинг ҳар бир амалдори ва аъёнлари амалига ва мартабасига мувофиқ бирорта вазифага эга ва уларнинг ҳар бири ўз амирининг сарқитидан фойда олади. Шунингдек, анбиё алайҳимис саломларнинг умматлари ҳам пайғамбарлари туфайли насиба оладилар. «Бас, шу сабабли авлиё анбиё даражасига эришолмайди».

(926) Ҳазрати Мавлавий ўз ғазалиётларида буюрадилар:  
**Гар маро бовар кунӣ, ман он шудам,  
З-ончи аз Мусою Ийсо ёва шуд.**  
(Агар сўзимга ишонсанг, мен У бўлиб қолдим,  
Мусо ва Исодан эшитганим қуруқ сўзга айланди.)

Матн:

**«Мо»чи бошад дар лугат, исботи нафӣ,  
Ман на исботам, манам бе зотӣ нафӣ.**  
(«Мо» (йўқ сўзи) лугатда нимадир? Исботнинг инкоридир,  
Мен исбот эмасман, мен Зотсиз инкорман.)

(Шарҳ). Бу байт борлиқни инкор қилади. Бу юқоридаги байтда ўтган «мо» (йўқ)дан ҳосил бўлади, яъни мендан ҳеч бир асар ва белги қолмади, демоқдир.

Билгинки, азиз авлиёлар ва улуғ машойихлар, Аллоҳ таъоло уларга раҳматини сочсин, тўрт гуруҳга бўлинадилар: баъзиси сифатта эга, баъзиси сифатта эга эмас, баъзиси сифатдан нишонадор, баъзиси бенишон. Ҳазрати Мавлавий, сирлари муқаддас бўлсин, тўртинчи қисмдандирлар.

*Ман каси дар нокаси дарёфтам,  
Бас каси бар нокаси дартофтам.*

(Мен одамликни одам эмасликдан топдим,  
Демак, одамликни одам эмасликка алишгирдим.)

### **«АЛБАТТА, РАББИНГИЗ ЗАМОНАНГИЗ АЙЁМИДА ШАБАДАДИР, ОГОҲ БЎЛИНГ, БАС ЎЗНИ УНГА ТУТИНГ» ҲАДИСИНИНГ БАЁНИ ҲАҚИДА**

*Гуфт пайғамбар, ки нафҳатҳойи Ҳақ,  
Андар ин айём меорад сабақ.*

(Пайғамбар дедики, Ҳақ шаббодаси,  
Шу кунларда сизга сабақ беради.)

(Шарҳ). Нафҳа (шаббода)дан мурод мана шу шаббодага мазҳар (зуҳур манбаи) бўладиган кишидир. «Даррабод инчунин нафҳотро» (бу шаббодани топинг) сўзлари, аввало, Онҳазрат саллаллоҳу алайҳи ва саллам жанобларига ишорат бўлса, иккинчидан, Расулulloҳнинг нури зуҳур этадиган кишига ишорадир.

Ҳазрати Мавлавий Жомий, сирлари муқаддас бўлсин, «Нафа-ҳот» китобларида Ҳазрати Мавлавий Румийдан, сирлари муқаддас бўлсин, нақл қилиб айтадиларки: «Мен ошиқларнинг назарига манзур бўладиган жисм эмасман, балки мен завқман ва ўшал шодликманки, муридларнинг ботинида менинг сўзларимдан бу завқ ва хушлик бош кўтаради. Аллоҳ, Аллоҳ, агар ўша дамни топсанг, ўша завқ ва шодликдан тотисанг, буни рағимат бил ва шукрлар қилгинки, бу менман».

*Гўши ҳуш доред ин авҳотро,  
Даррабод инчунин нафҳотро.*

(Бу вақт учун ҳуш қулоғини очинг,  
Ва бундай шаббодадан олиб қолинг.)

(93а)(Шарҳ). Пайгамбар алайҳис салом буюрдилар: «Инна миро-бикум фий айёми даҳрикум нафаҳотун ало фатаъризув лаҳа», яъни Ҳақ нурлари бу вақтда сабқат қилмоқда, яъни зоҳир бўлмоқда, ҳуш қулоғини тутиб, шу фурсатда ўша нурлардан олиб қолинг, яъни ундан баҳраманд бўлинг. Нафҳа (шаббода)дан бошқа мурод Ҳазрати Мавлавийнинг, сирлари муқаддас бўлсин, ўзлари бўлиб, ул зот Онҳазрат саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг нурларига мазҳардирлар.

*Нафҳа омад мар шуморо диду рафт,  
Ҳар кире метост, жон багшиду рафт.  
Нафҳаи дигар расид, огоҳ бош,  
То аз ин ҳам вонамонӣ тожатош.*  
(Сиз учун шаббода келдию кетди,  
Ва кимни хоҳласа унга жон бағишлаб кетди.  
Бошқа бир шаббода келди, огоҳ бўл,  
Эй Хожа, бундан ҳам қуруқ қолмагин.)

*Жони нори ёфт аз вай интифо,  
Мурда пӯшид аз бақойи ӯ қабо.  
Жони оташ ёфт з-он оташкуши,  
Жони мурда ёфт дар худ жунбиши.*  
(Оловли жон ундан ўчишни топди,  
Ўлик эса ундан боқийлик либосини кийди.  
Оловли жон ундан олов ўчишига етди,  
Мурда эса ўзида ҳаракатни топди.)

*Нозукию жунбиши Тубист ин,  
Ҳамчу жунбиштойи талқон нест ин.*  
(Бу Тубий дарахтининг назокати ва ҳаракатидир,  
Бу халқнинг ҳаракати ва жунбиши каби эмас.)

(Шарҳ). Тубий дарахтининг назокати ва жунбиши бу шаббода бўлиб, у Онҳазрат саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг нуридан иборат. «Бу халқнинг ҳаракати ва жунбиши каби эмас» дейишдан мурод шуки, халқнинг жунбиши ўзининг ирода ва ихтиёри орқали



бўлади, бу эса Онҳазрат саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг нури насимининг аксидир. Чунончи, Ҳазрат Мавлавий ҳикояни давом эттирадилар:

*Барги хоҳам пеши ту, эй тундбод,  
Ман чи донам, то кужо хоҳам фитод.*

*Гар дарафтад дар замини осмон,  
Заҳраҳо-шон об гардад дар замон.*

(Эй бўрон, мен сенинг олдинда бир сомон баргиман,  
Учиб, қайта тушишимни қайдан билай.

Агар у еру осмонга тушса,  
Ўша онда сафроси сувга айланади.)

(Шарҳ). Тубий дарахтининг нозик жўнбиши бўлган бу шаббода, агар ер ва осмонга тушса, сафролари ўша онда сувга айланади, яъни уни кўтаришга тоқати етмайди.

*Худ зи бими ин дами бемунтаҳо,  
Бозхон «фа-абайна ан йаҳмилнаҳо».*

(Бу интиҳоси йўқ дамнинг қўрқувидан,  
«Улар буни кўтаришдан ўзларини тортдилар»(оят)ни ўқи)

(Шарҳ). «Бу интиҳосиз дамнинг қўрқувидан ўқи» деганда қуйидаги оят (936)назарда тутилмоқда: «Улар буни кўтаришдан ўзларини тортдилар ва қўрқдилар бундан, уни ўз зиммасига кўтарди инсон, батаҳқиқ, у золим ва подондир» (Қуръон, 33/72).

*В-арна чун «ашфақна минҳа» чун будй,  
Гар на аз биймаш дили кўҳ хун шудй.*

(Агар «ундан қўрқдилар» бўлмаганда эди,  
Тоғнинг дили қўрқувдан қон бўлган бўлар эди.)

(Шарҳ) Агар бу интиҳосиз дамнинг ҳайбати юз берса эди, омонатни кўтаришнинг қўрқувидан тоғнинг дили қон бўлган бўлар эди.<sup>1</sup>

<sup>1</sup> Бу ерда: «Батаҳқиқ, биз тўғри қилдик омонатни осмонларга, ерга ва тоғ-ларга, улар буни кўтаришдан ўзларини тортдилар ва қўрқдилар бундан, кўтарди уни ўз зиммасига инсон, батаҳқиқ, у золим ва подондир» оятига ишора қилинмоқда. (Қуръон, 33/72).

*Дўш дигар лавни ин медод даст,  
Луқмайи чанде баромад раҳ бубаст.  
(Тунда бошқа ранглиси юз берган эди,  
Бир неча луқма кирди-ю, йўлни тўсди.)*

(Шарҳ). Тунда бошқа рангли нафҳа ҳосил бўлган эди, бундан мурод Ҳақнинг тажаллиёти бўлиб, бир неча луқма кириб, руҳ йўлини тўсиб қўйди.

*Баҳри луқма гашт Луқмоне гарав,  
Вақти Луқмон аст, эй луқма, бирав.  
Азбаройи луқмайи в-ин хор-хор,  
Аз кафи Луқмон бурун оред хор.  
(Луқма деб Луқмон гарав бўлди,  
Эй луқма, Луқмоннинг вақти келди.  
Бу хор қиладиган луқмани деб,  
Луқмоннинг кафтидан тиконни чиқаринг.)*

(Шарҳ). Луқма - озгина лаззатдан иборат бўлиб, бу ерда мурод луқмоний еттига тажаллиётдан биттасидирки, солиқ унга гарав-дир, яъни Луқмон вақтининг мукамилнинг маҳбусидир. «Аз баро-йи луқмай в-ин хор-хор», яъни кўп-кўп тажаллиёт (нур)ни, «аз кафи Луқмон берун орид хор», яъни зоҳирий вужудни тапқари чиқаринг, дейишдан мурод шуки, толибнинг назари авлиёнинг зоҳирий кўринишида бўлмаслиги керак, балки маънида бўлиши лозим.

*Дар кафи ў хору сояш низ нест,  
Лек-тон аз ҳирси он тамйиз нест.  
(Унинг кафтида тикон ва сояси ҳам йўқ,  
Лекин ҳирсингиз сабабли сизда уни фарқлаш йўқ.)*

(Шарҳ). Яъни, ботиний вужуд ҳамда унинг таъсири ҳам йўқ.

*Хор дон онро, ки хурмо дидай,  
З-он ки ту нонкўру бас нодидай.  
(Кўрган хурмонгни тикон деб бил,  
Чунки сен нонкўр ва кўрмайдигансан.)*

(Шарҳ). Чунки, жонингни кўзи ўша мақсудни идрок қилишдан ожиздир.

*Жони Луқмон к-ў гулистони Худост,  
Поёи жонаш бастаи хоре чарост.  
(Луқмоннинг жони Худонинг гулистонидир,  
Нега унинг жон оёғи тиконга боғлиқдир?)*

(Шарҳ). Яъни, нафҳа (шаббода)дан иборат бўлган Луқмоннинг жони барча тажаллиётнинг зоҳир бўладиган жойидир, нима учун жонининг оёғи вужуд тиконига боғлиқдир?

(94а) *Уштур омад ин вужуди хор-хор,  
Мустафозоде бар ин уштур савор.  
(Бу вужуд тикон ейдиган бир туядирки,  
Мустафо насли бу туяга минувчилардир.)*

(Шарҳ). Яъни, мосиво тиконини ейдиган ва йўқ қиладиган туянинг устига Мустафо изидан борувчилар суворийдирлар. Бу насим ва шаббодан барча анбиё алайҳимис саломларнинг нурлари ҳосил бўлади. Чунончи, Ҳазрати Мавлавий бошқа жойда айтадилар.

*Номи Аҳмад номи жумла анбиёст,  
Чунки сад омад навад ҳам пеши мост.  
(Аҳмаднинг номи барча анбиённинг номидир,  
Чунки юз келгач, тўқсон ҳам бизнинг олдимиздадир.)*

Матн:

*Майли ту сўйи муғилон асту рег,  
То чи гул чинй зи хор, эй марди рег.  
(Сенинг майлинг муғийлон тикони ва қумзордир,  
Эй қум одами, нечун тикондан гул терасан?)*

(Шарҳ). Сенинг майлинг вужуд тикони ва мосиво қумлари саридир. Токайгача тикондан гул терасан, яъни комилу мукамил вужудидан гул терасан, яъни, эй беқарор ва бетамкин киши, эй ҳавога тобеъ одам:

*Эй бигапта з-ин талаб аз кў ба кў,  
Чанд гўйи ин гулистон куву ку?  
Пеш аз он ки хори по бурун кунй,  
Чашм торик аст жавлон чун кунй.*

(Эй, бу талабда тоғдан тоққа юрувчи киши,  
Қачонгача бу гулистон қайда, дейсан.  
Оёғингдаги тиконни чиқармасдан туриб,  
Кўзинг кўрмайди-ку, қандай жавлон қилмоқчи бўласан?)

(Шарх). Яъни, ботиний вужудким, унинг ҳақида «вужудака занбун ло йўқоссу биҳи занбун» каллимаси ворид бўлган эди, бу ўша вужуд бўлиб, чунончи, Мавлавий бошқа жойда:

*Барча биладики, бу борлиқ бир тузоқдир,  
Фикринг, зикринг, ихтиёринг дўзахдир, -*

деган эди, сен жон оёғидан тиконни чиқармасанг, кўзинг кўрмайди, кўрмайдиган кўз билан талаб майдонига киролмайсан ва унда жавлон қололмайсан.

*Одами к-ў менагунжад дар жаҳон,  
Бар сари хоре ҳамегардад ниҳон.  
(Жаҳонга ҳам сиғмайдиган одам,  
Битта тиконнинг бошида пинҳон бўла олади.)*

(Шарх). Бу байтдаги тикондан мурод - зоҳирий вужуд бўлиб, Онҳазрат саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг нур хазинаси унда пинҳондир.

(946) *Мустафо омад, ки созад ҳамдамй,  
Каллиминий, ё Хумайро, каллимй.*  
(Мустафо ўзларига ҳамдам қилмоқчи эдилар,  
Дедиларки, эй Хумайро Оиша, мен билан сўзлаш.)

(Шарх). Яъни, «Мустафо омад» сўзи шаббода ва насимдан иборат бўлиб, жон билан ҳамдамлик қилмоқчи бўлди ва, сўзлаш мен билан, деди.

*Эй Хумайро, оташ андар нех ту наъл,  
То зи наълли ту шавад дар кўх лаъл.  
Ин Хумайро лафзи таънис асту жон,  
Номи таънисаш ниханд ин тозиён.  
(Эй Хумайро, оловга оёгингни бос,  
Токи оёгингдан бу тоғ лаълга айлансин.  
Бу Хумайро сўзи муаннасдир,<sup>1</sup>  
Жонни араблар муаннас деб атайдилар.)*

(Шарҳ). «Кимёйи саъодат» китобида шундай дейилади:  
«Билгин-ки, одамнинг ҳақиқатини гоҳида руҳ ва гоҳида  
нафс дейдилар».

*Лек аз таънис жонро бок нест,  
Рухро бо марду зан широк нест.  
Аз муаннас в-аз музаккар бартар аст,  
Ин на он жон аст к-аз хушкун тар аст.  
(Бироқ муанназдан жонга ҳеч бир кўрқинч йўқ,  
Руҳ учун эркак ва хотин баробардир,  
У муаннас ва музаккардан<sup>2</sup> юқори туради,  
У ҳўл ва куруқдан иборат жон эмас.)*

*Ин на он жон аст к-афзояд ба нон,  
Ё гаҳе бошад чунин, гоҳе чунон.  
Хушкундасту хушу айни хашӣ,  
Бехуши набвад хушӣ, эй мурташӣ.  
(Бу нон билан зиёда бўладиган жон эмас,  
Ёки у гоҳ бундай, гоҳ бундай ҳам бўлмайди.  
Шод қилувчи, ўзи шод ва айни шоднинг ўзи,  
Эй нодон, шодликсиз шодлик ҳечқачон бўлмайди.)*

*Чунки ширин аз шакарпошӣ бвад,  
К-он шакар гоҳе зи ту гойиб шавад.  
(Чунки ширин шакар сепишдан бўлади,  
Гоҳида бу шакар сендан гойиб бўлади.)*

---

<sup>1</sup> Муаннас наҳвда эркак ёки аёлликни билдирадиган белги, русчада женский род.

<sup>2</sup> Музаккар - эркак.

(Шарх). Эй солик, вақтики сен насим ва шабададан хуш ва тароватли бўлсанг-да, бироқ ҳақиқий зотинг сенда боқий туради ва бу шабада сендан ғойиб бўлади, шунда сен ўз аслий зотингни кўрасан.

**Чун шакар гардй зи таъсири вафо,  
Бас шакар кай аз шакар бошад жудо.  
(Вафо таъсиридан шакарга айланганинда,  
Шакар қандай қилиб шакардан жудо бўлсин!)**

(Шарх). Ирода ва ихтиёрдан воз кечишдан иборат бўлган вафо таъсирида сенинг зотинг фано ва йўқ бўлганда ва сендан ному нишон қолмаган пайтда, у ўз шабадасини топади ва у ўз мулкига ўтиради, бундай пайтда нафҳа (шабада) қандай қилиб шабададан жудо бўлсин?!

**Дар тарозу ҳар дуру яксон кашанд,  
З-он ки он ҳар ду чу жисму жон хушанд.  
(Тарозида иккисини (қанд ва чўп)ни бирдек тортадилар,  
Чунки иккови ҳам жисм ва жондек ёқимлидир.)**

(Шарх). Агар сенда нафҳа (шаббода)нинг юзта сафоси келиб-кетиб турса-да, бироқ сенинг аслий зотинг ҳамон боқий туради, бу гўё қанд ичидаги чўпга ўхшайди.

**(956) Бас бузургон ин нагуфтанд аз газоф,  
Жисми покон айни жон афтод соф.  
(Улуғлар бу сўзни бекорга айтмаганларки,  
Покларнинг жисми ҳам жонига ўхшаб софдир.)**

(Шарх). Юзлаб софлик билан бирга бўладиган айбни улуғлар бекорга санамаганлар, чунки айтадилар:

**Гуфташону нафсашону нақшашон,  
Жумла жони мутлақ омад бенишон.  
Жони душман дорашон жисмаст сирф,  
Чун зиёд аз назди ў исмаст сирф.  
(Уларнинг сўзлари, жонлари ва танлари,  
Буларнинг бари мутлақ жон бўлиб келди.**

Кимки уларга душман бўлса фақат жисмга эга халос,  
Унинг жони йўқ, фақат исми бор холос.)

*Он ба хок андар шуду гил хок шуд,  
Ин намак андар шуду гил пок шуд.*  
(У тупроққа кирди-ю лой тупроққа айланди,  
Бу туз тупроққа кирди-ю лой пок бўлди.)

(Шарҳ). Яъни, бу жисм тупроққа кирдики, унинг кириши табиий эди. Тўрт унсурдан иборат бўлган лой (гил) тупроққа айланди, яъни лойлик кетиб пок бўлди ва фақат жисмгина қолди. Бу байтдаги «гил пок шуд» (лой пок бўлди) дейилишидан мурод - ундан зот ҳам қолмади, яъни бундан аввалги сифатидан асар ҳам қолмади, дейишдир. Бас, байтдаги биринчи мисра рубубият тажаллийисига ва иккинчи мисра улухийят тажаллийисига ишоратдир.

*Ин намак к-аз вай Муҳаммад амлах аст,  
З-ин хадиси бо намак ў афсах аст.*  
(Бу туз сабабли Муҳаммад (а.с.) малоҳат эгаси эди,  
Туз билан барчадан фасоҳатли эди.)

(Шарҳ). Бу туздан мурод - Аҳадият нури бўлиб, Онҳазрат саллаллоҳу алайҳи ва саллам малоҳати ундан эди.

*Ин намак боқист аз мероси ў,  
Бо туанд он ворисони ў бизў.*  
(Унинг меросидан бу туз ҳамон боқийдир,  
У сен билан, унинг ворисларини қидир.)

(Шарҳ). Яъни, Онҳазрат саллаллоҳу алайҳи ва салламга махсус бўлган Аҳадият нури умматининг хосларига мерос бўлиб, улар уммат орасида ғоятда нодирдирлар.

*Пеши ту шаста, туро худ пеш ку,  
Пеш ҳасту жони пешандеш ку?*  
(Олдингда ўтирибди, бироқ олдинг қани?  
Олдинг бор, бироқ олдни қидирадиган жонинг қани?)

(Шарҳ). Яъни, сенга шабада эсмоқда, шабадага юзланганинг (96а)қани? Пеш (олдинг) бор, яъни сен учун олд бўлса, яъни олддан мурод томондирки, бу таннинг васфидир, ул қайда? Сенинг олдни ўйлайдиган ва ундан огоҳ жонинг қайдаки, ўша шаббодани топса? Шундан сўнг қуйидаги байтда юқоридаги байтнинг шарҳи келади:

*Гар ту худро пешу пас кардй гумон,*

*Бастаи жисмию маҳрумй зи жон.*

*Зеру боло, пешу пас васфи тан аст,*

*Бежихат он зоти жони равшан аст.*

(Сен ўзингни олдину кетин деб гумон қилсанг ҳам,

Жисминга боғлиқсан ва жондан маҳрумсан.

Қуйи ва юқори, олдину кетин бўлиш бу - таннинг сифатидир,

Аммо бу равшан жоннинг зоти жиҳатсиз ва томонсиздир.)

*Барқушо аз нури поки шах назар,*

*То напиндорй ту чун кўтах назар.*

(Шоҳнинг пок нури орқали кўзингни оч,

Токи узоқни кўрмайдиганлар қаторига тушиб қолма.)

(Шарҳ). Яъни, Онҳазрат саллаллоҳу алайҳи ва саллам нурига кўзингни оч, токи қисқа назарлар каби ёмон хаёлга тушиб қолма.

*Ки ҳаминй дар гаму шодию бас,*

*Эй адам ку мар адамро пешу пас.*

(Шодлигу гам ичида шундай ҳолдасан,

Йўқлик ичида олдин ва кейин бўладими?)

*Аз вужду аз адам гар бизгарй,*

*Аз ҳаётти жовидони бархварй.*

(Борлиқ ва йўқликдан агар ўта олсанг,

Абадий ҳаётдан баҳраманд бўласан.)

*Рўзи борон аст мерав то ба шаб,*

*На аз ин борон аз он борони Рабб.*

(Ёмғирли кундир, то тунгача етиб ол,

Бу ёмғирдан эмас, Парвардигор ёмғиридан насиба ол.)



**ОИШАИ СИДДИҚА РАЗИЙАЛЛОҲУ АНҲОНИНГ  
МУҲАММАД МУСТАФО САЛЛАЛЛОҲУ АЛАЙҲИ ВА  
САЛЛАМДАН, БУГУН ЁМҒИР ЁҒДИ, ГҮРИСТОНГА  
БОРДИНГИЗ, АММО КИЙИМИНГИЗ НЕГА ХҲЛ  
БҮЛМАДИ, ДЕБ САВОЛ ҚИЛГАНЛАРИНИНГ  
ҲИКОЯТИ**

*Мустафо рўзе ба гўристон бирафт,  
Бо жаноза марде аз ёрон бирафт.  
Хокро дар гўри ў оғанда кард,  
Зери хок он донаширо зинда кард.  
(Мустафо бир куни тобут билан гўристонга борди,  
Дўстларидан бири вафот қилган эди.  
Тупроқни унинг гўрига жойлади,  
Тупроқ остида ўша донани тирилтирди.)*

(Шарҳ). Тупроқни, яъни унинг жисмини гўр ичига қўйди ва шу гавдадан (966)иборат бўлган тупроқ остида сочилган нурдан иборат бўлган донани унинг устига сочиш билан тирилтириб, асли ҳолатига келтирди.

*Ин дарахтонанд ҳамчун хокиён,  
Дастҳо баркардаанд аз хокдон.  
Суйи халқон сад ишорат мекунанд,  
В-он ки гўшасташ иборат мекунанд.  
(Бу дарахтлар худди тупроқнамо (авлиё)лар каби,  
Тупроқ хонадан қўлларини чиқариб,  
Одамларга юзлаб ишоратлар қиладилар,  
Қулоғи борларга иборатлар баён қиладилар.)*

*Бо забони сабзу бо дасти дароз,  
Аз замири хок мегўянд роз.  
(Тоза тиллари ва узун қўллари билан,  
Тупроқ бағридан сирларни сўзлайдилар.)*

(Шарҳ). Яъни, покиза руҳлари бадандан ажралган авлиёларнинг нурлари хокийлар, яъни ҳаёт иқлимидан сулгон бўлган авлиёлар каби (сўзлайдилар). Уларнинг нурлари жасадларига мутгасил ва биргадир: «Ажралмайди нурлари жасадларидан то ул куники расво қилмас Худ пайғамбарни ва ул зотларники, иймон

келтирдилар унинг била, уларнинг нурлари юриб турур олдиларида ва ўнг томонларида». (Қуръон, 66/8).

*Ҳамчу баттон сар фуру бурда ба об,  
Гашта товусону буда чун еуроб.  
(Ўрдаклар каби сувга бош суқиб турадилар,  
Аввал улар қарға бўлсалар, сўнг товусга айланадилар.)*

(Шарҳ). Улар ўрдак каби тажаллий сувига бош суқадилар ва тажаллийёт рангларида рангдор, нақшинкор ва музайяндирлар. Ваҳоланки, бу қушлар тажаллий денгизига шЗнгимасдан аввал гўё зотга ўхшаб қора ва зулматли эдилар.

*Дар зимистон-шон агар маҳбус кард,  
Он еуробро Худо товус кард.  
(Қуш зулмати гарчи уларни маҳбус қилган бўлса-да,  
Бу қора қарғаларни Худо товусга айлантирди.)*

(Шарҳ). Яъни, уларни совуқда манманлик ва худдорлик маҳбус қилган бўлиб, зулматда уларнинг вужуди қора қаргадек қорайган бўлса-да, Аллоҳ таъоло уларни тажаллийёт ранглари билан товусдек нурли, нақшли, рангли ва зийнатли қилди.

*Дар зимистон-шон агарчи дод марг,  
Зиндашон кард аз баҳору дод барг.  
(Қушда уларга ўлим берган бўлса ҳам,  
Баҳорда яна тирилтирди ва барг берди.)*

(Шарҳ). Яъни, мақсад офтобидан узоқда ва ҳижронда ўлдирган, яъни хаста ва номурод қилган бўлса-да, баҳордан (97а) уларни тирилтирди, баргу гул берди, яъни уларнинг мақсади учун баҳор насими ва шабадасини ато қилди.

*Мункирон гўянд худ даст он қадим,  
Ин чаро бандем бар Рабби Карим.  
(Мункирлар дейдиларки, бу нарсанинг ўзи қадимдир,  
Нега биз уни Худованди Каримга боғлаймиз.)*

(Шарҳ). Яъни, мункирлар қарғани товуста, ўликни тирикка айланиши ҳақида, қарға ва ўлик қадимдир, дейдилар. Нега ўзгариш ва айланишни Аллоҳ таъолога боғлаймизки, у ўзгартириш ва айлантиришдан муназзахдир, дейдилар.

*Тезгўшон роздо мебишнаванд,  
Ғофилон овозторо нашнаванд.  
Жумла пиндоранд к-ин худ дойим аст,  
В-аз қадим ин жумла олам қойим аст.*  
(Қулоғи сезгирлар сирларни эпиттадилар,  
Ғофил килдилар ҳатто ошқоро овозни ҳам эпиттадилар.  
Кўплар хаёл қиладики, бунинг ўзи доимо бордир,  
Бунинг бариси қадимдан қойим турувчидир.)

(Шарҳ). Мункирларнинг барчаси ўйлайдиларки, бу қарға ва ўликнинг вужуди доимийдир, чунки оламнинг барчаси азалдан мавжуддир.

*Гуфт, баҳри он намуд ин пок жайб,  
(976) Чашми покатро Худо борони гайб.  
Нест он борон аз ин абри само,  
Ҳаст абри дигару дигар само.*  
(Дедиларки, ўша пок ёқа туфайли,  
Тоза кўзингта Худо гайб ёмғирини кўрсатган.  
Бу ёмғир бу осмоннинг ёмғири эмас,  
Бу бошқа булуту бу бошқа осмондандир.)

*Инчунин борон зи-абри дигар аст,  
Раҳмати Ҳақ дар нузулаш музмар аст.  
Ғайбро абрию оби дигар аст,  
Осмону офтоби дигар аст.*  
(Бу ёмғир бошқа булутдандир,  
Ҳақ раҳматининг тушишида сирлар бор.  
Ғайбнинг булуту ҳам ва ёмғири ҳам,  
Осмон ва офтоби ҳам бошқа бўлади.)

(Шарҳ) Булутдан мурад - Онҳазрат алайҳис саломнинг нури бўлиб, у ломакон ва имкон орасида воситачидир. Ёмғирдан мурад - Файёз (нур етказувчи Аллоҳ) мабдаидан келадиган файёз (нур)

ва фатҳдир. Унинг воситасида ломакон осмони ва Борий таъолонинг мушоҳада офтоби мушоҳада этилади.

*Н-ояд он илло, ки бар хосон падид,  
Боқийн «фий лабси мин талқин жадид».  
(Бу ёмғир фақат хос бандаларга ёғади,  
Бошқалар эса «янги яратиш ҳақида шакдадурлар».)<sup>1</sup>*

(Шарҳ). Яъни, ғайб ёмғири хос бандаларгагина келади, яъни толибларга, лекин шундай толибларга келадикки, улар ёмон сифатлардан фоний ва яхши сифатлар билан боқийдирлар.

*Ҳаст борон аз пайи парвардағй,  
Ҳаст борон аз пайи пажмурдағй.  
Нафъи борони баҳорон бу-л-ажаб,  
Богро борони пойизй чу таб.  
(Ёмғир бор, парвариш қилади,  
Ёмғир бор, вайрон қилади.  
Баҳор ёмғирлари ғоят ажойиб,  
Куз ёмғири эса боғни кўримсиз қилади.)*

(Шарҳ). Баҳордан мурод - муҳаққиқларнинг нафаси бўлиб, у Онҳазрат саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг нур зоҳир бўладиган манбаидир. Куздан мурод - муқаллидларнинг нафаси бўлиб, у шайтоний тажаллийнинг зуҳур қиладиган жойидир.

*Гар дарахте тушк бошад дар макон  
Айби он аз боди жонафзо мадон.  
(Бирор жойда қуриган дарахат бўлса,  
Бунга жонафзо шамол айбдордир, деб ўйлама).*

---

<sup>1</sup> Бу Қуръондаги: «Оё, Биз ожиз бўлиб қолдикми биринчи яратиш билан? Балки булар шакдадурлар янги яратиш ҳақида» оятига ишора. (Қуръон, 50/15).

## ҚҰЙИДАГИ ҲАДИСНИНГ МАЪНОСИ БАХТГА ВА БАДБАХТЛИККА ИШОРА ЭКАНИ БАЁНИДА

Ҳадисда келибдики: «Албатта, Аллоҳ таъоло халқни зулматида яратди, сўнг уларга нурина сочди. Кимки бу нурга етишса, ҳидоят топди, кимки хато қилса, залолатга тушди». Шунинг учун ҳам, Расул саллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Баҳор совуғини ғанимат билинглар, чунки у дарахтларга қандай амал берса, баданингизга ҳам шундай амал беради. Куз совуғидан қочинглар, чунки у дарахтларингизга қандай таъсир қилса, баданингизга ҳам шундай таъсир қилади».

«Баҳор совуғини ғанимат билинглар» жумласидан мақсуд муршиди муҳаққиқ ва унинг суҳбатига тарғибдир. Унда яна муқаллиднинг ҳоли ва унинг суҳбатидан қочишга амр ва эҳтиёткорликнинг баёни бор.

*Гуфт пайғамбар зи сармойи баҳор,*

*Тан мапўшонед ёрон зинҳор.*

*З-он ки бо жони шумо он мекунад,*

*К-он баҳорон бо дарахтон мекунад.*

(Пайғамбар (а.с.) дедиларки, баҳорнинг совуғидан,

Эй ёронлар, баданингизни бекитмангиз.

Чунки баҳор дарахтларга қандай таъсир қилса,

Сизнинг жонингизга ҳам шундай таъсир қилади.)

*Дар ниҳон ин жома аз тан баркашед,*

*Худ бараҳна жониби гулшан давед.*

*Лек бизрезед аз сарди хазон,*

*К-он кунад к-ў кард бо боги разон.*

(Пана жойда кийимингизни танангиздан очинг,

Яланғоч ҳолда гулшан сари чопинг.

Бироқ кузнинг совуғидан эҳтиёт бўлингки,

У узум боғларини нима қилса, сизни ҳам шундай қилади.)

**УМАР РАЗИЙАЛЛОҲУ АНҲУ ЗАМОНИДА ЯШАГАН  
ПИРИ ЧАНГИЙ ҚИССАСИНИНГ ДАВОМИ, УНИНГ  
ДУНЁВИЙ МУҲТОЖЛИКДАН ХАЛОС БЎЛГАНИ ВА  
БУНДАГИ ҲИКМАТНИНГ БАЁНИ**

*Гуфт, умрам мўхлате додӣ бaсе,  
Лутфҳо кардӣ Худоё бо хaсе.  
Маъсият вaрзидаам ҳафтoд сол,  
Бoз нaғрифтӣ зи мaн рӯзе нaвол.*  
(Дедикӣ, умримгa кўп муҳлат бердинг,  
Мен хас эдим, эй Худо, лутфлар кўрсатдинг.  
Етмиш йил маъсият ва гуноҳлар қилсам ҳам,  
Ризқи рўзимни мeндaн олиб қўймадинг.)

*Нeст кaсб иmrўз мeҳмoни тyaм,  
Чaнг бaҳри тya зaнaм к-oни тyaм.  
Чaнгpo бaрдoшт, шуд Аллoҳжў,  
Сўйи гўристoни Ясриб oҳ гў.*  
(Касбим йўқ, бугун сенинг меҳмонингман,  
Бугун сен учун чанг чалайин, мен сенингман.  
Чангни кўтариб, Аллоҳни қидирувчи бўлди,  
Ясриб гўристони сари оҳ уриб йўлга тушди.)

*Гуфт, хоҳaм аз Ҳaқ aбрешaм бaҳo,  
К-ў бa некўйe пaзиpaд қaлбҳo.  
Чaнг зaд бисёр гирён сaр ниҳoд,  
Чaнг болин кaрд, бaр гўрe фитoд.*  
(Дедикӣ, Ҳақдан ипак баҳосини сўрайман,  
У яхшилиқ учун қалблардаги нарсани қабул қилади.  
У узоқ йиғлаб, чанг чалиб, бошни ерга қўйди,  
Чангни болиш қилиб, бир гўр устига йиқилди.)

*Хoб бурдaш мурeи жoн аз ҳaбс рaст,  
Чaнгy чaнгирo рaҳo кaрдy бижaст.*  
(Уйқу элитди ва жон қуши қафасдан қутулди,  
Чанг ва Чангийни қўйиб, ташқари отилди.)

(Шарҳ) Бу ерда мақсад ўздaн гoйиб бўлиш ҳoлининг бaёнидир.  
Вa бу ҳoл шундaйки, солиқни у ердaн oртгa қaйтaрaдилaр вa

соликнинг барча таманно ҳамда орзулари сўнги байтларда баён этилади.

*Гашт озод аз тану ранжи жаҳон,  
Дар жаҳони соддаву сахройи жон.  
Жони ӯ онҷо сароён можаро,  
К-андарин жо гар бимондандӣ маро.  
(У тандан ва жаҳон ранжидан озод бўлиб,  
Мулк жаҳонини ва жон сахросини кезди.  
Унинг жони сайрда экан,  
Қани энди мени бу ерда қолдирсалар, дер эди.)*

*Хуш будӣ жонам дар ин боғу баҳор,  
Масти ин сахрову ғайби лолазор.  
Бесару бепо сафар мекардаме,  
Белабу дандон шакар мехурдаме.  
(Бу боғу баҳорда жоним роҳат қилар эди,  
Бу далада ва ғайб лолазорида ором топарди.  
Оёғу қўлсиз сафар қилардим,  
Лабсиз ва тишсиз шакар ер эдим.)*

**(1006)ПАЙҒАМБАР АЛАЙҲИССАЛОМ УЧУН МИНБАР  
ИХТИЁР ҚИЛИБ, УНИ ЯСАГАНЛАРИДА ХАННОНА  
НОМЛИ УСТУННИНГ НОЛА ЧЕККАНИ, НЕГАКИ  
САҲОБАЛАР ЖАМОАСИ ЖАМ БЎЛГАН ЭДИЛАР ВА  
РАСУЛ АЛАЙҲИССАЛОМГА, БИЗЛАР ВАЪЗ  
ПАЙТИДА ЮЗИНГИЗНИ КЎРОЛМАЯПМИЗ,  
ДЕДИЛАР. ЖАМОАТ БИСЁР ВА САҲОБАЛАР  
БЕШУМОР БЎЛГАН ЭДИ, РАСУЛ АЛАЙҲИССАЛОМ  
ЎША УСТУНГА СУЯНИБ ВАЪЗ АЙТАР ЭДИЛАР.  
БУГУНДАН РАСУЛ АЛАЙҲИССАЛОМ МИНБАРГА  
ЧИҚИБ ВАЪЗ АЙТГАНЛАРИ УЧУН, УСТУН  
УЛАРНИНГ ФИРОҚИДА НОЛА ЧЕКДИ. УНИНГ  
НОЛАСИНИ РАСУЛ АЛАЙҲИССАЛОМ ВА БАРЧА  
САҲОБАЛАР ЭШИТДИЛАР.**

*Устунни ханнона аз ҳажри Расул,  
Нола мезад ҳамчу арбоби уқул.  
Дар миёни мажлиси ваъз ончунон,  
К-аз вай огаҳ гашт ҳар пиру жавон.*

(Ҳаннона устуни Расул (а.с.)дан ажраб қолгани учун,  
Худди ақл эгалари каби нола чекарди.  
Ваъз мажлиси орасида бу ноладан,  
Кексаю ёшнинг бари огоҳ бўлдилар.)

*Қавли Пайгамбар шунав, эй жони ман,  
Дур кун аз тештан инкори ман.  
Дар тахайюр монда асҳоби Расул,  
Ки чи менолад сутун бо арзи тул.*  
(Эй менинг жоним, Пайгамбар сўзини эшит,  
Мени инкор қилишни ўзингдан узоқлаштир.  
Расулнинг асҳоблари ҳайратда қолиб,  
Устун нега бундай чўзиб нола қилмоқда, дер эдилар.)

*Гуфт Пайгамбар, чи хоҳӣ эй сутун,  
Гуфт, жонам аз фироқат гашт хун.  
Маснадат ман будам аз ман тохтӣ,  
Бар сари минбар ту маснад сохтӣ.*  
(Пайгамбар, эй устун, нимани хоҳлайсан, деди,  
Устун дедики, сендан айрилиб, жоним қон ютмоқда.  
Мен суянчиғинг эдим, мендан қочдинг,  
Минбарни ўзинга суянчиқ қилиб олдинг.)

*Бас Расулаш гуфт, эй нежударахт,  
Эй шуда бо сар зи ту ҳамроҳ бахт.  
Гар бихоҳӣ созамат пур бор нахл,  
То барад шарқию гарбӣ аз ту дахл.*  
(Бас, Расул дедики, эй яхши дарахт,  
Эй бахт ҳамроҳи бўлган дарахт,  
Агар хоҳласанг сер ҳосил хурмо қилиб қўяй,  
Токи сени шарқ ва ғарбга олиб кетсинлар.)

*Ё дар он олам Ҳақат сарве кунад,  
То тару тоза бимонӣ то абад.  
Гуфт, он хоҳам, ки доим шуд бақош,  
Бишнав, эй гофил, кам аз чўбе мабош.*  
(Ёки у дунёда сени сарв дарахти қилсинлар,  
Ям-яшил ҳолда абадий яшнаб тургин.)



Дедик, доимо боқий бўлишни хоҳлайман!  
Эшит, эй ғофил, чўпдан асло кам бўлмагин.)

*Он сутунро дафн карданд дар замин,  
То чу мардум ҳашир гардад ями дин.  
То бидонӣ ҳар кире Яздон бихонд,  
Аз тама кори жаҳон бекор монд.*  
(Қиёмат куни одамлар каби тирилиши учун,  
Уша устунни ерга дафн қилдилар.  
Билиб қўйки, Ҳақ таъоло ҳар кимни чақирса,  
Дунёнинг барча ишидан бекор қолади.)

(101a)(Шарҳ). Яъни, Онҳазрат алайҳис салом билан ҳаннона устунни орасидаги можаро шунинг учундирки, токи билгил, эй оқил, ҳар кимни Худо чақирса, яъни чақирипи шундан иборатки, тажаллийи зот уни ўзига жазб этса ва у Онҳазрат алайҳис салом билан ҳаммашраб бўлса, бундай киши жаҳон ишларини қилишдан тўхтайдди ва ботин ишига машғул бўлади. Набий саллаллоҳу алайҳис ва салламнинг: «Сизлардан ҳеч бирингиз каби эмасман, мен Аллоҳ ҳузурини тунайман» ҳадиси мана шу маънога ишорадир.

Ва яна «Кашф ул-асрор» китобидаги: «Гумон қилурсан сен уларни уйғоқ деб, ҳолбуки улар уйқудадурлар» (Қуръон, 18/18) оятининг тафсирида келтирадики, бу ҳол жувонмардлар тариқини кўрсатувчидир. Агар уларга ташқари томондан қарасанг, амаллар майдонида жилвагар бўлиб кўринадилар, агар уларнинг ички оламига қарасанг, Зу-л-Жалол лутфининг бўстонида барча нарсалардан фориг эканликларини англайсан. Улар ботинда маст, зоҳирда ҳушёр, маъно (ич)да бекор, сувратда даркор (иш)дирлар.

*Ҳа кире бошад зи Яздон кору бор,  
Ефт бор онжову берун шуд зи кор.  
(Ҳар кимнинг Яздон билан иши бўлса,  
Ул ерда қабул топиб, ишдан бекор бўлди.)*

(Шарҳ). Бу ерда кор (иш) пок Зот тажаллийисининг ўзига тамон тортишидир.

*Он ки ўро набвад аз асрор дод,  
Кай кунад тасдиқ ў нолай жамод.*

(Ҳар кимда Ҳақ сирларидан насиба йўқ бўлса,  
Қачон у жонсиз нарсанинг ноласини тасдиқ этади?)

(Шарҳ). Бу ерда жамод (жонсиз нарса)дан мурод авлиёларнинг зоҳиридир.

*Гўяд оре не зи дил баҳри вифоқ,  
То нагўяндаш, ки ҳаст аҳли нифоқ.  
(У «ҳа» дейди, бироқ дилдан айтмайди,*

Уни «нифоқ аҳли» демасликлари учунгина тасдиқ этади.)

(Шарҳ). У «ҳа» дейди, бироқ вафо ва тасдиқ юзасидан айтмайди, балки уни «аҳли нифоқ» деб атамасликлари учун шундай қилади.

**ДУШМАНЛАР СОЛИҲ АЛАЙҲИС САЛОМ ВА УНИНГ  
ТУЯСИНИ ҲАҚИР КЎРГАНЛАРИ, ЧУН ҲАҚ ТАЪОЛО  
БИРОР ЛАШКАРНИ ҲАЛОҚ ҚИЛИШНИ ХОҲЛАСА,  
УНИ ДУШМАН КЎЗИГА ҲАҚИР КЎРСАТАДИ,  
АЙТИЛАДИКИ: «ОЗ ҚИЛИБ КЎРСАТДИ УЛАРНИНГ  
КЎЗЛАРИГА СИЗЛАРНИ, ТОКИ АЛЛОҲ МУҚАРРАР  
БЎЛГАН ИШНИ АНЖОМИГА ЕТКАЗСИН ВА ҲАММА  
ИШЛАР АЛЛОҲ ТАРАФИГА ҚАЙТАРИЛУР»<sup>1</sup>**

*Аз пайи тақлид аз оёти нақл,  
По ниҳода бар сари ин пири ақл.  
Пири ҳар не, гашта жумла пирҳар,  
Аз забону чашму гўшу ҳамдигар.<sup>2</sup>  
(Нақл бўйича тақлид кетидан юриб,  
Ақл пирининг бошига оёқ қўйдилар.  
Тил, кўз ва қулоқ орқали бир-бирини алдаб,  
Бариси қари эшшак каби бўлдилар.)*

<sup>1</sup> Куръон, 8/44.

<sup>2</sup> Бу ҳикоя гарчи Солиҳ (а.с.) ҳақида бўлса-да, бу ерда ҳикоя тушириб қолдирилиб, охириги икки байти келтирилган холос. Бу атайлаб қилинганми ёки котибнинг айбими, маълум эмас. Бу икки байтдан сўнг шарҳлар берилган бўлиб, унда бошқа байтлар орқали тушунтириш берилган.

(Шарҳ). Бу муқаллидлар жамоасининг барчаси эгри ва нотўғри фикрлаб, баъзиси баъзисига эргашиб, тақлид юзасидан оятлар ва аломатларни бир-биридан нақл қиладиларки, уларнинг айтганлари аслида ҳақиқатдан узоқ бўлиб, бир-бирини ёлғондан қўллаб-қувватлашдан иборатдир. Балки улар ақл пирининг бошига оёқ қўйдиларки, «ақл пири» муқаммил муҳаққиқдир. Бу маънода мана бу оят келган: «Қўйиб юборди икки денгизники, бир-бирига мулоқот қилур, ўрталарида парда бўлиб, бир-бирини босиб ўтмайди». (Қуръон, 55/19-20).

*Аз биҳишт овард Яздон бандагон,  
То намоядшон сақарпарвардагон.  
(Аллоҳ дўзахийларни кўрсатиш учун,  
Жаннатдан ўз бандаларини келтирди.)*

(1026)(Шарҳ). Жаннатдан мурод - фано филлоҳдир, Худойи таъоло бақо биллоҳ бандаларини юбордики, токи улар бидъатчи муқаллидларни танитсинлар. Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг: «Албатта, Аллоҳнинг бир жаннати бор, унда ҳур ҳам, қусур ҳам, суту асал ҳам йўқ, Парвардигоримиз унда кулиб тажаллий қилади» ҳадиси шу маънога ишорадир. Ҳар кимда бу олий мақом ва йўқ бўлмайдиган илтифотлар ҳосил бўлса, Илоҳий нур воситасида у хоҳ муҳаққиқ бўлсин, хоҳ муқаллид бўлсин, очиқ кўради ва билади. Чунончи шунга ишорат қиладилар:

*Гар биҳохӣ в-ар нахоҳӣ бо чароғ,  
Дида гардад нақши бозу нақши зог.  
В-арна ин зогон давал афрӯхтанд,  
Бонги бозони сафед омӯхтанд.  
(Хоҳ хоҳла, хоҳ хоҳлама, чироқ орқали,  
Бургут ва қарға нақши намоён бўлади.  
Гарчи бу дағал қарғалар ёқилгани билан,  
Оқ бургут бонги ҳақиқатни ўргатади.)*

(Шарҳ). Дўзах парварииш қиладиган муқаллид дейилди, бинобарин унинг ботинини шайтовий нур эгаллаб олган бўлиб, у мазкур нурни ҳақ деб эътиқод қилади. Бундан ташқари, у башарият асбобларидан тўлиқ узилиб кетмаган бўлса-да, муқтадоллик даъвосини қилади. Бундай киши ҳақида Шайх Аттор, сирлари муқаддас бўлсин, айтадилар:

*Як сари мје бимонд аз худят,  
Хафт дўзах бар ту ояд аз будят.  
(Ўзлигиндан агар битта мўй қолган бўлса ҳам,  
Егги дўзах сенга оғзини очади.)*

Матн:

*Аҳли нору нурро бин ҳамдуюкон,  
Дар миёншон «барзахун ло ябеиён».  
(Дўзах ва жаннат аҳлини бир дўконда кўрсанг ҳам,  
Уларнинг ўртасида «бир-бирига қўшмайдиган парда»<sup>1</sup>  
бордир.)*

(Шарҳ). Яъни, муқаллид ва муҳаққиқ гарчи ҳамдўкон бўлсалар ҳам, бироқ Аллоҳнинг хоҳиши уларнинг ўртасида барзах (парда) бўлиб, бири-иккинчисига тўсиқ бўлолмайди. Шу сабабли муқаллид муҳаққиқни, муҳаққиқ муқаллидни бутунлай йўқ қилолмайди.

*Аҳли нору аҳли нур омехта,  
Дар миёншон Кўҳи Қоф ангехта.  
Ҳамчу дар кон хоку зар кард иттилот,  
Дар миёншон сад биёбону работ.  
(Нор (олов) аҳли билан нур аҳли бир-бирига аралашиб  
кетган,*

*Бироқ ўрталарида Қоф тоғи бор.  
Бу гўё конда олтин ва тупроқ аралашгани кабидир,  
Бироқ орада юзлаб биёбон ва работлар бор.)*

(103а) *Ҳамчунонки уқдаи дур дар шаба,  
Мухталит чун меҳмони яқишаба.  
(Бу гўё маржон ишидадур бўлгани кабидир,  
Улар бир кечалик меҳмон каби аралашдир.)*

(Шарҳ). Яъни, муҳаққиқ ва муқаллиднинг вужуди маржон ишита терилган дурга ўхшайди, уларнинг ҳаёти бирга ва аралашдир. Кеча эса бу дунёдан иборат. Демак, Аллоҳ нури орқали қарамаган

<sup>1</sup> Оятга ишора, қаранг: Қуръон, 55/19-20.

киши бу иккиовининг фарқини ажрата олмайди. Чунончи, Мавлавий ҳазратларининг ўзлари айтадилар:

*Нур бояд пок аз тақлиди гул,  
То шиносад мардро бофеълу қавл.  
(Кишини феълсиз ва сўзсиз таниш учун,  
Шайтоний тақлидсиз нур бўлмоғи керак.)*

Матн:

*Бахро нимеш ширин чун шакар,  
Таъм ширин, ранг равшан чун қамар.  
Ними дигар талх ҳамчун захри мор,  
Таъм талху ранг музлим қийрвор.  
(Денгизнинг ярми шакар каби ширин,  
Таъми лаззатли, ранги тоза, гўё Ойга ўхшайди.  
Бошқа ярми эса аччиқ, гўё илон захари каби,  
Таъми аччиқ, ранги қори, гўё қирга<sup>1</sup> ўхшайди.)*

(Шарҳ). Денгиз - тажаллиёт (нур)га ишорадирки, унинг ярми ширин, яъни Раҳмонийдир. Унинг ярми аччиқ ва шўр, яъни Шайтонийдир. Бу зикр этилган нарса бу икки тоифа ҳақидаким, ҳаёт ичида доимий бордир. Чунончи, Ҳазрати Мавлавий, сирлари муқаддас бўлсин, буюрадилар:

*Рак-рак аст ин оби ширин, оби шўр,  
Дар халойиқ меравад то нафхи Сур.  
Некуворро хаст мерос он хуш об,  
Ончи мерос аст «аврасна-л-Китоб».<sup>2</sup>*

Матн:

*Ҳар ду барҳам мезананд аз тахту авж,  
Бар мисоли оби дарё мавж-мавж.  
Сурати барҳам заданд аз жисми танг,  
Ихтилоти жонхо дар сулху жанг.*

<sup>1</sup> Қир - тоғ бағридан чиқадиган мўмиёга ўхшаш қора модда (смола).

<sup>2</sup> Таржимаси юқорида ўтди.

(Ҳар иккиси юқори ва пастдан бир-бирига урилади,  
Гўё дарё суви каби мавж урадилар.  
Уларнинг урилиши гўё тор гавда ичида,  
Руҳларнинг аралаш ҳолда жанг ва сулҳда бўлишларига  
ўхшайди.)

*Мавжҳойи сулҳ барҳам мезанад,  
Кинаҳо аз синаҳо бар меканад.  
Мавжҳойи жанг бар шакли дигар,*

(1036) *Меҳрҳоро меҳунад зеру забар.  
(Сулҳ ва тинчлик мавжлари тўлқин уриб,  
Сийнадаги гиналарни йўқ қилади.  
Жанг мавжлари эса бошқа шаклда бўлиб,  
Дилдаги меҳрни остин-устун қилади.)*

*Меҳр талғиро ба ширин мекашад,  
З-он ки асли меҳрҳо бошад рашад.  
Қаҳр ширинро ба талғи мебарад,  
Талғ бо ширин кужо андар хвард.  
(Меҳр аччиқни ширин томонга тартади,  
Чунки меҳрнинг асли тўғрилиқдир.  
Қаҳр эса ширинни аччиқ сари етаклайди,  
Аччиқ ширин билан қачон бирга бўлолади?)*

*Талғу ширин з-он назар н-ояд падиб,  
Аз дарича оқибат донанд дид.  
(Аччиқ ва ширинни қараб билиб бўлмайди,  
Оқибат дарчасидан қарабгина кўриш мумкин.)*

(Шарҳ). Аччиқ ва ширин Шайтоний ва Раҳмоний тажаллиётдан иборатдир, улар бу зоҳир кўз билан кўринмайди. «Оқибат дарчасидан қараб кўриш мумкин», яъни Фаффор дийдорини кўриш охир-оқибатдадир. Бироқ бу дунёда дилдаги парда оқибат томон кўтарилгач, дарича очилади ва дийдор нурининг партави бу даричадан дилга тушади. Чунончи «қалбдан парвардигор томон туйнук бордир» сўзи шу маънога далолат қиладики, у билан ширин топилади. Ва Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг: «Мўъмин одамнинг қарашидан кўрқинлар, чунки у Аллоҳ нури орқали қарайди» ҳадиси шу маънога далилдир. Ҳар ким Аллоҳ нури билан

қаровчи бўлса, у хато ва адашувдан эминдир. Чунончи, Ҳазрати Мавлавийнинг ўзлари, сирлари муқаддас бўлсин, буюрадилар:

*Мўъминон «йанзур би-нуриллоҳ» шудӣ,  
Аз хатову саҳв эмин омадӣ.*

(Мўъминлар «Аллоҳ нури билан кўрадиган» бўлди,  
Хато ва адашишдан эмин бўлди.)

Матн:

*Чашми охирбин тавонад дид рост,  
Чашми аввалбин еурур асту хатост.  
Эй басо ширин, ки чун шақкар бувад,  
Лек захр андар шакар музмар бувад.*

(Охир-оқибатни кўрадиган одамнинг кўзи тўғрини  
кўрадиган кўздир,  
Аввални кўрадиган одамнинг кўзи алданувчи ва  
хато кўздир.

Кўп ширинлар борки, у гўё шақкар кабидир,  
Бироқ захар одатда шакар ичида яширин бўлади.)

(Шарҳ). Яъни, Шайтоний тажаллиётда нурлар кўп бўлади ва баъзисининг ранги ёқимли, завқ уйғотадиган ва лаззатли бўлади, хислати гўё шакарга ўхшайди. Бироқ бу шакарда захар пинҳондир, бинобарин, Ҳазрати Мавлавий Шайтоний ва Раҳмоний тажаллийни фарқлашда эҳтиёт бўлиш лозимлигига ишорат қиладилар:

(104a) *Майшуносо, ҳин бош бо эҳтиёт,  
То майе ёбӣ муназзах з-ихтилот.  
Ҳар ду мастий медуҳандат, лек ин,  
Мастият орад кашон то Рабби дин.  
То раҳӣ аз фикру васвоси хиял,  
Бе иқолу ақл дар рақс ул-жамал.<sup>1</sup>*

Матн:

*Он ки зирактар, ба бўбишносадаш,  
В-он дигар чун бар лабу дондон задаш.*

*Бас лабаш рад мекунад пеш аз гулу,  
Гарчи наъра мезанад Шайтон «кулу».*  
(Зийрак одам уни дарҳол танийди,  
Бошқаси эса лаб ва тиши билан танийди.  
Шайтон гарчи «енглар» деб наъра урса ҳам,  
Лаби томоқдан аввал уни рад қилади.)

*В-он дигарро дар гулу пайдо кунад,  
В-он дигарро дар бадан расво кунад.  
В-он дигарро дар ҳадас сўзаш диҳад,  
Дамбадам захми жигар рўзаш диҳад.*  
(Ўша бирини томоғида (бало) пайдо қилади,  
Ўша бирининг баданини расво қилади.  
Ўша бирида офриқ ва алам кўзғатиб,  
Дамбадам жигар захмини пайдо қилади.)

*В-он дигарро баъди айёму шухур,  
В-он дигарро баъди марг то нафхи Сур.  
Ҳар наботу шаккареро дар жаҳон,  
Мўҳлате пайдост аз даври замон.*  
(Ўша бирида кунлар ва ойлар кетидан пайдо қилса,  
Ўша бирида ўлимдан сўнг то Сур чалингунча пайдо  
қилади.)

Жаҳонда ҳар бир новвот ва шакар учун,  
Замона давридан унга бир муҳлат берилган.)

*Солҳо бояд, ки андар офтоб,  
Лаъл ёбад ранг рахшонию тоб.  
Боз тарра дар димоғ андар расад.  
Боз то соле гули аҳмар расад.*  
(Лаъл ранг олиб, товлангунча,  
Қуёш нури остида йиллар туриши керак.  
Тара (кўкат)га эса икки ой етади,  
Қизил гул эса бир йилда етилади.)

*Баҳри ин фармуд Ҳақ азза ва жалл,  
Сурат ул-Анъом дар зикри ажжолл.*  
(Шунинг учун Ҳақ азза ва жалл,  
«Суврат ул-анъом» да<sup>1</sup> мударат ҳақида деди.)

---

<sup>1</sup> Қуръондаги 6-сура «Анъом»га ишора.



(Шарҳ). Билгинки, новвот, шакар, лаъл, гулдан мурод муҳаққиқдирки, уларнинг зуҳур этиши ва ривож топиши учун замона давридан муҳлатлари бор. Тара (кўкат)дан мурод муқаллид бўлиб, дарёни уқбо қилиб кўрсатилганки, уларнинг зуҳури ва ривожини учун озгина муддат берилган, улар ниманики хоҳласа, Худованди таъоло арзон тутати. Чунки, Ҳақ таъоло буюради: «Улар кейин ўзларига қилинган насиҳатни унутдилар, очиб бердик уларга нарсаларнинг дарвозасини, биз уларни бирдан гирифтор этдик, кейин улар ҳасратда қолдилар». (Қуръон, 6/44).

(1046) *Ин шунидй мў-бамўят гўш бод,  
Оби ҳайвон аст хўрдй нўш бод.  
Оби ҳайвон хон, махон инро сухан,  
Руҳи нав дар тани ин ҳарфи куҳан.*  
(Буни эшитдинг, бошдан оёққача кулоқ бўл,  
Бу ичганинг обиҳаётдир, у сенга ёқимли бўлсин.  
Уни обиҳаёт суви де, сўз дема,  
Бу эски сўз ичидаги янги руҳни кўргин.)

(Шарҳ). Ҳазрати Мавлавий, сирлари муқаддас бўлсин, бундан аввалги бир неча байтларда Шайтоний тажаллий ҳақида зикр этган эдилар ва бу эса баъзи толибларда пайдо бўлар эди. Энди шу ҳаёлга келдиларки, ундан қутилиш йўлини айтсалар ва бунинг дафъи ҳақида буюрадиларки, бу шундай бир мақом бўлиб, ундан ўтиб кетиш зарур, чунончи, сув узум гўраси ичида нордон бўлади, узумга айланганда эса, ширин бўлади. Бошқа мисолларда шу нарсага қиёс қилинади.

*Нуктаи дигар ту бишнава, эй рафиқ,  
Ҳамчу жон ў сатт пайдову дақиқ.  
Дар мақоме ҳаст ин ҳам захри мор,  
Аз тасорифи Худойи хушгубор.*  
(Эй дўст, бошқа бир ҳикматни эшит,  
У жон каби ҳувайдо ва нозикдир.  
Бир мақомда ў гўё илон заҳари кабидир,  
Ҳақ таъоло тасарруфи билан ёқимлидир.)

*Дар мақоме захру дар жое даво,  
Дар мақоме куфру дар жое раво.*

Об дар гўра туруш бошад валек,  
Чун ба ангурї расад ширину нек.  
(Бир мақомда захар ва бир жойда даводир,  
Бир мақомда куфр, бир жойда эса раводир.  
Сув узум гўрасида нордон бўлади, бироқ,  
Узумга айланганда ширин ва соз бўлади.)

Боз дар хум ў шавад талту ҳаром,  
Дар мақоми сиркагї «ниъма-л-адом».  
(У яна хумга тушса аччиқ ва ҳаром бўлади,  
Сиркалик мақомига етгач, «ёқимли емиш»<sup>1</sup> бўлади.)

**ДУНЁНИНГ ОШИҒИ ГЎЁ ДЕВОРГА ОШИҚ БЎЛГАН  
КИШИ КАБИДИРКИ, УНГА ҚУЁШ НУРИ ТУШГАН  
ЭДИ, У ЭСА БУ НУР ДЕВОРНИНГ НУР ЭМАС,  
ТЎРТИНЧИ ОСМОНДАГИ ҚУЁШНИНГ НУРИ  
ЭКАНИНИ БИЛИШГА ЖИДДУ ЖАҲД  
ҚИЛМАГАНИ, СЎНГ КЎНГЛИНИ ДЕВОРГА  
ҚЎЙГАНИ, ҚУЁШ НУРИ ҚУЁШГА ҚАЙТГАЧ,  
УНИНГ МАҲРУМ ҚОЛГАНИ БАЁНИДА АЛЛОҲ  
СЎЗИКИ: «ТЎСИҚ ТАШЛАНДИ УЛАР БИЛАН  
УЛАРНИНГ ОРЗУ ҚИЛГАН НАРСАЛАРИ  
ОРАСИГА»<sup>2</sup>**

(105a)Бу тавҳид аҳлига эътироз бўлиб, улар исмлар ва сифатлар тажаллийсини ашё ва нарсаларда мушоҳада қилиб, унга ошиқ бўлган эдилар ва аҳволнинг ниҳояти шу, деб гумон қилган эдилар. Шу сабабли улар бу нур ва унинг равнақи ашёдан эмас, балки исмлар ва сифатларнинг тажаллийёт партави эканини фаҳмлашга ҳаракат қилмаган эдилар. Натижада унга кўнгил қўйган эдилар. Нур партави Зотга етишганда, яъни висол йўқ бўлганда, улар маҳрум қоладилар.

<sup>1</sup> Бу ерда Расул (а.с.)нинг: «Нонга қўшиб ейиладиган нарсанинг яхшиси сиркадир» номли ҳадисларига ишора қилинмоқда.

<sup>2</sup> Тўлиқ оят қуйидагича: «Ва тўсиқ ташланди улар билан уларнинг орзу қилган нарсалари орасига, чунончи, бундан илгари уларнинг маслакдош-ларига шундай қилинган эрдик, улар ҳасратта солувчи шакда эдилар» (Қуръон, 34/54).

*Ошиқони кулл на ин ушшоқи жузв,  
Монад аз кулл он ки шуд муштоқи жузв.  
Чунки жузвӣ ошиқи жузвӣ шавад,  
Зуд маъшуқаш ба куллі худ равад.  
(Кулл ошиқлари-жузв ошиқлари эмасдир,  
Кимки жузв муштоқи бўлса, кулдан ажраб қолади.  
Чунки жузвий жузвийнинг ошиғи бўлса,  
Тезда маъшуғи ўз-ўзидан кулга томон кетади.)*

*Ришгове бандаи ғайр омад ӯ.  
Ғарқа шуд каф дар заифӣ дар зад ӯ.  
Нест ҳоким то кунад тилмори ӯ,  
Кори хожа худ кунад ё кори ӯ.  
(У масхара бўлиб, бошқа бирова кул бўлди,  
Ғарқ бўлиб, ожизлик қўлини эшикка урди.  
Дармон қилай деса, бунга ҳоким эмасдир,  
Хожани ишани қилсинми ё ўз ишани.)*

(Шарҳ). Ҳокимдан мурод - исмлар ва сифатлар тажаллийси бўлиб, тавҳид аҳлининг мақомидан ўтиб, Зот тажаллийсига мушарраф бўлишдир. Бу давлатга етган вақтда, барча нарсанинг ҳукми остига киради. Тавҳид аҳли Зот ошиқлари эмаслар, балки исмлар ва сифатлар тажаллийсининг ошиқларидир. Ҳар ким исмлар ва сифатлар тажаллийсига муштоқ бўлса, Зот тажаллийсидан маҳрум қолади.

## **АРАБЛАРНИНГ «ИЗА ЗАНАЙТА ФАЗНИ БИ-Л-ХУРРА ВА ИЗА САРАҚТА ФА АСРИҚУ-Д-ДУРРА» МАҚОЛИ ХУСУСИДА<sup>1</sup>**

*Фазни-л-хурра пайи ин шуд масал,  
Фасриқу-д-дурра ба ин шуд мунтақал.  
Банда сўйи хожа шуд, ӯ монд зор,  
Бўйи гул шуд, сўйи гул ӯ монд хор.*

<sup>1</sup> Маъноси: «Агар зино қилсанг, ҳур ва озода аёл билан қил, агар ўғрилиқ қилсанг, дурни ўғирла». Бу мақол ҳимматни юқори тутиш учун айтилган. Мазкур сарлавҳа бошқа нусхаларда мавжуд бўлиб, Одина Эшон шарҳида келтирилмаган.

(«Хур билан зино қил» шу нарса пайидан масал бўлди,  
«Дурни ўғирла» шунинг учун нақл бўлди.  
Банда хожа олдига борди, у эса зор қолди,  
Гул ҳиди гулга кетди, у хор бўлиб қолди.)

*Ҳамчу он аблаҳ, ки тоби офтоб,  
Дид бар девору ҳайрон шуд шитоб.  
Ошиқи девор шуд к-ин бо зиёст,  
Беҳабар к-он акси хуршеди самоист.  
(У худди ўша аблаҳ каби эдики, у аблаҳ,  
Қуёш нурини деворда кўриб, бир онда ҳайрон бўлди.  
Бу зиёни кўриб, деворга ошиқ бўлди,  
Бу осмон қуёшининг акси эканидан беҳабар эди.)*

*Чун ба асли хеш пайваст он зиё,  
Дид девори сияҳ монда ба жо.  
(Бу зиё ўз аслига қайтиб қўшилгандан сўнг,  
Ўша қора девор жойида қолганини кўрди.)*

(Шарҳ). Тавҳид аҳли Зот ошиғи эмаслар, балки улар исмлар ва сифатларнинг ошиғидирлар. Ҳар қим исмлар ва сифатларнинг тажаллийсига муштоқ бўлса, Зот (1056)тажаллийсидан қуруқ қолади. Тавҳид аҳли қуёшнинг нурини мосиво деворида кўрган кишига ўхшаб, унга ошиқ ва ҳайрон бўлади. Натижада ҳақиқий матлуб бўлган Зот тажаллийсидан маҳрум қолади.

*Сазӣ зоеъ, ранж ботил, пой рещ,  
Ў бимонда дур аз матлуби хеш.  
Ҳамчу сайёде, ки гирад сояе,  
Соя кай гардад варо сармояе.  
(Харакати зое, ранжи ботил, оёғи яра ҳолда,  
У ўз мақсадидан узоқда бўлди.  
У гўё сояни қувган овчига ўхшайди,  
Соя қачон кишига ўлжа бўлиши мумкин?!)*

**САҲРОЙИ АРАБНИНГ БАҒДОДГА ХАЛИФАНИНГ  
САРОЙИГА БОРГАНИ ВА ХАЛИФАНИНГ  
ГУЛОМЛАРИГА СУВ КЎЗАСИНИ  
ТОПШИРГАНИ БАЁНИДА**

*Он сабўйи обро дар пеш дошт,  
Тухми хидматро дар он ҳазрат бикошт.  
Гуфт он ҳадя бар он султон баред,  
Сойили шахро зи ҳожат бархаред.  
(У сув кўзасини қўлида тутиб,  
Хизмат уругини шоҳ учун эсмоқчи бўлди.  
Шоҳ одамларига дедик, бу ҳадяни султонга олиб боринг,  
Шоҳнинг гадосини ҳожатдан кутқаринг.)*

*Оби ширину сабўйи сабзу нав,  
3-оби бороне, ки жамъ омад ба кав.  
Ханда меояд нақибочро аз он,  
Лек назруфтанд онро ҳамчу жон.  
(Суви ширин, кўза эса тоза ва янги,  
Кўлда тўпланган ёмғир сувидан олинган, деди у.  
Бу сўз хизматкорларнинг кулгисини қистатди,  
Бироқ уни жон деб қабул қилиб олдилар.)*

*3-он ки лутфи шоҳ хубу бохабар,  
Карда буд андар ҳама аркон асар.  
Хўйи султон дар раийят жо кунад,  
Чархи ахзар хокро хазро кунад.  
(Чунки шоҳнинг чиройли лутфи ва одоби,  
Шоҳ одамларининг барига таъсир қилган эди.  
Кўм-кўк осмон ерни ҳам кўкартиргани каби,  
Султоннинг хулқи халқига ҳам таъсир этади.)*

*Шаҳ чу ҳавз дон, ҳашам чун лўлҳо,  
Об аз лўла равад дар кўлҳо.  
(Шоҳни ҳовуз, тобеларни ариқ деб бил,  
Сув ариқлардан кўлга бориб кўйилади.)*

(106а)(Шарҳ). Пир гўё ҳовузга ўхшайди, муридлар эса ариқлардир, ҳовуздаги сув ариқлар орқали уларга равон бўлади.

*Чунки оби жумла аз ҳавз аст пок,  
Ҳар яке обе диҳад хуш завқнок.  
(Агар сув покиза ҳовуздан бўлса,  
Ҳар бир ариқ ёқимли ва завқли сув ато қилади.)*

(Шарҳ). Пирнинг ботинида Раҳмоний тажаллий бўлса, муридларнинг ботини ундан баҳрамандлик топади.

*В-ар дар он ҳавз об шўрасту палид,  
Ҳар яке лўла ҳамон орад падид.  
(Агар ўша ҳовузда сув шўр ва ифлос бўлса,  
Ҳар бир ариқда ҳам ўша сув бўлади.)*

(Шарҳ). Агар пирнинг ботинида Шайтоний тажаллий бўлса, муридларнинг ботини ҳам ундан баҳраманд бўлади

*З-он ки пайвастант ҳар лўла ба ҳавз,  
Ҳавз кун дар маънийи ин ҳарф ҳавз.  
(Ҳовуз билан ариқ бир-бирига боғлиқдир,  
Сен бу сўзнинг маъносига чўмгин.)*

(Шарҳ). Муриднинг ботини пирнинг ботинига пайваста ва боғлиқ бўлгани сабабли, пирнинг ботинида нимаики бўлса, муридларнинг ботинига таъсир қилади. Чунки муриднинг қалбидан пирнинг қалби томон йўл бор: «Қалбдан қалбга туйнук бор», «қалбдан Раббга томон туйнук бор». Билгинки, бу жумлалардаги биринчи қалб муридга ишорадир, иккинчи ва учинчи қалб пирга ишорадир.

## **ҲАЛИФАНИНГ КЎЗАГА ЭҲТИЁЖИ БЎЛМАСА-ДА, ЎШАЛ АРАБНИНГ ҲАДЯСИНИ ҚАБУЛ ҚИЛГАНИ, КЎЗАНИ ТИЛЛА БИЛАН ТЎЛДИРГАНИ ВА АРАБНИНГ ШОД БЎЛГАНИ**

*Чун халифа диду аҳволаш шунид,  
Он сабуро пур зи зар карду мазид.  
Дод бахшишҳову хилъатҳойи хос,  
Он арабро кард аз фоқа халос.*

(Халифа унинг аҳволини кўриб ва эшитиб,  
Кўзани тилла билан тўлдирди.  
Хар хил ҳадялар ва либослар берди,  
Арабни бир йўла камбағалликдан халос қилди.)

*Бас нақиборо бифармуд он Кубод,  
Хам жаҳони бахшишу в-он баҳри дод.  
К-ин сабў пур зар ба дасти ў дихед,  
Чунки вогардад сўйи Дажла баред.*  
(Ҳадялар жаҳони ва адолат денгизи бўлган Кубод,  
Бир мулозимини чақириб деди:  
Бу тилла тўла кўзани унинг қўлига беринг,  
Кўрсин учун уни Дажла дарёсига олиб боринг.)

*Аз раҳи хушк омадаст ў з-он сафар,  
Аз раҳи Дажлаш бувад наздиктар.  
Чун ба киштӣ дарнишинад ранжи роҳ,  
Худ фаромушаш шавад он жойгоҳ.*  
(У ўз сафарида қуруқлик орқали келибди,  
Энди Дажла орқали кетса яқинроқ бўлади.  
Агар у кемага ўтирса йўл азоби,  
Ўз-ўзидан ёдидан фаромуш бўлади.)

*Хамчунон карданду доданд бас сабу,  
Пур зи зар бурданд то Дажла ду ту.  
Чун ба киштӣ дарнишасту Дажла дид,  
Сажда мекард аз ҳаёву меҳамид.*  
(Шундай қилдилар ва тилла тўла кўзани бериб,  
Дажла сари уни олиб бордилар.  
У кемага ўтириб, Дажла дарёсини кўргач,  
Ҳаёдан саждага бош қўйиб, эгилар эди.)

*К-эй ажаб лутф ин шаҳи ваҳҳобро,  
В-ин ажабтар к-ў сутуд ин обро.  
Чун пазируфт аз ман он дарёйи жуд,  
Ончунон нақди дагалро зуд-зуд.*  
(Воҳ ажаб бу ҳадя бахш этувчи шоҳнинг лутфига,  
Бундан ажаброғи бу сувни қабул этишидир.  
Бу саховат дарёси бўлган шоҳ,  
Мендан тезда бу арзимас совғани олди.)

*Кулли оламро сабӯ дон, эй писар,  
К-ӯ бувад аз илми хубӣ то ба сар.  
(Буткул оламни, эй ўғил, кўза деб билгин,  
У чиройли илм билан қирғоғига ча тўла.)*

(Шарҳ). Яъни, олам илм билан тўла, зероки тафаккур билан матлуб ва мақсадга етишиш мумкин, бунинг устига яхшилик билан тўла, яъни Ҳақ таъоло тажаллийси билан тўла бўлиб, у ҳақиқатда жон ва чирғодир.

## **ХАЛИФАНИНГ САРОЙИНИ ХУДОЙИ ТАЪОЛО ИЛМИГА ҚИЁС ҚИЛГАНИ**

*Қатрае аз Дажлаи хубийи ўст,  
К-он намегунжад зи пурӣ зери пўст.  
(Унинг хўблик Дажласидан бир қатраси,  
Кўплигидан одамнинг танаси ичига сиғмайди.)*

(Шарҳ). Бу хўблик, яъни Ҳай ва Қаййум сифатининг тажаллийсидан бу олам кўзаси то оғзига ча тўла бўлиб, у Аллоҳ таъоло Зотининг чексиз тажаллийсидан бир қатрадир ва бу қатра тўлаликдан тери остига, яъни вужуд ичига сиғмайди.

*Ганжи махфӣ буд, зи пурӣ жўш кард,  
Хокро султони атласпўш кард.  
(Махфӣи хазина эди, тўлаликдан жўш урди,  
Тупроқни атлас ёпинган султонга айлангирди.)*

(Шарҳ). Яъни, вужуд ичида яширинган бир қатра эди, тўлаликдан жўш урди, яъни зухур оламида бош кўтарди, тупроқни атлас ёпинган султонга айлангирди, яъни шоҳлик зийнати билан музайян қилди.

*Ганжи махфӣ буд зи пурӣ чок кард,  
Хокро тобонтар аз афлок кард.  
(Махфӣи хазина эди, тўлаликдан чок бўлди,  
Ерни осмонлардан ҳам ёрқинроқ қилди.)*



(Шарҳ). Тўлалиқдан, яъни тақводан чок бўлиб, ёрилди ва зоҳирий вужуд бўлган ерни чиройли сифатлар ва доимий келиб турадиган турли тажаллийётлар билан зийнатлади ва уни осмонлардан ҳам нурлироқ қилди. Чунки осмоннинг зийнати юлдузлар билан, ернинг зийнати Илоҳий нурларнинг ҳар хил тажаллийси биландир.

*В-ар бидидй қатра аз Дажлай Худо,  
Он сабўро ў фано кардй, фано.  
Он ки дидандаш ҳамеша бехуданд,  
Бехудона бар сабў санге заданд.*

(Худонинг Дажласидан агар у бир қатра кўрганда эди,  
У ўша кўзани йўқ қилар эди.  
Кўрган кишилар эса доимо бехуддирлар,  
Бехуд ҳолда кўзага тош урдилар.)

(Шарҳ). Яъни, қатрани кўрган кишилар доимий, яъни уларда доимий тажаллий ҳосил бўлган.

*Эй зи ғайрат бар сабў санге зада,  
В-ин сабў з-ишкати комил тар шуда.  
(Эй ғайратдан кўзага тош урган киши,  
Бу кўза синишдан тўлиқ ҳўл бўлди.)*

(Шарҳ). Яъни, ғайриларнинг шериклик кароҳиятидан вужуд (108а)кўзасига тош урган ва бу кўза синишдан, яъни бир сифатдан иккинчи сифатга ўзгаришдан узулуксиз келадиган тажаллийёт билан ҳўл бўлган. Чунончи, «Маснавий»да айтилади:

*Аз мубаддил ҳастийи аввал намонд,  
Ҳастийи бехтар ба жойи ў нишонд.  
(Ўзгартирувчи орқали унинг биринчи борлиги тутади,  
Ўрнига ундан яхшироқ борлиқни ўрнатди.)*

Матн:

*Хум шикасту об аз ў норехта,  
Сад дурустй з-ин шикаст ангехта.  
(Хум синди, бироқ унинг суви тўкилмади,  
Бу синишдан юзта тузалиш пайдо бўлди.)*

(Шарх). Хум ботиний вужуддан иборат бўлиб, у синди ва йўқ бўлди, сув эса Хай ва Қайғум тажаллийсидан иборат бўлиб, аввалгидек мустаҳкам, боқий ва тўкилмаган ҳолдадир, вужуд синишдан юзталаб кети узилмайдиган бошқа тажаллийлар пайдо бўлди.

**Жузв-жузви хум ба рақс асту ба ҳол,  
Ақли жузвиро намуда ин муҳол.**  
(Хумнинг бўлак-бўлаклари ҳол рақисидадир,  
Ақли жузвийга бу ҳол маҳол бўлиб кўрингай.)

**На сабў пайдо дар ин ҳолат, на об,  
Хуш бубин, валлоҳу ағлам би-с-савоб.**  
**Чун дари маъни занӣ бозат кунанд,  
Парри фикрат зан, ки шаҳбозат кунанд.**  
(Бу ҳолда на кўза кўринади ва на сув,  
Яхшилаб боққинки, Аллоҳ тўғрилигини билувчироқдир.  
Маъно эшигини қоққинки, уни сенга очадилар,  
Фикр қанотини қоққинки, сени бургутга айлантирадилар.)

(Шарх). Агар маъно толиби бўлсанг, карам юзасидан сен учун мақсад эшигини очадилар. Бунинг учун фикр қанотини қоқ ва ҳаракат қилгинки, сени бундан ҳам яхшироқ қиладилар, тўғри йўлга йўллайдилар.

(1086) **Парри фикрат шуд гилолуду гарон,  
З-он ки гилхорӣ туро гил шуд чунон.**  
**Нон гил асту гўшт камтар хўр аз ин,  
То намонӣ ҳамчу гил андар замин.**  
(Фикр қанотинг тупроқ ва лойга беланган ва оғирдир,  
Чунки лойхўрлик сен учун нонга айланган.  
Нон ва гўшт бу лой ва тупроқдир, ундан кам е,  
Токи ерда лой ва тупроқ каби қолиб кетмагин.)

**Аввало бишнав, ки халқи мухталиф,  
Мухталиф жонанд аз ё то алиф.**  
(Аввало, эшитгинки, халқ ҳар хилдир,  
Жонлари ҳам «а»дан то «алиф»га ўхшаб ҳар хилдир.)

*Дар хуруфи мухталиф шўру шикаст,  
Гарчи аз як рӯ зи сар то по якаст.  
(Ҳар хил ҳарфларда парипонлик ва шубҳа бўлади,  
Гарчи бир боққинда бошдан-оёқ ҳар хил бўлиб  
қўринса ҳам.)*

(Шарҳ) Ҳар хил ҳарфларда ҳар хиллик ва шубҳа бўлади, яъни уларда тафовут мавжуд бўлади.

*Аз яке рӯ зидду як рӯ муттаҳид,  
Аз яке рӯ ҳазлу аз яке рӯй, жидд.  
(Бир томондан қарама-қарши, бир томондан бирлашган,  
Бир томондан ҳазил, бир томондан жиддийлик.)*

(Шарҳ) Гарчи касрат (кўп) бўлса-да, бошдан-оёқ битта, тафовутда зид, кўпликда эса ўзаро бирлашган, тафовут юзасидан ҳазил, кўплик юзасидан жиддийдир.

*Бас қиёмат рӯзи арзи ажбар аст,  
Арзи ӯ хоҳад, ки бо зебу фар аст.  
(Бас қиёмат куни улуг арз кунидир,  
У бу кунда чиройли ва муносиб арзни хоҳлайди.)*

(Шарҳ) Бас, қиёмат улухийлатнинг зухур қилиш кунидир, тажаллийнинг изҳори шундай одамга бўладиги, у одам бу хилъатта лойиқ ва бу мартабага муносиб бўлиши лозим.

*Ҳар кӣ ӯ чун ҳиндуӣи савдойи аст,  
Рӯзи арзачи навбати расвойи аст.  
(Ҳар кимнинг қалби агар ҳиндута ўхшаган қора бўлса,  
Арз кунда унинг учун расволик бўлади.)*

(110а)(Шарҳ) Яъни, ўша муқаллиднинг ишлари ҳиндута ўхшаган қора бўлса, тажаллийнинг зухур қилиши унинг учун яхшилик эмас, балки бу тажаллийнинг зухур қилиш замонида унга расволик етади.

*Чун надорад рӯй ҳамчун офтоб,  
Ў нахоҳад жуз шабе ҳамчун ниқоб.*

(Агар у куёш каби юзга эга бўлмаса,  
Унга тундан ўзга ниқоб бўлмайди.)

(Шарҳ). Бас, унга қиёмат расволик навбати экан, у тундан ўзга ниқобни хоҳламайди.

*Барги як гул чун надорад хори ў,  
Шуд баҳорон душмани асрори ў.  
В-он ки сар то по гул асту савсан аст,  
Бас баҳор ўро ду чашми равшан аст.*

(Унинг фақат тикани бўлиб, гул ва барги бўлмаса,  
Демак баҳор унинг сирларининг душманидир.  
Агар у бошдан-оёқ гул ва савсан бўлса,  
Баҳор унинг учун икки равшан кўз бўлади.)

(Шарҳ). Агар толиб бошдан-оёқ гул ва савсан бўлса, бу Илохий нурлар тажаллийсидир. Бас, ҳолатнинг зуҳури ва авлиё ботинининг тажаллиёти унинг учун икки равшан кўз кабидир.

*Хори бемаънӣ хазон тоҳад, хазон,  
То занад паҳлуӣ худ бо гулситон.*

(Ўша бемаъни тикан гулистонга ўзини уриш учун,  
Хазон ва куз бўлишини хоҳлайди.)

(Шарҳ). Яъни, бемаъни тикан хазоннинг беҳосил муқаллидидир, хазон, бу замондир.

*То билўшад фаҳри ону нанги ин,  
То набинӣ нанги ину ранги ин.*

(Токи унинг фаҳри ва бунинг шармисорлигини  
бекитиш учун,  
Токи унинг уятини ва бунинг рангини кўрмаслигини  
хоҳлайди.)

(Шарҳ). Токи хазон муҳаққиқнинг фаҳрини яшириш ва муқаллиднинг шармисорлигини бекитишини хоҳлайди.

*Бас хазон ўро баҳорасту ҳаёт,  
Як намояд сангу ёқути закот.*

(Бас, тикан учун хазон - баҳор ҳамда ҳаётдир,  
Унга тош ҳам, тоза ёқут ҳам бир бўлиб кўринади.)

(Шарҳ). Чунки хазон вақтида улар бир хил рангда кўринади, хазон эса авлиё ҳолининг яширин замонидан иборатдир. Хор (тикан) учун кир ва қора тош билан мусаффо ва нуроний ёқут бир хил бўлиб кўринади.

*Боғбон ҳам донад онро дар хазон,  
(1106) Лек диди як бех аз диди жаҳон.*

(Боғбон ҳам уни хазон вақтида билади,  
Лекин битта одамни кўргани буткул жаҳоннинг кўрганидан  
яхшидир.)

(Шарҳ). Лекин моҳиятни кўрувчи муҳаққиқ баҳор вақтида ҳам, хазон вақтида ҳам тош ва ёқутни фарқлай олади. Лекин уларнинг ичида бир муҳаққиқ бўлиб, барча муҳаққиқлардан ҳам кўрувчироқдир.

*Худ жаҳон он як кас аст, ин боқийён,  
Жумла атбоғи туфайланд, эй фалон.  
(Ўша жаҳон у бир кишидир, қолганларнинг,  
Барчаси унга тобедирлар, эй фалончи.)*

(Шарҳ). Яъни, валюятнинг жаҳони, иршод курсисиди ўтирувчи кутби замон битта муҳаққиқдир, бошқа муҳаққиқлар унинг тобелари ва у туфайли боқий кишилардир.

*Худ жаҳон он як кас асту аблаҳ аст,  
Ахтарон ҳар як ҳама жузви маҳ аст.  
(Жаҳоннинг ўзи бир кишидир у аблаҳдир,  
Юлдузларнинг ҳар бири Ойнинг қисмларидир.)*

(Шарҳ). Аблаҳ дейишдан муддао - озод бандадирки, башариятнинг ҳар қандай белгиларидан, чунончи, ақл, ҳуш, ирода, ихтиёр, фикр, хаёл ва бошқалардан озод, соф ва қутиландир. Бас ундан содир бўлган ҳар қандай амал, феъл ва қавл (сўз) ундан эмас.

*Бас яке гўняд ҳар нақшу нигор,  
Мужда-мужда нек ҳаме ояд баҳор.  
(Бас бир киши айтадики, ҳар бир нақшу нигор,  
Ҳамда баҳор оҳиста хушхабар билан келади.)*

(Шарҳ). Гулистон ва баҳор келишидан иборат бўлган ҳар бир нақшу нигор ва гул очилишининг муждаси ва хушхабари келади, яъни бу муҳақиқнинг келишидир.

*То бувад тобон шукуфа чун зара,  
Кай кунад он меватро пайдо кура.  
(Дарахт гуллари ялтираб очилмагунча,  
Қандай қилиб шох мевалар қилсин?)*

(111a) *Чун шукуфа рехт мева сар кунад,  
Чунки тан бишкаст, жон сар бар кунад.  
Мева маънию шукуфа сураташ,  
Он шукуфа мужда, мева неъматаш.  
(Гул тўкилгач, мева пайдо бўлади,  
Чунки тан синадию жон бош кўтаради.  
Мева - маъно, гул - суврати,  
Гул - мужда, мева эса неъматидир.)*

(Шарҳ). Маъни - мақсад меваси бўлиб, у фазли Илоҳийдир. Гул эса маънавий вужуддан иборатдир. Гул меваси неъматнинг кесишидан бир бапоратдир.

*Чун шукуфа рехт, мева шуд падид,  
Чунки он кам шуду ин андар мазид.  
(Гул тўкилгач, мева пайдо бўлди,  
У кам бўлди, бироқ бу зиёдалиқ топди.)*

(Шарҳ). Маънавий вужуддан иборат бўлган гул кам ва йўқ бўлгач, унинг неъмат пайдо бўлади ва кўпайиб боради.

*Токи нон нашкаст қувват кай диҳад,  
Ношикаста хўшаҳо кай май диҳад.  
То ҳалила нашканад бо адвия,  
Кай шавад худ сиҳхат афзо дар рия.  
(Нон синдирилмаса, у қандай қувват берсин,  
Узум бошлари сиқилмаса, қандай қилиб май берсин.  
Ҳалила бошқа даволар билан кўшилмаса,  
Ўпкага сиҳхат берувчи давога қандай айланади.)*

**ЙЎЛ ЮРУВЧИ СОЛИК АҲВОЛИНИНГ БИР-БИРИГА  
НИСБАТАН ҲАР ХИЛЛИГИ, БИРОҚ БУ ТАРИҚАТ  
СОЛИКЛАРИНИНГ ҲОЛДА МАҚСАДЛАРИ  
БИТТА ЭЖАНЛИГИ**

*Ҳар набийю ҳар валиро маслакест,  
Лек то Ҳақ меравад жумла якест.  
Чунки жумла мустамеъро тоб бурд,  
Сангҳойи осийро об бурд.  
(Ҳар бир набий ва ҳар бир валийнинг ўз йўли бор,  
Бироқ Ҳаққа етишишда барча биттадир.  
Чунки ҳар бир эшитувчини уйқу олади,  
Тегирмон тошларини сув оқизиб кетади.)*

(1116)(Шарҳ). Барча жшитувчиларни фано уйқуси элитганда вужуд тегирмонининг тошларини тажаллий суви фарқ қилади.

*Рафтани ин об фавқи осийест,  
Рафтанаи дар осий баҳри шумост.  
Чун шуморо ҳолати тоҳун намонд,  
Обро дар жўйи асли боз ронд.  
(Бу сувнинг оқиши тегирмоннинг устигадир,  
Унинг оқиши эса сизлар учундир.  
Сизлар учун тегирмоннинг ҳолати қолмагач,  
Сувни ўз асл ариғига оқизди.)*

(Шарҳ). Тегирмоннинг овози бу тажаллий сувининг оқиши сабабли тегирмон устида жаранглаб туради. Йўқса, вужуд тегирмонининг бонги учун тажаллий денгизининг йўлидан бошқа йўл бор.

*Меравад бе бонгу бе такрорҳо,  
«Таҳтиҳа-л-анҳор» то гулзорҳо.  
(У бонгсиз ва такрорсиз  
«Остидаги анҳорлари»<sup>1</sup> то гулзоргача оқиб туради.)*

---

<sup>1</sup> Бақара сурасидаги 25-оятга ишора.

(Шарҳ). Вужуд тегирмоннинг тошлари беталвин ва ўзгаришсиз ҳолда Зот тажаллийсининг мушоҳада гулзорига оқиб туради. Солик бақо мақомига мушарраф бўлгач, табиатининг ҳарфлари йўқ бўлади. Чунончи, «кимки Парвардигорни таниса тили гунг бўлади» (ҳолати) шу ерда юз беради. Уларда жон сўзи зуҳурга келади. Солик мартабасининг ниҳояти шудир. Бу ҳақда айтилади:

**Эй Худо, жонро ту бинмо он мақом,  
К-андар ў безарф мерўяд калом.**  
(Эй Худо, ўша мақомни жонимизга кўрсат,  
Қайсики, унда ҳарфсиз сўзлар пайдо бўлади.)

**Лаб бубанду гури дарё менигар,  
Базрро Ҳақ кард маҳкуми башар.<sup>1</sup>**  
(Лабингни юмгину дарёнинг тубига қара,  
Ҳақ денгизни башар учун маҳкум этди.)

(112а)(Шарҳ). Дил лабини юмиб, бизнинг ботин нурларимиз дарёсининг тубига боққинки, уни бизга маҳкум қилгандир.

**Ҳамчу чашма Салсабилу Занжабил,  
Ҳаст дар ҳукми битиштиий жалил.**  
(У гўё Салсабил ва Занжабил булоқларидир,  
У улуғ аҳли жаннат кишилари ҳукми остидадир.)

(Шарҳ). Мисли Салсабил ва Занжабил булоқларидирки, у жаннатийларнинг ҳукми остидадир.

**Чоржўйи жаннат андар ҳукми мост,  
Ин на зўри мо ба дармони Худост.**  
**Ҳар кужо хоҳем доремаш равон,  
Ҳамчу сеҳр андар муроди соҳирон.**  
(Жаннатнинг тўртга дарёси бизнинг ҳукмимиз остидадир,  
Бу бизнинг зўрлигимиздан эмас, балки  
Аллоҳнинг фармони биландир.  
Қаерга хоҳласак, ўша ерга равон қиламиз,  
Худди сеҳргарлар сеҳр қилганлари каби.)

<sup>1</sup> Бу ердан бирдангина Зайд ҳақидаги ҳикоянинг охириги қисмига ўтиб кетилган.



(Шарҳ). Жаннатдан мурад мосиводан бутунлай халос бўлган дилдир. Чунончи, ҳадисда келади: «Аллоҳнинг жаннати бордир, унда ҳур ҳам, сут ҳам, асал ҳам йўқ, Аллоҳ унда кулиб турган ҳолда тажаллий қилади». Тўртта дарёдан мурад феъллар, исмлар, сифатлар ва Зот нурлари бўлиб, у дилдан жой олган. Хулоса шуки, бошқа авлиёларнинг ботин нурлари ҳам дил ҳукми ва фармони остида бўлиб, уни қаергаки хоҳласак, ўша ерга равон қиламиз, негаки у бизнинг фармонимиз остидадир. Бундай киши ўз даврида Ҳақнинг халифаси ҳисобланади. Чунончи, Ҳазрати Мавлавий бошқа жойда бу ҳақда буюрадилар:

*Чун амири жумлаи дилҳо шавӣ,  
Андарин даврон халифа туйӣ.  
(Сен барча дилларнинг амирисан,  
Давр халифаси сенсан.)*

## БИСМИЛЛАҲИР РАҲМОНИР РАҲИМ

Иккинчи жилднинг кечикиш ҳикматидан баъзи сабабларининг баёни шулки, агар Илоҳий ҳикматнинг барчаси бандага маълум бўлса, унинг фойдаларидан баҳраманд бўлишда банда ожизлик қилади ва Ҳақ таъолонинг бепоён ҳикмати унинг идрокини вайрон қилади. Бас Ҳақ таъоло бу бепоён ҳикматидан бир заррасини унинг бурнига етказди ва уни бу ишга тортади. Агар унга бу дастурхондан хабар бермаса, у ўз жойидан туриб ҳаракат қилмайди. Зероки, қимирлатувчи одамларнинг фойдаси учун хос бўлиб, маслаҳат шу хусусдир. Агар бунинг ҳикмати бандага ёғдирилса, у қимирлаёлмай қолади. Чунончи, у бурундиксиз йўл юрмайди, агар жуда катта (114а)бўлса ҳам, юрмай қолади. (Аллоҳ сўзиким): «Йўқдур ҳеч бир нарса, магар бизнинг қошимизда хазиналари бордур ва тушурурмиз Биз уни муқаррар андозада» (Қуръон, 15/21).

Тупроқ сув бўлмаса кесакка айланмайди, агар сув кўп бўлса ҳам кесак ҳосил бўлмайди: «Ва осмонни баланд қилди ва кўйди тарозуни» (Қуръон, 55/7). Аллоҳ таъоло ҳар нарсани ўлчов билан берар, беҳисоб бермас. Аммо халқ оламидан чиқиб, хоҳлаган банданга беҳисоб ризқ берурсан» (Қуръон, 3/27) ва «кимки татиб кўрмаса, билмайди» доирасига кирганлар бошқадир. Байт:

*Пурсид яке, ки ошиқй чист,*

*Гуфтам, ки чу мо шавй, бидонй.*

(Бир киши, ошиқлик нима, деб сўради,

Биз каби бўлсанг, биласан, дедим.)

Ишқу муҳаббат поёнсиздир. Шунинг учун ҳам, ҳақиқатда Аллоҳнинг сифатидир, деганлар, унинг бандага нисбатан берилгани мажоздир. «Уларни Аллоҳ таъоло дўст тутади» ояти етарлидир ва «улар ҳам Аллоҳни дўст тутадилар» унинг олдидан недир (Қуръон, 5/34). Оламларнинг Парвардигорига ҳамдлар бўлсин.

## **БИСМИЛЛАҲИР РАҲМОНИР РАҲИЙМ**

***Муддате ин «Маснавий» таътир шуд,  
Муҳлате бойист то хун шир шуд.***

(Бу «Маснавий» китоби биров муддат кечикди,  
Зотан қоннинг сутта айланиши учун ҳам бир муддат  
лозимдир.)

(Шарҳ). Бу «Маснавий»нинг биринчи дафтарини тамомлагандан сўнг, иккинчиси биров кечикди ва тўхтаб қолди. Сабаб шу эдики, дея кейинги мисрада «қон сутта айлангунча вақт лозим» мисрасидан то «боз гаптан рўзи истифтоҳ буд» (қайтиш истифтоҳ куни эди) мисрасигача сабабнинг баёнидир. Ҳайвон баданида ортиқча қон сутта айлангунча ва бола туғилгунча муддат керак. Шунингдек, аҳли завқларнинг маъориф сўзлари эшитувчининг қулогига кириб, ўрнаши учун ҳам бир муддат лозим. Шу боис «Қон сутта айлангунча муддат керак» дейдилар.

***То назояд бахти ту фарзанди нав,  
Хун нагардад шири ширин хуш шунав.  
Чун Зиё ул-Ҳақ Хусомуддин инон,  
Боз гардонид з-авжи осмон.***

(Сенинг бахтинг янги фарзанд туғмагунча,  
Қон ширин сутта айланмайди, яхши эшитиб ол.  
Зиё ул-Ҳақ Хусомуддин «Маснавий» жиловини,  
Осмон чўққисидан ерга қайтарди.)

(1146)(Шарҳ). Бу «Маснавий» китобининг боиси ва сабабчиси Чалабий Хусомуддин бўлиб, Вожиб ул-вужуд ва Валийй ул-Хидоят (Аллоҳ)нинг лутфи, инъоми ва кўмаги билан иноят жиловини «фано филлоҳ» осмонининг чўққисидан «бақо биллоҳ» сари қайтарди.

***Чун ба меърожи ҳақойиқ рафта буд,  
Бо баҳораш гунчаҳо бишжуфта буд.  
(У ҳақойиқлар меърожита кетган эди,  
Ва баҳорсиз гунчалар гул очган эди.)***

(Шарҳ). Чалабий Хусомуддин мақомотларни босиб ўтиб, исмлар, сифатлар ва зот даражалари томон кетган эди, бу эса баҳорсиз, хазон ортда бўлса ҳам, мурод гулларининг гунчалари очилиб, ҳосил ва хусулга айланган эди.

**Чун зи дарё сўйи соҳил бозгашт,  
Чанги шеъри «Маснавий» бо соз гашт.**

(Дарёдан соҳил сари қайтгач,  
«Маснавий» шеърининг чанги чалинишга бошлади.)

(Шарҳ). Ҳақойиқ ва «фано филлоҳ» дарёсидан «бақо биллоҳ» соҳилига қайтгач, «Маснавий» шеърининг чанги сўз созини чалишга киришди.

**«Маснавий», ки сайқали арвоҳ буд,  
Бозгашташ рўзи истифтоҳ буд.**

(«Маснавий»ким, руҳларга сайқал берувчи эди,  
Чалабийнинг қайтиши истифтоҳ<sup>1</sup> куни бўлди.)

(Шарҳ). Чалабийнинг қайтиш замони «Маснавий» иккинчи дафтарининг очилиши ва бошланиши бўлди.

**Матлаъи таърихи ин савдойи суд,  
Соли ҳижрат шашсаду шасту ду буд.  
Булбуле з-инжо бирафту боз гашт,  
Баҳри сайди ин маъонӣ бозгашт.**

(Бу фойдали қораламанинг ёзилиш йили ҳақидаги матлаъ,  
Ҳижрат йилининг олти юз олтинч иккиси<sup>2</sup> эди.  
Булбул бу ердан кетди-ю, бургутга айланди,  
Бу маъноларни сайд этиш учун қайтиб келди.)

---

<sup>1</sup> Ифтитоҳ куни ҳақида ҳар хил фикрлар мавжуд. Ҳазрати Баҳр ул-Улумнинг ёзишича, бир ишнинг тўхтаб қолишидан сўнгги юришиб кетиши «ифтитоҳ» дейилади. Баъзилар уни ражаб ойининг 15-чиси, бу кунда дуолар қабул бўлади, дейдилар. Шайх Абдулҳақнинг ёзишича, ражаб ойидаги «ифтитоҳ» ҳадис китобларининг бирортасида мавжуд эмас. Одина Эшон ўз шарҳида Чалабийнинг қайтиши «Маснавий» 2-дафтарининг бошланиш куни экани ҳақида ёзади.

<sup>2</sup> 662 ҳижрий мелодийнинг 1263 йилига тўғри келади.

(Шарх). Талабгор ошиқ ўз мақсадига етиш учун талаб саҳросига кетди, у мақсад овига етмоқчи эди, у бургутта айланиб, мақсад маъноларига етиш учун қайтиб келди.

*Соғиди шах маскани ин боз бод,  
То абад бар халқ ин дар боз бод.*

(Шоҳнинг елкаси бу бургут учун маскан бўлсин,  
Тоабад халққа бу эшик очиқ бўлсин.)

(Шарх). Шоҳнинг яқинлик елкаси Чалабий Ҳусомуддин учун жой бўлсин, токи толибларнинг юзига унинг мазҳарият эшиги очиқ бўлсин.

*Офати ин дар ҳавову шахват аст,  
В-арна инжо шарбат андар шарбат аст.*

(Бу эшикнинг офати ҳавою шахватдир,  
Йўқса, бу ерда шарбат устига шарбатдир.)

(115а) (Шарх). Мақсад йўлининг офати ва тўсиғи нафс ва унинг талабидир, йўқса, Ҳусомуддиндан иборат бўлган бу эшикнинг ичида тажаллиёт шарбат ва унинг лаззати икки баробар бўлиб, тугамасдир.

*Ин ҳаво барбанд то бинӣ аён,  
Чашибанди он жаҳон халқу даҳон.*

(Бу ҳою ҳавасни банд қил, уни аён кўрасан,  
У жаҳонни тўсиб турувчи томоқ ва оғиздир.)

(Шарх). Бу нафс оғзини ҳою ҳавас лаззатидан юм, тажаллиёти Йлоҳийнинг зуҳур қилиш жойи бўлган асл мақсадни, яъни Ҳусомуддинни кўрасан.

*Эй забон, ту чун забонай дўзахӣ,  
В-эй жаҳон, ту бар мисоли барзахӣ.*

(Эй, сенинг тилинг дўзах алангасининг тили,  
Эй, сенинг жаҳонинг барзахнинг ўзгиваси.)

(Шарх). Эй, нафси амморангни тили толиб ва матлуб орасида дўзах алангасининг тили.

*Нури боқӣ пахлуйи дунёӣи дун,  
Шири софӣ пахлуйи жўҳойи хун.  
(Боқий нур пасткаш дунё ёнидадир,  
Тоза сут қон ариғи ёнидадир.)*

(Шарҳ). Шайх Хусомуддиндан иборат бўлган боқий нур пасткаш дунё ёнидадир. Пасткаш дунё эса мосиводан иборат бўлиб, қон дарёси олдидаги тоза сутга ўхшайди.

*Чун дар ў гоме ниҳӣ бе эҳтиёт,  
Шири ту хун мешавад аз иҳтилот.  
(Агар эҳтиётсизлик қилиб, унга қадам қўйсанг,  
Бу аралашувдан сутинг қонга айланади.)*

Агар шайх Хусомуддин талабида эҳтиётсизлик билан, қўрқмасдан қадам қўйсанг, мосиво қонига аралашувдан сенинг сутинг қонга айланади.

*Хилват аз агёр бояд, не зи ёр,  
Пўстин баҳри дай омад, не баҳор.  
Ақл бо ақли дигар дуто шавад,  
Нур афзун гашт, раҳ пайдо шавад.  
(Хилват ёрдан эмас, агёрдан қочиб учун қилинади,  
Пўстин баҳорда эмас, қишда кийилади.  
Ақл бошқа ақл билан кучаяди,  
Нур кўпайса, йўл пайдо бўлади.)*

*Нафс бо нафси дигар чандон шавад,  
Зулмат афзун гашт, раҳ пинҳон шавад.  
(Нафс бошқа нафс билан ҳамдам бўлса,  
Қоронғулик кўпаяди, йўл эса пинҳон бўлади.)*

(Шарҳ). Бошқа нафсдан мурод муқаллиддир, бошқа ақлдан мурод - муҳаққиқдир.

(116а) *Чунки зогон хайма бар гулшан заданд,  
Булбулон хомуш шуданду тан заданд.  
(Қарғалар гулшанга чодир қурганларида,  
Булбуллар жим қолиб, бу ҳолга тан бердилар.)*

(Шарҳ). Муқаллидлар толибларнинг истеъдод нурларининг гулшанига чодир тиккан вақтларида муҳаққиқ булбуллари жим қолдилар ва бу ҳолга тан бердилар.

*3-он ки бе гулзор булбул хомуш аст.  
Гайбати хуриед бедорихуш аст.  
(Чунки гулзорсиз булбул жим бўлади,  
Қуёшнинг ботиши бедорликни ўлдирувчидир.)*

(Шарҳ). Чунки гулзорсиз толибларнинг ботин нури муҳаққиқлардан иборат бўлган чаман булбулларисиз жим ва хомуш бўладилар. Толибларнинг ботин нуридан иборат бўлган қуёшнинг ботиши муҳаққиқларнинг рағбат бедорлигини ўлдирувчидир.

*Офтобо, тарки ин гулшан кунӣ,  
Токи таҳт ал-арзро равшан кунӣ.  
(Эй қуёш, бу гулшанни тарк эт,  
Токи ер остини равшан қил.)*

(Шарҳ). Эй муҳаққиқ, бу қарғаларнинг гулшанини тарк эт, вужудинг ери бўлган таҳт ал-арз (ер остини) Илоҳий нурлар билан равшан қил. Чунки толиблар қалбини равшан қилиш билан машғул бўлиш мушоҳада қилишдан қолдиради. Шунинг учун ҳам: «Валоят нубувватдан афзалдир» дейдилар, яъни Ҳаққа машғул бўлган набийнинг валояти халққа машғул бўлган нубувватидан афзалдир.

*Офтоби маърифатро нақл нест,  
Маъриқи ӯ гайри жону ақл нест.  
(Маърифатнинг қуёши учун ботиш йўқ,  
Унинг чиқадиган жойи эса жон ва ақлдир.)*

(Шарҳ). Рубубият тажаллийси бўлган маърифат қуёшининг ўз зоти чегарасида ботиши йўқ, бироқ унинг нур сочиши ва ёруғлиги Ҳақ таъоловнинг иродасига боғлиқ ва йўқлик висолининг мақоми шу ердадир. Бу қуёшнинг чиқадиган жойи руҳдан иборат бўлган жон ва ақли кулдан иборат бўлган ақлдир. Бу қуёш Онҳазрат (1166)саллаллоҳу алайҳи ва саллам нуридан иборат бўлган ақли кулл маъриқидан жон сатҳига тулуъ қилиб чиққач, жон ўзини

тўлиғича У деб билади. Шу сабабдан ҳам айтадилар: «Эй Парвардигорим, менинг шаъним нақадар улуғ, мен Ҳақман, чопоним ичида Аллоҳдан ўзга йўқ». Ва бу Рубубият тажаллийси ва айн ул-йақиндир. Ҳазрати Мавлавий шу ҳолга ишора қилиб айтадилар:

*Зоташ аз айнат яқин шуд н-аз сугун,  
Пухтагй чу дар яқин манзил макун.*

*Ту насўзй, нест он ҳаққ ул-яқин,*

*Гар яқин хоҳй ту дар оташ нишин.*

(Унинг Зоти сўзингдан эмас, кўзингдан йақин бўлди,

Пўхта бўлсанг, бу йақинда манзил тутма.

Агар сен ёнмасанг, бу Ҳаққ ул-йақин эмас,

Агар йақинни хоҳласанг, олов устига ўтир.)

Бу тавҳид ақли мақоми бўлиб, Ҳақ таъолонинг иродаси ва тақдири билан тажаллий замонининг инқизосидан сўнг юз беради. Соликнинг зоти боқий бўлиб, ҳали фано бўлмаган бўлса-да, жамликдан сўнг биринчи паришонлик юз бергач, яна Рубубият сифатлари аввалги ҳолга қайтади. Чунки Рубубият тажаллийси тарбия қилувчи ва тутиб турувчидирки, соликнинг зотини фоний ва йўқ қилмайди.

Шайх Воситий руҳларнинг ўнта мақомини исбот қилиб кўрсатадики, тўққизинчиси шунга ишоратдир. У айтадики, тўққизинчиси унинг қўлида бўлиб, У ўз зоти билан унга хитоб қилади, у Ундан ўзгани кўрмайди, бас, батаҳқиқ, Ҳақ унда нарсаларнинг мушоҳадасини чиқариб ташлаган.

Жамлик денгизидан қайтувчилар гўё шундай одамларки, Рубубият тажаллийсида паришонлик кирмоғига етганлар. Баъзилари шундайдурларки, барча ашёларни У деб биладилар ва айтадиларки, барча нарса Удир. Ва улар: «Барча ашёда Аллоҳ зоҳир ва У айни ашёдир» - дейдилар. Ва буни «*Тавҳиди вужудий*» (вужудий тавҳид) деб номлаганлар ҳамда мартабаларнинг энг юқорини ва мақсадларнинг энг аълоси шу деб билганлар. Ва буни айни Зот деб гумон қилганларки, аслида бундай эмасдир. Балки бу Рубубият тажаллийси бўлиб, ашёларнинг либосидир ва у соликнинг назарида мана шу либос кўзга ташланади.

Ҳазрати Шайх Аттор, сирлари муқаддас бўлсин, буюрадилар:



(117a) *Ҳар либосе, к-он ба сахро омадаст,  
Сояи Симури зебо омадаст.*

*Гар ҳама Симури, ки чил мури буд,  
Ҳар чи дидӣ сояи Симури буд.*

*Чун ту гум гаши чунин дар сояе,  
Кай зи Симуриат расад сармояе.*

(Сахродаги ҳар либос, яъни манзара,  
Зебо Семурғнинг соясидир.

Семурғнинг бари, гарчи қирқта қуш бўлса ҳам,  
Нимаики кўрган бўлсанг, бари Семурғнинг соясидир.

Агар сен бундай соя остида йўқ бўлиб кетсанг,  
Семурғдан қачон сенга бир сармоя етади?)

*Ҳазрати Мавлавий ҳам буюрадилар:*

*Сояро ту шахс мебинӣ зи жаҳл,*

*Шахс аз он шуд пеши ту бозийи сахл.*

*Бош, то рӯзе, ки он фикру хаёл,*

*Барқушояд беҳижобу парру бол.*

*Кўҳхо бинӣ, шуда чун паҳми нарм,*

*Нест гашта ин замини сарду гарм.*

*Не само бинӣ, на ахтар, на вужуд,*

*Жуз Худойи Воҳиду Ҳайӣ Вадуд.*

(Сен подонлик туфайли сояни одам деб кўрасан,  
Сенинг енгил ўйинг сабабли у шахс бўлиб кўринади.

Сабр қил, бир куни бу фикру хаёл,

Ҳижобсиз сенга намоён бўлади.

Тоғларни қара юнғдек юмшоқ бўлган,

Иссиқ-совуқдан иборат бу ер ҳам йўқ бўлади.

На осмонни кўрасан, на юлдузу на вужудни,

Воҳид (Яғона), Ҳай (Тирик) ва Вадуд (Дўст) бўлган

Аллоҳдан ўзгани кўрмайсан.)

Улардан баъзилари шундайдики, ашёлар ойнасида Уни кўрадилар. Шунинг учун: «Нарсада Аллоҳдан ўзгани кўрмайман» дейилади. Буни «*Тавҳиди шуҳудий*» (шоҳид бўлувчи тавҳид) дейдиларки, мава бунда шунга ишорат бордир: «Бўлдим Мен махфий, бас хоҳладим билмоқликни, бас яратдим халқни билмоқлик учун». Орифлардан кўпчилиги шу мақомда қолганлар ва ниҳоятларнинг ниҳояти шу деб билганларки, аслида бундай

эмас, негази улухийят тажаллийси бундан юксакроқдир, ашёлар Унинг нур мартабаларига тоқат қилолмайди. Чунончи, Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳадисида келади: «Аллоҳу таъолонинг нур ва зулматдан етмиш минг ҳижоби бордир...» Улуҳийят тажаллийси билан орифларнинг орасидан ҳар асрда битта кишинигина муяссар қилади, бошқаларнинг барчаси биринчи мақомда қоладилар. Барча унга тобеъ, ва унинг бир жузъидир, гўё юлдузлар Ойнинг жузъ (қисм)лари бўлгани каби. Чунончи, Ҳазрати Мавлавий, сирлари муқаддас бўлсин, бошқа жойда айтадилар:

(1176) *Худ жаҳон он як кас аст, ин боқиён,  
Жумла атбоғи туфайланд, эй фалон.  
Худ жаҳон он як кас астү аблаҳ аст,  
Ахтарон ҳар як ҳама жузви маҳ аст.  
(Ўша бир киши жаҳоннинг ўзи, қолганларнинг эса,  
Барчаси унинг тобеъларидир, эй фалончи.  
Ўша бир киши жаҳоннинг ўзи, лекин подондир,  
Юлдузларнинг ҳар бири Ойнинг қисмларидир.)*

Ҳазрати Шайх Аттот, сирлари муқаддас бўлсин, шу маънода айтадилар:

*Ҳар чи бинад, рўйи ў бинад мудом,  
Зарра-зарра кўйи ў бинад мудом.  
Сад ҳазор асбоб дар зери ниқоб,  
Рўйи ў бинмоядаш чун офтоб.  
Сад ҳазорон мард гум гардад мудом,  
То яке асрорбин гардад тамом.  
(Нимани кўрса, доимо Унинг юзини кўради,  
Барча зарраларда Унинг кўйини кўради.  
Ниқоб остида юз минг сабаблар,  
Унинг юзини офтоб каби кўрсатади.  
Сирларни биладиган битта кишига айлангунча,  
Юз минглаб кишилар йўқ бўлиб кетади.)*

Ҳазрати Мавлавий, сирлари муқаддас бўлсин, айтадилар:

*Кардаам бахти жавонро ном пир,  
К-ў зи Ҳақ пир аст, на айём пир.  
Ончунон пир аст, к-аш оғоз нест,  
Бо чунин дурри ятим анбоз нест.  
(Бу ёш бахтимни қари деб номладим,  
У Ҳақдан қари, айёмдан эмас.  
У шундай қарики, бошланиши йўқ қаридир,  
Бундай нодир дурнинг тенгги йўқ.)*

Улуҳидйат тажаллийсининг белгиси шуки, беғоятнинг ғояти билан кишини бу мақомга мушарраф қилса, унда на дунёвий, на ухравий хаёл ва фикр қолмайди, нафсга қулоқ солиш, сўзлар, ҳарфлар, маънолар ва маъорифлар дилдан кетади ва улар бунинг тилига жорий бўлмайди, балки маънолар ва маъорифлар ҳарфсиз унинг дилида пайдо бўлади ва ҳарфларга айланиб, тилига чиқади: «Қимки Аллоҳни таниса, унинг тили гунг бўлади». Ҳазрати Мавлавий «Маснавий»да шунга ишора қилиб айтади:

*Эй Худо, жонро ту бинмо ин мақом,  
К-андар ў бе ҳарф мерўяд калом.  
(Эй Худо, бу мақомни жонимизга кўрсат,  
Қайсики, унда ҳарфсиз сўз пайдо бўлади.)*

(118а)Агар дилда фикр ва хаёл, ҳарфлар жамъи, маънолар ва маъорифлар бўлса, улуҳидйат тажаллийси ҳосил бўлмагандир. Чунончи, Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Аллоҳнинг неъматлари ҳақида фикр қилинглр, Аллоҳнинг Зоти ҳақида фикр қилманглр». Ҳазрати Мавлавий бу ҳадис таржимасида дейдилар:

*3-ин васийят кард моро Мустафо,  
Баҳ кам гуед дар зоти Худо.  
(Мустафо (с.в.) бизга бу васиятни қилди:  
«Худонинг зоти ҳақида баҳсни кам қилинглр».)*

Бироқ, рубубийят тажаллийси асносида Ҳайй ва Қаййум тажаллийси юз берадики, бу рубубийят тажаллийси доимий бўлади ва бу жуда нодирдир. Ҳайй ва Қаййум сифати тажаллийсининг аломати шундайки. Ўзида ҳам, ашёларда ҳам Уни кўради. Чунончи, Ҳазрати Мавлавий айтадилар:

*Аз вабойи ризқи маҳрумӣ баро,  
Дар жаҳони Ҳайӣу Қайюмӣ даро.  
То намебинам ҳама бинам шавад,  
В-он надонамҳот, медонам шавад.*  
(Ризқдан маҳрумлик қўрқинчидан чиқ,  
Ҳайӣ ва Қайюм жаҳони ичра кир.  
Токи «курмаяпман» дейишинг, «кўряпман»га айлансин,  
«Билмайман» дейишинг, «биламан»га айлансин.)

Сабот ва қарорнинг мавжудлигига қарамай, Ҳайӣ ва Қайюм сифатининг тажаллийси унда ҳосил бўлгач, ботиний вужуднинг хуми сингач, ундан латифроқ ва нафисроқ бошқа бир вужуд унинг ўрнига ўтиради. Яна бошқа бир тажаллий рўй бериб, ўтирган ўша вужудни яна вайрон қилади, то улухийлат тажаллийси ҳосил бўлгунча шундай бўлаверади. Ҳазрати Мавлавий шунга ишорат қилиб айтадилар:

*Хум шикасту об аз ӯ норехта,  
Сад дурустӣ з-ин шикаст ангехта.  
Жузв-жузви хум ба рақс асту ба ҳол,  
Ақли жузвиро намуда ин маҳол.*  
На сабӯ пайдо дар ин ҳолат, на об,  
(1186) Хуш бубин, валлоҳу аълам бис-сабоб.  
(Хум синди, бироқ ундаги сув тўкилмади,  
Бу синишдан юзта созлик пайдо бўлди.  
Хумнинг синиқлари рақсда-ю, бироқ,  
Ақли жузвийга бу нарса маҳол кўринади.  
Бу ҳолатда на кўза бору на сув,  
Якшилаб боқ, Аллоҳ тўғрилиқни билиб турувчидир.)

Матн:

*Хосса хуршеди камоле з-он сарист,  
Рўзу шаб кирдори ӯ равшангарист.*  
(Хусусан, камолга етган қуёш бош бўлиб,  
Кеча-кундуз унинг иши ёритишдир.)

(Шарҳ). Хусусан, комил қуёш бир бош каби бўлиб, унинг иши кеча-кундуз равшан қилишдир. Ва бу қуёш улухийлат тажаллийси

бўлиб, уни «**ҳаққ ул-йақин**» деб атайдилар. Шайх Аттор, сирлари муқаддас бўлсин, «**Мантиқ ут-тайр**» китобининг «**Фақру фано водийси**» фаслида ёзадилар:

*Сад ҳазорон сояи хуршед ту,  
Гум шуда бинӣ зи як хуриди ту.  
Баҳри кулӣ чу ба жунбиш кард роӣ,  
Нақшхо бар баҳр кай монад ба жой.  
Ҳар ду олам нақши он дарёст бас,  
Ҳар кӣ гӯяд нест, он савдост бас.  
(Агар сен юз мингта куёш сояси бўлсанг ҳам,  
Битта куёшдан ўзингни йўқ бўлган ҳолда кўрасан.  
Кулл денгизи агар жўнбишга келса,  
Денгиз устидаги нақшлар қандай қилиб ўз жойида қолсин?  
Икки олам ўша дарёнинг нақшидир.  
Ҳар ким, ундай эмас, деса, бас савдойдир.)*

Мана шу тажаллий солиқнинг вужудини фоний қилувчи, ашёларни йўқ қилувчи, рубубиятдан ва бошқадан бўладиган барча тажаллиётни йўқ қилувчидир. Бу гўё куёш нурида юлдузларнинг ва сояларнинг йўқ бўлганига ўхшашдир. Бинобарин, Ҳазрати Мавлавий бу куёшни «бош» деб айтганлар.

Матн:

*Матлағи шамс ой, гар Искандарӣ,  
Бағд аз он ҳар жо равӣ некуфарӣ.  
(Агар Искандар бўлсанг, куёш чиқадиган жойга кел,  
Шундан сўнг қайта борсанг нур сочувчи бўласан.)*

(Шарҳ). Улуҳидоят куёшининг чиқар жойи Онҳазрат саллаллоҳу алайҳи ва саллам нурлари бўлиб, бу нур обиҳаёт манбаи, ҳушёрлик, боқийлик ва сабот майдонидир. Иккинчи жамланишдан сўнгги иккинчи паршонликдир. Мартабалар ниҳоятининг ниҳояти шудир. Ҳақиқий тавбанинг, яъни қайтишнинг тамом бўлиши ва бу ниҳоятларнинг айни ўзи деб гумон қилардилар, Ҳазрати Мавлавий шунга ишорат қилган (119а) ҳолда Билол разийаллоҳу анҳунинг Онҳазратга хитоб қилганларининг ҳикояти асносида, ўз ҳоллари ҳақида буюрадилар.

*Эй тани ман, эй раги ман пур зи ту,  
Тавбаро гунжо кужо бошад дар ӯ.  
Тавбаро з-ин бас зи дил берун кунам,  
Аз ҳаёти худ тавба чун кунам?  
Ишқ қарҳор аст, ман мақсури ишқ,  
Чун қамар равшан шудам аз нури ишқ.  
Барги коҳам пеши ту, эй тундбод,  
Ман чи донам то кужо хоҳам фитод.  
(Эй менинг таним, эй менинг томирим Сенинг билан тўла,  
Унда тавба учун қандай йўл бўлсин.  
Шуниг учун тавбани дилимдан чиқараман,  
Боқий ҳаётдан қандай қилиб тавба қилайин?!  
Ишқ енгувчидир, мен эса ишқдан енгилувчи,  
Сенинг ҳузурингда бир сомон баргиман, эй кучли  
эсувчи шамол.)*

## **АВЛИЁЛАРНИНГ, АЛЛОҲ УЛАРГА РАҲМАТИНИ СОЧСИН, АНБИЁЛАРГА, УЛАРГА САЛОВОТ ВА САЛОМЛАР БЎЛСИН, ХУСУСАН, МУҲАММАД МУСТАФО САЛЛАЛЛОҲУ АЛАЙҲИ ВАСАЛЛАМГА ТОБЕ ЭКАНЛИКЛАРИ БАЁНИДА**

*Гар ҳилолам, гар Билолам, медавам,  
Муқтадийи офтобат мешавам.  
Мохро бо зорию зафтий чи қор,  
Дар пайи Хуршед пўяд соявор.  
(Агар ҳилол бўлайин, агар Билол бўлайин, чопиш билан,  
Қуёшинга эргашувчи бўламан.  
Ойнинг зорлик ва қоронғилик билан нима иши бор?  
У қуёшнинг кетидан соя каби эргашади.)*

(Шарҳ). Солик Онҳазрат саллаллоҳу алайҳи ва саллам нурининг шарафига мушарраф бўлагач, у итоат қилувчи подшога айланади. Авлиёларнинг барчаси эса унга итоат қиладилар ва унинг фармониға кулоқ тутадилар. Шуниг учун ҳам юқорида келган байтда: «Шундан сўнг қайта борсанг нур сочувчи бўласан» дейилади.

Матн:

**Баъд аз он ҳар жо рави машриқ шавад,  
Шарқҳо бар мағрибат ошиқ шавад.**  
(Шундан сўнг, қайта борсанг, машриқ бўлади,  
Шарқлар мағрибинга ошиқ бўлади.)

(Шарҳ). Қачонки улухийлат куёшининг чиқадиган жойига етиб борсанг ва унга восил бўлсанг, сўнг қайта борсанг ёки қайта келсанг Зот тажаллийси офтобининг машриқи бўласан: «Бас, қайси тарафга юзлансангизлар, ўша тарафдадир Аллоҳ таъоловинг юзи» (Қуръон, 2/115) ояти, гарчи бу тажаллий барча кўринишлардан ва машриқлардан пок бўлса-да, бу маънони ўз ичига олувчидир. Бу ерда машриқни ёд этиш иборатни сиқик беришдан иборатдир. Чунончи, Ҳазрати Мавлавий, сирлари муқаддас бўлсин, бошқа ерда шунга ишорат қиладилар:

**Машриқи хуршед буржи Қиркун,  
(1196) Офтоби мо зи Машриқҳо бурун.  
Машриқи ӯ нисбати зарроти ӯ,  
Не баромад, не фурӯ шуд зоти ӯ.**  
(Куёш машриқи - Қиркун буржидир,  
Бизнинг куёшимиз машриқлардан озоддир.  
Унинг машриқи унинг зарраларига нисбатандир,  
Унинг Зоти на чиқувчи ва на ботувчидир.)

(Шарҳ). Биринчи тилга олинган рубубият тажаллийсига ишора бўлиб, унинг машриқи, яъни чиқадиган жойи Қиркун буржи ҳисобланади. Мазкур бурж жалол сифати бўлиб, ранги қорадир. Машриқ, маҳал ва унинг нурлари ашёларнинг майдони ва варақларнинг сафҳасидир. Шунинг учун ҳам: «Унинг машриқи зарраларга нисбатандир» дейилади. Иккинчи тилга олинган куёш пок Зот тажаллийсига ишора бўлиб, у шарқ ва ғарбдан пок ва муназзаҳдир. Шунинг учун ҳам: «Унинг Зоти на чиқувчи ва на ботувчидир» дейилади. Мана шу ерда Онҳазрат алайҳис саломнинг жонини пок Зот нури орқали кўрадилар. Чунончи, Муҳаммад алайҳис салом уларнинг жонини шу нур орқали кўрадилар, тарбиятлар ва назарлар кўргизар эдилар. Чунончи, Ҳазрати Мавлавий бошқа жойда буюрадилар:

*Гуфт пайгамбар, ки ҳаст аз умматам,  
К-ӯ бувад ҳаммашрабу ҳамҳимматам.  
Мар маро з-он нур бинад жонашон,  
Ки ман эшонро ҳамебинам бад-он.*

(Пайгамбар дедиларки, менинг умматимдан шундайлар  
борки,

Улар мен билан ҳаммашраб ва ҳамҳимматдирлар.  
Уларнинг жони мени шу нур билан кўрадилар,  
Ва мен ҳам уларни шу нур орқали кўраман.)

Бу давлат ва бу Илоҳий фазилат Онҳазрат саллаллоҳу алайҳи ва салламга зоҳирӣй ва ботинӣй тугал тобелик туфайли ҳосил бўлади. Чунончи, машойихлар, Аллоҳ уларнинг руҳларини муқаддас қилсин, айтадилар: тобелик уч қисмдир: тан тобелиги, дил тобелиги ва руҳ тобелиги. Тан тобелиги уни адабга бўйсиндиришдир. Дил тобелиги дилни мосиво муҳаббатидан ва фикрлардан пок ва мусаффо қилиш, чиройли хулқлар билан безатишдир. Руҳ (120а)тобелиги - жоннинг жони бўлган руҳ ва «уларга нуридан сочди» нурига мушарраф қилишдир:

*Гар будӣ жон зинда бепартав кунун,  
Ҳеч гуфти қофиронро майӣтун.*

(Агар жон унинг партависиз тирик бўлганда,  
Қофирларни «ўликлар» деб ҳеч айтармидинг.)

(Демак, руҳ тобелиги) уни Онҳазрат саллаллоҳу алайҳи ва саллам нури ичида маҳв этиш ва Онҳазрат саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг поёни йўқ нуридан бош чиқариб, пок Зотнинг беҳад ва бепоён нурини бекайф ва кам мушоҳада этишдир. Ва бу тобеликнинг камолидир. Агар бунга ҳадди сизмаса, шунчалик ҳаракат қилсинки, буни тарк этмасин. Чунки Расул саллаллоҳу алайҳи ва саллам буюрдиларки: «Ҳар нарсаки, агар у тўлиқ тошлмаса, тўлиқ ҳам ташлаб қўйилмайди», куч ва қувват етгунча ҳаракат қилсинлар, қидирсинлар, токи қидиришнинг ўҳдасидан имкон борича чиқа олсинлар. Ҳақ субҳонаҳу ва таъоло буюрди: «(Эй Муҳаммад), айтгинг: «Агар сизлар Аллоҳни дўст тутсангизлар, менга тобе бўлинглар» (Қуръон, 3/31). Агар бу тобелик тугал ва тўлиқ камолга етса: «Аллоҳ ҳам сизларни дўст тутади» (Қуръон, 3/31) деган содиқ ваъда ҳукми бўйича, Ҳазрати Подшоҳ ўз



ҳабибининг мулозими ва тобеси бўлган бандасининг ожиз қоматига дўстлик хилъатини кийгизади, уни ўз дўстига айлантиради ва ўзидан бошқани дўст тутишига йўл қўймайди.

Ҳазрати Рисолат паноҳий саллаллоҳу алайҳи ва саллам буюрадилар: «Агар мен дўст танловчи бўлганимда Абу Бакрни дўст қилиб танлардим». Бу нурлар чироғидан гўё Ҳазрати Мавлавий иқтибос қилиб, бу нурларни мана бу икки байтда марҳамат қилибдилар:

*Ман чизуна ҳуш дорам як нафас,  
Чун бибошад нури ёрам пешу пас.*

(1206) *Нури ӯ дар юмну юсру тахту фавқ,  
Бар сару бар гарданам монанди тавқ.*

(Мен қандай қилиб бир нафас ҳушёр бўлайин,  
Ёримнинг нури олдимдаю орқамда турган бўлса.  
Унинг нури ўнгу сўлимда, пастдаю тепада,  
Бошимда ва бўйнимда тавқ каби доимо ҳозир.)

«Шарқҳо бар мағрибат ошиқ шавад» (шарқлар мағрибингта ошиқ бўлади), яъни тажаллийёт нурларининг зуҳур қилиш жойи бўлган авлиёлар Онҳазрат саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг нурига етишиб, мағриб, яъни унга гуруб қилганлар (ботанлар), унга ошиқ ва мулозим бўлганлар.

Улуҳийят тажаллийси билан пок Зот кашфи орасидаги фарқ шуки, улуҳийят тажаллийси Онҳазрат саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг нуридан қуйи оламга тулуъ қилиб чиқиб, солиқнинг вужудини фоний ва йўқ қилади, ашёларни ва рубубият тажаллийси ҳамда бошқаларни йўққа айлантиради ва ғойиб қилади. Зот тажаллийси шундайки, Онҳазрат саллаллоҳу алайҳи ва саллам нурига фарқ бўлиб, маҳв бўлгандан сўнг яна ўша нурдан бош кўтариб, ҳақиқий маҳбубни гоҳ-гоҳ ҳижобсиз ҳолда кўради. Чунончи, айтадилар:

*Хосса ҳар шаб жумла афкори уқул,  
Нест гардад жумла дар баҳри нуқул.*

*Боз вақти субҳ он Аллоҳиён,  
Бар зананд аз баҳр сар чун моҳиён.*

(Хусусан, ҳар кечаси барча ақл фикрлари,  
Оқувчи денгизда йўқ бўладилар.)

Ўша Аллоҳни қидирувчилар яна тонг вақтида,  
Балиқлар каби денгиздан яна бош чиқарадилар.)

Пок Зот тажаллийси соҳибларининг номи Абдуллоҳдир ва улар Ҳақ таъолодан доимо огоҳдирлар. Улар барча авлиёлар устидан қутб ва шоҳдирлар. Чунончи, айтадилар:

*Қутби онҳоро чу Абдуллоҳ дон.  
Аз Ҳаққи пайвастаи огоҳ дон.  
(Авлиёларнинг қутбини Абдуллоҳ деб бил,  
Уларни Ҳақдан доимо огоҳ деб бил.)*

Гарчи рубубият олами, улуҳийят олами ва пок Зот олами Зотнинг оламлари бўлиб, тажаллий эса ўша олам нурларининг бу оламга ўз мартабасига мувофиқ яқинлашган солиққа кўриниши ва эсишидан иборатдир. (121a) Бироқ бу оламларнинг орасида маънога муносиб исмда ва сайр суръатида фарқ ва имтиёз бор. Чунончи, Ҳазрати Мавлавий Румий буюрадилар:

*Сайри ориф ҳар даме то тахти шоҳ,  
Сайри зоҳид ҳар маҳе як рўза роҳ.  
Гарчи зоҳидро бувад рўзи шигарф,  
Кай бувад як рўзи ў хамсийна алф.  
Қадри ҳар рўзе зи умр, эй марди қор,  
Бошад ин соли жаҳон панжа ҳазор.  
(Орифнинг сайри бир нафасда шоҳ тахтигачадир,  
Зоҳиднинг сайри бир ойда бир кунлик йўлдир.  
Гарчи зоҳиднинг куни ажойиб бўлса ҳам,  
Қачон бир кунлик йўли эллик минг йилга тенг бўлади?  
Эй ишбиларманд киши, бир кунлик умрнинг қадри,  
Бу жаҳоннинг беш минг йилга тенг.)*

(Шарҳ). Чунончи, Ҳазрати Хожа Муҳаммад Порсо, сирлари муқаддас бўлсин, «Таҳқиқот» рисолаларида баён қилишларича, рубубият оламидаги бир кунлик сайр бу жаҳоннинг минг йилга тенгдир. Бу сайрнинг бу йили «*синнини малакутий*» (малакутий йил) дейилади. Улуҳийят оламидаги бир кунлик сайр бу жаҳоннинг беш минг йилга тенгдир. Бундай сайр йилини «*синнини жабарутий*» (жабарутий йил) дейилади. Пок Зотдан

иборат «*Синнини лохутий*» (лохутий йил)ни «*Синнини сармадий*» (сармадий йил) дейилади. «Ҳақ жазбаларидан битта жазба инсон ва жинларнинг амали билан тенгдир»ки, миқдор ва санокқа сифмайди. Денгиздек тераклик сармадий йилга муносибдир ва бу ваҳдатдаги боқийликдир. Аллоҳ билувчироқ. Бу Аллоҳнинг фазлидир, кимга хоҳласа, унга беради, Аллоҳ улуг фазл эгасидир.

Матн:

*Ҳисси хуффошат сўйи мағриб давон,  
Ҳисси дурпошат сўйи машриқ равон.  
Роҳи ҳис роҳи харон аст, эй савор,  
Эй харонро ту мазохим, шарм дор.*

(Кўршапалак каби ҳисларинг мағриб томон чопувчи, Дур сочувчи ҳиссинг эса машриқ сари равона бўлувчидир. Ҳис йўли - бу эшакларнинг йўли, эй уни минган киши, Эй эшакларга заҳмат берувчи, бу ишдан уял.)

*Панж ҳиссе ҳаст жуз ин панж ҳис,  
Он чу зарри сурх, ин ҳисро чу мис.  
Андар он бозор, к-аҳли маҳшаранд,  
Ҳисси мисро чун ҳисси зар кай харанд.*

(Бешта ҳисдан бошқа яна бешта ҳис бор, Униси қизил олтин, бу ҳислар гўё мисдир. Бозор ичида гужгон урган одамлар, Мис ҳисни қачон олтин ҳис каби сотиб оладилар?)

*Ҳисси абдон қути зулмат мех(в)арад.  
Ҳисси жон аз офтобӣ мечарад.  
К-эй бибурда раҳти ҳисро сўйи гайб,  
Даст чун Мусо бурун овар зи жайб.*

(Бадавлар ҳисси зулматдан овқат ейди, Жон ҳисси қуёшдан бошоқ теради. Эй гайб сари ҳаракатта тушган одам, Мусо каби қўйинингдан қўлингни чиқар.)

## БОТИН ҲИСЛАРИ ВА УНИНГ АҲВОЛИ БАЁНИДА

(1226)Эй сен, Шоҳ инояти ва унинг чексиз илтифоти туфайли ботиний ҳисларнинг йўл жабдуғини ғайб олами сари йўналтирган киши, Ҳақ субҳонаҳу ва таъоло ўзининг мутлақ атоларига қарамай, Ҳақ фазлу карами билан бу руҳлардан олиб, ҳисларнинг ўрнига Ўзининг сифатларини унга арзон тутмиш Ҳазрати Расул саллаллоҳу алайҳи ва саллам Аллоҳу таъолодан ҳикоя қилган: «Кимки навофиллар билан Менга яқинлашса, уни яхши кўраман, агар уни яхши кўрсам, унинг учун кулоқ, кўз, тил, қўл, оёқ бўламан, Мен билан эшитади, Мен билан кўради, Мен билан гапиради, Мен билан туради, Мен билан юради» ҳадислари ҳам шу маънога далил бўлади. Бу шоҳий хилъатдан зийнат тошгандан сўнг, дунё деб аталган қуйи чоҳ, тавҳид аҳлининг мақоми ва рубубият тажаллийсининг зуҳур этиш жойидан энди Онҳазрат саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг нуридан иборат бўлган юқори оламга кўтарилиш муяссар бўлади. Чунончи, буюрадилар:

*Чун бараҳна рафт пеши шоҳ фард,*

*Шоҳаш аз авсофи қудсӣ жома кард.*

*Хилъате пўшид аз авсофи шоҳ,*

*Барпарид аз чоҳ бар айвони жоҳ.*

(У шоҳ ҳузурита яланғоч ҳолда борди,

Унинг шоҳи қудсий сифатлардан кийим тайёр қилди.

У шоҳ сифатларидан чопон кийди,

Қуйи чоҳдан иззат айвони томон учди.)

«Даст чун Мусо бурун овар зи жайб» (Мусо каби қўйинингдан қўлингни чиқар) дедилар, яъни Мусога ўхшаб, Онҳазрат саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг нуридан иборат бўлган ғайб қўлтиғидан қўлингни чиқариб, муридларнинг ботинини равшан қил! Бу байт мана бу ояти кариманинг мазмунига ишоратдир: «Олиб бор қўлингни қўлтиғингтаки, чуқур оқ бўлиб, айбсиз бўлур, иккинчи нишон, токи кўрсатайлик санга буюк нишонларимизни» (Қуръон, 20/22-23). Бу оқ нурни Онҳазрат саллаллоҳу алайҳи ва саллам нурига ташбиҳ қилиб, қўлдан нур чиқишига ўхшатганлар. Ва бу нурнинг тарбия учун нозил бўлишини қўлни қўлтиқдан чиқаришга ўхшатганлар.

Билгинки, комили мукаммил пирнинг ботини ғайб оламида тўлқин уриб турган дарё кабидир. Дарҳақиқат, муридларни тарбия қилувчи шу нурдир, пирнинг суврати эмас. Чунончи, Мавлавийнинг мана бу сўзи шунга ишорадир:

*Сўфӣ он сурат мапиндор, эй азиз,  
Ҳамчу тифлон то кай аз жавзу мавиз.  
(Бу шаклни сўфи домагин, эй азиз.  
Болаларга ўхшаб қачонгача ёнғоғу майиз дейсан.)*

Улар ҳар вақт муридларнинг тарбиясига юзлансалар, ўша нур дарёсидан бироzi узилишсиз нозил бўлиб, муридларни башарийлик киридан пок қилади. Ҳар вақт муридларни чўмилтиришдан уларда хиралик пайдо бўлса, яна ўз жойларига қайтадилар. Чунончи, Мавлавий ар-Румий, сирлари муқаддас бўлсин, айтадилар:

*Чун шавад тира зи гусли аҳли фарш,  
Бозгардад сўйи покӣ бахши Арш.  
Бозгардад з-он тараф доманкашон,  
В-аз таҳороти муҳити дарпешон.  
В-аз таяммум вораҳонам жумларо,  
В-аз таҳарро толибони қибларо.  
З-ихтилоли халқ ёбад изтилол,  
З-ин сафар жўяд «фарихно, ё Билол».  
(Ер аҳлини чўмилтиришдан кир бўлгач,  
Поклик бағишлайдиган Арш сари қайтадилар.  
Нурли денгизда поклангандан сўнг,  
У ердан этагини йиғиштириб қайтади.  
Дейдики таяммумдан барчани қутқараман,  
Қибла толибларини эса қидиришдан озод қиламан.  
Халққа аралашувдан агар малоллик тортса,  
Бу сафардан «бизни шод қил, Билол»ни қидиради.)*

Демак, бу ерда «қўл» қуйи оламга нозил бўладиган нурга ишорадир.

Матн:

*Эй сифотат офтоби маърифат,  
Офтоби чарх банди як сифат.*

(Эй, сифатлари маърифатнинг офтоби (бўлган пир),  
Осмон офтоби фақат бир сифатга эга.)

(Шарҳ). Бу ҳам комили мукаммил пирга хитоб бўлиб, унинг сифатлари маърифат куёшидир, бир сифатга эга бўлган осмон куёши каби эмас.

*Гоҳ туршеду гаҳе дарё шавӣ,  
Гоҳ Кўҳи Қоф, гоҳ анқо шавӣ.  
(Гоҳида куёшсан, гоҳида дарё бўласан,  
Гоҳи Кўҳи Қофсан, гоҳ анқо бўласан.)*

(1226)(Шарҳ). Бу байт ҳам юқоридаги байтнинг шарҳидир, яъни мазкур ғайб оламидан куёш каби қуйи оламга нур сочиб, муридларнинг ботинидан зулмат ва кудуратни йўқ қиласан, гоҳи ўз жойингга уруж, яъни кўтарилиб, дарё бўласан, гоҳида Кўҳи Қофдек олами ғайбдан иборат бўлган ўз жойингга қарор топасан, гоҳида анқо қуши бўласан, яъни ғайб ул-ғайбдан бош чиқариб, мушоҳада қиласан.

*Ту на ин бошӣ, на он аз зоти хеш,  
Эй фузун аз ваҳмто в-аз пеш беш.  
(Сен ўз зотинг билан у ҳам эмассан, бу ҳам эмассан,  
Сен хаёл ва гумонлардан холийсан.)*

(Шарҳ). Яъни, сен ҳақиқатда на куёшсан, на дарёсан, на Кўҳи Қофсан ва на анқо, сен хаёл ва гумондан ташқаридасан. Чунончи, Мавлавийнинг, сирлари муқаддас бўлсин, мана бу сўзлари шунга ишоратдир:

*Бори дигар аз малак қурбон шавам,  
Харчи андар ваҳм н-ояд он шавам.  
(Яна бир бор малакдан қурбон бўламан,  
Хар нарсаки хаёлга келмайди, ўша бўламан.)*

Ҳазрати Мавлавий, сирлари муқаддас бўлсин, «руҳ - илм ва ақлга ёр» деганларида юқорида васфлари ўтганларнинг оламати баён қиладилар ва улар Онҳазрат саллаллоҳу алайҳи ва саллам нурига восил бўлганлар ва Аллоҳнинг сифатлари билан музайян бўлганлардир. Бошқа жойда шу маънога ишорат қилиб айтадилар:

**Эй Худо, жонро ту бинмо он мақом,  
К-андарў бехарф мерўяд калом.**  
(Эй Худо, жонимизга ўша мақомни кўрсат,  
Қайсики, у жойда сўз ҳарфларсиз ҳосил бўлади.)

Матн:

**Рух бо илм асту бо ақл аст ёр,  
Рухро бо тозию туркї чи кор.**  
(Рух ақл ва илмга ёрдир,  
Рухнинг арабу турк билан нима иши бор.)

(Шарҳ). Бу байтдаги руҳдан мурод жоннинг жонидир ва «уларга нуридан (123а)томчилатди» деган нурдан иборатдир, дарҳақиқат солиқ бу кенг денгизда маҳв бўлувчидир. Шундай руҳ ҳар вақт илмга ҳамдам бўлса, Аллоҳнинг сифатига ёр бўлади. Ақл бу ерда ақли кулдан иборат бўлиб, унинг араб ва турк билан иши йўқ, яъни бу табиат ҳарфлари ва башарийлик вужудининг асаридир. Мадомики, солиқда улўҳийят тажаллийси ҳосил бўлмас экан, сифатдан нишонсиз бўлолмайди. Чунончи, «Мантиқ ут-тайр»да Онҳазрат саллаллоҳу алайҳи ва саллам мақтовларида айтилади:

**То нишоне ёфт жони ман зи ту,  
Бенишонї шуд нишони ман зи ту.**  
(Менинг жоним сендан нишон топач,  
Менинг нишоним бенишонга айланди.)

У то нишонли бўлар экан башарият вужудининг таъсири унда боқий бўлади, табиат ҳарфларидан иборат бўлган араб ва турк тилда мавжудлигини кўради. Чунончи, айтадилар:

**Мавжи хокї ваҳми фаҳму фикри мост,  
Мавжи обї маҳви суқрасту фаност.**  
**Аз ту, эй бенақш, бо чандин сувар,  
Ҳам мушаббих, ҳам муваҳҳид тирасар.**  
(Тупроқ мавжи фаҳм ва фикримиз хаёлидир,  
Сув мавжи мастлик ва фанога маҳв қилувчидир.  
Эй бенақш, сен туфайли бу бир қанча сувратлар билан,  
Мушаббих ҳам, муваҳҳид ҳам ҳайратдадир.)

(Шарҳ). Ўғни, эй қомили мукамил, сенинг висолга етишинг нақсиз ва рангсиз, балки беному нишондир. Бу шундайки, хилқатнинг бошида ва тупроқнинг хаамири пайтида Онҳазрат саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг нуридан мўъминларнинг жонига бир томчи ташланган бўлади. Чунончи, «мен Аллоҳдан ва мўъминлар мандан» ҳадиси шундан хабар беради. Ва бу нур мўъминлар жонининг жони ва уларнинг абадий ҳаётларининг боисидир. Чунончи, айтадилар:

**Гар будӣ жон зинда бепартав кунун,  
Ҳеч гуфтӣ кофиронро «майӣтун».**  
(Агар жон партав (нур)сиз тирик бўлганда эди,  
Кофирларни «ўликлар» деб айтармидиринг?)

(Шарҳ). Руҳ одамнинг гавдасидан иборат бўлган носутий қафасга ҳибс бўлиши - ҳижобга ва гирифторликка тушиши бўлиб, баъзиларида аслий (1236)ватанига қайтиш майли ҳосил бўлади ва Худойи таъолонинг жазбаси ва тавфиқи билан вужуд қалъасини ёриб, мақомотларни босиб ўтади ва масофаларни юриб ўтади. Исмлар ва сифатлар тажаллиёти ва Зот мушоҳадасига етади ва улар ўзларидан фоний бўладилар, чунончи уларда на сифатлар боқий қолади ва на Зот. Сифатлардан мурод мутлақ руҳнинг сифатларидир. Зотдан мурод инсоний руҳ эмас, ҳайвоний руҳдир. Шундан сўнг ҳақиқати Муҳаммадийдан иборат бўлган нурга етишадилар. Бу ерда шу қадар маҳв ва фоний бўладиларки, томчи ҳам, қатра ҳам, ном ва нишон ҳам қолмайди. Ва ўша ҳақиқат билан боқий бўладилар. Бунинг мисоли кўзадаги сувдирки, ариқдан олинса ва яна ариққа тўкилса, қандай қилиб ўз сифатидан маҳв ва фоний бўлади, зотидан алоҳида нишон қолмайди. Чунончи, Мавлавий бошқа жойда тамсил сифатида келтирадилар:

**Оби кўза чун дар оби жў шавад,  
Маҳв гардад дар вайу чу ў шавад.  
Васфи ў фонӣ шавад, зоташ бақо,  
Не зи пас кам мешавад, не буд лиқо.**  
(Кўза суви ариқ сувига қуйилса,  
Сувда йўқ бўлиб, сувга ўхшаб қолади.  
Кўривиши йўқ бўлади, бироқ ўзи боқий бўлади,  
Ундан на бирор нарса кам бўлади ва на кўринади.)



Сўфийларнинг китобларида айтилган бенишонлик шудир. Ва бу тамкин мақоми, солиқларнинг ниҳоят даражаси, бандалик мақоми, қутбият макони ва бевосилик жойи бўлиб, Онҳазрат салталлоҳу алайҳи ва саллам нуридан бош кўтариб, пок Зотни мушоҳада қиладилар. Авлиёларнинг бу гуруҳи Онҳазрат салталлоҳу алайҳи ва салламнинг ҳаммашраб-ларидирлар. Чунончи, Мавлавий буюрадилар:

(124а) *Гуфт Пайгамбар, ки ҳаст аз умматам,  
К-ў бувад ҳаммашрабу ҳамҳимматам.  
Мар маро з-он нур бинад жонашон,  
Ки ман эшонро ҳамебинам бад-он.*

(Пайгамбар дедиларки, умматимдан шундайлари

борки,

Улар мен билан ҳаммашраб ва ҳамҳимматдирлар.  
Уларнинг жонлари мени шу нур орқали кўради,  
Мен ҳам уларни шу нур билан кўраман.)  
Бу мақомнинг соҳиби шаънида айтадилар:

*Қутби инҳоро ту Абдуллоҳ дон,  
Аз Ҳақаш бевосита огоҳ дон.  
(Бу қутбларни сен Абдуллоҳ деб бил,  
Парвардигордан бевосита огоҳ деб бил.)*

Шайх Абул Ҳасан Ҳарақоний, сирлари муқаддас бўлсин, ҳаяжон ва симоъ ҳолатида: «Замон Худоси ва вақт Мустафосиман» деди. Унинг баробарида бир дарвиш: «Вақт Боязидиман ва замон Жувайдиман» деб, бу маънога ишорат қилди, яъни «соҳиби замонман, жаҳоннинг мадори бўлган қутбман ва вақт Мустафосиманки, тўлиқ унинг нури бўлиб қолганман». Чунончи, айтадилар:

*Эй гофилон, эй гофилон, ман Шамси Табрези наям,  
Ман нури шамси Мустафо, ман ошиқи деринаам.  
(Эй гофиллар, эй гофиллар, мен Шамси Табризий эмасман,  
Мен Мустафо қуёшининг нуриман, мен қадимий ошиқман.)*

Ва бу бенишонлик маъноси эмаски, банда бутунлай йўқ бўлиб кетса ёки айни Худо бўлиб қолса, чунончи, улуғларнинг баъзилари мастликдаги ҳолатида «Мен Худоман» (Ана-л-Ҳақ) ва «Парвар-

дигорим, менинг шаъним нақадар улуғ» деб гавго кўтарганлар ва ҳар хил гапларни гапирганлар. Бироқ қачон бўлмасин, банда бандадир, Холиқ Холиқдир. Онҳазрат саллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳам махлуқ (яратилган банда)дирларки, ўзларини изҳор қилиб: «Аллоҳ таъоло яратган биринчи нарса менинг руҳимдир» деганлар. Ва яна: «Аллоҳ таъоло яратган биринчи нарса менинг нуримдир» деганлар. Бу ерда ҳадисчилар ихтилофи бор.

Ҳақ субҳонаҳу ва таъоло Онҳазрат саллаллоҳу алайҳи ва салламни бандалик сифати билан ёд этади ва айтади: «Вақтики Аллоҳнинг бандаси Унга ибодат учун турар» (Қуръон, 72/19), яна: «Бас, ваҳий тушурди Аллоҳ бандасига» (Қуръон, 53/10). Ва мақомнинг ниҳоят бандалиқдир. У ерда барча (1246)хушёрлик, шариятни ва унинг амрларини ҳурмат қилиш лозимдир. Машойихлардан юз берган бир неча суврат ва шакллар, ҳар хил рангдаги нурлар, исмлар ва сифатларнинг тажаллиётим, ҳол аввалида сенга муяссар бўлмиш ва сен унинг зуҳур қилиш жойига айланибсан. Чунончи, бошқа жойда айтадилар.

**Гуна-гуна шарбату кўза яже,  
То намонад дар майи гайбат шаке.  
Бода аз гайбаст, кўза ин жаҳон,  
Кўза пайдо, бода дар вай бас ниҳон.  
Бас ниҳон аз дидаи номаҳрамон,  
Лек бар маҳрам ҳувайдою аён.  
(Шарбат ҳар хилу кўза биттадир,  
Токи гайб майида шак қолмасин.  
Бода гойибдану кўза бу жаҳондан,  
Кўза кўринувчи, ундаги май эса ниҳондир.  
Демак, у номаҳрамлар кўзидан яширин,  
Бироқ маҳрамлар учун очик ва аёндир.)**

Дарҳақиқат пир ўша нур ва бодадир, на суврат ва на гавда. Чунончи, айтадилар:

**Сўфӣ он сурат мапиндор, эӣ азиз,  
Ҳамчу тифлон то кай аз жавзу мавиз.  
(Бу сувратни сўфи деб ўйлама, эӣ азиз,  
Боаларга ўхшаб токайгача ёнғоғу майиз дейсан.)**

«Нафаҳот ул-унс» китобида ҳам Ҳазрати Мавлавий (Румий) сирлари муқаддас бўлсин, тилларидан шундай нақл қилинади: «Мен ошиқлар назарига манзур бўладиган жисм эмасман, балки мен ўша завқ ва шодликманки, муридларнинг ботинида менинг сўзимдан «Аллоҳ, Аллоҳ» бош кўтаради, бу дамни ганимат деб бил. Сен муридларни тарбиялаш учун талвин ва тамкинда бўлган сувратлар ва ранглардан қуйи оламга нузул қил. Ташбиҳ ва тавҳид аҳликим, сирлар маҳрами, басийрат соҳиби ва аён аҳллари эдилар, бу нурни мушоҳада қилиб, ақли лол ва ҳайронликда қолдилар. Чунончи:

*Гат, мушаббитро муваҳҳид мекунанд,*

*Гат, муваҳҳидро сувар раҳ, мезананд.*

(Гоҳ ташбиҳчини тавҳидчи қиладилар,

Гоҳ тавҳидчини сувратлар йўлдан уради.)

(Шарҳ). Гоҳида бу ҳар хил рангли сувратлар битта рангга айланиб, уни тавҳидчи қилади, гоҳида тавҳидчини нурлар суврати билан йўлдан уради.

*Гат, туро гўяд зи мастй Бул Ҳасан,*

*Ё сағийр ус-сини ё ратб ул-бадан.*

(Мастликдан гоҳида сени Бул Ҳасан,

Ёки гўдак ёхуд ўсмир дейди.)

(Шарҳ). Гоҳида сени мастликдан Абул Ҳасан дейдилар ёки гўдак ёхуд ёш ўсмир, дейдилар. Негаки сен тариқат йўлидаги гўдаксан, сен ҳар бир (125а)сувратда жилва қиладиган бенақшлик нималигини билмайсан. Абул Ҳасандан мурод комили мукаммил пирдир. Чунончи, айтадилар:

*Гох, нақши теш вайрон мекунад,*

*Аз пайи танзеҳи жонон мекунад.*

(Гоҳида ўз нақшини вайрон қилади,

Ва буни ўз жононини танзиҳ (поклаш) учун қилади.)

(Шарҳ). Яъни бу бенақш мукаммил пир бир неча сувратлар билан гоҳида ўз нақши ва сувратини вайрон қилади, бу сувратни вайрон қилиши Ҳақ таъолоғини нақш ва нишондан танзиҳ ва поклаш учундир, яъни бу ерда соликка таълим ишорати бўлиб, нақшдор

ва тасвирли нақшлардан иборат суварий ва маънавий тажаллийдан ўтиб, нақш ва сувратдан пок бўлган Зотни мушоҳада қилади. Чунончи, Шайх Аттот, сирлари муқаддас бўлсин, шу маънони адо қиладилар:

**Ҳазрате диданд бевасфи сифат,  
Бартар аз идрокү ақлу маърифат.**

(Сифат васфига эга бўлмаган бир Ҳазратни кўрдилар,  
У идрок, ақл ва маърифатдан юқори эди.)

Матн:

**Чашми ҳисро ҳаст мазҳаб эътизол,**

**Дидаи ақл аст сунний дар висол.**

**Сутраи ҳиссанд ақли эътизол,**

**Хешро сунний намояд аз залол.**

(Ҳис кўзининг мазҳаби мўътазиладир,

Ақл кўзи эса сунний висолдир.

Мўътазиланинг ақли ҳисга бўйинсунувчидир,

Ўзини сунний кўрсатиб, адашув ичидадир.)

**Ҳар кй дар ҳис монад ў мўътазилист,**

**Гарчи гўяд сунниям, аз жоҳилист.**

**Ҳар кй берун шуд зи ҳис, сунний вай аст,**

**Аҳли биниш чашми ақли хушпай аст.**

(Ҳар ким ҳис тузоғида бўлса, у мўътазиладир,

Гарчи у суннийман деса ҳам, бу подонлиқдир.

Кимки ҳисдан кутилса, ўша суннийдир,

Доно аҳли - ақлнинг кўзи ва тўғри юрувчидир.)

**Гар бидидй ҳисси ҳайвон шохро,**

**Бас бидидй гову хар Аллохро.**

**Гар набудй ҳисси дигар мар тууро,**

**Жуз ҳисси ҳайвон зи беруни ҳаво.**

(Агар ҳайвон ҳисси шохни кўрганда эди,

Бас, молу эшак ҳам Аллоҳни кўрган бўларди.

Беҳудага берилмайдиган ҳайвон ҳиссидан ўзга,

Сенда бошқа бир ҳис бўлмаганда эди.)

*Бас бани Одам мукаррам кай будй,  
Кай ба ҳисси муштарак маҳрам шудй.  
Номусаввар ё мусаввар гуфтанат,  
Ботил омад, не зи сурат рафтанат.*  
(Бас, Одам фарзанди қачон азиз бўларди,  
Қачон у муштарак ҳисга маҳрам бўларди.  
Сенинг мусаввар эмас ё мусаввардир дейишинг,  
Ботил сўздир, бу сувратдан қутилиш эмас.)

*Номусаввар ё мусаввар пеши ўст,  
К-ў ҳама мағзест берун шуд зи пўст.  
Гар ту кўрй, нест бар аъмо ҳараж,  
В-арна рав к-ассабури мифтоҳ ул-фараж.*  
(Номусаввар ё мусаввар деса,  
У пўстидан чиққан мағиздир.  
Агар сен кўр бўлсанг, кўр учун айб эмас,  
Кўр бўлмасанг, «сабр-шодлик калити».)

(1256) *Пардаҳои дидаро доруйи сабр,  
Ҳам бисўзад, ҳам бисозад шарҳи садр.  
Ойнай дил чун шавад софию пок,  
Нақшҳо бинӣ бурун аз обу хок.*  
(Кўзнинг пардаларига сабр доридир,  
Ҳам куйдиради, ҳам тузатади, дилни кенгайтиради.  
Дил ойнаси соф ва пок бўлгач,  
Суву тупроқдан ўзга нақшларни кўрасан.)

(Шарҳ). Дил ойнаси мосиво нақшлардан пок ва соф бўлгач,  
нақшларни кўрасан, яъни гавдангдан ташқарида бўлган  
авлиёллик нурларини кўрасан.

*Ҳам бубинӣ нақш ҳам наққоширо.  
Фарши давлатрову ҳам фарроширо.*  
(Сен нақшни ва наққошни кўрасан,  
Давлат гиламини кўрасан ва гилам тўшовчини ҳам кўрасан.)

(Шарҳ). Сен авлиёллик нақшларини кўрасан ҳамда нақш  
солувчи, яъни Аллоҳни кўрасан. Чунончи, айтади: «Агар бўлмаса  
эди Худонинг карами ва раҳмати сизларга, пок бўлолмас эди

Сизлардан ҳеч бир киши, лекин Худо хоҳлаган бандасини тоза қилур ва Худо эшитгувчи ва билгувчидир» (Қуръон, 24/21.)

## **БИР ИЛОНЧИ БОШҚА БИР ИЛОНЧИНИНГ ИЛОНИНИ ЎҒИРЛАГАНИ БАЁНИДА**

*Дуздаке аз моргире мор бурд,  
З-аблаҳдй онро ганимат мешумурд.  
Вораҳид он моргир аз захми мор,  
Мор кушт он дуздро бас зор-зор.  
(Бир ўғри бир илончининг илонини ўғирлади,  
Нодонлигидан уни бойлик деб ўйлади.  
Илончи илоннинг захмидан қутилиб қолди,  
Ўғрини эса илон зор қақшатиб ўлдирди.)*

(Шарҳ). Ҳийлагар муқаллид ўзига ўхшаган илончидан ҳийла ва афсун билан илонни, яъни нафс ва ҳаво аҳлини олиб кетади. Аблаҳ ва нодонлигидан буни хазина деб ўйлайди ва ганимат деб билади. Биринчи муқаллид, яъни илончи нафс ва ҳаво аҳли бўлган (1276) илонларнинг фитна хумидан қутилиб, муқаллидларнинг умрини бодга беради. Илон тутувчи бўлган биринчи муқаллиднинг Аллоҳ ҳидояти билан басийрат кўзи очилади. Илон ўғрисининг аҳволи ва оқибати унга маълум бўлади ва Ҳақ таъоло шукри ва саносини адо қилади, чунончи айтадилар:

*Дар дуо мехостй жонам аз ў,  
К-аш биёбам мор, бистонам аз ў.  
(Дуо билан жоним ундан тилардики,  
Илонни топсаму, ундан тортиб олсам.)*

Матн:

*Моргираш дид бас бишнохташ,  
Гуфт аз жон мори ман пардохташ  
Дар дуо мехостй жонам аз ў,  
К-аш биёбам мор, бистонам аз ў.  
(Илон тутувчи кўрди ва илонни таниди,  
У менинг илонимдан жон берибди, деди.  
Дуо билан жоним ундан тилардики,*

Илонни топсаму ундан тортиб олсам.)

*Шукри Ҳақро к-он дуо мардуд шуд,  
Ман зиён пиндоштам он суд шуд.  
Бас дуоҳо к-он зиён асту ҳалок,  
В-аз карам менашнавад Яздони пок.  
(Аллоҳга шукрки, бу дуо қабул бўлмади,  
Мен зиён деганим фойда бўлиб чикди.  
Бас зиён ва оқибати ҳалокат бўлган дуоларни,  
Пок Парвардигор ўз карами туфайли эшитмади.)*

## **БИР АБЛАҲНИНГ ИСО АЛАЙҲИС САЛОМДАН, СУЯКЛАРГА ЖОН АТО ҚИЛИШНИ МЕНГА ЎРГАТ, ДЕБ ИЛТИМОС ҚИЛГАНИНИНГ БАЁНИ**

Бир муқаллид Исо муҳаққиққа: «Ўликларни тирилтирадиган Исми Аъзамни менга ўргат, токи мен ҳам сенинг мартабанга етай» - деди. Муҳаққиқ жавоб бердики: «Биздаги даража сенда йўқдир, биз мосиво фикридан нафси пок қилганмиз».

*Гуфт, агар ман нестам асрорхон,  
Ҳам ту бархон номро бар устухон.  
(У агар мен сирларни билувчи бўлмасам,  
Унда сен суякларга Исми Аъзамни ўқи, деди.)*

*Гуфт Ийсо, ё Рабб, ин асрор чист?  
Майли ин аблаҳ дар ин пайкор чист?  
Чун гами худ нест ин беморро,  
Чун гами жон нест ин мурдорро.  
(Исо дедик, ё Рабб, бу қандай сир?  
Бу аблаҳнинг бу тортишувдан мақсади нима?  
Нега бу беморнинг ўз гами йўқ?  
Нега бу мурдорнинг ўз жони ҳақида қайғуси йўқ?)*

*Мурдаи худро раҳо кардаст ў,  
Мурдаи бегонаро жўяд руфў.  
Гуфт Ҳақ, идбор гар идборжўст,  
Хори рўянда жазойи кишти ўст.  
(Унинг ўзи ўлик, ўз ўлигини қўйиб,*

Бегона ўликка дармон қидиради.  
Хақ дедики, бадбахт бадбахтликни қидирувчи бўлса,  
Тикан унинг экинзори учун жазодир.)

## **СЎФИНИНГ ҲАМРОҲЛАРИ, СЎФИНИНГ УЛОВИ КАСАЛ ЭКАН, ДЕЯ ГУМОН ҚИЛГАНЛАРИ БАЁНИДА**

*Дар раҳи ислом бар пули Сирот,  
Дар сар ояд ҳамчу он хар аз хибот.  
Ишвахойи ёри бад менўш хин,  
Дом бин, эмин марав ту бар замин.  
(Ислом йўлида ҳамда Сирот кўприги устида,  
Ўша эшак каби зору аҳмоқ бўлади.  
Ёмон ёрнинг ишваларини дом деб бил,  
Ер юзида сен унга бепарво бўлма.)*

(Шарҳ). Эй талабгор киши, ёмон ёр, яъни муқаллиднинг ишвалари ва унинг айёрликларидан эҳтиёт бўл, унга кулоқ солма, алданма, унинг макру ҳийлаларига диққат қил, унинг макридан омондаман деб ўйлама.

*Сад ҳазор Иблиси ло ҳавлор бин,  
Одамо, Иблисро дар мор бин.  
(Юз мингта ло ҳавла дейдиган Иблисдан узоқ бўл,  
Эй одам, Иблисни сен илон оғзида деб бил.)*

(Шарҳ). Эй азиз, юз минглаб муқаллидлар борки, ботинда Иблисдир, юз минглаб ташқи кўринишда ло ҳавла дейдиган Иблис одамлар бор. Эй биродар, ҳаракат қил ва интил, токи уларнинг тузоғига тушмагайсан ва ҳийлалар чоҳига куламагайсан. Одам алайҳис салом Иблисни илон деб гумон қилмаган эди, унинг ҳийла тузоғига тушди.

(1316) *Дам диҳад гўяд туро, эй жони дўст,  
То чу қассобе кашад аз гўшт пўст.  
Дам диҳад то пўстат берун кашад,  
Войи он аз душманон афюн чашад.  
(У дам уриб, эй жон дўст, дейди,*



Аслида қассоб каби гўштингдан терингни шилиб олади.  
У терингни шилиб олиш учунгина дам уради,  
Душман кўлидан афюн еганинг ҳолига войлар бўлсин.)

**МАҒФУРУ МАРҲУМ, МАШҲУРУ МАЪЛУМ, ЯЪНИ  
МАВЛОНО ЖАЛОЛИДДИН РУМИЙНИНГ, АЛЛОҲ  
СИРИНИ МУҚАДДАС ҚИЛСИН ВА ҚАБРИНИ  
МУНАВВАР ҚИЛСИН, АХВОЛИ БАЁНИДА**

*Халқро тоқу турум орийят аст,  
Амрро тоқу турум можийят аст.  
(Халққа айшу шодлик вақтинчалиқдир,  
Амр учун айшу шодлик абадийдир.)*

(Шарҳ). Муқаллидларнинг айшу шодликлариким, бу дунёнинг бир неча кунлик (134а)иззат сабабларидан иборат бўлиб, дунё ҳаётидан баҳраманд бўлурулар, бу вақтинчалиқдир ва бунинг боқийлиги йўқ, муҳаққиқлар учун эса айшу шодлик абадий иззатдан иборат бўлиб, уларга мулозимдир ва улар билан боқий биргадир.

*Аз паси тоқу турум хорӣ кашанд,  
Бар умеди изз дар хорӣ хушанд.  
Бар умеди иззи даҳ рӯза ҳадук,  
Гардани худ кардаанд аз вам чу дук.  
(Айшу иззат ортидан хорлик тортадилар,  
Иззат умидида хорлик тортанита хурсанддирлар.  
Бу ўткинчи ўн кунлик иззат умидида,  
Ғамдан озиб, бўйниларини дук (йил) каби интичка қилиб  
олганлар.)*

(Шарҳ). Ҳадук, яъни ўткинчи ва паришон дунёнинг ўн кунлик иззати пайидан бўлиб, ўз гарданларини дук чўпи каби қилганлар.

*Чун намеоянд инжо, ки манам,  
К-андарин изз офтоби равшанам.  
(Мен бу ерда эканман, нега олдимга келмайдилар,*

<sup>1</sup> Қуръон, 24/27.

Иззат бобида мен равшан қуёшман.)

(Шарх). Муқаллидларни қандай нарса орқага қайтармоқда, нега мен турган жойга келмайдилар? Бу ер ишонч оstonасидир, то билсинларки, мен иззат ва айш буржида қуйига нур сочиб турувчи ёрқин ва тобон қуёшдирман.

*Машириқи хуршед буржи қиргун,  
Офтоби мо зи машириқхо бурун.*

(Қуёшнинг машириқи, яъни чиқадиган жойи қийр каби  
қора жойдир,

Бизнинг қуёшимиз эса машириқдан холийдир.)

(Шарх). Рубубият тажаллийси қуёшининг шарқи қийрга ўхшаш қорадир, пок Зот қуёшининг эса шарқи йўқ, у ҳар қандай рангдан холий, бугун мен ўша қуёшнинг нисбатиман.

*Машириқи ў нисбати зарроти ў,  
Не баромад, не фурў шуд Зоти ў.*

(Машириқ деганда Унинг зарраларига нисбатан айтилади,  
Ваҳоланки, Унинг Зоти на чиқади ва на ботади.)

(Шарх). Рубубият тажаллийсининг машириқи, яъни чиқиш жойи оламнинг зарраларида ва У мана шу зарраларда зухур қилади. Пок Зот тажаллийси учун на машириқ, на мағриб, на чиқиш ва на ботиш йўқ. Шунинг учун, «Унинг Зоти на чиқади ва на ботади» дедилар.

*Мо ки вопас монда зарроти ваем,  
Дар ду олам офтоби бефаем.*

(Биз Унинг ортидаги зарралармиз,  
Икки олам ичида соясиз қуёшмиз.)

(Шарх). Бизким, олам зарраларининг ортида (1346)қолдирилганлармиз ва бу зарралар Унинг тажаллий мазҳарининг соясидир, демак биз икки оламда соясиз офтобдирмиз.

*Боз гирди Шамс мегардам ажаб,*

*Ҳам зи фарри Шамс бошад ин сабаб.*

(Яна Шамс (Қуёш)<sup>1</sup> атрофида айланмоқдаман, во ажаб,  
Бунинг сабаби ўша Шамснинг нуридир.)

(Шарҳ). Қуйи оламга тушганимдан сўнг мушоҳададан тўхтаб қолган эдим, яна мушоҳадага қайтдим ва бу ажаб ҳол ва таҳсинга сазовордир.

*Шамс бошад бар сабабҳо мутталяъ,*

*Ҳам аз ў ҳабли сабабҳо мунқатаяъ.*

(Шамс (Қуёш) сабаблардан хабардордир,  
Сабаблар ишнинг узилиши ҳам Ундандир.)

(Шарҳ). Менинг қайтишимнинг сабаби Шамсдир ва у қандай сабаб бўлса, сабаблардан огоҳдир ва яна ундан сабабларнинг ишлари ҳам узилувчидир, Унинг муқаддаслик этагига ҳеч қандай сабабнинг қўли етмайди.

*Сад ҳазорон бор бибридан умед,*

*Аз кӣ аз Шамс, ин шумо бовар кунед.*

(Мен юз минг марталаб умидимни уздим,  
Қимдан? Шамсдан. Сиз бунга ишонинг.)

(Шарҳ). Юз минг марталаб, балки бунга икки баравар кўп Ҳақ таъоло жамолининг қуёшини мушоҳада қилишдан умид узиб, таназулга тушдим, бироқ яна мушоҳада юз берди, сиз бунга ишонинг.

*Ту маро бовар макун к-аз офтоб,*

*Сабр дорам ман ва ё моҳӣ зи об.*

(Агар мен Қуёшдан кўнгил уздим десам ишонма,  
Балиқ сувдан ҳечқачон кўнгил узадими?)

(Шарҳ). Мен Қуёшдан умид узаман ва фироқида сабр қиламан десам, сен менга ишонма ёки балиқ сув фироқида чидайди, деса, ишонма.

*В-ар шавам навмед навмедийи ман,*

---

<sup>1</sup> Бу ерда Шам (Қуёш)га ҳамда Шамси Табризийга ишора қилинмоқда.

*Айни сунъи офтоб аст, эй Ҳасан.*

(Агар ноумид бўлсам, бу менинг ноумидлигим ҳам,  
Айни ўша қуёшнинг ишидир, эй Ҳасан.)

(Шарҳ). Агар мушоҳададан тўхтаб қолсам, жамол қуёшнинг мушоҳадасидан тўхтаб қолишим ўша қуёшнинг сунъи (иши)дир.

## **ПОДШО ЛОЧИННИНГ БОЙҚУШЛАР ОРАСИГА ТУШИБ ҚОЛГАНИ ВА БОЙҚУШЛАРНИНГ ЛОЧИН БИЛАН МОЖАРО ҚИЛГАНЛАРИ**

*Боз он бошад, ки ояд назди шох,  
Боз кўр аст он ки шуд гум карда роҳ.  
(Шоҳ олдиға келган лочин лочиндир,  
Йўлини йўқотган лочин эса кўрдир.)*

(Шарҳ). Ҳайрат денгизидан мушоҳада соҳилига қайтган авлиёуллоҳлар икки фирқага бўлинадилар. Биринчиси комиллар фирқаси бўлиб, Аллоҳ жанобининг ҳазратига юзланганлар ва Унинг жамоли мушоҳадасига фарқ бўлганлар, сўнг яна бош кўтариб, (1356) Унинг ҳайрат денгизидан қайтганлардир. «Шоҳ олдиға келган лочин лочиндир» деганларда шу фирқани назарда тутганлар. Яна бири комил ва мукаммиллар фирқаси бўлиб, улар халқни тарбиялаш учун мушоҳададан қолганлар ва қуйи оламга юборилганлардир. Бироқ юқорига кўтарилш, қайтиб тушиш, мушоҳадани ихтиёри уларга топширилган ва « йўлини йўқотган лочин кўдир» деганларида шу фирқани назарда тутганлар.

*Роҳро гум кард дар вайрон фитод,  
Боз дар вайрона бо чугзон фитод.  
(Йўлни йўқотиб, бир вайронага тушди,  
Вайронадаги бойқушлар орасига кириб қолди.)*

(Шарҳ). Мушоҳада йўлини йўқотиб, вайронага тушди, яъни бойқушлар суҳбатига тушди, бойқушлар эса дунё аҳлидир.

**УЧИНЧИ ЖИЛД  
ОДАМЛАРНИНГ РИЗҚЛАРИ ВА РИЗҚНИНГ КАСБ  
ЁКИ ҲАРАКАТ БИЛАН ҲОСИЛ БЎЛМАСЛИГИНИ  
БИЛИШ БАЁНИДА**

**(1486)БИСМИЛЛАҲИР РАҲҲОНИР РАҲИЙМ**

*Эй Зиё ул-Ҳақ Хусомуддин биёр,  
Ин сейум дафтар, ки шуд суннат се бор.  
Барқушо ганжинайи асрорро,  
Дар сейум дафтар бихил эъзорро.  
(Эй Зиё ул-Ҳақ Хусомуддин учинчи дафтарни,  
Келтиргинки, учлик шариатда суннат бўлди.  
Бу учинчи дафтарда сирлар хазинасини,  
Очил, узр айтишни қўйгил.)*

*Қувват аз қуввати Ҳақ мезаҳад,  
Н-аз уруқе к-аз ҳарорат межаҳад.  
Ин чароғи Шамс к-ў равшан бувад,  
Н-аз фатилу панбаву равган шавад.  
(Қувватинг Ҳақ қувватидан жўш уради,  
Бу қувват ҳарорат сабабли урадиган томирдан эмас.  
Бу равшан бўлган Шамс чироғи,  
Пилта, ёғ ёки пахта туфайли эмас.)*

*Сақфи гардун к-ў чунин доим шавад,  
Н-аз танобу устуне қойим шавад.  
Қуввати Жибрил аз матбах набуд,  
Буд аз дидори Халлоқи Вадуд.  
(Доимо мавжуд бўлиб турган осмон томи,  
Иплар ёки устунлардан тик тургани йўқ,  
Жабраил (а.с.)нинг қуввати ошхонадан эмас,  
Халлоқ (Яратувчи) ва Вадуд (Дўст) Аллоҳнинг дийдори  
туфайлидир.)*

*Ҳамчунин дон қуввати абдоли Ҳақ,  
Ҳам зи Ҳақ дон, н-аз таому н-аз табақ.  
Жисм ашонро ҳам зи нур исриштаанд,  
То зи руҳу в-аз малак бигзаштаанд.*

(Ҳақ чилтонларининг қувватини ҳам Ҳақдан деб бил,  
У на таомдандир ва на товоқдан.  
Уларнинг жисмларини ҳам нурдан қорганлар,  
Бу билан улар руҳ ва фариштадан ҳам ўтганлар.)

*Чунки мавсуф ба авсофи Жалил,  
З-оташи амроз бигзар чун Халил.*  
(Сен Жалил (Аллоҳ) сифатлари билан орастасан,  
Халиллуллоҳ каби олов иллатини ёриб ўт.)

(Шарҳ). Чунки сени Ҳақ таъолонинг тажаллиёт нурлари ўз бағрига олган ва меҳрибонлик соясини бошинг узра ташлаган. Демак вужуд иллатларининг оловидан Ҳазрати Иброҳим Халил ур-Раҳмон алайҳис салом каби манзиллар ва тажаллиёт (149а) нурларидан бирма-бир ўт, токи вужудингдаги зулматнинг ҳар бир парчаси ўрнига тажаллий нурлари ўтирсин, то нур билан қорилган бўлгин. Бу билан тўрт унсур сенинг фармонингда бўлсин, чунончи, давом этиб, айтадилар:

*Гардад оташ бар ту ҳам «барду салом»,  
Эй аносир бар мизожатро гулом.  
Ҳар мижозеро аносир моя аст,  
В-ин мизожат бартар аз сармоя аст.*  
(Эй унсурлар мижозига гулом бўлган зот,  
Олов сен учун ҳам «совуқ ва омонлик»<sup>1</sup> бўлсин.  
Ҳар бир мижоз учун унсурлар моядир,  
Бу мижозинг ҳар қандай моядан устунроқдир.)

*Ин мизожат аз жаҳони мунбасит,  
Васфи ваҳдатро кунун шуд мултақит.  
Эй дарего, арсаи афҳоми халқ,  
Сахт танг омад надорад халқ ҳалқ.*  
(Бу мижозинг кенг оламдан бўлиб,  
Бугун ваҳдат васфини йиғиб олувчидир.  
Афсуски, халқнинг ақл майдони,  
Жуда тор бўлди, халқнинг гўё ҳалқуми йўқ.)

<sup>1</sup> Анбиё сурасидаги: «Эй олов, совуқ бўл ва омонлик бўл Иброҳим учун» оятига (69) ишора.

*Эй Зиё ул-Ҳақ ба ҳазқи раъйи ту,  
Ҳалқ бахшад сангро ҳалвойи ту.  
Кўҳи Тур андар тажаллӣ ҳалқ ёфт,  
Тоҳи май нўшиду майро барнатофт.  
(Эй Зиё ул-Ҳақ сенинг доно раъйинг,  
Ширивлиги билан тошга ҳалқум бағишлайди.  
Тур тоғи тажаллий вақтида ҳалқум топди,  
Май ичди ва майдан юз ўғирмади.)*

*Сора даккан минҳу ваншаққ ал-жабал,  
Ҳал раайтум мин жабал рақс ал-жамал.  
Луқмабахшӣ ояд аз ҳар кас ба кас,  
Ҳалқбахшӣ кори Яздон асту бас.  
(Тоғ ундан парчаланди ва ёрилди,  
Тоғнинг туя каби рақсга тушганини кўрганмисиз?  
Бир одам бошқа одамга луқма бахш этади,  
Аммо ҳалқум ва томоқ бахш этиш эса Парвардигорнинг  
ишидир.)*

(Шарҳ). Илоҳий тажаллиётнинг нурлар дарёсидан луқма, учқун ёки томчини талаб водийси лабташналарининг жон ҳалқумига қуйиш ҳар бир соҳиб иқтидор комили мукаммил пирнинг қўлидан келади. Бироқ бу луқманинг топиш истеъдоди ва ҳалқумини ато қилиш Ҳақ таъолонинг ишидир.

*Ҳалқ бахшад жисмрову ҳалқро,  
Ҳалқ бахшад баҳри ҳар узват жудо.  
Ин гаҳе бахшад, ки ижлолӣ шавӣ,  
Аз давову зи дағал холӣ шавӣ.  
(У жисм ва руҳга ҳалқум бағишлайди,  
Ҳар бир аъзонга алоҳида ҳалқум бахш этади.  
Буни шу пайтда берадики, сен ахлоқда улуғлик тополган  
бўлсанг,  
Ҳамда алдову дағалликдан холӣ бўлолган бўлсанг.)*

*То нағўйи сирри Султонро ба кас,  
То нарезӣ қандро пеши магас.*

(Буни шундай пайтда берадики), агар Султоннинг  
сирини бировга сўйламасанг,  
Қандни пашшалар олдига тўкиб бермасанг.)

(Шарҳ). Яъни, бу луқмани топиш истеъдодини шундай  
вақтда бахшида қиладики, ижлолий бўлолсанг, яъни сенинг  
жонинг кирликдан, алдов ва ёлғондан, холий, мусаффо ва  
айри бўлса. Шунда сенга таъм билиш қуввати ҳосил бўлади,  
бу қувват билан тажаллий (1496) нури луқмасининг лаззати  
ва таъминини ҳосил қиласан ва Султон сирини махфий сақлаш  
қуввати муяссар бўлади ва уни ғайридан асрай оласан.

*Гўши он кас нўшад асрори Жалол,  
К-ў чу савсан сад забон афтод лол.*

(Ўшал одамнинг қулоғи Ҳақ сиридан огоҳ бўлади,  
Агар унинг савсан каби юзта оғзи бўлса ҳам гунгу лол  
бўлади.)

(Шарҳ). Агар бирор одамга рубубият ва ундан бошқа  
тажаллий насибу рўзи қилган бўлса, ундаги илмлар ва  
билимлар, борди-ю уларда юзта тил бўлса-да, «кимки  
Аллоҳни таниса, тили узун бўлди» доирасида бўлади.  
Улуҳийят тажаллийси нурлари чақнашидан ўша илмлар  
ва билимлар фоний ва йўқ бўлади, чунончи унинг тили  
гунг ва лол бўлади: «Кимки Аллоҳни таниса, тили гўнг  
бўлади». Бундан эса ўша одамнинг жон қулоғи ҳарф ва  
овоздан холий бўлган ва маъориф илмларидан иборат бўлган  
Жалол сирларини нўш этади ва унга муяссар бўлади. Мана  
шундай киши бунга аҳл бўлиб, Султон сирларини эшитиши  
ва бунга аҳл бўлганга гапиришга лойиқ бўлади.

*Ин жаҳонро ошиқонаш мунқатеъ,  
Атли он олам мухаллад мужтамеъ.*

(150а) *Бас карим онаст к-ў худро диҳад,  
Оби ҳайвоне, ки монад то абад.*

(Бу жаҳоннинг ошиқлари ҳам айрилувчи,  
Ул олам аҳли эса доимий бирга бўлувчидир.  
Карим шундай одамки,  
Абадий қолиш учун ўзига обихаёт топади.)



*«Боқӣёт ус-солиҳот» омад карим,  
Раста аз сад офату ахтору бим.*

(Карим киши «Боқӣй қолувчи яхшилар»га<sup>1</sup> мос бўлди,  
У юзта офат, хатар ва қўрқинчни босиб ўтди.)

(Шарҳ). Яъни, шарофат ва ҳасаб билан зийнат тошган карим шундай кишики, обиҳаёт сувини тўйиб ичади ва обиҳаётнинг самараси ва фойдаси абадийдир, унга асло завол бўлмайди. Чунончи айтадилар: «Мўъмин одам икки оламда ҳам тирикдур» Обиҳаёт дейишдан мурод - Илоҳий тажаллиётлардан бўлган бир тажаллийдир, хоҳ у афъолий бўлсин, хоҳ асмоий бўлсин, хоҳ сифотий ёки зотий бўлсин. Ва ўша каримнинг «солиҳот» (яхши ишлари) мазкур тажаллиётдандир ва бу абадий ва боқӣй қолувчи, заволдан ҳимоя қилинган ва баҳра тошгандир. Шу туфайли бу карим офатлардан, хатарлардан ва қўрқинчлардан озоддир.

*Гар ҳазоронанд як кас беш нест,*

*Чун хаёлоти адад андешнест.*

*Окилу маъкулро ҳалқасту ной,*

*Ғолибу мағлубро ақласту роӣ.*

(Улар гарчи мингта бўлсалар ҳам, аслида биттадир,  
Хаёлотда саноқни ўйлайдиган эмас.

Еювчи ва ейилувчининг ҳалқум ва томоғи бор,

Ғолиб ва мағлуб бўлувчининг эса ақли ва фикри бор.)

*Ҳалқ бахшид ў асоӣи адлро,*

*Хўрд ў чандин асову ҳабро.*

*В-андару афзун нашуд з-он жумла акл,*

*З-он ки ҳайвонӣ набуда аклу шакл.*

(У (Мусовинг) адолат ҳассасига томоқ бахш этди,

У бошқа ҳасса ва арқонларни ютиб юборди.

Бу барча емиш билан қорни катта бўлмади,

Чунки бу емиш ва шакл ҳайвонники эмас эди.)

*Мар яқинро чун асо Ҳақ ҳалқ дод,*

*То битўрд ў ҳар хаёлеро, ки зод.*

<sup>1</sup> Марям сурасидаги: «Ва ҳамиша қолувчи яхшиликлар яхшироқдур Раббингиз қошида» оятига (76) ишора.

(Ҳақ ҳассаси ишонч-эътиқодга ҳам томоқ бахш этди,  
Ҳар қандай хаёлни бу оғиз еб юборди.)

(Шарҳ). Чунончи, Ҳақ таъоло адл ҳассасига томоқ бериб, сеҳгарларнинг сеҳрини ботил қилгани каби, шунга лойиқ бўлган эътиқодга ҳам суяниш ва ишониш керакки, шунда жон боғига умид дарахтидан мужда барги ҳосил бўлади.

(150б)Унда яна бошқа фойдалар ҳам бўлиб, барини санаб ўтиш қийин ва бу йақин ва эътиқодга шундай қувват бахш эттанки, сеҳр аралаш ва оқибати ботил ҳар қандай хаёлни йўқ ва нобуд қилади.

*Ҳалқи нафс аз васваса холий шавад,  
Меҳмони ваҳй ижлолий шавад.*

(Нафснинг ҳалқуми васвасадан холий бўлса,  
Ваҳй меҳмони иззатли ва икромли бўлади.)

(Шарҳ). Нафснинг томоғи тараддуд ва шакка сабаб бўладиган васвасадан холий бўлгач, унда ишонч ҳосил бўлади. Шундан сўнг ваҳй меҳмонининг ижлоли ва икромли: «Қайттил Парвардигоринг тарафига рози бўлгон ҳолда»га<sup>1</sup> мувофиқ бўлади.

Ва инъом ва фазл ато қилувчи Ҳақ таъолонинг икромли ва инъоми билан рози бўлинган ҳолда, ризолик хислатлари ва хулқлари ила ораста бўлиб, булар аҳлуллоҳ ва ҳизбуллоҳ бўлган солиҳ бандаларнинг қалбида акс этади. Уларнинг шиори «ва албатта биз Унга қайтувчилармиз» бўлиб, садоқат қадамларини сафо йўлига қўядилар ва жаннат уйига кирадилар ва йақин (эътиқод) мулкига чодир тикадилар.

*Ҳалқи жон аз фикри тан холий шавад,  
В-онгаҳон рўзиш ижлолий шавад.*

(Жон ҳалқуми тан ҳақида фикрлашдан холий бўлгач,  
Уша пайтда унинг ризқи рўзи ижлолий бўлади.)

(Шарҳ). Чун жон ҳалқи Аллоҳ карами билан тан фикридан холий бўлгач, унинг илми айнга айланади, тафаккур ва далил

---

<sup>1</sup> Куръон, 89/28.

қидиришдан фориг бўлади. Бу пайтда унинг ризқи ижлолий бўлади. Чунончи, Ҳазрати Мавлавий буюрадилар:

*Ин тафаккур в-ин тахайюл лўзбат аст,  
То ту тифлӣ худ ба донат ҳожат аст.*

*Чун зи тифлӣ раст, жон шуд дар висол,  
Фориг аст аз ҳиссу тасвири хаёл.*

*Халқу ақлу дил чу шуд холӣ зи фикр,*

(151a) *Ёфт бе ӯ ҳазми меъда ризқи бикр.*

(Бу тафаккур ва хаёл бир кўғирчоқдир,

Сен то гўдак экансан, сенга дон (емиш) ҳожат бўлади.

Гўдакликдан ўсиб ўтгач, жон висолга етишади,

Ва у ҳис ҳамда хаёл тасвиридан озод бўлади.

Томоқ, ақл ва дил фикрдан холий бўлгач,

Фикрсиз меъда ҳазми етук ризқ топади.)

(Шарҳ). Ҳалқ (томоқ), ақл ва дил фикрдан, яъни илм ва маърифатнинг жўшга келишидан холий ва озод бўлгач, илҳомдан иборат бўлган етук ризқни топади ва ҳарф ҳамда овоздан холий бўлади. Меъда, ақл ва дил уни тасарруф қилолмайдди. Ва бу мақомнинг соҳибига: «*Ё Раб, Сен покдурсан, бизда ҳеч илм йўқдур, фақат Сен ато қилган миқдорда бордур, албатта, Сен буюк илм ва ҳикмат соҳибидурсан*» (Қуръон, 12/32) ҳукмининг шукри ва ишончи ҳосил бўлади. Бу мақомга етишишдан аввал мақсад «муяссар қил етишни камоли маърифатингга»га мувофиқ бўлади.

*Шарти табдили мизож омад бад-он,*

*К-аз мизожу бад бувад марге бад-он.*

*Чун мизожу одамӣ гилхор шуд,*

*Зарду бадрангу сақиму хор шуд.*

(Унга мижозни ўзгартириш шарт бўлди,

Ёмон мижоз ёмон одамлар учун ўлимга айланди.

Одамнинг мижози тупроқ еювчи бўлса,

Сарик, ёқимсиз рангли, касал ва хор бўлди.)

*Чун мизожу зишти ӯ табдил ёфт,*

*Рафт зиштӣ, он рухаш чун шамъ тофт.*

(Агар унинг ёмон мижози ўзгариш топса,

Ёмонлиги кетиб, юзи шам каби нурли бўлди.)

(Шарҳ). Мазкур мақсадга восил бўлишнинг шарти олдинги байтда айтилганидек, бузилган мижозни ўзгартириш бўлиб, бу нафсдаги васваса ва жондаги, ақлдаги ва дилдаги фикр эди. Бу бузуқ мижоз ўзгартириш топгач, чунончи, шамдан аниққа, илмдан айнига, мукошафадан мушоҳадага айлангач, илҳом воситасида ўша ёмонлик ва забунлиги ўша одамдаги ватанидан кўчади ва йўқлик оламига чодир тикади. Шундан сўнг, ато этилган нурлар ўша ёмонлик ўрнига ўтиради, шунда ўша одамнинг юзи шам каби чароғон бўлади. (1516) Тамаъдан узилади ва ундан безор бўлади. Шундан сўнг, оёғини ломакон остонасига қўя олади, шундан сўнг қадамини шодлик ва ғам тўридан чиқаради, назарини ўхшаши йўқ Зот оламига қўяди. Чунончи, Ҳазрати Мавлавий, сирлари муқаддас бўлсин, буюрадилар:

*Чашми жонат равшану Ҳақбин шавад,  
Бекаломи куфр нури дин шавад.  
(Жонингви кўзи равшан ва Ҳақни кўрувчи бўлади,  
Куфр сўзисиз диннинг нурига айланади.)*

## **ОЧКЎЗЛИКДАН ФИЛ БОЛАСИНИ ЕГАНЛАР ВА НАСИҲАТЧИНИНГ НАСИҲАТИНИ ТИНГЛАМАГАНЛАР БАЁНИДА**

*Он шунидй ту, ки дар Ҳиндустон,  
Дид доное гурӯҳи дўстон.  
Гурсуна монда шуда бебаргу ур,  
Мерасиданд аз сафар аз роҳи дур.  
(Буни эшитганмисанки, Ҳиндистонда,  
Бир доно киши бир гуруҳ дўстларини кўрди.  
Улар оч, емишсиз ва ялангоёк,  
Узоқ сафардан етиб келган эдилар.)*

*Меҳри донойиш жўшиду бизуфт,  
Хуш саломишон чун гулбун шигуфт.  
Гуфт, донам к-аз тажаввуъ в-аз тало,  
(1526) Жамъ омад ранжатон з-ин Карбало.  
(Унинг донолик меҳри жўш урди-ю,  
Гулдек очилиб, уларга ширин салом қилди.*

Дедики, биламан, очликдан ва йўл азобидан,  
Карбало азоби каби ранжу заҳмат тортансиз.)

*Турфа кўре дурбини тезчам,*

*Лек аз уштур набинад гайри пашм.*

(Ажаб кўрлар борки, узоқни кўради, кўзи ўткир,  
Бироқ туяга бсқиб, фақат унинг юнгилигина кўради халос.)

(Шарҳ). Хайвонтабиат кишилар борки, улар ўзларининг айбларини кўришда, маънавиётни билишда, улугларнинг қалбларини тушунишда, йақин аҳлнинг дилидагини сезишда ғоятда кўрдирлар, аммо ташқи суврат ва зоҳирни кўришда, бошқаларнинг айбини топишда ғоятда ўткир кўзли ва узоқни кўрувчидирлар.

*Мў-бамў бинад зи ҳирфа ҳирси инс,*

*Рақси бемақсуд доранд ҳамчу хирс.*

*Мў-бамў бинад зи ҳирси худ башар,*

*Рақси ў холий зи хайру нур зи шарр.*

(Очкўзликни ҳунар даражасида ишдан игвасигача билади,

Айиққа ўхшаб мақсадсиз рақсга тушади.

Одамзот очкўзлик нималигининг сирру асрорини тўлиқ  
билади,

Бироқ унинг рақси яхшиликдан холий, ёмонликка эса  
тўладир.)

*Рақс онжо кун, ки худро бишкани,*

*Панбаро аз гўши шаҳват барканӣ.*

(Сен ўз ҳирсингни синдирадиган жойда рақс қил,

Шаҳват ва иштаҳа қулоғидан пахтани чиқариб от.)

(Шарҳ). Бас, эй зоҳирни кўрувчи кўр, сен йақин арбобларининг ташқи шаклини ва зоҳир томонини кўриш учун рақс ва саъй кўргизасан, аксинча бу рақс ва саъйни уларнинг ботин ва маъно томонини кўришга сарф этгинки, уларнинг шарофати, баракоти ва кимё назарларининг таъсирда ўз вужудининг тилсимини синдир ва шунда сен учун ўзингда яширин бўлган мақсуд хазинаси ошкор бўлгусидир.

**Рақсу жавлон бар сари майдон кунанд,  
Рақс андар туни худ мардон кунанд.**  
(Одамлар рақсу жавлонни майдонда қиладилар,  
Аллоҳнинг мард бандалари рақсни ўз қони устида  
қиладилар.)

(Шарҳ). Бас, эй зоҳир томонни кўрувчи, аҳли йақиннинг толибларига қара, улар ўз қонлари устида жавлон қиладилар ва рақсни мардон, яъни авлиёлар суҳбатида амалга оширадилар.

**Чун раҳанд аз дасти худ дасте зананд,  
Чун жаҳанд аз нуқси худ рақсе кунанд.**  
(Улар ўзларидан халослик топгач, қарсак чаладилар,  
Ўз нуқсонларидан қутилгач, рақсга тушадилар.)

(Шарҳ). Ошиқ бўлган толибларнинг саъйи мукаммал содиқ зотларнинг суҳбатида мақсадга мувофиқ бўлгач, улар ўз қўллари-дан фоний бўладилар, яъни қутиладилар ва ўз қонлари устидан ўтадилар, яъни сакрайдиларки, бу рубубият тажаллийсининг натижасидир. Матлуб ганжи улар учун ошкор ва манзур бўлгач, бокий мақсуд этагига қўл (1536)урадиларки, бу бақо ва рубубиятнинг иккинчи тажаллийсидир. Улар ўз қонларидан сакраб ўтадилар ва бунинг зараридан қутилиш тўлиғича зухурга келадикки, бу улухиййат тажаллийсининг биринчи натижасидир ва бунда тўлиқ фано бўлиб, улар «уларни севади»<sup>1</sup> базмида қўл уриб, оёқ тешиб, бир рақсдан иккинчи рақсга ўтадиларки, бу улухиййат тажаллийсининг иккинчисидир.

**Мутрибон-шон аз дарун даф мезананд,  
Бахрҳо аз шўрашон каф мезананд.  
Ту набинй лек бахри гўшашон,  
Баргҳо бар шохҳо ҳам кафзанон.**  
(Уларнинг чалгувчилари кўнгилда даф чаладилар,  
Денгизлар эса тўлқин уриб, қарсак чаладилар.  
Сени буни кўрмайсан, уларнинг қулоғи учун,  
Барглар шохлар узра қарсак чаладилар.)

<sup>1</sup> Қуръондаги «Ал-Моид» сурасининг 54-оятига ишора.

## ХОЖА ҲАМДА ҚАВМИНИНГ ҚИШЛОҚ САРИ ЙЎЛ ОЛГАНЛАРИНИНГ БАЁНИДА

*Шод аз ғам шав, ки ғам доми бақост,  
Андарин раҳ сўйи пастӣ иртиқост.  
Ғам яке ганжест ранжи ту чу кон,  
Лек кай даргирад ин дар кўдакон.*

(Ғам етса шод бўлки, ғам боқийликнинг домидир,  
Бу йўлда пастлик юқориликка олиб боради.  
Ғам бу хазина бўлса, ранж эса кондир,  
Лекин болалар буни қайдан фаҳмласин.)

*Кўдакон чун номи бозӣ бишнаванд,  
Бо харони кўр ҳамтак медаванд.*

(Болалар ўйиннинг номига кулоқ соладилар,  
Ҳатто кўр эшак билан бирга чопиш ўйнайдилар.)

(1636)(Шарҳ). Ғам - дин иши ҳақида ўйлашдан иборат бўлиб, у мақсад ганжидир ва у сенинг ранж тоғинг остида пинҳон бўлиб, гўё кондир. Унга доимий интилиш улуг жиҳоддир, демак доимо қадамни шу ранж сари кўй. Болалар ва гўдакларнинг ғайри фикрларни ҳайдаш ва бунга доимийлик кўрсатишдан иборат бўлган улуг жиҳодга қудратлари етмайди. Гўдақдан мурод, валлоҳу аълам, шундай кишики, ишларнинг оқибатига ақли етмайди ва сабр ҳамда жиҳодга тоқати бўлмайди. Демак, гўдаклар ёт фикрларни доимий ҳайдашга қодир эмаски, «Болалар ўйиннинг номига кулоқ соладилар, ҳатто кўр эшак билан бирга чопиш ўйнайдилар».

Эй биродар, муқаллид сари ва унинг суҳбати томон бормагинки, у ерда жонни ёқадиган тузоқлар, қийинчиликлар ва андуҳлар бор ва бу суҳбат тўғри зотларники эмас ва Ҳақ йўлида юрганлар-ники ҳам эмасдир, балки гўдакларнинг ҳавас ва ўйинга ишқибозлик йўлидир.

*Эй харони кўр, он сў домҳост,  
Дар камин ин сўй хуношомҳост.  
Тирҳо пинҳон нашуд, лекин камон,  
Ғашта пинҳон аз ду чашми мардумон.*

(Эй кўр эшаклар, у томонда домлар бор,  
Ул томоннинг пистирмасида қонни ичувчилар мавжуд  
Ўқлар пинҳон бўлмади, бироқ,  
Одамларнинг икки кўзидан камон пинҳон бўлди.)

(Шарҳ). Бас, эй муқаллид суҳбатига рағбат қилувчи, муқаллид ишларининг бошланиши қаердан ва унинг охири қаерда тугагани билмасанг ҳам, бироқ унинг тақлиди феълидан ва сўзидан очиқ ва равшандир. Бу гўё ўққа ўхшайди, ўқ бир жойгача етиб боради ва ярадор қилади, ярадор қилиши ошкор, аммо камони пинҳондир.

*Тирхо паррон, камон пинҳон зи гайб.  
Бар жавонӣ мерасад сад тири шайб.  
(Ўқлар учиб турувчи, камон эса ғойибда,  
Ёшлик сари қариликнинг юзта ўқи етади.)*

(Шарҳ). Бу ерда ўқдан мурод муқаллиднинг сўзлари бўлиб, у заҳар билан бўялгандир ва унинг бу тирида ҳалок қилиш хислати бор. Талаб йўлида рағбат ва ёшликка эга бўлган толибга (164а) унинг заҳарланган, бесабаб ва бепар ўқи етгач, ўша толибни қарилик ва берағбатликдан иборат бўлган маънавий ҳалокатга етказади.

*Гом дар саҳройи дил бояд ниҳод,  
З-он ки дар саҳройи гил набвад кушод.  
(Қадамни дил саҳросига қўймоқ керак,  
Чунки лой саҳросида кушодлик бўлмайди.)*

(Шарҳ). Қадамни сафоликнинг садоқати йўлида муҳаққиқнинг суҳбатига қўймоқ керакки, руҳ фазосининг очилиши, руҳга етадиган роҳат, дилни очувчи калит ундадир. Лойга гарқ қиладиган муқаллиднинг суҳбатидан қочиб керакки, «чунки лой саҳросида кушодлик бўлмайди».

*Эмин обод аст дил, эй дўстон,  
Чашмаҳову гулситон дар гулситон.  
Буж ила-л-қалби ва сир ё сория,  
Фийҳи ашжорун ва айнун жория.*



(Эй дўстлар, дил омовлик ривож топган жойдир,  
Унда чашмалар ва гулистон ичра гулистонлар бор.  
Эй сайр этувчи, қалбга нидо қил ва сайр эт,  
Унда дарахтлар ва оқиб турувчи булоқлар бор.)

*Дех марав, дех мардро ахмақ кунад,  
Ақро бенуру беравнақ кунад.  
Қавли пайгамбар шунав, эй мужтабо,  
Гўри ақл омад ватан дар русто.*  
(Қишлоққа борма, қишлоқ одамни нодон қилади,  
Ақлингни нурсиз ва равнақсиз қилади.  
Эй пок зот, Пайгамбарнинг сўзига қулоқ сол,  
Қишлоқда яшаш ақл учун гўрдир.<sup>1</sup>)

(Шарҳ). Набий алайҳис салом айтдилар: «Кимки қишлоқда бир кун яшаса, бир ой нодон бўлади, кимки бир ой яшаса, бир умрга нодон бўлади».

*Ҳар кй рўзе бошад андар русто,  
То ба моҳе ақли ў н-ояд ба жо.  
Ҳар кй дар русто бувад рўзе ба шом,  
То ба моҳе ақли ў набвад тамом.*  
(Ҳар ким қишлоқда бир кун бўлса,  
Бир ойгача унинг ақли жойига келмайди.  
Ҳар ким қишлоқда кундуздан шомгача бўлса,  
Бир ойгача унинг ақли тугал бўлмайди.)

*То ба моҳе ахмақй бо ў бувад,  
Аз ҳашиши дех жуз инҳо чй дрвад.  
Он ки моҳе бошад андар рўсто,  
Рўзгоре бошадаш жахли ғумо.*  
(Бир ойгача нодонлик у билан бўлади,  
Қишлоқ алафидан бундан ўзга нимани ўради.  
Кимки қишлоқда бир ой яшаса,  
Нодонлик ва кўрлик бир умргача бўлади.)

---

<sup>1</sup> Бу ерда қишлоқларни обод қилиш, шаҳарга яқинлаштириш, илму ҳунарга ривож беришга тарғиб маъноси баён қилинмоқда.

*Дех чй бошад, шайхи восил ношуда,  
Даст дар тақлид дар ҳужжат зада.  
(Қишлоқ нимадир, етишмаган шайх,  
Тақлид бобида қўлини ҳужжатга ургандир.)*

(Шарҳ). Ҳужжат ва бурҳон баён аҳлининг наздида тақлид ва гумондан нажот (1646)гопиш сабаблари бўлса-да, бироқ аён аҳли наздида унга чанг солиш айб ва нуқсондир. Агар унинг соҳибида кўз бўлса-да, маънавий кўриш йўқ, агар тил бўлса-да, сўзлай олиш йўқ. Чунончи, буюрадилар:

*Пеши шахри ақли куллий ин ҳавос,  
Чун тарони чашмбаста дар харос.  
(Ақли куллий шахри олдида бу сезгилар,  
Тегирмонда кўзи боғлаб қўйилган эшакларга ўхшайди.)*

(Шарҳ). *Ақли кул* Онҳазрат саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг нуридан иборат бўлиб, бу ерда шаҳардан мурод шундай кишики, уни бундай улуғ мақомга етказгандирлар ва тасарруф қўлини хазинага етказишга рухсат этганлар. Бу шахснинг ҳузурида ҳужжат ва далилларнинг сабаблари бўлган мазкур сезгиларнинг соҳиби *жузъни* босиб ўтиб, *куллга* етмагани учун бу сезгилар унинг кўзини тўсган ва оёғини банд қилгандир. Бу одам, борди-ю, сўзласа, ўзидан сўзлайди, агар юрса, ўзидан юради, у гўё тегирмондаги эшакка ўхшайди. Бу айтилганлар шундай одам ҳақидаки, унинг учун Ҳақ йўли илм ул-йақин, айн ул-йақин ва ҳаққ ул-йақин билан маълум бўлмаган ва у шайхига тақлид қилади, халос.

## **СЕҲРГАРЛАРНИ ШАҲАРЛАРДАН ТЎПЛАШ УЧУН МУСО АЛАЙҲИССАЛОМНИНГ ФИРЪАВНГА МУҲЛАТ БЕРГАНИ БАЁНИДА**

*Чашм бозу гўш бозу ин зако,  
Хираам дар чашмбандийи Худо.  
Ман зи эшон хира, эшон ҳам зи ман,  
Аз баҳоре хор эшон, ман суман.*

(Кўз очик, кулоқ очик, бу донолик билан,  
Худонинг кўзни боғлаб кўйишига ҳайратдаман.  
Мен улардан ҳайратдаман, улар мендан ҳайратда,  
Баҳор пайти улар тикан, мен эса ёсуман гулиман.)

*Пешашон бурдам баса жоми раҳик,  
Санг шуд обаш ба пеш ии фарик.  
Дастаи гул бастаму бурдам ба пеш,  
Ҳар гуле чун хор гашт аз нўши неш.*  
(Уларнинг олдига тоза шароб қадаҳини олиб бордим,  
Бу гуруҳ олдида қадахдаги шароб тошдек қотди.  
Гулдан даста тузиб, олдиларига олиб бордим,  
Ҳар битта гул санчиладиган тиканга айланди.)

*Он насиби жони беҳешон бувад,  
Чунки боҳешон аз ӯ пинҳон бувад.*  
(Бу нарса жонидан кечганларга насиб этади,  
Жонидан кечмаганларга у яширин бўлади.)

(Шарҳ). Маъноларни ва авлиёуллоҳларнинг ботинини таниш ва тушуниш ўзидан кечганларнинг насиби ва ҳиссаси бўлади. Бунинг учун ҳойу-ҳавас эшигини нафснинг юзига ёпиш, маҳзун ва мажруҳ дилни Унинг оstonасида мунтазир тутиш, гавда кўзини безавол офтобининг жамолига тикиш зарур. Чунончи айтадилар:

*Хуфтаи бедор бояд пеш ии мо,  
То ба бедорӣ бубинад хобҳо.  
Душмани ии тоби хуш шуд фикри халқ,  
То наҳусбад фикраташ, бастаст халқ.*  
(Уйкудаги одам бизнинг олдимизда бедор бўлмоғи лозим,  
Бундай одам бедор ҳолда тушлар кўра олади.  
Бироқ халқ фикри бу ёқимли тушга душмандир,  
Фикри уйкуда бўлмаслиги учун томоғини бекитиб олгандир.)

*Ҳайрате бояд, ки рўбад фикрро,  
Хўрда ҳайрат фикррову зикрро.  
Ҳар кӣ комилтар бувад ӯ дар хунар,  
Ў бамаънӣ, нас ба сурат пештар.*

(Фикрни супуриб кетиши учун ҳайрат лозим,  
Бу ҳайрат фикрни ҳам, зикрни ҳам еб битирсин.  
Ҳар ким хунарда мукамалроқ бўлса,  
Аввал ул маънода, сўнг сувратда билимдонроқ бўлади.)

(Шарҳ). Унинг даргоҳига етишнинг шарти ўздан кечилдир,  
ўшал даргоҳнинг оstownасига етишишнинг йўли ўздан кесилиш  
ва ўзликни синдиришдир. «Гулшани роз» китобида айтилади:

*Бимир аз хеш то ёбӣ раҳойи,  
Ки пайванди ту омад ин жудойи.  
Зи ту ин шаклу шева кай назирад,  
Чу то бар худ на дасти ту бизирад.  
На касро орзуйи мастийи туст,  
Ҳижоби аъзам инжо ҳастийи туст.  
Ба хушёрӣ қадам бар жойи худ нех,  
Пас онгах сар ба зери пойи худ нех.  
(Озодлик топиш учун ўзлигиндан кеч,  
Бу айрилиш сен учун етиши бўлади.  
Сендан бу шаклу шевани қандай қабул қилсин,  
Сен то ўзингда экансан, сенинг қўлингни тутмайди.  
Ҳеч ким сенинг мастлигингни орзу қилмайди,  
Бу ерда улуг ҳижоб сенинг борлигингдир.  
Қадамни хушёрлик билан ўз жойига қўй,  
Шундан сўнг бошни ўз оёгинг остига қўй.)*

(Шарҳ). Бас, ҳар ким шакл ва зоҳирда мукамалроқ бўлса,  
(167а)ботини маънисида ғофилроқ бўлади. Ҳар ким зоҳирда  
ва сувратда узоқроқ ва шикастароқ бўлса, ботинда ва маънода  
яқинроқ ва етишувчироқ бўлади. Чунончи, буюрадилар:

*Ки гала во гардаду хона равад,  
Рожиъун гуфту ружуъ з-инсон бувад.  
Чунки во гардад гала аз раҳ равад,  
Бас фитад он буз, ки пешоҳанг бвад.  
(Қўй галаси қайтиб, уйга кетади,  
«Рожиъун» (қайтувчи) дейди ва қайтиш шу тариқа бўлади.  
Чунки қўйлар қайтса, йўлдан адашади,  
Етакловчи серка эса орқада қолиб кетади.)*

*Пеш афтод он бузи ланги пасин,  
Азҳака-р-ружъо вужух ул-обисин.  
Мавзеи маъруф кай бинҳанд ганж,  
3-ин қибал омад фарах дар зери ранж.  
(Орқада қолган чўлоқ серка олдинга ўтади,  
Ва унинг қайтиши хўмрайган юзлиларнинг кулгисини  
қўзғотади.)*

Барчага маълум бўлган жойга қачон хазина яширилади,  
Ранж остидаги шодлик ҳам худди шунга ўхшайди.)

*Аз газофа кай шуданд ин қавм ланг,  
Фахрро доданду бихриданд нанг.  
(Бу қавм қачон беҳудага чўлоқ бўлади,  
Улар фахрни бериб, эвазига уятни сотиб оладилар.)*

(Шарҳ). Бу қавм беҳудага қачон ўзини чўлоқ қилади, балки садоқат, ростликни, зийнатдан иборат бўлган фахр ва сувратни, ирода, ихтиёр, фикр ва хаёлдан иборат бўлган башарийлик вужудини Унинг йўлидан қўлдан бой берадилар ва унинг ўрнига уят, айб ва шикасталикни сотиб оладилар. Чунончи, айтадилар:

*По шикаста мераванд инҳо ба ҳаж,  
Аз ҳараж роҳ аст пинҳон то фараж.  
Зинда аз ту, шод аз ту ойиле,  
Муқтадӣ бевосита бе ҳойиле.<sup>1</sup>*

(Улар оёқлари синган ҳолда ҳажга борадилар,  
Торликдан то кенгликкача пинҳоний йўл бор.  
Бир камбағал бечора сендан шод ҳолда тирикдир,  
Ҳеч қандай тўсиқсиз бевосита сендан ризқ олади.)

(Шарҳ). Ҳар ким ўз борлигини биратўла торож қилган ва ўзини камбағаллик ва мискинликка ташлаган бўлса, демак у сендан тирик, сендан овқат топувчи ва шодмондир. У сенинг қизгин бозмингда шод ва сендан ўзгадан озоддир.

---

<sup>1</sup> Бу ва бундан кейинги байтлар «Филнинг шаклу шамоили устида ихтилоф этишгани» фаслининг охирида жойлашган.

*Муттасил не, мунфасил не он камол,  
Балки бечуну чигуна з-эътэлл.*

(Бу комиллик ёпишиб турувчи ҳам эмас, ажралиб кетувчи  
ҳам эмас,  
Балки иллатсиз ва ҳеч нарсага ўхшамайдигандир.)

(Шарҳ). Унинг белгиларидан бўлган бу камол тириклик ва шодмонликдир, у етишиб ва ажралишдан озод бўлишга ўхшаш эмас ёки уни бирор нарсага ўхшаш ёхуд адл ва тўғри каби нарсаларга қиёс қилиб бўлмайди.

*Моҳиёнему ту дарёи ҳаёт,  
Зиндаем аз лутфат, эй некусифот.  
Ту нагунжй дар хаёлу фикрате,  
Не ба маълулй, қарин бо иллате.*

(Бизлар балиқмиз, сен эса ҳаёт дарёси,  
Биз лутфингдан тирикмиз, эй ҳуш сифатли.  
Сен хаёл ва фикрга сирмагайсан,  
Сен иллатли ёки иллатта яқин ҳам эмассан.)

(1676) *Пеш аз ин тўфону бағд аз ин маро,  
Ту мухотаб будай дар можаро.*

(Тўфондан аввал ҳам, тўфондан кейин ҳам,  
Бу ҳодисаларда сен менга хитоб қилувчи эдинг.)

(Шарҳ). Улуҳдийат тажаллийсидан аввал ва ундан кейин ҳам сўз кетаётган нарса ҳақида ҳамда менинг ҳақимда Сен менга сўз қотувчи эдинг.

*Бо ту мегуфтам на бо эшон суҳан,  
Ин суҳан баҳши наву онаш куҳан.  
Рўй бо атлол карда зоҳиро,  
Ў киро мегўяду мидҳат киро?*

(Бу янги ва бу эски сўзларни,  
Мен сенга айтардим, уларга эмас.  
У зоҳиран юзини вайронага қаратиб,  
Кимга гапиряптию кимни мақтаяпти?)

*Шукр, тўфонро кунун бигмошӣ,  
Воситай атлолро бардошӣ.  
(Шукрки, бугун тўфонни раво кўрдинг,  
Хароба воситаларини ўртадан кўтардинг.)*

(Шарҳ). Ҳад ва қиёсдан ташқари бўлган офарин ва мақтовлар Сенгаки, улухийлат тажаллийсининг тўфонини раво кўрдинг ва харобалик воситасини орадан кўтардинг.

*З-он ки атлоли лаъиму бад буданд,  
Не нидое, не садое мезаданд.  
Ман чунон атлол хоҳам дар хитоб,  
К-аз садо чун Кўҳ; во гўяд жавоб.  
(Чунки улар лаим ва ёмон вайрона эдилар,  
На нидо ва на садо чиқарар эдилар.  
Мен шундай вайронани хоҳлайманки, овоз берганда,  
Тоғ жавоб қайтаргани каби акс-садо жавобини берсин.)*

(Шарҳ). Мен хитоб қилиш учун шундай кишини хоҳлайманки, билимдон бўлсин, бошьяланг бўлсин, камарбаста бўлсин ва халқдан четроқда юрсин. Дили Малики Аллом (Аллоҳ) сирларининг лаъли билан тўла бўлсин. Токи мен уларга жаҳонни куйдирувчи, жонни ёндирувчи сирларни айтай ва улардан жонга роҳат берувчи ва дилга ором бахш этувчи номни эшитай. Чунончи, айтадилар:

*То мусанно бишнавам ман номи ту,  
Ошиқам бар номи жон ороми ту.  
Ҳар набӣ з-он дўст дорад кўҳро,  
То мусанно бишнавад номи туро.  
(Токи мен номингни икки марта эшитайин,  
Мен сенинг жонга ором берувчи номингни ошигиман.  
Сенинг номингни икки марта эшитиш учун,  
Ҳар бир набий тоққа майл этишни яхши кўради.)*

(Шарҳ). Мен паст ва суст вайронани хоҳламайманки, унда на яхши ва на ёмон садонинг таъсири бўлмайди. У менинг нидомни қабул қилмайди ва бунинг истеъдодига эга эмас. Мен улар билан

дўсту улфат бўлмайманки, улар илону сичқонларнинг оромгоҳларидир. Чунончи, айтадилар:

*Он ки кўхи паст мисли санглох,  
Мушро шояд на моро дар манох.  
(Ташлоққа ўхшаган ўшал паст тоғ,  
Шароит бобида бизга эмас, сичқонга арзийди.)*

(168а)(Шарҳ). Ўша паст тоғ нафсу ҳаво учун мос жой ва маскандир.

### **ҲАЙРАТНИНГ БАҲС ВА ФИКРГА ТЎСИҚ ЭКАНИ БАЁНИДА**

Ҳайрат - мастликдан иборат бўлиб, у улуҳийят тажаллийси-нинг асарларидан бўлган бир таъсирдир. Бу тажаллий башарийят вужудининг майдонига тушгач, *«Подшолар қачон бир шаҳарга кирсалар, уни бузурлар ва унинг атлидан бўлган азизларни хор қилурлар»* оятининг (Қуръон, 27/34) ҳукми бўйича, башарийят асарларидан бўлган ирода, ихтиёр, фикр, хаёл ва ақлнинг барчаси хор ва залил бўлади, балки йўқ ва нобуд бўлади. Бундай пайтда солиқни ҳайбат ва ваҳшат қоплайдики, бу лутф либоси, раҳмат ва меҳрибонлик пардасидир ва бундай ҳолатни ҳайрат деб таъбир қилурлар. Бу ҳолатда жуда кам одам мастлик сабабли ва ботиндаги ҳайрат туфайли зоҳирий сувратни сақлай олади.

*Жамъи сурат бо чунин маънийи жарф,  
Нест мумкин жуз зи султони шигарф.  
(Бундай улуғ маъно барча сувратлар билан,  
Улуғ султондан ўзгага мумкин эмас.)*

(Шарҳ). Кўзнинг хира тортмаслиги ҳақидаги *«тоймади назар ва на ҳаддан ошди»* (Қуръон, 53/17) ояти мана шу маънога гувоҳдир.



## САҲОБАЛАР ИЧИДА ҚУРЪОННИ ЁД ОЛГАНЛАРНИНГ БЎЛМАГАНИ, ФАҚАТ ҚУРЪОННИНГ ТЎРТДАН БИР ҚИСМИНИ БИЛГАНЛАРИНИНГ БАЁНИДА

*Дар саҳоба кам будӣ ҳофиз касе,  
Гарчи шавқе буд жоншонро басе.  
З-он ки чун мағзаш дар оғанда расид,  
Пўстҳр шуд бас рақижу во кафид.*  
(Гарчи уларнинг жонларида шавқу завқи кўп бўлса ҳам,  
Саҳобалар ичида ҳофизни Қуръон кам эди.  
Чунки мағз етилиб, тўлишган пайтида,  
Унинг пўсти юшқа тортади ва ёрилади.)

*Кушри жавзу фистақу бодом ҳам,  
Мағзашон чун нур шавад шуд пўст кам.  
Мағз илм афзуду кам шуд пўсташ,  
З-он ки ошиқро бисўзад дўсташ.*  
(Ёнғоқ, pista ва бодомнинг қобиғи ҳам,  
Мағзи тўлишгач, камаяди.  
Мағз ҳақидаги билим ошгач, қобиқ камаё бошлайди,  
Шунингдек, ошиқни маҳбуб куйдиради.)

*Васфи матлубе чу зидди толибест,  
Ваҳйу барқи нур сўзандай набист.  
Чун тажаллий кард авсофи қадим,  
Бас бисўзад васфи ҳодисро калим.*  
(Матлубнинг васфи толиб васфининг зиддидир,  
Ваҳй ва чақмоқ набийни куйдирувчи нурдир.  
Қадийм авсофлар тажаллий қилгач,  
Янги пайдо бўлган васфни куйдиради.)

*Рубъи Қуръон ҳар киро маҳфуз буд,  
«Жалла фийна» аз саҳоба мешунуд.*  
(Ҳар кимда Қуръоннинг чорағи ёд бўлса,  
Саҳобалардан «бизнинг орамизда улуг бўлди» сўзини  
эшитарди.)

(Шарҳ) Ҳайрат галабаси ва ботин мастлигига қарамай, дилла-  
рида қадийм нурларнинг қандиллари бўлган кишилар ҳукмлар,

қиссалар, ваъдалар ва ваъийдларни ўз ичига олган Қуръоннинг тўртдан бир қисмини ёдлаган ва унга амал қила (169а) олган кам эди. Чунки зоҳирий ёд олиш ботинда амал қилиш билан бирга бўлиши мушқилдир ва кам одам бунинг уддасидан чиқа олади. Чунончи, айтадилар:

*Жамъи сурат бо чунин маънийи жарф,  
Нест мумкин жўз зи султони шигарф.  
Дар чунин мастуй мурутти адаб,  
Худ набошад в-ар бувад, бошад ажаб.*

(Шундай чуқур маъно билан бирга бундай сувратнинг жамъи, Фақат Улуғ Султондангина нозил бўлиши мумкин. Шундай чуқур мастликда адабга риоя қилиш, Мумкин бўлмайди, агар бўлса ҳам, бу ажабланарлиқдир.)

*Чун асо маъшуқи умён мебувад,  
Кўр худ сандуқи Қуръон мешавад.*  
(Гарчи кўрнинг севгани ҳасса бўлса ҳам,  
Бироқ унинг ўзи Қуръоннинг сандиғидир.)

(Шарҳ). Басийрат аҳли қошида маълум ва машҳурдирки, кўрлар ҳассасиз йўлга қадам қўя олмайдилар, ўзни сақлаш, маҳкам бўлиш ва нарсаларни сезиш ҳассага суяниш орқали ҳосил бўлади. Уларнинг ҳассага осилишлари гўё ошиқнинг маъшуққа осилиши кабидир. Бас, солиқким, унинг басийрат кўзи башарийлик ва бошқа нарсаларнинг филлу ғашлигидан тамом қутилмаган экан, тафаккурдан ўтиб, ҳайратга етишмаган экан, бундай солиқ жамол мушоҳадасини соф ҳолда кўра олмайди, чунки у ҳали ҳайратга етишмаган, ҳамон у ўтиш жараёнидадир. Бундай солиқ Қуръон сандиғи бўлиб, ҳукмлар ва ваҳйни ёдида сақловчидир, ваҳй эса ҳадис ва калом ҳукмларини ўз ичига олувчидир.

*Гуфт, кўрон худ санодиқанд нур,  
Аз ҳуруфи Мусхафу зикру нузур.*  
(Дедики, кўрлар Қуръон ҳарфлари, зикр ва оғоҳлангиришни ўз ичига олган,  
Тўла бир сандиқдирлар.)

(Шарҳ). Зикри юқорида ўтган солиқлар мазкур байтларда айтиладики, улар Қуръон ҳарфлари, Каломуллоҳ ҳукмларининг лафзий маъноларини етказувчи восита ва робита (алоқа)дирлар.

**Боз сандуқе нур аз Қуръон бех аст,  
З-он ки сандуқе бувад холӣ бад аст.**  
(Қуръон билан тўла бўлган сандиқ создир,  
Чунки сандиқ бўш ва холӣ бўлса, яхши эмас.)

(1696)(Шарҳ). Хайрат ва ботин мастлигининг ғалабаси билан бирга Қуръоннинг ҳукмларини эгаллаган солиқ ҳайрат ва каломни эгаллаб, бироқ унинг зоҳирий ҳукмларини эгаллашдан холӣ бўлган солиққа нисбатан яхшироқдир.

**Боз сандуқе, ки холӣ шуд зи бор,  
Бех зи сандуқе, ки нўр аз мушу мор.**  
(Юқдан холӣ ва бўш бўлган ҳар қандай сандиқ,  
Сичқон ва илон билан тўла сандиқдан яхшироқдир.)

(Шарҳ). Вужуд сандиғи нафсининг сичқон ва илонлари билан тўлган кишилар билан аҳли сулукнинг ниҳоятига етганлари орасида фарқ бордир. Улардан баъзилари ҳайратнинг истило қилишига қарамай, зоҳир томонини асрай оладилар. Баъзилари маънавий истиғроқнинг кучлилиги сабабли ташқи кўринишни сақлашга риоя қилмайдилар.

**Ҳосил андар васл чун афтод мард,  
Гашт даллола ба пеши мард сард.**  
(Ошиқ кишига ёр васли муяссар бўлгач,  
Даллолага нисбатан унинг кўнгли совийди.)

(Шарҳ). Киши ҳайратта эришиб, истидлолдан иборат табъийят ҳарфларининг сичқону илонларидан қутилгач, ўзини матлубнинг жамоли мушоҳадасига фарқ ҳолда кўради, шу пайтда табъийят ҳарфлари бўлган истидлол даллоласи унинг учун совуқ бўлиб кўринади, балки ёрнинг қуёш мисол жамолининг мушоҳадасини топгач, даллолани зарра ва чанг бўлакларидан ҳам камроқ ва нобудроқ ҳолда кўради. Чунончи, бу борада айтадилар:

*Ин тафажкур в-ин тахаййул лўзбат аст.  
То ту тифлӣ худ бад-онат ҳожат аст.  
Чун зи тифлӣ раст, жон шуд дар висол,  
Фориз аст аз ҳиссу тасвиру хаёл.  
(Бу фикр ва бу хаёл бир қўғирчоқдир,  
Сен бола экансан, унга ҳожатинг тупади.  
Сен болаликдан ўтиб, висолга етишгач,  
Ҳис, тасвир ва хаёлдан озод бўласан.)*

«Мурод ул-ориғийн» китобида ёзилишича, муҳаққиқларга ҳақиқат калимаси аён ва таъбиййат ҳарфлари эса йўқ бўлгандир.

*Чун ба матлубат расидӣ, эй малех,  
Шуд талабгорийи илм акнун қабех.  
(Эй хуш ахлоқ киши, ёрнинг висолга етишдингми,  
Энди сен учун илм қидириш ёқимсиздир.)*

(Шарҳ). Шу байтдан бошлаб то ҳикоятнинг охиригача мазкур маънони таъкидлашга эътибор қаратишган.

*Чун шудӣ бар бомҳойи осмон,  
Зишт бошад жустужуйи нардобон.  
Жуз баройи ёрию таълими гайр,  
(170а) Сахл бошад роҳи хайр аз буъди хайр.  
(Сен осмон томларига чиқиб олсанг,  
Унда нарвон қидириб юриш сен учун хунуқдир.  
Дўстлар учун ҳамда бошқаларга таълим бериш учун,  
Яхшилик қилишдан ўзгаси унга ёқимсиз бўлади.)*

**ОШИҚНИНГ МАЪШУҚ ҲУЗУРИДА ИШҚ ҲАҚИДА  
НОМА ЎҚИГАНИ ВА ЎЗ ИШҚНОМАСИНИ МУТОЛАА  
ҚИЛГАНИ, МАЪШУҚ БУНИ ЁҚТИРМАГАНИ  
ҲАҚИДАГИ ДОСТОННИНГ БАЁНИДА. ЗЕРО  
ДАЛОЛАТ ЭТИЛГАН НАРСА УЧУН ЯНА ДАЛИЛ  
ИЗЛАШ ЁҚИМСИЗДИР ВА МАЪЛУМ НАРСАГА  
ЭТИЛГАНДАН СЎНГ ЯНА УНИ ЎРГАНИШГА  
МАШҒУЛ БЎЛИШ ХУНУҚДИР**

*Он якеро ёр пеши худ нишонд.  
(Ёр бир кишини ўз олдига ўтқизди.)*

Билгинки, бу ҳикоятдаги биринчи байт шу билан бошланади ва охири эса бир неча варақдан кейин келади. Шориҳ (шарҳ қилувчи, яъни Одина Эшон), Аллоҳ унга, унинг дўсту ёрларига раҳматини сочсин, бу ерда бироз қўшимчалар билан зиёда қилиб келтиради.

*Чун ситора сайр бар гардун кунӣ,  
Балки бегардун сафар бечун кунӣ.  
(Юлдузга ўхшаб осмонда сайр қиласан,  
Балки осмонсиз ҳам оламга сайр қиласан.)*

(Шарҳ). Бу байтнинг шарҳи икки тариқ ва тартиб силсиласига амал қилиб тушунтиришга боғлиқ. Бу шандайки, Мавлоно Хусайн Хоразмий, Аллоҳ сирини муқаддас қилсин, «Китоб ул-асрор» («Сирлар китоби»)да Кашф ва Маъод баёнидан фориг бўлгач, ёзадилар:

«Билгинки, «ва ли кулли жаъбалюкум ширъатан ва минҳожан» (Ва биз сизлардан ҳар қайсиларингизга хос шарият ва хос йўл бергандурмиз» (Қуръон, 5/48) оятидаги «минҳа»даги «ҳ» ҳарфи олмош бўлиб, «ширъатан»га қайтса ва «жо» ўтган замон феъли бўлса, шунга далолат қиладики, мабдаъ (бошланиш) ва маъод (қайтиш)нинг ҳар бири аслида биттадир. «Йўлларнинг ҳар хиллиги халойиқнинг миқдорига боғлиқ» сўзи шуни билдирадики, ҳар бир одам ўз борлигидан дам уради. Демак мавжуднинг ҳар бир вужуди (1706)учун бир тариқ (йўл) бор. Ва бу тариқнинг номи аҳли таҳқиқ қошида *«тариқи силсила»*, тартиб ва *«васойити вужуд»* (силсила тариқининг тартиби) дейилади. Ва бу тариқ

умумнинг тариқи бўлиб, унда тўсиқлар бисёр, ҳижоб ва сабаблар бешумор (ҳисобсиз)дир. Чунончи, Ҳазрати Рисолат саллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «Албатта, Аллоҳу таъолонинг нур ва зулматдан етмиш мингта ҳижоби бордир, агар уни очса эди, ер юзи куйиб кетарди». Бас, зулмат ҳижоблари моддий оламнинг мартабалари ва нурувий ҳижоблар руҳлар оламининг воситачиларидир. Агар Ҳазрати Ҳақ ва Жаноби Мутлақ солиқ учун йўл тўсиғи қилиб қўйган оламлар ҳижобини олмаса, унга ҳечқачон висол насиб бўлмайди. Чунончи, Ҳақ таъоло айтди: «*Ва Аллоҳ барча тарафларни ихота қилгандур*» (Қуръон, 85/20).

Ва бу тариқ тариқларнинг узоғидир ва бу тариққа етганлар жуда оздирлар. Етувчига эса етишгандан сўнг аввалги жойига қайтишга имкон йўқ. У ночор ўзи узоқлашиб кетган Ҳақни қидиради, чунки Ҳақ ихота қилувчидир: «Кимки бу дунёда (Ҳақни танишдан) кўр бўлса, бас охирада ҳам кўр бўлади». Баъзи аҳли таҳқиқ шу маънода айтади:

*Зи айни зуҳури ту на аз бутун,  
Дар идроки ту ожиз аҳли қурун.  
Туро дида аз ажз нашнохта,  
Бигў к-ў талаб карда чун фохта.<sup>1</sup>*

(Сенинг пайдо бўлишинг қориндан эмас,  
Сенинг идрок қилишдан яқинлар ожиздир.  
Сени кўзлар ожизлик сабабли танимаганлар,  
Айтгинки, у гўё фохта каби қидирсин.)

Аммо, бошқа бир тариқ борки, уни «*тариқи хоси вужуд*» (вужуднинг хос тариқи) дейдилар. Аҳли таҳқиқ эса уни «*тариқи сир*» (сир тариқи) дейдилар. Бу тариқда воситачининг асло даҳли бўлмайди. Ва бу тариқ халойиқнинг ўз Рабби ҳақиқатига воситасиз алоқа қилишидан ҳосил бўлади, Илоҳий тажаллиёт ва подшоҳий жазбат шу йўл воситасида ҳосил бўлади ва «Ҳақ жазбаларидан биттагина жазба инс ва жиъларнинг (171а) амалига тенг» ҳадисининг сирини шунда очилади ва «унга қулоқ, кўз, тил ва қўл бўламан, Мен орқали эшитади, Мен орқали кўради, Мен орқали юради ва Мен орқали қувват олади» (ҳадиси)нинг важҳи аён бўлади. Шайҳи Кабир, Аллоҳ сирини муқаддас қилсин, «Усули ашара» («Ўн усул») китобида «*тариқи шатор*» деб номлаган тариқ мана шу тариқдир.

<sup>1</sup> Фохта - ёввойи каптар.

Айтадиларки, «бу шатор тариқи жазбага эга бўлган аҳли муҳаббат солиқларнинг йўлидир, улардан баъзиларининг бидоятда етишпанлари ниҳоятда эришпанларидан кўпроқдир» (Шу ерда Мавлоно Ҳусайн Хоразмийнинг сўзлари тутади).

Энди эса, Аллоҳнинг тавфиқи билан, байтнинг шарҳига қайтамыз.

**Чун ситора сайр бар гардун кунӣ,**

**Балки бегардун сафар бечун кунӣ.**

(Юлдузга ўхшаб осмонда сайр қиласан,

Балки, осмонсиз ҳам оламга сафар қиласан.)

Биринчи мисраъ умумнинг йўли ва тартиб силсиласига ишорадир. Ва бу шундайки, солиқ ўзининг башарийлик вужудидан қутилгандан сўнг ҳазрати Молик ул-мамолик (Аллоҳ)нинг йўлида сайр ва олам атрофида сафар қилади. Иккинчи мисраъ сайр, хос тариқ йўлига ва «тариқи шатор»га ишорадир. Бу шундайки, башарийлик вужудидан холий бўлгач, Ҳазрати Воҳиб ул-ҳидоёт (Аллоҳ)нинг бениҳоят карами туфайли солиқда шундай ҳол юз берадики, унинг ибтидоий сафари тенгсиз оламдан бошланади ва сафарининг ниҳояти «**тартиб силсиласи**» бўлади. Худди шу ҳақда Хожа Баҳо ул-Ҳақ ва-д-Дин Нақшбанд айтган эдилар:

**Аввали мо охири ҳар мунтаҳист,**

**Охири мо жайби таманно тухист.**

(Бизнинг аввалимиз ҳар бир ниҳоятга етганнинг охиридир,  
Бизнинг охиригимиз ҳар қандай таманно (орзу-истак)дан  
холийдир.)

Балки, айтурларким, улардан бидоятда висолга етганлари ниҳоятда висолга етганлардан кўпроқдир. Бу тоифанинг сайри ва сулуки Илоҳий нурлар ва тажаллиётлар ичида то Онҳазрат саллаллоҳу алайҳи ва салламга етгунча бўлади ва бу ерда тамкин (1716)сифатини ҳосил қиладилар. Ва ҳадисда: «Батаҳқиқ Аллоҳу таъолонинг нур ва зулматдан етмиш минг ҳижоби бор» дейилади. Нур ҳижоби бу Жамол нуридир, зулмат ҳижоби Жалол нуридир. Чунончи, Онҳазрат саллаллоҳу алайҳи ва саллам бошқа ўринда айтдилар: «Унинг ҳижоби нурдир». Зулмат нурунинг бўлиши унинг қоралиги эътибори биландир. Бу бобда «Гулшани роз» китобининг муаллифи айтадилар:

*Сиёҳӣ гар бидонӣ нури зот аст,  
Ба торикӣ дарун оби ҳаёт аст.*  
(Агар бу қорани билсанг, у Зот нуридир,  
У гуё қоронғулик ичида жойлашган обихаёт булоғидир.)  
Мавлавий Румийнинг ўзлари ҳижоб ҳақида айтадилар:

*З-он ки ҳафсад парда дорад нури Ҳақ,  
Пардаҳои нур дон чандин табақ.*

*К-аз паси ҳар парда қавмеро мақом,  
Саф-сафанд ин пардаҳои то имом.*

*Аҳли саффи охирин аз заъфи хеш,*

*Тоб н-орад рӯшноӣ нур пеш.*

*В-он сафи пеш аз заъфийи басар,*

*Тоб н-орад рӯшноӣ бештар.*

*Аҳвалиҳо андак-андак кам шавад,*

*Чун зи ҳафсад бигзарад, ӯ ӣам шавад.*

(Ҳақ таъолонинг нури етти юз пардага эга,

Бу нур пардаларини қўшгина табақалардан иборат деб бил

Ҳар бир парда орқасидан биттадан қавм жой олган,

То имомгача бу пардалар ортида саф-саф бўлиб турадилар.

Охирги сафдагилар ўзларининг кучсизликлари сабабли,

Олдиндан келаётган нурга боқиб учун тоқат

қилолмайдилар.

Олдинги сафдагилар эса кўриш қувватининг заифлигидан,

Нурга баттарроқ боқа олмайдилар.

Бироқ ғилайлик оз-оздан кета бошлагач,

Етти юзга пардадан ўтиб, денгизга айланади.)

(Шарҳ). Бу нур пардаларидан ўтган вақтларида ва Онҳазрат алайҳис саломнинг ҳақиқат денгизига қатра каби чўмганларида уларни қушлар тилига ва олам комилларининг забонига айлантиради. Имоматлик ва қутб ул-ақтобийятликка тааллуқ топади ва унга «бенишонлик» номи раво бўлади. Бу ҳақда Мавлавий Румийнинг ўзлари айтадилар:

*Мо ҳама муреобиёнем, эй гулом,*

*Баҳр медонад забони мо тамоом.*

(Эй банда, биз ҳаммамиз сув қушларимиз,

Бизнинг тилимизни денгиз тушунади.)



(Шарҳ). Лекин бу шаттор тариқини тан ватанидан то Илоҳий оламга ўтиши ва юриши шундай бўладики, унга бу юриш ва ўтишда шуур ва ҳис этиш бўлмайди. Чунончи, айтадилар:

*Рохдойи омадан ёдат намонд,  
Лек рамзе бар ту бар ходем хонд.  
(Келиш йўллари сенинг ёдингда қолмаган,  
Бироқ бу ҳақда сенга бир сирни айтамыз.)*

(Шарҳ). Ва бу рамз ва ишорат шундайки, тартиб силсиласининг соҳибига мана бу байт билан хитоб қилинади:

*Хуширо биззор в-онгаҳ, хуш дор,  
Гўширо барбанд, в-онгаҳ, гўш дор.  
Не бизгўям з-он ки ту хомй хануз,  
Дар баҳорй ту, надидастй тамуз.  
(Хушни кўй, сўнг хушга эга бўл,  
Қулоқни бекит, сўнг қулоқ сол.  
Не дейинки, сен хануз хомсаң,  
Баҳордасан, ёзни хануз кўрмагансан.)  
Қуйидаги байтларда рамз ва ишоратни баён қиладилар:*

*Ин жаҳон ҳамчун дарахт аст, эй киром,  
Мо бар ў чун мевадойи нимхом.  
Сахтгирию таассуб хомияст,  
То чунинй, кор хун ошомияст.  
(Эй азиз, бу жаҳон гўё дарахтга ўхшайди,  
Биз бу дарахтда чала пишган мевалармиз.  
Қаттиқ ушлаш ва таассуб қилиш хомликдир,  
Агар шундай экансан, иш қон ютиш бўлади.)*

(Шарҳ). Солиққа етадиган ҳар бир Илоҳий илҳом ва маъно ҳарфдан иборат бўлиб, табиийият ҳарфларининг либосида солиқнинг тилига келади. Қолдан иборат бўлган товущлар ва табиийият ҳарфларини қонга ўхшатадилар. Чунончи, айтадилар:

*Офати идрок он ҳол асту қол,  
Хун ба хун шустан маҳласту маҳол.  
(Идрокнинг офати ҳол ва қолдир,  
Қонни қон билан ювиш маҳолдир.)*

(Шарҳ). Модомики, мумкинотнинг она қорнидан қутилмаган экан, унинг иши мана шу қон ютишлик бўлади. Аммо тарихи хосдан иборат бўлган сир ва шаттор тарихининг соҳибини шу тарихнинг хос аҳлларида баъзиларига баъзи устувликларни (1726) берганки, бундай хосликни бошқа бирорта башар аҳлига бермаган. Ва бу хослик мана шу беғаш айш ва табиат ҳарфларининг кудуратидан мусаффолик тошган, соф шаробдир. Шу сабабли Ҳазрати Саййиди Коинот, уларга саловотларнинг афзали ва таҳийётларнинг мукаммали бўлсин, таълим ва тарғиб тарихасида буюрадилар: «Маърифатингни камолга етишишни бизга осон қил. Эй Аллоҳим, бизда Сен билдирган илмдан ўзга илм йўқ, Сен бизга илқом қилган билимдан ўзга билим йўқ». Яна айтдилар: «Эй ҳайратда қолганларни йўлловчи, ҳайратимизни зиёда қил!» Ҳазрати Мавлавий Румий мана шунга ишора қилиб ёзадилар:

*Ҳайрате бояд, ки рўбад фикрро,  
Хўрда ҳайрат фикрроғу зикрро.  
Руҳ бо илмату бо ақласт ёр,  
Руҳро бо тозию туркї чи кор.  
(Фикрни супуриб ташлайдиган ҳайрат керак,  
Ҳайрат фикр ва зикрни еб юборсин.  
Руҳ илм ва ақлга ҳамдамдир,  
Руҳнинг арабу турк билан нима иши бор.)*

(Шарҳ). Руҳ солиқнинг ҳақиқатидан иборат бўлиб, у илмга ёрдир, яъни Аллоҳ сифатлари билан безангандир ва ақли кулл билан қўшилгандир, чувончи ўша ердан бош чиқариб, ҳазрати Пок Зотни мушоҳада қилади, унда башарият сифатидан асар ҳам қолмаган бўлади, кўнгли беғаш ва табиат ҳарфларининг қуйқасидан шароб сифатлари мусаффо бўлади. Демак унинг табиат ҳарфлари ҳисобланган този ва турк билан нима иши бор? Ҳазрати Мавлавий, сирлари муқаддас бўлсин, бу мартабанинг фазилати ёки толибларга таълим сифатида бу мақомни талаб қилиб, айтганлар:

*Эй Худо, жонро ту бинмой он мақом,  
К-андар ў безарф мерўяд калом.  
(Эй Худо, жонимизга Сен ўша мақомни кўрсат,  
Қайсики, унда ҳарфларсиз сўзлар пайдо бўлади.)*

«Миръот ул-орифийн» («Орифларнинг кўзгуси») китобининг муаллифи икки фирқа (гуруҳ) орасидаги фарқнинг баёнида келтирадиган, муҳаққиқлар учун ҳақиқат калимаси (173а) ошкор ва табиат ҳарфлари эса йўқ. Улардан бошқалар учун табиат ҳарфлари манзур ва ҳақиқат калимаси яшириндир. Улар бу кашф ҳақида: «Оё, осмонларни ва ерни яратувчи Аллоҳ ҳақида шак борми?» (Қуръон, 14/10) дейдилар. Булар бунга жавоб бериб: «Оё, ул киши бу қадар маъбудлар ўрнига биргина маъбуд қарор бердимиз? Бу ниҳоятда ажиб бир сўздир» (Қуръон, 38/5) дейдилар. Ва ўшал муҳаққиқларким, «Эй ҳайратда қолганларни йўлловчи, ҳайратимни зиёда қил» калимасининг хос инъомлари бўлиб, бу сўз уларнинг шомда ўқийдиган вазифалари ҳамда улар Онҳазрат саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳаммаш-раблари эдилар, чунончи, Ҳазрати Мавлавий буюрадилар:

*Гуфт Пайғамбар, ки даст аз умматам,  
К-ў бувад ҳаммашрабу ҳамҳимматам.  
Мар маро з-он нур бинад жонашон,  
Ки ман эшонро ҳамебинам бад-он.*

(Пайғамбар (а.с.) дедиларки, умматимдан шундайлар борки,

Улар мен билан ҳаммашраб ва ҳамҳимматдирлар.  
Уларнинг жонлари мени ўша нур орқали кўрадилар,  
Мен ҳам уларни шу нур орқали кўраман.)

(1736)Матн:

*Он яхеро ёр пеши худ нишонд,  
Нома берун кард, пеши ёр хонд.  
Байтҳо дар номаву мадҳу сано,  
Зорию мискинию бас лобаҳо.  
(Бир киши ёрини ёнига ўтқазиб,  
Ёнидан мактуб чиқарди ва ёрига ўқиб берди.  
Мактубда байтлар, мадҳу санолар,  
Зорланиш, ўзни ерга уриш ва ёлборишлар бор эди.)*

*Гиряву афғону хузну дарди хеш,  
Хорию безорию бо ағли хеш.  
Дурию ранжур аз ҳижрони дўст,  
Зикру пайғому расул аз мағзу пўст.*

(Мактубда йиғи, афғон, гамгинлик ва дард,  
Хорлик, ўз аҳлидан безорлик,  
Дўст ҳижронидан ранж тортиш, узоқлик дарди,  
Зикр этиш, хабар, элчилик, мағз ва пўст ҳақидаги сўзлар  
бор эди.)

*Гуфт маъшук, ин агар баҳри ман аст,  
Вақти васл ин умр зоеъ кардан аст.  
Ман ба пешат ҳозир у ту номадон,  
Нест боре ин нишони ошиқон.*  
(Маъшук дедикки, агар бу нарсалар мен учун бўлса,  
Висол онда буни ўқиш умрни зое ўтказишдир.  
Мен олдинда ҳозирман, сен эса мактуб ўқувчисан,  
Бу ҳол ошиқликнинг нишони эмасдир.)

*Гуфт инжо ҳозирӣ, аммо валеҳ,  
Ман намеёбам нишони хеш нек.*  
(У дедикки, сен бу ерда ҳозирсан, аммо,  
Мен ўз нишонимни топа олмаяшман.)  
(Шарҳ). Бу биринчи *жамлиқдан* сўнги биринчи *айрилиш*  
бўлиб, қуйидаги байтларда ифода этилган.

*Ончи меҳидам зи ту порина сол,  
(174а) Нест ин дам гарчи мебинам висол.  
Ман аз ин чашма зулоле хўрдаам,  
Дидаи дил з-обе тоза кардаам.*  
(Бурунги йили сендан кўрган нарсаларни,  
Бу йил висол онда бўлсам ҳам кўрмаяшман.  
Мен бу чашмадан зилол сув ичган эдим,  
Дил кўзини сув билан тоза қилган эдим.)

Мана бу байтдаги:

*Чашма мебинам валекин об не,  
Роҳи обамро магар зад раҳзане.*  
(Чашмани кўриб турибман, бироқ унда сув йўқ,  
Наҳотки сув йўлини бирорта қароқчи тўсган бўлса.)  
Маъносидан сўнг, висолдан узоқлик баён қилинади:

*Гуфт бас ман нестам маъшуқи ту,  
Ман ба Булеору муродат дар Қуту.  
Бас наям куллию матлуби ту ман,  
Жузви мақсудам туро андар зи ман.*  
(Ошиқ дедикӣ, бас мен сенинг маъшукнинг эмасман,  
Мен Булгорда бўлсам, сенинг излаганинг Қутуда экан.  
Демак, сенинг куллий матлубинг мен эмас,  
Демак мен сенинг жузви мақсудингман.)

*Ошиқӣ ту бар ману бар ҳолате,  
Ҳолат андар даст набвад ёфати.*  
(Сен менга ва ҳолатга ошиқ экансан,  
Ҳолат эса қўлда топилмайдиган нарса.)

(Шарҳ). Бу байтдаги *ҳолат* ва ўтган байтдаги *зилолдан* мурод Аллоҳ тажаллиёт дарёсининг учқуни ёки томчиси бўлиб, талаб ва ишқ водийсининг ташналабларининг жонларидир.

*Хонаи маъшуқаам маъшук не,  
Ишқ бар нақд аст бар сандуқ не.*  
(Мен маъшукнинг уйиман, маъшук эмасман,  
Ишқ нақд нарса, сандиқдаги нарса эмас.)

(Шарҳ). Шу ергача барча байт васлдан жудолик баёнидир.

*Ҳаст маъшук он, ки ӯ якту бувад,  
Мубтадову мунтаҳот ӯ бувад.  
Чун биёбияш намонӣ мунтазир,  
Ҳам хувайдо ӯ бувад ҳам низ сирр.*  
(Елғиз ва тағҳо бўлган маъшукқина маъшукдир,  
У сенинг бошланишинг ва ниҳоятинг ҳам удир.  
Агар сен уни топсанг, бошқага интизор бўлмайсан,  
Ошкор ҳам у бўлади, пинҳон ҳам удир.)

*Мири аҳвол аст, не мавқуфи ҳол,  
Бандаи он моҳ бошад моҳу сол.  
Чун бигўяд ҳолро фармон кунад,  
Чун бихоҳад жисмҳоро жон кунад.*

(У аҳволнинг амиридир, ҳолга асир эмас,  
Ушал ойга ойу йил ҳам банда бўлади.  
Хоҳласа у ҳолга фармон қилади,  
Хоҳласа у жисмларга жон беради.)

*Кимийи ҳол бошад дасти ӯ,  
Даст жунбонад, шавад мис масти ӯ.*  
(1746) *Гар бихоҳад, марг ҳам ширин шавад,  
Хору наштаг наргису насрин шавад.*  
(Унинг кўли ҳол кимёси бўлади,  
Кўливи силкитса, мис унинг мастига айланади.  
Агар у хоҳласа, ўлим аччиқлиги ширин бўлади,  
Тикон ва наштаг эса наргис ва насрин гулига айланади.)

*Он бувад султони ҳол андар равиш,  
Не чу ту маҳрум беад дар ҳоли киш.*  
*Он ки ӯ мавқуфи ҳоласт, одамист,  
К-ӯ гаҳе афзуну, гаҳе дар камист.*  
(Бу йўлда у ҳолнинг султони ҳисобланади,  
У ҳол ва равишда сен каби маҳрум эмас.  
Ҳолга боғлиқ ва асир бўлган одам,  
Гоҳ зиёда бўлса, гоҳ камдир.)

*Сўфӣ ибн ул-вақт бошад дар мисол,  
Лек софе форие аст аз вақту ҳол.*  
*Ҳолхо мавқуфи азму ройи ӯ,  
Зинда аз нафти Масеҳосойи ӯ.*  
(Сўфий мисолда «вақт ўгли» бўлади,  
Бироқ вақт ва ҳолдан у софу форигдир.  
Ҳоллар унинг қасди ва раъйига асир бўлиб,  
Унинг Исо нафасидан ҳаёт топади.)

(Шарҳ). Сўнги байтда айтилган маъно мазкур мунтаҳий  
(ниҳоятта етган)нинг баёнидир ва мана бу байт:

*Ошиқи ҳоли, на ошиқ бар манӣ,  
Бар умеди ҳол бар ман метанӣ.*  
(Сен ҳолат ошиғисан, менга ошиқ эмассан,  
Ҳолат умидида менга тўр тўқийсан), -

ҳамда бошқа бир неча байт ошиқнинг ёлборишига нисбатан маъшуқнинг жавобларидир.

*Он ки ў ноқис, гаҳе комил бувад,  
Нест маъбуди Халил, офил бувад.  
В-он ки офил бошаду гаҳ ону ин,  
Нест дилбар, «ло уҳибб ул-офилин».  
(У гоҳида ноқис, гоҳида комил бўлади,  
У Халилуллоҳ маъбуди эмас, балки «офил»дир.  
Офил бўлиб, гоҳ у, гоҳ бу бўладиган нарса,  
Дилбар эмас, балки «ло уҳибб ул-офилин»дир.<sup>1</sup>)*

*Он ки ў гоҳе хушу гаҳ ноҳаш аст,  
Як замоне обу як дам оташ аст.  
Буржи маҳ бошад, валекин моҳ не,  
Нақши бут бошад, вале огоҳ не.  
(Ул гоҳида хуш, гоҳида нохуш,  
Бир нафас сув ва бир нафас оташдир.  
У ой буржи бўлади, бироқ ой эмас,  
Бутнинг нақшидир, бироқ ўзи огоҳ эмас.)*

(Шарҳ). Хукмнинг иллати нуқсонидир, яъни етилмаган солиқ сулук тариқида сифатлардан қанчалик фоний бўлса-да, Молик ул-Мулк сифатларининг тажаллиёти унинг зотида барқарордир. Шу сабабли рубубият зотининг тажаллий қуёши гоҳ тулӯъ қилиб (175а)чиқади, гоҳида эса ботади. Ва ўша солиқнинг зоти тулӯъда боқийдирки, у ой эмас ва бу зот бутининг нақши бўлиб, доим турувчидир ва у эса бундан огоҳ эмас. Чунончи, ҳазрати Мавлавий айтадилар:

*Зоташ аз айнаш яқин шуд, н-аз сӯхун,  
Пухтағй чу дар яқин манзил макун.  
То насўзӣ, нест он Ҳаққ ул-яқин,  
Гар яқин тоҳӣ ту, дар оташ нишин.  
(Унинг Зоти сўздан эмас, айнидан йақин бўлди,  
Агар пухта бўлсанг, йақинда манзил тутма.)*

---

<sup>1</sup> «Мен ботиб кегувчиларни севмайман». (Қуръон, 6/76).

То куймагунингча у Хаққ ул-йақин бўлмайди,  
Агар йақинни хоҳласанг, унда олов устига ўтир.)  
Мана бу байт ўша иллат аломатининг баёнидир:

*Ҳаст сўфийи сафо чун ибни вақт,  
Вақтро ҳамчун падар бизрифт саст.  
Ҳаст сўфӣ гарқи ишқи Зул-Жалол,  
Ибни кас не форис аз авқоту ҳол.  
(Сафо сўфийси «вақт ўғли» бўлиб,  
Вақтни ўз отаси каби қаттиқ ушлайди.  
Сўфий Зул-Жалол ишқиға гарқдир,  
У вақт ва ҳолдан форигдир.)*

*Гарқои нури, ки ў «лам ювлад» аст,  
«Лам йалид, лам ювлад» они Изад аст.  
Рав, чунин ишқро бижў гар зундай,  
В-арна вақти мухталифро бандай.  
(Кимки «лам ювлад» нуриға гарқ бўлса,  
«Лам йалид, лам ювлад» Ҳақники эканини билади.  
Агар ҳаёт бўлсанг, бор шундай ишқни қидир,  
Йўқ эса ҳар хил вақтларнинг қули бўласан.)*

**ДОВУД АЛАЙҲИС САЛОМ ДАВРИДА ЯШАГАН ВА  
ХУДОЙИ ТАЪОЛОДАН РАНЖСИЗ,  
ҚИЙИНЧИЛИКСИЗ САБАБСИЗ, ТАРАДДУДСИЗ,  
КАСБСИЗ, БЕТАШВИШ ҲАЛОЛ РИЗҚ ТОПИШ  
УЧУН ДУО ҚИЛГАН  
ОДАМ ҚИССАСИ**

*Он яке дар аҳди Довуди набӣ,  
Назди ҳар донову пеши ҳар габӣ.  
Ин дуо мекард доим к-эй Худо,  
Сарвате беранж рўзӣ кун маро.  
(Бир киши Довуд набий даврида,  
Ҳар бир доно ва ҳар аҳмоқ олдида,  
Худойи таъоло шундай дуо қиларди:  
- Эй Худо, менга ранжсиз бойлик насиб эт.)*



**Чун маро ту офаридй коҳиле,  
Затмгоре, сустжанбе, танбале.  
Бар харони пуштреши бемурод,  
Бори асбон, уштурон натвон ниҳод.**  
(Сен мени дангаса қилиб яратдинг,  
Кўп еювчи, қўли суст ва танбал қилдинг.  
Орқаси яғир, номурод эшакларнинг белига,  
Отлар ва хачирларнинг юкини қўйиб бўлмайдди.)

**Коҳилам чун офаридй, эй мулй,  
Рўзиям дех ҳам зи роҳи коҳилй.  
Коҳилам ман, соягусбам дар вуҷуд,  
Хуфтам андар сояи ин фазлу жуд.**  
(Эй қудратли Зот, мени дангаса қилиб яратган экансан,  
Шу дангасалигимга яраша ризқимни ҳам бер.  
Мен дангасамаң, сояни севучи бир махлуқман,  
Бу фазл ва саховат остида уйқуни урувчиман.)

(Шарҳ). Менинг дангасалимга, яъни ирода ва ихтиёр йўқ ва қолмаган, сояпарварман, яъни Онҳазрат саллаллоҳу алайҳи ва саллам нурларининг сояларида ухловчиман ва бу эса Ҳазрати Ҳақ субҳонаҳу ва таъолонинг фазли ва жўмардлиги (176а) сабаб-лидир. Пайғамбаримиз туфайли баъзи умматларда фазл ва жуд бўлади ва булар ақтоблардир, чунончи, айтадилар:

**Коҳилони соягусбонро магар,  
Рўзиё бинҳодаи навъи дигар.**  
(Дангаса ва сояпарвар ухловчиларга,  
Наҳотки бошқа бир ризқ берган бўлсанг?)

(Шарҳ). Ва бу пок Зот тажаллийсининг ризқидир. Дангасалар (коҳиллар) ўзларидан ва ўз таъсирларидан озод бўлганлар ва жуд майдонига ҳамда эҳсон соясига етишганлардир. «Магар», яъни ҳақиқатан ҳам, ўз фазли ва карами воситаси билан Пок Зот тажаллийсини уларга ризқи рўзи қилиб берган.

**Ҳар киро пойест, жўяд рўзиё,  
Ҳар киро по нест, кун дилсўзиё.**  
(Ҳар кимда оёқ бор экан, у ўз ризқ рўзини қидиради,  
Ҳар кимда оёқ бўлмаса, сен унга жон куйдир.)

(Шарҳ). Ҳар кимда ирода ва ихтиёр оёғи бўлса, у пок Зот тажаллийсини қидиради, ҳар кимда оёқ қолмаган бўлса, уни ўз карами ва сояси остида, тутади.

*Чун заминро по набошад жуди ту,  
Абрро ронад ба сўйи ў дуту.  
Тифлро чун по набошад модараш,  
Ояду резад вазифа бар сараш.  
(Ёрнинг оёғи бўлмагани учун сенинг жудинг,  
Булутни унинг бошига кўплаб суради.  
Ўдакнинг оёғи бўлмагани учун онаси,  
У сари келади ва овқатини беради.)*

## **НАМГА СОЛУВЧИНИНГ УЗР АЙТИШИ ВА МАДАД СЎРАШИ**

*Чун ман аз тасбиҳи нотихъ гофилам,  
Чун бидонад сабҳаи сомит дилам.  
Ҳаст сунниро яке тасбеҳи хос,  
Ҳаст жабриро зиди он дар манос.  
(Мен агар сўзловчининг тасбиҳидан гофил эканман,  
Менинг дилим сўзламайдиганнинг тасбиҳини қайдан  
билсин?)*

*Суннийнинг ўзига хос бир тасбиҳи бўлса,  
Ҳабрийда эса унга қарши бир далил бор.)*

*Суннӣ аз тасбеҳи жабрӣ беҳабар,  
Ҳабрӣ аз тасбеҳи суннӣ беасар.  
Ин ҳамегӯяд, ки он золласту гум,  
Беҳабар аз ҳоли ў в-аз амри «қум».  
(Сунний жабрийнинг тасбиҳидан беҳабар,  
Ҳабрий эса суннийнинг тасбиҳидан таъсирсиз.  
Буниси, у йўлдан адашган ва йўлини йўқотган, дейди,  
Унинг ҳолидан ва «Тур» деган амридан беҳабардир.)*

*В-он ҳамегӯяд, ки инро чи ҳабар,  
Ҳангашон афканд Яздон аз қадар.*

(Униси айтадики, улар буни билмайди,

Уларнинг жангу жадали Аллоҳ тузган тақдирдандир.)

(Шарҳ). Сунний ташқи кўринишга оро берувчи ва ташқи шаклга банддир, башарийлик вужудидан халос бўлган ва тўлиғича сийратга айланган жабрийнинг аҳволини у қаёқдан билсин?! Агар ўша сунний тасбиҳ айтса, ширк бўйича ёки нафси аммора кўмаги билан айтади. Жабрий эса Ҳақ зикрини жабр билан ва ўзидан четлашган ҳолда айтади. Бу хил жабр ўздан кечиб ва Ҳазрати Аллом (Аллоҳ)га берилиш билан бўлади ва бу жабр авом халқи тушунган ёмон мазмундаги жабр эмас. Чунончи, бошқа жойда буюрадилар:

*Гар бувад ин жабр жабри омма нест,*

*Жабри он аммораи худжома нест.*

*Ин маъийят бо Ҳақасту жабр нест,*

*В-ин тажаллийи Ҳақасту абр нест.*

(Гарчи бу жабр бўлса ҳам омманинг жабри эмас,

Ва нафси амморанинг ҳам жабри эмас.

Бу «менлик» Ҳақ билан, у жабр бўлмайди,

Бу Ҳақнинг тажаллийисидир, у булут эмасдир.)

*Жабрро эшон шиносанд, эй падар,*

*Ки Худо бикшиодашон дар дил басар.*

(Эй ўғилгинам, бу жабрни фақат улар биладилар,

Аллоҳ уларнинг дилини кўрувчи қилиб қўйган.)

(177a)(Шарҳ). «Халақ ал-Одама мин ҳимоин маснун»га (Қуръон, 15/23) мувофиқ, сунний қалби сассиқ қора лойдандир. У тақлид ва ташқи томонга оро бериш сабабли ўша муҳаққиқ жабрийнинг кўриниши ва одатини ўзининг кўриниши ва одатига хилоф ҳолда кўради, унга нисбатан бўлган таслим ва ҳурматни инкор ва таҳқирга айлантиради ва айтадики, бу жабрий фалондақа ва у ўз йўлида адашгандир. Чунки бу ҳолнинг асл ҳақиқати «қум» (тур) амри тақозоси эканини, ундан юз берадиган барча феъл ва одатлар Ҳазрати Раҳмондан юз беришини билмайди. Чунончи, бошқа ерда буюрадилар:

*Авлиё асхоби Каҳфанд, эй унуд,*

*Дар қиёму дар тақаллуб ҳам руқуд.*

*Мекашадшон бетакаллуф дар фиъол,*

**Бехабар зот ул-ямин, зот уш-шимол.**  
**Чист он зот ул-ямин, феъли ҳасан,**  
**Чист он зот уш-шимол, ашголи тан.**  
 (Эй саркаш, авлиёлар юриш-туриш ва уйқуда,  
 Гўё Қаҳф асҳоблари кабидирлар.  
 Улар феълда қийинчиликсиз ҳаракат қилади,  
 Зот ул-йамин (ўнг томон) зот уш-шимол (чап томон) дан  
 хабар топмайди.  
 Зот ул-йамин нима? Бу - чиройли феълдир.  
 Зот уш-шимол нима? Бадан машғулотиدير.)

Шундай қилиб, ўшал муҳаққиқ жабрий кўнгилга тасаллий бериш ёки халққа меҳрибонлик кўрсатиш учун, бу сунний ишларнинг ҳақиқатидан қандай хабардор бўлсин, дейди.

**Гавҳари ҳар як хувайдо мекунад,**  
**Жинс аз ножинс пайдо мекунад.**  
**Қаҳрро аз лутф донад ҳар касе,**  
**Хоҳ доно, хоҳ нодон ё касе.**  
 (Ҳар бирининг гавҳарини аён қилади,  
 Яхши ва ёмонни бир-биридан ажратади.  
 Ҳар бир киши қаҳр бу лутфдан эканини биллиб олади,  
 У хоҳ доно, хоҳ нодон ёхуд бир хор киши бўлсин.)

**Лек лутфе қаҳр дар пинҳон шуда,**  
**Ёки қаҳре дар дили лутф омада.**  
**Кам касе донад магар Раббоние,**  
**К-аш бувад дар дил маҳакки жоние.**  
 (Бироқ лутф қаҳр ичида пинҳон бўлган,  
 Ёки қаҳр лутф бағрида яшириндир.  
 Буни Раббоний зотлардан бошқа кам одам билади,  
 Буни дилида жоннинг маҳак (синов тоши) борларгина  
 билади.)

(Шарҳ). Зоҳирӣ қаҳр ва лутфни яхшилик ва ёмонликни биладиган ҳар бир одам билади. Бироқ лутфнинг қаҳр ичида пинҳонлигини балоларга мубтало бўлган анбиё алайҳимис салом ҳамда қаҳрни лутф ичида пинҳонлигини ўз душманларини ҳам анвои неъматлар билан шод қилувчилардан ўзгалар билмайди,

фақат Раббоний зотлар биладики: «*Ул кунки сирлар очилур*» (Куръон, 86/9) маъноси кашф бўлган, уларнинг илми айнга айлангандир. Мана шу таниш ва кўра олиш «маҳаки жон» (жон синов тоши)дан иборатдир.

*Боқийн з-ин ду гумоне мебаранд,  
Сўйи лонай худ ба як пар мепаранд.*

(Бошқалар бу иков ҳақида гумон қиладилар,  
Ўз иллари сари битта қанот билан парвоз қиладилар.)

(1776)(Шарҳ). Мазкур ғайри Раббонийларким, қаҳрдаги пинҳона лутфким, бу муҳаққиқ жабрийнинг ҳоли ва сийрати эди, лутфда пинҳон бўлган қаҳрим, муқаллид суннийнинг ҳавсаласининг дони ва ҳосили эди, бу ҳақда гумон қиладилар ва ўз қидирган нарсаларининг манзил ва маъноси томон битта қанот, яъни бир-иккита садоқат қадамини кўядилар, сўнг яна хато ва ёлгон ғорига йиқилдилар, гумон ва шубҳа ичига боши билан қулайдилар. Агар Аллоҳ таъолонинг фазлу карами билан гумон илм ва аниқликка айланса, йўлда мустаҳкам бўлиб, тўғри йўлдан кетадилар. Ярамас одамларнинг сўзларидан ва пасткаш кишиларнинг таъзимидан ваҳима чоҳига қуламайдилар. Чунончи, мактаб болаларининг муаллимга қилган таъсири ва Фиръавни малъуннинг ҳар қандай пасткаш таъзимига учгани каби ҳол уларда рўй бермайди.

**ХАЧИРНИНГ ТУЯГА ҚАРАБ, МЕН ЙЎЛДА КЎП  
ЙИҚИЛАМАН, СЕН ЭСА КАМ ЙИҚИЛАСАН, АЙТ  
БУНИНГ САБАБИ НИМАДИР, ДЕБ ШИКОЯТ  
ҚИЛГАНИНИНГ БАЪНИ**

*Гуфт устур бо шутур, к-эй хуш рафик,  
Дар фарозу шеб дар роҳи дақиқ.  
(Хачир туяга дедик, эй ёқимли рафик,  
Нозик йўлларнинг пасту баландида.)*

(Шарҳ) Хачирдан мурод - гоҳ Аллоҳга юзланадиган, гоҳ бошқага юз тутадиган кишидир ва унда тўлиқ ишонч ҳосил бўлмагандир. Туядан мурод шундай кишики, сирдошлик йўлида собитқадамлиги

шу даражадаки, у Фиръавнининг сеҳргарлари каби Шайтоннинг бонгига ҳам, нафснинг иғвосига ҳам учмайди.

## **ДАҚУҚИЙ ВА УНИНГ ҚАРОМАТЛАРИНИНГ ҚИССАСИ БАЁНИДА**

*Хар таруқӣ он фуруқе кай шинохт,  
Чун Дақуқӣ то дар ин давлат битохт.  
(Дақуқий бу давлатта қандай етганини,  
Хар қандай йӯл юрувчи бу фирқани қайдан билсин.)*

(Шарҳ). Башар комилларида Ҳақ қазосига розилик ҳосил бўлгач, Унинг ҳукм ва фармониға таслим ва итоат юз бергач, Унинг амриға мувофиқ юриш ажру савоб учун эмас ва наҳй ва унинг тақозосидан қайтиш хавф, қийноқ ва азобдан эмас, балки аслда бу одат унинг хилқатида бўлади, касби, талаб ва қидиришда бўлмайди. Демак, уларға ўлим ва бало келса, чунончи ҳалво шақари каби хуш ва ёқимли бўлиб келади. Шундай экан, қандай қилиб уларнинг дуо ва илтижолари неъматни жалб этиш ёки балови қайтариш (1796)учун бўлсин! Бироқ на ҳар қандай най ва дарахт унинг шаҳди билан тилини ширин қила олади, балки балеанд парвоз шаҳбози бунга эриша оладикки, улар икки оламни бир қадам билан боса оладилар. Чунончи, айтадилар:

*Хар таруқӣ он фуруқе кай шинохт,  
Чун Дақуқӣ то дар ин давлат битохт.*

## **МУСО АЛАЙҲИС САЛОМ ҲАҚҚА ЯҚИН ВА ПАЙҒАМБАР БЎЛИШИГА ҚАРАМАЙ, ХИЗР АЛАЙҲИС САЛОМДАН СИР ТАЛАБ ҚИЛГАНИ БАЁНИДА**

*Аз калими Ҳақ биёмӯз, эй карим,  
Бин чӣ мегӯяд зи муштоқӣ калим.  
Бо чунин жоҳу чунин пайғамбарӣ,  
Толиби Хизрам зи худ бинӣ барӣ.  
(Эй саховат соҳиби, Ҳақ Калими Мусодан ўргангинки,  
Бу калим муштоқликдан нима дейди.*

- Шунчалик иззат ва шундай пайгамбарлик билан,  
Хизрнинг толибиман, ўз нафсимдан эса безорман.)

*Мусиё, ту қавми худро хиштай,  
В-аз пайи некўийе саргаштай.  
Кайқубодй раста аз хавфу ражо,  
Чанд гардй, чанд гўйи то кужо.*  
(Эй Мусо, сен ўз қавмингни қолдириб,  
Яхшилик ортидан саргаштасан  
Сен Кайқубодсан, хавф ва умиддан озодсан,  
Токайгача кезасан, токайгача сўзлайсану қайга борасан?)

(180а) *Они ту бо туст, ту воқиф барн,  
Осмоно, чанд паймойи замин.  
Гуфт Мусо, ин маломат кам кунед,  
Офтобу мохро кам раҳ занед.*  
(Қидирганинг ўзингда, ўзинг бундан воқифсан,  
Эй Осмон, токайгача ерда айланиб юрасан?  
Мусо дедик, бундай маломатни кам қилинг,  
Қуёшпу Ойга нисбатан ҳам қароқчилик қилманг.)

*Меравам то мажмаъ ул-бахрайн, ки ман,  
То шавам масхуби султонни заман.  
Ажъал ул-Хизра ли-амрй сабабан,  
Зока ав амзи ва асри хуққабан.*  
(То замон султонига етишмагунча.  
Мажмаъ ул-бахрайн<sup>1</sup> сари боравераман.  
Хизрни ўз мақсадимга етиш учун сабаб қиламан,  
Бунинг учун узоқ муддат юраман ва сайр қиламан.)

*Солҳо паррам ба парру болҳо,  
Солҳо чй бвад, ҳазорон солҳо.  
Меравам, яъни намеарзад бад-он,  
Ишқи жонон кам мадон аз ишқи нон.*  
(Пару қанотларим билан йиллар учаман,  
Йиллар надир, минг йиллаб учаман.

---

<sup>1</sup> Қаҳф сурасидаги 60-оятга ишора: Мен юришдан тўхтамасман икки дарё қўшилган ерга етгунимча ёки юриб турурман учун муддат»

Менинг юришим бунга арзимайдими?  
Жононнинг ишқини нон ишқидан кам деб ўйлама.)

*Ин суган поён надорад, эй аму,  
Достони он Дақуқӣ бозгў.  
(Эй амак, бу сўзнинг поёни йўқдир,  
Кел, Дақуқий достонини айтишга кириш.)*

(Шарҳ) Юқоридаги байтда ўтган Мажмаъ ул-баҳрайн (Икки дарё қўшилиши)дан мурод Онҳазрат саллаллоху алайҳи ва салламнинг нури бўлиб, у икки денгиз - *имкон денгизи* (баҳри имкон) ва *зарурият денгизи* (баҳри вужуб) ўртасида жойлашган *Замон султони* (султони заман)дан мурод замона кутби бўлиб, у Онҳазрат саллаллоху алайҳи ва салламнинг ўринбосари ҳамда ўз давридаги барча авлиёларнинг султони ва фармон берувчисидир. Барча авлиёларнинг нисбатини жам қилиш ва керакли жойга ҳавола қилиш мазкур кутбнинг қўлида ва амру фармонида бўлади. Мажмаъ ул-баҳрайнда юрувчи ва замон султонига суҳбатдош бўлувчидан мурод - ўз нафсига ғолиб, олий давлат ва улуг ҳиммат толибидирки, бунинг баёни собиқ икки байтда ўтди: лекин менинг мақсудимнинг ҳар бир най (қамич) ва нахли (дарахти) Мажмаъ ул-баҳрайнга бориш. Замона кутби ва давр подшосини топишга лойиқ эмас, бунинг учун унинг суҳбатидан баракат топиш, бу билан дор ул-қарорга етиш, бандаликнинг асл ҳақиқатини билишни ҳосил қилишдир. Чунончи, бу ҳақда айтдилар:

*Ажғал ул-Хизра ли-амрий сабабан,  
Зока ав амзий ва асрий хуққабан.*

*Солхо паррам ба парру болхо,  
Солхо чи бвад, ҳазорон солхо.*

(Хизрни ўз мақсадимга етиш учун сабаб қиламан,  
Бунинг учун узоқ муддат юраман ва сайр этаман.  
Пару қанотларим билан йиллар учаман,  
Йиллар надир, минг йиллаб учаман.)

Башариятнинг тоқати йиллаб ва минг йиллаб беҳисоб қийинчиликка, узоқ йўллар (1806)ва сайри сулук суръатига тоқат қилолмайди. Ҳақиқат аҳли ва таҳқиқ аҳлининг сўзларини мажоз ёки орзута қиёслаш улар ҳақида ёмон гумонга бориш ҳисобланади.



Балки, бу ердаги маъно шундайки, бу йўл юривчи Ҳазрати Ҳақни қидирувчидир, бу йўлда жон фидо қилиб, Зот тажаллийсини қидирганки, бу жойда бир кунлик сайр ҳисобу санокдан ташқаридир. Бу кайфият ва ҳолнинг қандай ва нечуклиги баёнга мос келмайди.

Ҳазрати Хожа Муҳаммад Порсо, сирлари муқаддас бўлсин, «Таҳқиқот» номли рисоласида келтиришларича, рубубият оламидаги бир кунлик сайр бу жаҳоннинг минг йилга тўғри келади. Бу сайрнинг йиллари «*синнини малакутий*» (малокутий йиллар) дейилади. Улуҳийят оламидаги бир кунлик сайр бу жаҳоннинг эллик минг йилга тўғри келади. Бундай йилни «*синнини жабарутий*» (жабарутий йиллар) дейилади. Пок Зот бўлган «*Синнини лохутий*» (лохутий йиллар)ни «*синнини сармадий*» (сармадий йиллар) дейиладики, бу ерда санок ва миқдор орага сифмайди. Бу ерда йиллар ва кунлар сармадий йиллар бўлиб, бу Ҳақ таъолонинг айни ваҳдатига бақо ва боқийликдир. Қолган байтлар қуйидагилар эди:

*Меравам, яъни намеарзад бад-он,  
Ишқи жонон кам мадон аз ишқи нон.  
Ин суҳан поён надорад, эй аму,  
Достони он Дақуқӣ бозғӯ.*

(Менинг юришим бунга арзирмиди?  
Жононнинг ишқини нон ишқидан кам деб ўйлама.  
Эй амак, бу сўзнинг поёни йўқдир,  
Кел, Дақуқӣй достонини айтишга кириш.)

## **СОҲИЛ ТОМОНДА ДАҚУҚИЙНИНГ ЕТТИТА ШАМ КЎРГАНИНИНГ БАЁНИДА**

*Ҳафт шамъ аз дур дидам ногаҳон,  
Андарон соҳил шитобидам ба жон.  
Нури шамъи ҳар яке шўълазанон,  
Пур шуда ҳуш то инони осмон.  
(Ногаҳон узоқдан еттига шамни кўрдим,  
Жоним билан соҳил томонга шощдим.  
Ҳар бир шамнинг шуъла уришидан,  
То осмонгача ёруғлик тўлган эди.)*

*Хира гаштам, хирагй ҳам хира гашт,  
Мавжи хайрат ақро аз сар гузашт.  
К-ин чигуна шамъхо афрӯхтаст,  
К-ин ду дида халқ аз инхо дуртаст.*  
(Хайратда қолдим, хайрат ҳам хайратда эди,  
Хайрат тўлқини ақлни шошириб, бошдан ошиб ўтди.  
Бу ёқилган қандай шамлар эдики,  
Халқнинг икки кўзи уни кўрмас эди.)

*Халқ жўёни чароге кушта буд,  
Пеши он шамъе, ки бар маҳ мефузуд.  
Чашмбанде буд ажаб бар дидахо,  
Бандашон мекард «йаҳди ман йашо».*  
(Бу ойдан ҳам ёруғ шам қаршисида,  
Халқ ўзининг ўчган чироғини қидирар эди.  
Бу - кўзларга ажаб кўзбойлогич бўлган эди,

Уни боғлаган «кимники хоҳласа, ҳидоят қилади» эди.)<sup>1</sup>  
(Шарҳ). Куёш ва Ойдан голиб ва зиёда бу шамларнинг борлигига қарамай, жаҳон халқи эҳтиёжнинг зўрлигидан ёритувчи бир чироқ учун зор ва забун бўлса-да, бироқ бу шамларга бир кичигина толиб ва унга кўз очувчидир, чунки бунинг устида «кимни хоҳласа ҳидоят қилади, кимни хоҳласа, ҳукм қилади» ҳоқимдир.

## **ДАҚУҚИЙНИНГ НАЗАРИДА ЎША ЕТТИГА ШАМНИНГ БИТГА ШАМГА АЙЛАНГАНИ БАЁНИДА**

*Боз меидам, ки мешуд ҳафт як,  
Мешикофид нури ў жайби фалак.  
Иттисолоти миёни шамъхо,  
(1816) Ки наёяд бар забони гуфти мо.*  
(Қараб турсам, еттига шам яна битга бўлди,  
Унинг нури фалакларни ҳам тешиб ўтарди.  
Шамлар ўртасида бир-бирига боғлиқлик бўлиб,  
Бу бизнинг баённингта сиғмас эди.)

*Боз он як бори дигар ҳафт шуд,  
Мастию хайрони ман зафт шуд.*

**Он ки як дидан кундан идроки он,  
Солҳо натвон шунудан аз забон.  
(У яна иккинчи марта еттита бўлди,  
Менинг мастлигим ва ҳайронлигим ҳаддан ошди.  
Кимки уни бир марта кўрса, идрок қила олади,  
Уни йиллаб эшитса ҳам адо қилолмайди.)**

(Шарҳ). Соҳиб иқтидор мукаммил зот бу нурни аҳли  
басиратга бир бор кўрсатса, бу мукаммилнинг ажойиб  
иқтидорини йиллаб ёзиб тугатолмайди ва сўзлаб биттиролмайди.

**Он ки як дам бинадаш идроку ҳуш,  
Солҳо натвон шунудан он ба гўш.  
Чунки поёне надорад, рудд илайк,  
З-он ки «ло уҳсий саноан мо алайк».  
(Кимки уни бир дам идрок ва ҳуш билан кўрса,  
Йиллаб уни қулоқ билан эшитолмайди.  
Бунинг поёни йўқ, қисса сари қайт,  
Чунки, унга сано айтишни охирига етқизолмайсан.)**

**Пештар рафтад давон к-он шамъҳо.  
То чӣ чиз аст аз нишони Кибриё.  
Мешудам беҳушу мадҳушу хароб,  
То бияфтадам зи таъжилу шитоб.  
(Чошганимча олдинроқ бордим,  
Кибриё нишонидан бу шамлар нималигини билмоқчи  
бўлдим.)**

Ҳушдан айрилиб, беҳуш ва хароб бўлдим,  
Бу шошилишдан тупроққа йиқилдим.)

**Соате беҳушу беақл андарин,  
Ўфтадам бар сари токи замин.  
Боз боҳуш омадам, бархостам,  
Дар равии гўйи на сар, не постам.  
(Бирор соат беҳуш ва ақлсиз ҳолда,  
Тупроқ устида йиқилиб ётдим.  
Сўнг яна ҳушимга келиб, ўрнимдан турдим,  
Юрай десам, на бошим ва на оёғим бор эди.)**

(Шарҳ). Ўша мукамилнинг ҳақиқати ва маъно оламини бир бор кўрса, идрок ва ҳушидан бутунлай айрилади ва уни бу жаҳоннинг ҳуши ва қулоғи билан йиллар бўйи эшитолмайди ва идрок қилолмайди.

## **ЎША ЕТТИТА ШАМНИНГ ДАҚУҚИЙ НАЗАРИДА ЕТТИ КИШИ БЎЛИБ КЎРИНГАНИ БАЁНИДА**

*Ҳафт шамъ андар назар шуд ҳафт мард,  
Нурашон мешуд ба сақфи ложувард.  
(Еттигита шам боқишда етти кишига айланди,  
Нурлари кўм-кўк осмон томигача етди.)*

(Шарҳ). Бу авлиёларнинг нисбатларини шам сувратида, киши сувратида ёки дарахт сувратида кўрсатиши уларнинг Дақуқийга талвиндан сўнг тамкинни таълими учундир, токи муқтадоликка лойиқ бўлсин. Чунки бундай талвинларнинг бир сувратдан бошқа сувратга ёки бошқа нарсаларга айланиши мукамаллика эришишнинг шартларидан ҳисобланади.

*Пеши он анвор нури рўз дурд,  
(182а) Аз салобат нурҳоро месутурд.  
Боз ҳайрон гаштам андар сунъи Рабб,  
К-ин чунин чун шуд, чи гунаст, эй ажаб.  
(Бу нурларнинг қаршисида кундуз нури сўнди,  
У ўз салобати билан бу нурларни супуриб ташлади.  
Парвардигор санъати ҳақида янада ҳайрон бўлдим,  
Эй ажаб, бу қандай ва нечук юз беради.)*

## **ЎШАЛ ШАМЪЛАРНИНГ ЯНА ЕТТИ ДАРАХТГА АЙЛАНГАНИ БАЁНИДА**

*Боз ҳар як мард шуд шакли даратт,  
Чашмам аз сабзийи эшон неқбахт.  
З-анбуҳийи барг пайдо нест шох,  
Барг ҳам гум гашта аз мева фарох.*

(Яна ҳар бир киши дарахт шаклини олди,  
Кўзларим уларнинг яшиллигидан сурур топди.  
Баргининг кўллигидан шохлари кўринмасди,  
Меванинг кўллигидан барглари ҳам пинҳон бўлган эди.)

**Ҳар дарахте шох бар Сидра зада,  
Сидра чӣ бвад аз хало берун шуда.**  
(Ҳар бир дарахтнинг шохи Сидрага<sup>1</sup> етган эди,  
Сидра нима бўпти, балки ундан ҳам ўтган эди.)

(Шарҳ). Дарахт - орифнинг зоти ва ҳақиқатидан иборат, барг - орифнинг маърифати, мева - тажаллий ва бошқалардан юз берадиган Илоҳий кашф бўлиб, ориф ҳамда унинг маърифатини маълум ва йўқ қилувчидир, чунончи, «мевадан барглари ҳам йўқ бўлган» дейилади. Бу бир орифнинг ҳақиқати ва бир комил инсонки, гоҳо уни дарахтга ўхшатадилар, гоҳ қуёшга, гоҳ осмонга, гоҳ булутга қиёс қиладилар. Чунончи, бу ҳақда қуйидаги байтларда келади:

**Беги ҳар як рафта то қазри замин,  
Зертар аз гову моҳӣ буд яқин.**  
**Бешашон аз шох хандонрӯйтар,  
Ақл аз он ишколашон зеру забар.**  
(Ҳар бирининг томири ер остига кириб кетган эди,  
Хўкизу балиқдан ҳам қуйига ўтиб кетган эди.  
Томирлари шохларидан яшнаганроқ бўлиб,  
Ақл унинг сувратидан остин-устун эди.)

**Мевае, ки бар шиқофидӣ зи зӣр,  
Ҳамчу об аз мева жастӣ барқи нур.**  
(Мевалари пишиб-етилишнинг зўридан ёрилган эди,  
Сув отилгани каби мевадан чақноқ нур отилар эди.)

---

<sup>1</sup> Сидра - етгинчи осмондаги кувор дарахти, уни Сидрат ул-мунтаҳо ҳам дейилади, Жаброил (а.с.)шу ердан нарига ўтолмайди.

## БУ ДАРАХТЛАРНИНГ ХАЛҚ КЎЗИДАН МАХФИЙЛИГИ БАЁНИДА

*Ин ажабтар, ки бар эшон мегузашт,  
Сад ҳазорон халқ дар саҳрову дашт.  
3-орзуйи соя жон мебохтанд,  
Аз гилеме соябон месохтанд.*

(Шуниси ажабланарлики, юз минглаб халқ,  
Саҳро ва даштларда бу дарахтлар ёнидан ўтган.  
Соя орзусида жонларидан кечганлар,  
Гиламу шолчалардан соябонлар қилганлар.)

*Сояи онро ҳамедиданд ҳеч,  
Сад туфу бар дидаҳойи ҳеч-ҳеч.  
Хатм карда қаҳри Ҳақ бар дидаҳо,  
Ки набинад Моҳро, бинад Суҳо.*

(Одамлар унинг соясини асло кўрмаганлар,  
Ҳеч нарса кўрмайдиган кўзларга юз «туфу» бўлсин.  
Ҳақ қаҳрини кўзларига муҳр қилиб,  
Ойни кўрмайдилар, аммо Суҳони<sup>1</sup> кўрадилар.)

*Зарраеро бинаду Хуршед не,  
Лех аз лутфу карам навмед не.*

(Майда нарсаларни кўрадилар, бироқ  
Қуёшни кўрмайдилар,  
Бироқ Ҳақ лутфу карамидан ноумид эмаслар.)

(1826)(Шарҳ). Орзудан мурод - авлиёлар нисбати бўлиб,  
бу уларнинг маънавий вужудларининг соясидир. Бу  
авомуннослар жон фидо қилиб, гилам ва наматлардан ўз  
башариятига соябон, басират кўзларига ҳижоб тузадилар.  
Улар Ҳақ таъоло лутфи ва карами билан бу ҳижобни кўз  
саҳнидан йиғиштиришни орзу қиладилар. Чунончи, бошқа  
жойда айтадилар:

*Рав, мусаффо кун даруни ҳешро,  
То бубинӣ сирри ҳар дарвешро.*

---

<sup>1</sup> Суҳо - Катта Айиқ юлдузлар туркумида жойлашган жуда кичкина юлдузча.

(Токи ҳар бир дарвишнинг сиррини билиш учун,  
Бор, сен аввал қалбингни мусаффо қил.)

## **ДАҚУҚИЙНИНГ НАЗАРИДА ЕТТИ ДАРАХТНИНГ БИТТА ДАРАХТГА АЙЛАНГАНИ БАЁНИДА**

*Гуфт, рондам пештар, эй некбахт,  
Боз шуд он ҳафт жумла як дарахт.  
Ҳафт мешуд фард мешуд ҳар даме,  
Ман чунон мегаштам аз ҳайрат ҳаме.*

(Дақуқий дедикӣ, эй бахтли одам, мен яна олдинроқ  
бордим,

Ўша етти дарахт яна битта дарахтга айланди.  
Бир гал еттита бўлса, бир гал битта бўлар,  
Мен эса ҳайрат ичра айланар эдим.)

*Баъд аз он дидам дарахтон дар намоз,  
Саф кашаида чун жамоат карда соз.  
Як дарахт аз пеш монанди имом,  
Дигарон андар паси ӯ дар қиём.*

(Шундан сўнг, қарасам, дарахтлар намоз учун,  
Саф тортишиб, жамоатни ташкил қилишибди.  
Битта дарахт гўё имом каби олдинда,  
Бошқалари унинг орқасида қиёмда турардилар.)

(Шарҳ). Бундан аввал баёни ўтдики, авлиёлар талвиндан сўнг тамкин мақомида ҳар хил сувратда кўринадилар. Аммо бу ерда кутбнинг ҳамда тасарруф соҳиби бўлган имомнинг ҳоли баён қилинмоқдаки, бу нисбатларни жам қилиш, уларни фарқ этиш ёки уларни тасарруфга солиш муддаодир. Чунончи, бу ҳақда бошқа жойда айтадилар:

*Чоржўйи жаннат андар ҳукми мост,  
Ин на зўри мо, ба фармони Худост.  
Ҳар кужо хоҳем, соземаш равон,  
Ҳаст дар ҳукми дилу фармони жон.*

(Жаннатнинг тўрт анҳори бизнинг ҳукимимиз остидадир,  
Бу бизнинг зўрлигимиздан эмас, Аллоҳнинг  
фармонидандир.

Қайга хоҳласак, уни ўша ерга раво қиламиз,  
У дилимиз ҳукми ва жонимиз фармони остидадир.)

Бошқа жойда буюрадилар:

*Дил магар мўҳри Сулаймон бохтаст,  
Ки маҳори беҳи ҳис бартофтаст.*

(Дил наҳотки Сулаймон мўҳрини тошган бўлса,  
Чунки у ҳис томирининг тизгинини тортибди.)

Яна буюрадилар:

*Чун амири жумлаи дилҳо шавӣ,  
Андарин даврон талфай Ҳақ туйи.*

(Барча дилларнинг амири сенсан,  
Замонда сен Ҳақнинг халифасисан.)  
Ҳазрати Шайх Қосим Анвор айтадилар:

(183а) *Аз румиён лашкар кашам,  
Маркаб ба майдон дар кашам.*

*Шамшери буррон бар кашам,  
Барҳам занам Ҳиндустон.*

(Румийлардан лашкар тортаман,

Отимни майдонга тортаман,

Ўткир қилични тортаман,

Ҳиндистонни забт этаман.)

Бу байт ҳам шунга ишорадир:

*Он қиёму он рукуъу он сужуд,  
Аз дарахтон бас шигифтам менамуд.*

*Ёд кардам қавли Ҳақро он замон,*

*Гуфтам, он-нажму шажарро ёасжудон.*

(Бу қиём, бу рукуъ ва бу саждаларни,

Дарахтларда кўриб, ҳайратим келди.



Шу онда Ҳақ сўзини ёдимга олдим,  
Дедимки, юлдуз ва дарахти сажда қилувчилардир.)<sup>1</sup>

*Ин дарахтонро на зону, на миён,  
Ончи тартиби намоз аст, ончунон.*

*Омад илҳоми Худо к-эй бофурўз,  
Ин ажаб дорй зи кори мо ханўз.*

(Бу дарахтларда тизза ҳам, бел ҳам йўқ эди,  
Намоз қайси тартибда бўлса, шу тартибда эди.  
Шунда Худо илҳоми келдики, эй нурли инсон,  
Ҳануз бизнинг ишга ажабланасанми?)

(Шарҳ). Бу дарахтлар ўша авлиёларнинг ҳақиқатларидир  
ва том маънодаги нурлар бўлиб, уларни бир неча хил номлар  
билан ҳам атайдилар, масалан, қуёш, дарё ва бошқалар билан.

*Ки дарахташ ном шуд гаҳ офтоб,  
Гоҳ баҳраш ном гашта, гаҳ саҳоб.  
Гарчи фард аст ў асар дорад ҳазор,  
Он якеро ном шояд бешумор.*

*Зоҳири сурад бувад чун қушри пўст,  
Маъни андар вай чу мағз, эй ёру дўст.*

(Унинг дарахти гоҳида қуёш деб аталади,  
Гоҳида денгиз дейилса, гоҳ булут дейилади.  
Гарчи ўзи битта бўлса-да, минглаб таъсирга эга,  
Бу биттанинг ҳисобсиз номлари бор.  
Ташқи кўриниши гўё пўстга ўхшайди,  
Ичидаги маъно эса мағздор, эй дўсту ёр.)

## (1846)ЎША ЕТТИ ДАРАХТНИНГ ЕТТИ ОДАМГА АЙЛАНГАНИНИНГ БАЁНИ

*Бағди дирий гашт онҳо ҳафт мард,  
Жумла дар қагда пайи Яздони фард.  
Чашм мемолам, ки он ҳафт арслон,  
То киёнанду чи доранд аз жаҳон.*

<sup>1</sup> Бу ерда ар-Раҳмон сурасининг 6-оятига ишора.

(Сал ўтгандан сўнг улар етти кишига айландилар,  
Ягона Аллоҳ учун барчаси қаъдага ўтиришди.  
Бу етти шерлар ким эканлар,  
Ва дунёда нима қилар эканлар, деб кўзимни ишқаладим.)

*Чун ба наздики расидам ман зи роҳ,  
Кардам эшонро салом аз интибоҳ.  
Қавм гуфтандам жавоби он салом,  
Эй Дақуқий, мафхару тожи киром.*  
(Мен қадам босиб яқинроқ келдим,  
Хушёрлик билан уларга салом бердим.  
Қавм саломимга жавоб бериб,  
Эй дақуқий, улуғлик ва фахр тожи, дедилар.)

*Гуфтам, охир чун маро бишнохстанд,  
Пеш аз ин бар ман назар н-андохстанд.  
Аз замири ман бидонистанд зуд,  
Якдигарро бингариданд аз фуруд.*  
(Улар мени қандай таниганларини сўрадим,  
Бундан аввал улар мени кўрмаган эдилар-ку.  
Кўнглимдан ўтганини улар тезда билдилар,  
Кўз остидан бир-бирига назар қилдилар.)

*Посухам доданд хандон, к-эй азиз,  
Чун бипўшидаст акнун бар ту низ.  
Хотири ту дар таҳайюр бо Худост,  
Кай шавад пўшида рози чаппу рост?*  
(Улар кулиб дедиларки, эй азиз,  
Энди бу сенга ҳам махфий қолмайди.  
Сенинг хотиринг Аллоҳ учун ҳайратда экан,  
Қандай қилиб, ўнгу чапнинг сирлари сенга яширин  
қолсин?)

*Гуфтам, аз сўйи ҳақойиқ бишқуфед,  
Чун зи ҳарфу исми расмӣ воқифед.  
Гуфт, агар исме шавад ғайб аз валӣ,  
Он зи истиғроқ дон, н-аз жоҳилӣ.*  
(Сўрадимки, сизлар нарсанинг ҳақиқатига диққат қаратиб  
биласизлар,  
Ҳарф ва исмдан кишини қандай танийсизлар?)

Агар валлий исмдан сени билмаса,  
Буни нодовлиқдан дема, бу истиғроқ сабаблидир.)

**Баъд аз он гуфтанд моро орзуст,  
Иқтидо кардан ба ту, эй пок дўст.  
Гуфтам, оре, лек як соат, ки ман,  
Мушкилоте дорам аз даври заман.**  
(Шундан сўнг дедиларки, эй пок дўст, бизда,  
Сенга иқтидо қилиб, намоз ўқиш орзуси бор.  
Дедимки, майли, лекин сабр қилингки,  
Анча вақтдан буён менинг бир мушкилим бор.)  
Худди шу маъно бобида айтган эдилар:

(184а) **Ҳар киро аз баҳри коре сохтанд,  
Меҳри ўро дар дилаш андохтанд.**  
(Ҳар кимни бирон бир иш учун яратган,  
Шу нарсанинг меҳрини унинг кўнглига солган.)

(Шарҳ) Шайх Дақуқийнинг аслида яратилиши хилофат учун эди, унинг вужуд тоғида бу маънонинг қобилият жавҳари мавжуд ва сулук мартабалари мақомотини босиб ўтиш то рубубийят тажаллийсиғача муяссар бўлган эди. Унда ҳанузгача ташналик устига ташналик мавжуд эди. Утган байтлардан маълумки, у хослар суҳбатининг толиби эди. Кунлардан бир кун мақсуд эшитини Маъбуди барҳақ карами орқали унинг юзига очдилар ва қанчалаб диннинг улуғлари ва йақин мулкининг хусравонларини унга кўрсатдилар. Улар ҳам Дақуқийга илтифот юзасидан: «Сизда биз билан суҳбатдош бўлиш орзуси бўлгани каби, бизда ҳам сизнинг бизга муқтадо ва имом бўлишингизга нисбатан орзу бор» - дедилар. Дақуқий буларнинг амрини қабул қилдилар ва фанойи томм (тўлиқ фано)дан иборат бўлган бу таҳорат ва имтисол юзасидан уларнинг пок суҳбатларини тилаганлари ҳолда савол қилиб дедилар:

**Гуфтам, оре, лек як соат, ки ман,  
Мушкилоте дорам аз даври заман.  
То шавад ҳал он ба суҳбатҳойи пок,  
Ки ба сўхбат рўяд ангуре зи хок.**  
(Дедимки, майли, лекин сабр қилингки,  
Анча вақтдан буён менинг бир мушкилим бор.)

Токи бу мушкил пок суҳбатлар орқали ҳал бўлса.  
Негаки суҳбатдан узум ҳам ердан ўниб чиқади.)

(Шарҳ). Анчадан буёнги мушкилот, булар, яъни ватан муҳаббати, сиқилиш ва ёзилишдаги ўзгариш ва бошқа ҳолга айланиш, рамгинлик ва хурсандликким, булар замона гардиши билан солиқнинг зотиға етадики, бу солиқ зотининг боқий бўлишга яқинлиги ва ҳануз унинг зоти фоний бўлмагандаги ҳолатидир.

Чунончи, бу ҳақда айтган эдилар:

*Дар мақоме маскане кам сохтӣ,  
Кам ду рӯз андар дехе андохтӣ.  
Гуфт, дар як хона гар бошам ду рӯз,  
Ишқи он маскан кунад дар ман фуруз.*  
(Бирорта жойда кам турар эди,  
Қишлоқ ичра икки кундан ортиқ турмасди.  
Дердики, агар бирорта уйда икки кун бўлсам,  
Ўша маскан меҳри кўнглимда алаанга олади.)

(Шарҳ). Шайх Дақуқий ўша мушкилотни ҳал қилишнинг (1846)имконияти ва ҳам бўлиш жойини тошган, бу аҳли муҳаббатнинг мулозаматига шошилдилар. Бу шавкатли гуруҳ иноят қўлини муҳаббат чўнтагидан унга чиқариб, матлубнинг нақдини Дақуқий кафтига ижобат хазинасидан қўйдилар. Чунончи, айтадилар:

*Донаи пурмаез бо тохи дажам,  
Хилватию суҳбате кард аз карам.  
Хештан дар тох кулӣ маҳв кард,  
То намондаш рангу бӯю сургу зард.*  
(Мағзи тўла дон қора тупроқ билан,  
Хилват тутди ва карам юзасидан суҳбатдош бўлди.  
Ўзни тупроққа тўлиқ маҳв қилди,  
Натижада ранг, ҳид, қизилу сариклиги қолмади.)

*Аз паси он маҳв қабзи ӯ намонд,  
Бар кушоду баст шуд, маркаб биронд.  
Пеши асли хеш чун бехеш шуд,  
Рафт сурат, жилваи маъниш шуд.*

(Бу махв бўлишдан сўнг унда сиқилиш қолмади,  
Шодлик ва ёзилиш билан уловни чоптирди.  
Асл ўзлиги олдида ўзлигини йўқотди,  
Суврат кетиб, маъно жилвагар бўлди.)

**Сар чунин карданд, ҳин фармон турост,  
Тафи дил аз сар чунин кардан батост.**  
(Майли, фармон сеники, дегандек бош силкидилар,  
Бундан дилимда бир ҳарорат пайдо бўла бошлади.)

(Шарҳ). Дилдаги ҳарорат ва иссиқлик заифлик ва кудурат сабабли бўлиб, бу солиқдаги таъсирлар ва губорлардир. Унинг зоти боқий бўлган вақтда бу губорлар дил осмони фазосидан кўтарилди ва ўшал гуруҳ дами билан йўқ бўлди.

**Соате бо он гурўҳи муштабо,  
Чун муроқиб гаштаму аз худ жудо.**  
(Бу азиз гуруҳ билан бирга бироз вақт,  
Муроқабга киришдим ва ўздан жудо бўлдим.)

(Шарҳ). Бу азиз гуруҳ ва сафо суффасининг тўрисида ўтирувчилар билан бир замон суҳбатда бўлиб, уларнинг кўмаклари ва муроқабатлари билан маълумимга муроқиб бўлдим. Ўша ондаёқ улухийят тажаллийси билан ўздан жудо ва ғойиб бўлдим.

**Ҳам дар он соат зи соат раст жон,  
3-он ки соат пир гардонад жавон.**  
(Ўша замонда жон замондан озод бўлди,  
Чунки вақт ва замон ёшни кекса қилади.)

(Шарҳ). Ўша замонда улухийят денгизининг тўлқинлари уни ўз ичига олди, пинҳон қилди ва йўққа чиқарди ва ўша онда жонни замон ва замонийлардан халос этди, уни аҳадийят паноҳгоҳига олиб кирди. Бу барча саъй, талаб, меҳнат, қийинчилик ва қатъий қадам Шайх Дақуқий учун машоғуълар хизматида ҳосил бўлди. Чунки замондан (185а) ва замонийлардан қутилгандагина муқтадолик ва имомликка арзийди. Негаки замон ва вақт ўз маҳкумини ўзгартириш ва ўзга ҳолга айланишга олиб келади, у гоҳида қариллик гоҳида саждади, гоҳида ёшлик чоҳида шодликни ато қилади. Демак

у ўзидан халосликни ҳамда имомлик учун таҳорат шарти бўлган саломатликни тополмайди. Чунончи, айтадилар: «Таҳорат айрилиқдир, намоз етишилиқдир».

*Жумла талвиндо зи соат хостаст,  
Рафт аз талвин, ки зи соат бараст.*

*Чун зи соат соате берун шавӣ,*

*Чун намонад маҳрами бечун шавӣ.*

(Барча талвинлар замондан юз беради,

Замондан қутилган одам талвиндан қутилгандир.

Замондан бир замон қутилсанг,

Замон қолмагач, Аллоҳга маҳрам бўласан.)

*Соат аз бесоатӣ огоҳ нест,*

*З-он ки он сю жуз таҳайюр роҳ нест.*

*Ҳар нафарро бар тавила хоси ӯ,*

*Бастаанд андар жаҳони жустуҷӯ.*

(Замон безамондан огоҳ эмас,

Чунки ул томон учун ҳайратдан ўзга йўл йўқ.

Ҳар бир нафар учун бир хос оғил бордир,

Бу қидириш жаҳонида уни шу оғилга боғлаганлар.)

*Мунтасиб бар ҳар тавила роизе,*

*Жуз ба дастуре наёяд рофизе.*

*Аз ҳавас аз як тавила гар равад,*

*Дар тавилаи дигар андар шавад.*

(Ҳар бир оғилга бир нозир тайин қилинган,

Унинг дастурисиз унга киролмайсан.

Кимки ҳавас туфайли бир оғилдан,

Бошқа бир оғилга кирадиган бўлса.)

*Дар замон охурчиёни чусту хаш,*

*Гўшаи афсори ӯ гиранду каш.*

*Ҳофизонро гар набинӣ, эй иёр,*

*Ихтиёратро бибин беиштиёр.*

(Ўша онда чаққон охурчилар,

Унинг жиловидан ушлаб, сонидан тортадилар.

Эй зийрак киши, агар сон сақловчи (фаришта)ларни  
кўрмасанг,

Ўз ихтиёрларингни ихтиёрсиз ҳолда эканини кўр.)

*Ихтиёре мекунию дасту но,  
Баркушо дастат чаро, ҳабсӣ чаро.  
Рӯй дар инкори ҳофиз бурдаи,  
Номи таҳдидоти нафсаи кардаи.  
(Ихтиёр дейсан-у қўлу оёгинг боғлиқ,  
Қўлни бўшат, унинг банд бўлиши нечун?  
Сен ҳофиз (фаришта)ни инкор қилибсан,  
Номини эса «таҳдидоти нафс» (нафс таҳдидлари) деб  
қўйибсан.)*

## **ЎША ЖАМОАТГА ИМОМЛИК ҚИЛИШ УЧУН ДАҚУҚИЙНИНГ ОЛДИНГА ЎТГАНИНИНГ БАЁНИ**

*Ин суҳан поён надорад тезрав,  
Ҳин намоз омад Дақуқӣ, пеш шав.  
Эй ягона, ҳин дугона баргузор,  
То музайян гардад аз ту рӯзгор.  
(Бу сўзларнинг поёни йўқ, тезда боргинки,  
Дақуқий намоз учун олдинга ўтди.  
Эй ягона, кел, икки ракаат намоз ўқи,  
Токи ҳаёт сендан музайянлик топсин.)*

(Шарҳ). Эй асли фитратда, хилқатнинг бошида ва сифатда кўплик ва сон-саноксизликнинг кудуратидан соф бўлган киши, ёлғиз ва ягоналигини кўрсат, тааллуқ ранги ва иккилик зангидан қутил ва уни қўй, ўз аслинг бўлган Онҳазрат саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг нурига бор ва пайванд ҳосил қил. Чунончи, буюрадилар: «Мен Аллоҳданман ва мўъминлар менадир». Чиройли хулқ соҳиби бўлган Расул (а.с.) нуридан сенинг тун ойинг ва кундуз қуёшинг мунаввар ва мукаммал бўлсин, дин аршининг шарияти ва ҳаёт фарши (ери)нинг экинзори музайян бўлсин.

*Эй имоми чашми равшан, ас-сало,  
Чашми равшан мебибояд пешво.  
Дар шарият ҳаст макруҳ, эй киё,  
Дар имомат пеш кардан кўрро.  
(Эй намозда кўзлари равшан имом,  
Кўзи равшан киши имом бўлмоғи лозим.)*

Эй улуғ зот, шариат қонуни буйича,  
Кўрни имомликка ўтказмоқ макруҳдир.)

*Гарчи ҳофиз бошаду чусту фақех,  
Чашмравшан бех, агар бошад сафех.*  
(Гарчи қори, чаққон ва фақиҳ олим бўлса-да,  
У кўр бўлса, ундан кўзи очиқ нодон киши яхшидир.)

(Шарҳ) Олдинта ўтказиш ва имомликка қўйилшдан мақсад Малик ва Аллом (Аллоҳ) йўлининг толибларини тўғри йўлга солиш ва комил этишдир. Бу эса ботиний сезгилар орқали ва басират кўзининг очиқлиги билан юз беради. Чунончи, бир жойда шунга ишорат қиладилар:

*Ҳеч мўъмиро мабодо чашми кўр,  
(Ҳеч бир мўъминнинг кўзи кўр бўлмасин.)*

Баданда бешта ҳис (сезги) бўлгани каби, жонда ҳам бўлади. Бадан ҳислари - эшитиш, кўриш, там билиш, ҳид билиш, тегиниб сезиш. Чунончи, бошқа жойда айтадилар:

*Панж ҳиссе ҳаст жуз ин панж ҳис,  
Он чу зарри сурх в-ин ҳисдо чу мис.*  
(Бу бешта ҳисдан бошқа яна бешта ҳис бор,  
Униси қизил тилла ва буниси мис кабидир.)

Бу айтилган бешта ботиний (ички) ҳислар солиқ *ақли кулга* етганда ҳосил бўлади. Демак зоҳир кўзи кўр бўлган одамнинг намозда имом бўлиши макруҳдир. Аммо унинг жоизлиги томони шундаки, зоҳирий нажосат ва ифлослик тозалаш билан йўқ бўлади. (186а) Аммо кўрботин (қалби кўр) одамнинг имомлиги ножоиздир, чунки ботиннинг ифлослиги унинг асл ҳақиқатидан қутулмагунча йўқ бўлмайди. Ботиннинг бузилиши шайтоний тажаллий ҳамда нафсу ҳавонинг ёмонликлари орқали юзага келади. Ҳар бир қалби кўр муқаллидким, унинг басират кўзи қадим нури билан мунаввар бўлмаган экан, гарчи илм ва зўҳд билан зийнат топган бўлса-да, ундаги нур шайтоний тажаллийдир.



## **ҒАФЛАТ, ҒАМ, ДАНГАСАЛИК ВА ҚОРОНҒУЛИКНИНГ БАРЧАСИ ЕРГА ВА ПАСТЛИККА ОИД БЎЛГАН БАДАНДАН ЭКАНЛИГИ БАЁНИДА**

*Ғафлат аз тан буд, чун тан руҳ шуд,  
Бинад ў асрорро бечеч буд.*

(Ғафлат - бу тандандир, тан руҳга айлангач,  
Бечора бўлган тан энди ўз сирларини кўради.)

(Шарҳ). Ерга ва қуйиликка оид бўлган тан учун ҳар қандай хиралик ва ғафлат унга лозим бўлган нарсалардандир. Ҳазрат Рабб ул-арбобнинг карами билан ёки бирорта улул-албоб (йўл соҳиби)нинг муолажаси ва тарбияси билан ўша хиралик ва ғафлат ранги кетиб, поклик етса, унинг ойнаси руҳ мусаффолигидан жило топгач, рубубият тажаллийсининг мартабаси бўлган бу ниҳонхонанинг юқорисида ўтириб, ўзида ҳам, ўзидан бошқада ҳам маҳбуби ҳақиқийнинг жамолидан ўзга нарсани кўрмайди. Бу оламни ўзига фарқ қилган гирдобдан чиққач, жаҳонни кўрсатувчи зарраларни фарқ қилади, нимагаки назар қилса, Раббни Жалил Ҳазратнинг жамолини кўради.

*Чун замин бархост аз жавви фалак,  
Не шабу на соя монад, на фалак.*

(Осмон орасидан ер кўчиб ўтгач,  
На тун, на соя, на қуёшнинг заволи қолади.)

(Шарҳ). Фалакларнинг орасидан тан замини кўчгач, на тун, на соя, на завол қолади. Соликнинг вужуд ери жон осмонининг фазо бўшлиғидан ғубор мисоли кўздан йўқолгач, улухийлат тажаллийсининг кучли сарсари унга сари юзланиб, солик жони осмонининг бўшлиғи бу онда сержило ва мусаффо бўлади, чунончи, на тун, на соя, на қуёшнинг ва законинг заволи бўлади. Зероки тун ва соя сиқилиш ва ғамгинлик ва шу кабилардан иборатдир.

*Дарҳақиқат толиқи осор ўст,  
Лек жуз иллат набинад аҳли пўст.*

(Аслида барча нарсаларнинг яратувчиси Удир,  
Бироқ аҳли пўстлар айбдан бошқани кўрмайдилар.)

(187а)(Шарҳ). Ҳақиқатда тажаллиётда солиқнинг жонига кирадиган таъсирлар ва рангларнинг Яратувчиси Ҳақ таъолодир, У эса кўриниш, камайиш ва шу кабилардан покдир. Унинг сифати ҳам кайфият, камлик ва бошқалардан муназзаҳ ва покдир. Бироқ жонларининг маъзи манманлик пўстидан пок бўлмаган ва тўлиқ озод бўлмаган экан, уларнинг жонига келувчи тажаллиёт вужуд ери буғининг хилма-хил ранглари, гизолари ва бошқалари билан тўсилган бўлади. Чунончи, бу ҳақда айтадилар:

*Мағз к-ў аз қушрҳо оввора нест,  
Аз табиби иллат ўро чора нест.  
(Мағз ўша пўстдан жудо бўлмагунча,  
Табибдан унинг иллатига чора йўқ.)*

(Шарҳ). Иллат ва касаллик юкини кўтариш учун сабр қилмасдан ўзга чора йўқ ва касалликни даволаш учун дори таъмини тотмасликдан ўзга илоҳ йўқ.

*Чун дувум бор одамизода бизод,  
Пойи худ бар фарқи иллатҳо ниҳод.  
(Одам фарзанди иккинчи марта туғилгач,  
Ўз оёғини иллатларнинг бошига кўяди.)*

(Шарҳ). Чун одамзод иккинчи марта улуҳийят тажаллийсининг гирдобгоҳидан туғилгач, яъни бундан аввал рубубийят тажаллийсида башарийлик сифатларидан тамом туғилиб, бош кўтариб, она табиат ва ўз зотидан қутилгач, ўзининг жон оёғини ҳар қандай тааллуқлардан озод қилиб, иллатларнинг бошига кўяди, фақат биринчи иллат мустасно. Чунончи, айтадилар:

*Иллати увло набошад дини ў,  
Иллати ухро надорад кини ў.  
(Биринчи иллат унга дин бўлолмайди,  
Иккинчи иллат эса унга кийна етказолмайди.)*

(Шарҳ). У она табиатдан тамом туғилгач, унда халақит берувчи ҳеч нарса қолмайди, на зот, на осор қолади.

*Мепарад чун офтоб андар уфук,  
 Бо арӯси сидқу сурат чун тутуқ.*  
 (1876) *Балки берун аз уфук в-аз чархҳо,  
 Бемакон бошад чу арвоҳу нуҳ.*  
 (У уфқларда гӯё қуёш каби сузади,  
 Сидқ келиви у билан бўлади, суврат эса парда (гӯшанга)  
 каби бўлади.  
 Балки у уфқлардан ва осмонлардан баландга чиқади,  
 Рухлар ва ақллар каби маконга эга бўлмайди.)

## **БЕҚАЙД БЎЛГАН МУТЛАҚ НАССНИНГ ҚИЁСГА ТАШБИХ ЭТИЛИШИ**

*Мужтаҳид<sup>1</sup> ҳар гаҳ, ки бошад нассшунос,  
 Андарон сурат наяндешад қиёс.  
 Чун наёбад насс андар сурате,  
 Аз қиёс онҷо намонад ибрате.*  
 (Мужтаҳид агар ҳақиқий нассшунос<sup>2</sup> бўлса,  
 Бирорта ишда қиёс ҳақида ўйламайди.  
 Агар бирорта ишда насси тополмаса,  
 Бу ҳолда қиёсга эътибор қилади.)

(Шарҳ). Шундан сўнг (Румий) ваҳй маҳалини баён қиладилар. Бу ерда ваҳйдан мурод ақли кулл нурларидан ҳисса ва насиба олийдир. Насснинг қиёсдан афзаллигини мана бу байтда баён қилади:

*Ваҳйи насро руҳи қудсий дон яқин,  
 Он қиёси ақли жузвӣ тахти ин.*  
 (Насс ваҳйисини, шубҳасиз, руҳи қудсий деб бил,  
 Ақли жузвийнинг қиёси эса унинг остидадир.)

(Шарҳ). Қуйида келадиган байтлар мана шу афзалликка гӯё шоҳиддирлар:

<sup>1</sup> Мужтаҳид шариат масалалари бўйича ҳукм чиқариш хусусига эга олим.

<sup>2</sup> Нассшунос - Қуръон оятларидан далил қидирувчи.

**Ақл аз жон ғашт бо идрок вафр,  
Рух ёро кай шавад зери назар.**  
(Ақл ва идрок жон билан сероб бўлгандир,  
Шундай экан, рух қандай қилиб унинг қўл остида  
бўлсин.)

(Шарҳ). Соҳиб адаб ва идрок ақли жузвий бўлган рубубийят тажаллийсининг тарбиятидан юксакликка эришган. Улуҳийят тажаллийсидан иборат бўлган рух ақли жузвий назарига сигмайди. Балки улуҳийят қуёшининг садосидан ақли жузвий тун қарғаси ва зулмат бойўғлиси каби фано ва йўқлик хонасига киради. Чунки ақли жузвий мазохир жумласидандир ва мазохир Зот ҳазратининг қуёшига тоб беролмайди. Чунончи, «Гулшани роз» китобида айтилади:

**Нагунжад нури Зот андар мазохир,  
Ки сабҳоти жалолаш ҳаст қоҳир.**  
(Зот нури мазохирга сигмайди,  
Улуғлигининг қуввати ғоятда кучлидир.)

Матн:

**Лек жон дар ақл таъсире кунад,  
З-он асар он ақл тадбире кунад.**  
(Бироқ жон ақлга таъсир этади,  
Бу таъсир билан ақл тадбир қилади.)

(Шарҳ). Ақл учун улуҳийят юкининг оғирлигини кўтаришга тоқат йўқ бўлса-да, (188а)бирок унинг ҳиссаси унинг нурларидан ўзга эмас. Ақл улуҳийят тажаллийси бўлган жондан нурларни иқтибос ва таъсирларни қабул қиладики, бу нурлар ва таъсирлар айни рубубийят тажаллийсидир ва у мана шу рубубийят нурлари билан ўзининг ҳаётида чора-тадбир кўради.

**Нухвор ар садмате зад дар ту рух,  
Ку йаму ку киштӣ, ку тўфони Нух.**  
(Нух каби рух сенга бир зарба берса,  
Қани денгиз, қани кема, қани Нух тўфони?)

(Шарх). Рух улухийят тажаллийсидан иборатдир, агар у соликнинг жонига бир зарба етказса, на баҳр, на вужуд кемаси, на сиқилиш ва ғам тўфони ва на бошқалардан асар ҳам қолмайди. Чунончи, «агар янги нарса эскига яқинлашса, унда бирорта белги қолмайди» дейдилар.

**Ақл асар аз рух пиндорад валек,  
Нури Хур аз қурси Хур дураст нек.**

(Ақл таъсирни жондан олади, бироқ,  
Куёшнинг нури куёш кулчасидан узоқдир.)

(Шарх). Ақли жузвий улухийятнинг таъсирларидан бўлган рубубийят тажаллийсини айна улухийят тажаллийси деб хаёл қилади. Чунончи, тавҳид ақли гумон қиладилар ва халқ Ҳаққа ойнадир дейдилар ва буни «Зот аҳадияти» деб ҳисоблайдиларки, аслида бундай эмас. Балки рубубийят тажаллийси улухийят тажаллийси куёшнинг нурларидан бўлган бир нурдир ва ундан жуда узоқдир. «Зот аҳадияти» эса пок Зот тажаллийсидан иборат бўлиб, улухийят тажаллийсидан юксакроқдир. Улухийятдан ўзга бўлган рубубийят қандай қилиб аҳадийят бўлсин?

(1886)Орифлар айтадиларки, бу масофалар ва ҳижоблар рубубийят тажаллийси бўлган Жамол тажаллийси билан улухийят тажаллийси бўлган Жалол тажаллийси орасида собит ва воқеъдир. Улухийят тажаллийси макондан олий ва озод, замондан юқори, булут ва ботишдан омондир. Рубубийят ва улухийят тажаллийсининг орасини фарқлаб, уларнинг ўртасидаги муомала ва фойдаларни баён қилиб, айтганлар:

**3-он ба қурсе солиже хурсанд шуд,  
То зи нураш сўйи курс афканд шуд.**

(Ўша куёш товоғини кўриб, солик хурсанд бўлади,  
Унинг нури орқали то куёш товоғи томон етмоқчи бўлади.)

(Шарх). Яъни, соликнинг хурсанд бўлиши ва рубубийят нурига чанг уриши турган гап ва бу то улухийят куёшнинг товоғига етгунча давом этади, чунки бу тажаллий иккинчи марта унга муяссар бўлмайди. Чунончи, бу ҳақда айтадилар:

**З-он ки он нуре, ки андар софил аст,  
Нест доим рӯзу шаб, ӯ офил аст.**  
(Чунки бу нур пастга томон кетувчидир,  
У кеча ва кундуз ичида доимий турувчи эмас.)

(Шарҳ). Яъни, ашёлар ойнасида намоён бўладиган рубубийят нурлари кеча ва кундуз доимо турувчи эмас.

**В-онгаҳ андар қурс дорад бошу жо,  
Гарқачи он нур бошад доимо.  
Не саҳобаш раҳ занад, не он гуруб,  
Вораҳид ӯ аз фироқи синакуб.**  
(Қуёш товоғи ичидан жой олгач,  
Доимо ўша нур ичида қўмилган бўлади.  
Булут ҳам, ботиш ҳам унинг йўлини тўсолмайди,  
Кўкракка уриб, оҳ чекишдан озод бўлади.)  
Инчунин кас аслаш аз афлок бувад,  
Ё мубаддал гашт гар аз хок бувад.  
(Бундай одам аслида осмоний кишидир,  
Ёки хокий бўлса ҳам, ўзгарган одамдир.)

(Шарҳ). Қуёш товоғининг базмгоҳи ва Ҳазрати Зотнинг чексиз нурларининг (189а)мушоҳадаси муяссар бўлган ва туну кундуздан ташқарида озиқ оладиган муқарраб (Аллоҳга яқин) жамоат аслида икки гуруҳдирлар. «**Аввалгилардан озгиналари**»нинг асли осмонлардандир ва уларнинг моҳиятлари тупроқ кирлигидан ва унинг буғларидан покдирки, уларнинг маънавий вужудлари ал-офоқ ва-л-анфус Холиқнинг борлигидандир. Уларнинг нафслари - комил нафсдир, ақллари ақли куллдандир, руҳлари эса Рух ул-Қудсдир. «**Охиргилардан кўплари**» эса зикр қилинган зотларнинг мубаддал бўлиши ва ўзгаришларидир. Улар аввал замон ва замин губорларига булганган эдилар. Уларнинг маънавий вужудлари унсурлардан ташкил тошган башарият вужудидан эди, нафслари - нафси аммора, ақллари - нуқсонли ақли жузвий эди. Аслда айтилгандек тоза ва холис бўлмаса ёки мисликдан тозаланган бўлмаса мушоҳадага нолайиқдир ва улар бу мажлисининг аҳли бўлолмайдилар. Чунончи, Ҳазрати Румий буюрадилар:

*3-он ки хокиро набошад тоби он,  
Ки занад бар вай шуъоъи жовидон.  
Гар занад бар хок доим тоби Хвар,  
Ончунон сўзад, ки н-ояд 3-ў самар.*  
(Агар у хокий бўлса, бокий нур тушганда,  
Бу нурга у тоб беролмайди.  
Агар тушроққа куёш нури доимий тушиб турса,  
Ерни куйдириб, ҳосилсиз қилиб қўяди.)  
*Доим андар об юри моҳӣ аст,  
Морро бо ў кужо ҳамроҳӣ аст?*  
(Доимо сувда юриш балиқларнинг ишидир,  
Илон балиқ билан қандай ҳамроҳ бўлсин?)

(Шарҳ). Солиқким, агар унинг илон нафси табиатининг ифлослигидан тозаланмаган ва ундан қутулмаган бўлса, қандай қилиб Зот нурлари дарёсининг қаърида доимий ҳамроҳликка эга бўлсин?! Балки, рубубиййат нурларининг мушоҳада мақомида унга гоҳ висол юз беради, гоҳ шом фироқи ёр бўлади.

*Макрашон гар халқро шайдо кунад,  
Ҳам зи дарё номашон расво кунад.*  
Уларнинг макри халқни шайдо қилса-да,  
Бироқ дарёда ўзларининг номини расво қиладилар.)

(1896)(Шарҳ). Уларнинг макри - уларнинг қўлидаги тарбия куралидир, гарчи халққа фойдалар берса ҳам, дилни тортса ҳам ва шайдо қилса ҳам.

*Андарин йам моҳиёни тавсананд,  
Морро аз сеҳрҳо моҳи кунанд.*  
(Дарёда ҳунарга тўла балиқ чавандозлар бўлиб,  
Илонни сеҳр билан балиқ қилиб қўядилар.)

(Шарҳ). Дарё ва денгиз ичида балиқларнинг куёш товоғи нурлари мавжуд. Уларнинг товсан оти ром, ўргатилган ва тамкин зийнати билан музайян, таслим жилови мувофиқлик ва аҳли жиҳод билан ҳамдамдирки, гўё сеҳр билан мисни зарга, шерни отга, илонни балиққа айлантирадилар. Бундай хислатлар ва хосиятлар аҳли ҳузур ва висол қошидадир, на аҳли нафс қошида. Балки бунинг

барчаси Руҳ ул-қудснинг сеҳр таълими ва таъйидидандир.  
Чунончи, Ҳазрати Румий буюрадилар:

*Моҳиёни қазри дарёи Жалол,  
Баҳрашон омўхта сеҳри ҳалол.  
Бас муҳол аз тоби эшон ҳол шуд,  
Наҳс онҷо рафт, некуфол шуд.*  
(Ҳалол дарёси тубининг балиқлари бўлиб,  
Уларга сеҳри ҳалол (ҳалол сеҳр) ўргатилган.  
Маҳол нарса уларнинг кучидан ҳолга айланган,  
У ердан наҳс кетиб, ёқимли фол ҳосил бўлган.)

*То қиёмат гар бигуям з-ин калом,  
Сад қиёмат биззарад ин нотамом.*  
(Агар қиёматгача бу сўзларни гапираверсам ҳам,  
Юзта қиёмат ўтади, бироқ бу сўзлар тамом  
бўлмайди.)

(Шарҳ). Яъни, комилу мукаммил авлиёнинг таърифидан тил лол ва ожиздир, уларни тавсиф ва таҳрир этишдан қалам тили бемажол ва қосирдир. Бу ерда фақат озгинагина баён қилинди.

Молик ул-мамолик ўшал Шоҳнинг йўлида юрувчилар икки гуруҳга бўлинадилар. Биринчи гуруҳ Илоҳий файз тақозоси ва чегарасиз лутфлар муқтазоси бўйича мартабадан сўнг мартабага эришадилар. Уларга тажаллиёт нурларининг осорлари, афъоллари, асмолари, сифатлари ва зотий нурлари бирма-бир юзланади. Сўнг эса осорлар, афъоллар, исмлар, сифатлар ва зотлар пўр шуқуқ гуруҳидан бир-бир олинади. Чунончи, уларда (190а) ихтиёр, фикр, хаёл ва бошқа башариятта ҳос нарсалардан ҳеч нарса қолмайди. Ва бу фирқаи ножиййанинг қабул девонидаги номи «*мажзуби солик*» дир.

Иккинчи гуруҳ «*солиқи мажзуб*» бўлиб, уларда бошланги ҳолда Аллоҳ жамолининг талаби йўлида рафиқ ва ёр бўлмайди. Келгусида эса улар учун ранж, қийинчилик, меҳнат, нарса йўқ. Риёзиёт йўлида ҳар кунги рўзи насибалар ҳаддан оғир меҳнатдир. Руҳ жасад ичига киргач, бу икки фирқа, гарчи етишувчи бўлсалар-да, бироқ биринчи жамоат мумтоз ва айричадир.



## ВАКИЛНИНГ ИШҚ ТУФАЙЛИ ДЕВОНАЛАРЧА БУХОРОГА ҚАЙТИШИ БАЁНИДА

*Сахт бесабру дар оташдони тез,  
Рў суйи Садри жаҳон мекун гурез.  
Ин Бухоро манбаи дониш бувад,  
Пас, бухоройист, ҳар к-онаш бувад.*  
(Кучли сабрсизлик билан кучли оловдонда ёниб,  
Юзингни садри жаҳон (муршид) томонга бур.  
Бухоро илмларнинг булоғи ҳисобланади,  
Кимки бухоролик бўлса, унда ўша илм бўлади).

*Пеши шайхе дар Бухоро андарӣ,  
То ба хорӣ дар бухорӣ нангарӣ.  
Эй хунук онро ки заллат нафсаҳу,  
Вой он касро, ки йурва рафсаҳу.*  
(Бухоро ичида пир ҳузурида бўлганинда,  
Бухорийга хорлаш кўзи билан боқма.  
Ўз нафсини ром қилган одамга, шодликлар бўлсин,  
Нафси ўзини ҳалок қилган одамнинг ҳолига вой бўлсин)

*Фурқати Садри жаҳон дар жони ӯ,  
Пора-пора карда буд аржони ӯ.  
Гуфт, бархезам ҳамон жо воравам,  
Кофир ар гаштам, дигар раҳ бигравам.*  
(Садри жаҳон (пир)нинг айрилиғи унинг жонига ўрнаб,  
Унинг аъзоларини пора-пора қилган эди.  
Дедики, ўрнимдан туриб, ўша ерга борай,  
Кофир бўлган бўлсам, яна тўғри йўлга қайтай).

*Воравам, онжо биуфтам пеши ӯ,  
Пеши он садри накўандеши ӯ.  
Гўям афкандам ба пешат жони хеш,  
Зинда кун, ё сар бибур моро чу меш.*  
(У ерга бораман ва унинг олдига ўзимни ташлайман,  
Яъни яхшиликни ўйлайдиган пирнинг оёғига бош ураман.  
Дейманки, жонимни оёғинг остига ташладим,  
Ё мени тирилтир ёки қўй каби бошимни ол).

*Куштаву мурда ба пешат, эй қамар,  
Бех ки шоҳи зиндагон жойи дигар.  
Озмудам ман ҳазорон бор пеш,  
Бе ту ширин менабинам айши хеш.*  
(Эй ой, сенинг олдингда ўлдирилганим ёки ўлганим,  
Бошқа жойда шоҳ бўлгандан яхшидир.  
Мен минглаб марта синаб кўрдимки,  
Менинг ҳаётим сенсиз ширин бўлмайди).

*Ғанна лий ё мунйатий лаҳн ан-нушур,  
Убрукий ё ноқатий тамм ас-сурур.  
Иблаъи ё арзу дамъий қад қафа,  
Ишраби ё нафсу вуддан қад сафа.  
Уддат ё ийдий илайна марҳаба,  
Ниъма ма раваҳта ё рийҳа-с-саба.*  
(Эй менинг орзум, куйла мен учун, куйинг ўликни тирилтиради.  
Чўқ, эй менинг туям, сенга миниб, матлубим сари борайки,  
шодлигим тамом бўлди.  
Ёшларим тўкилишдан тўхтади, қайсики сайрда мен учун сурур  
юз берди,

Эй жон, ул зилол сувлардан қониб ич.  
Эй менинг байрамим, бу нохуш сари яна қайтдинг,  
Қандай созки, эй сабо, менга роҳатлар етказдинг).

*Гарчи дил чун санги хоро меқунад,  
Жони ман азми Бухоро меқунад.  
Маскани ёр асту шахри шоҳи ман,  
Пеши ошиқ ин бувад хубб ул-ватан.*  
(Гарчи дилим санги хородек қаттиқ бўлса-да,  
Жоним Бухоро сари азм қилмоқда.  
Ул ер ёр маскани ва шохимнинг шаҳридир,  
Ошиқ учун хубб ул-ватан мана шудир).

(Шарҳ). Яъни, Бухородан мурод қора нурнинг тажаллийсидир ва бу рубубийят жамолининг пардаси ва ниқобидир. Рубубийят тажаллийси эса илмлар ва маъорифнинг мабдаъидир. Хар ким бу тажаллийнинг шарафига мушарраф бўлса, бундай киши хорлик ва забунликда бўлмайди, балки у карам инояти билан ўз ҳамжинсларидан айри ва мумтоз бўлади.

*Пеши шайхї, дар Бухоро андарї,  
То ба хорї дар Бухорї нангарї.  
(Бухорода сен шайхнинг ҳузурида экансан,  
Бухороликка хор деган кўз билан қарама).*

(Шарҳ). Шайхнинг илтифоти ва меҳрибонлиги қаноти остида экансан, демак Бухорода рубубийят ёмғири остида катта бойликка эгасан, сен Бухоро муршидига ҳаргиз тарки таъзим ва улуғлашсиз назар қилмагин.

*Жуз ба хорї дар Бухоройи дилаш,  
Рох надҳад жазру мадди мушкилаш.  
(Унинг Бухоро дили учун хорлик тортмай,  
Баланд-пастга ўзингни урмай, йўл тополмайсан).*

## **ОШИҚИ СОДИҚНИНГ БУХОРО ТОМОН ЮЗ ТУТГАНИНИНГ БАЁНИ**

*Рў ниҳод он ошиқи хунобарез,  
Дилтапон сўйи Бухоро гарму тез.  
Реги ҳомун пеши ў ҳамчун ҳарир,  
Оби Жайхун пеши ў чун обгир.  
(Кўзидан қон оқувчи бу ошиқ,  
Юрак ўйнаган ҳолда Бухоро сари отилди.  
Сахро куми унинг олдида гўё ипак каби эди,  
Жайхун суви эса унинг олдида бир ариқ каби эди).*

*Он биёбон пеши ў чун гулситон,  
Мефитод аз ханда ў чун гулситон.  
Дар Самарқанд аст қанд аммо лабаш,  
Аз Бухоро ёфт в-он шуд мазҳабаш.  
(Бу биёбон унинг олдида гўё гулистон эди,  
У гул узиш билан ханда қилиб йиқиларди.  
Самарқандда канд эди, бироқ унинг лаби,  
Қандни Бухородан топган ва бу унга йўл бўлган эди).*

*Эй Бухоро, ақлафзо будай,  
Лек аз ман ақлу дин бирбудай.*

(Эй Бухоро, сен ақлни зиёда қилувчи эдинг,  
Бироқ менинг ақлу динимни олиб кетдинг).

(Шарҳ). Бухоро рубубийят жамолининг ниқоби эди ва у айни пайтда ақлни зиёда қилувчи ва илмни кўпайтирувчи эди. Ва Ҳазрати Муғний (Аллоҳ)нинг ғанийлиги шуни тақозо этадики, баъзиларни бу мақом ва вазифа билан ғаний этади ва ақлни зиёда қилувчи Бухоро шу одам ҳақидадир. Баъзида Ҳазрати Манноннинг фазли ва миннати шундай тақозо қиладикки, баъзилар ўша мақомга етишларига ва бу инъомга ноил бўлишларига қарамай, бу Куёшнинг талабида уни янада қизиқувчироқ қилиб кўяди. Матлубдан ўзга барча нарсани унинг кўзидан пинҳон қиладилар. Шундай қилиб, парда орқасидан юзини матлуб сари буради ва кўзига матлубдан ўзга нарса кўринмайди ва бу унинг вазифаси ҳисобланади. Бухоро унинг ақлу динини олиб кўйиши шу жиҳатдандир.

*Бадр межўям аз онам чун ҳилол,  
Садр межўям дар он саффи ниҳол.*

*Чун саводи он Бухороро бидид,  
Дар саводи ғам баёзе шуд надид.*

(Ҳилол эдим, тўлин ой бўлишни излайман,

Қуйида эдим, тўрга чиқмоқни хоҳлайман.

У Бухоронинг қорасини кўргач,

Ғам қоронғусида шодлик нури кўринди)

*Соате афтод беҳушу дароз,  
Ақли ў паррид дар бўстони роз.*

*Бар сару рўяш гулобе мезаданд,*

*Аз гулоби ишқи ў гофил буданд.*

(Бир соатча у беҳуш чўзилиб ётди,

Сир бўстонида унинг ақли парвоз этарди.

Унинг бошу юзига гулоб сепдилар,

Бироқ унинг ишқ гулобидан беҳабар эдилар).

## МЕҲМОНЛАРНИ ЎЛДИРУВЧИ МАСЖИД ҲАМДА ЎШАЛ ОШИҚНИНГ ҲИКОЯТИ

*Як ҳикоят гўш кун, эй некпай,  
Масжиде буд дар канори шахри Рай.  
Ҳеч кас дар вай нахуфтӣ шаб зи бим,  
Ки на фарзандаш шудӣ он шаб ятим.*  
(Эй яхшилик кетидан юрувчи киши, бир ҳикояни тингла,  
Рай шахри четида бир масжид бор эди.  
Тундаги қўрқувдан ҳеч ким унда ухламас эди,  
Ухласа, ўша кеча фарзандлари етим қолар эди).

*Ҳар кӣ дар вай беҳабар чун кўр рафт,  
Субҳидам чун ахтарон дар гўр рафт.  
Хештанро нек аз ин огоҳ кун,  
Субҳ омад, хобро кўтоҳ кун.*  
(Кўр кишидек кимки унга беҳабар кирса,  
Юлдузлар йўқ бўлгандек, у ҳам гўрга кириб йўқ бўларди.  
Сен ҳам ўзингни бундан яхшилаб огоҳ қил,  
Тонг отди, уйқуни кам қил).

*Ҳар касе гуфтӣ, у париёнанд тунд,  
Андар он меҳмонжушон бо теги кунд.  
В-он дигар гуфтӣ, ки сеҳрасту тилисм,  
Ки расад бастаст бар ҳар жону жисм.*  
(Ҳар ким айтардики, бунда кучли парилар бор,  
Улар ўтмас тиг билан меҳмонларни ўлдирадилар.  
Бошқаси дердики, бу ерда сеҳр ва тилсим бор,  
Ҳар жону жисмни пойлаб турадилар).

*Он дигар гуфтӣ, ки барнеҳ нақши фош,  
Бар дараи, к-эй меҳмон, инжо мабош.  
Шаб махусб инжо, агар жон боядат,  
В-ар на марг инжо камин бикшоядат.*  
(Бошқаси дердики, эшигига (шундай деб) ёзиб кўйиш  
керак:

«Эй меҳмон, бу ерга кирма,  
Агар жонинг керак бўлса, бу ерда тунама.  
Йўқса, ўлим бу ерда сенга пистирма кўйган).

*В-он дигар гуфтӣ, ки қуфле бар ниҳед,  
Ғофиле к-ояд шумо кам раҳ диҳед.  
(Бошқаси дердики, эшикка қулф солинг,  
Бирорта ғофил келиб қолса, унга йўл берманг).*

(Шарҳ). Масжиддан мурод- солиқнинг дили, тилсимдан мурод- Шайтоннинг сайҳаси ва бонғи, масжиднинг кўнжирубубийят тажаллийси ва меҳмон -Ҳазрати рубубийят йўлининг солиқидир.

## **МЕҲМОН ЁЛДИРУВЧИ МАСЖИД МЕҲМОНИ ҲАҚИДАГИ ҚИССАНИНГ ДАВОМИ**

*Нимишаб овози бо ҳавл расид,  
К-оям, оям бар сарат, эй мустафид.  
(Ярим кечада кўрқинчли бир овоз келди,  
Эй фойдаланувчи, мана, мана, бошинга келяпман,  
дерди).*

(Шарҳ). Жалол сифатларининг тажаллийси зухур этган пайтларда ва бу рубубийят тажаллийси Каъбасининг жамол пардаси ва либоси эди, бунда кўрқинчли ва сиёсат қилувчи овоз келади. Фойда қидирувчи толиби солиқ шайтоннинг тилсим ва ёлғон асбоби бўлган овозини эшитиб, ҳийла ва ғурурга алданиб, бу овоз ўшал хазинанинг тилсими, дея хаёл қилади.

*Ё кироми «избаху ҳоза-л-бақар,  
Ин арадтум ҳашира арвоҳи-н-назар».  
(Эй улуг зотлар, арвоҳларнинг тирилишини  
кўрмоқни истасангиз,*

*Мана шу ҳўкизни сўйингизлар).*

(Шарҳ) «Забҳи бақар» (ҳўкизни сўйиш) нафсага кўшиб нафс ҳамроҳларини ҳам ўлдиришдан иборатдир. «Ҳашр» (тирилиш) жавоҳири нафиса бўлган арвоҳ (руҳлар)нинг тирилиши ва ислоҳга келишидир, масалан, бу одамда бўладиган ўлган дил, руҳ ва бундан бошқалардир.

*Аз жамодӣ мурдаму номӣ шудам,  
В-аз намо мурдам, ба ҳайвон сар задам.*

(Жонсиз жисмдандан одам бўлдим ва ўсдим,  
Ўсишдан ўтиб, ҳайвон бўлдим).

(Шарҳ). *Жамод* (жонсиз жисм)дан мурод *нутфа* (эрлик уруғи)дир, яъни бундан ўтиб, ўсишга эришдим. Ўсишдан ҳам ўтиб, ҳайвонийлик даражасига эришдим ва одамзотга тааллуқли нарсалар билан қоришдим. Бу байтдаги маъно қуйидаги ояти каримага ишоратдир: «Ва батаҳқик, яратдик Биз инсонни лойнинг хулосасидан, кейин Биз уни бир қатра сув қилиб ишончли бир ерга қўюб қўйдик, кейин Биз ул қатрани уюгон қон қилдик, кейин ул уюгон қонни бир чайнам гўшт қилдик, кейин ул бир чайнам гўштни суякларга айлантирдик, кейин биз уни бошқача бир махлуқ қилиб қўйдик».<sup>1</sup> Аллоҳ Улуғ Зот ва барча яратувчилардан яхшироқдир.

*Бас зи ҳайвон мурдаму одам шудам,  
Аз чи тарсам кай зи мурдан кам шудам.*  
(Ҳайвонликдан ўлдим одам бўлдим,  
Нечун қўрқай, ўлишдан кам бўлмадим).

(Шарҳ) Одамзотни чалғитувчи бўлган «Улар ҳайвонлар каби-дурлар, балки улардан ҳам адашганроқ» (ибораси)нинг ўқиға ишон бўлишдан ўтиб, ҳақиқий инсон бўлдим ва «оё, ул кишики, Худо унинг сийнасини ислом учун кенг қилибдур ва ул Парвардигорининг тарафидан бир нур устидадур, бошқа билан баробарми?»<sup>2</sup> (оятининг шарафига) мушарраф бўлдим, шундай экан ўлимдан нечун қўрқайинки, бу билан кам бўлиб қолмадим. Балки унинг воситаси билан, тоза ҳаёт муддао эди, Илоҳий муҳаббат дилимда зиёда бўлди ва ўлимнинг орзуси пайдо бўлди. Аллоҳ сўзи: «*Тиланглар ўлимни, агар даъволарингизда рост бўлсангизлар*».<sup>3</sup>

*Жумлаи дигар бимирам аз башар,  
То барорам аз малоик болу нар.*  
(Одамликдан яна бир бор ўлсам,  
Фаришталар қаторида парвоз қилурман).

<sup>1</sup> Қуръон, 23/12, 13, 14.

<sup>2</sup> Қуръон, 39/22.

<sup>3</sup> Қуръон, 2/94

(Шарҳ). Яъни, башарият ва унга алоқадор бўлган нарсалардан кечиб ўтиб, уларни йўқ ва нобуд қилдим. Башарият сифатларидан жонни халос қилиб, фаришталик сифати билан зийнат топдим.

**В-аз малак ҳам боядам жастан зи жу,**

**Куллу шайъин ҳолик илла вазҳату.**

(Фаришталикдан ҳам ўтиш учун анҳордан сакраб ўтмоқ керак,

«Аллоҳдан ўзга ҳар бир нарса йўқ бўлувчидир».<sup>1</sup>

(Шарҳ). Яъни, сифатдан ҳам кўчиб ўтдим ва яқинликни қидиришдан фориғ бўлдим, негаки «Аллоҳдан ўзга ҳар бир нарса ўлувчидир» менда рўй берди.

Шайх Нажмуддин Розий «Мирсод ул-ибод» китобида келтиришларича, зот *тажаллийси* (тажаллийи зот) икки қисмдир: *рубубиййат* ва *улухиййат*. Рубубиййат-тарбия қилувчи ва барқарор тутиб турувчидир. Ҳар кимда бу тажаллий юз берса, унинг учун «Аллоҳдан ўзга барча нарса ўлувчидир» юз кўрсатади. Шундан сўнг фаришталик сифатидан бир нав унга қайтади. Чунончи, Ҳазрати Мусо алайҳиссалоту вассаллам шаънида нозил бўлган мана бу оят шунга ишоратдир: «*Мусо деди: «Эй Парвардигорим, Сен ўзингни менга кўрсат, мен Сени кўрай»*. Худо деди: «Сен Мени ҳаргиз кўра олмассан ва лекин тоғ тарафга боқ, агар у ўз жойида туриб қолса, сен Мени кўра олурсан». Бас, вақтики Рабби тоғ тарафига тажаллий қилиб эди, уни ер билан баробар қилиб қўйди ва Мусо беҳуш бўлиб йиқилди. Вақтики ҳушига келди, деди: «Покдур Сенинг Зотинг, тавба қилдим ва мен мўъминларнинг аввалидурман».<sup>2</sup>

Ҳазрати Мусо салавотуллоҳи алайҳага рубубиййат тажаллийси юз берган эди, чунончи, ояти каримадаги «Вақтики Рабби тажаллий қилиб эрди» бунга ишорадир.

**Бори дигар аз малак қурбон шавам ,**

**Ончи андар ваҳм н-ояд он шавам.**

(Фаришталикдан яна бир бор қурбон бўламан,

Шунда хаёлга сигмайдиган нарса учун лойиқ бўламан).

<sup>1</sup> Қуръон, 28/88.

<sup>2</sup> Қуръон, 7/143.



(Шарҳ). Менга қайтган фаришталик сифатидан яна бир бор ўтаман ва уни улухиййат тажаллийси учун фидо қиламан. Улухий-йат нури ичида ҳалок ва йўқ бўлган вақтимда Зот ва сифатдан менда ҳеч қандай асар қолмайди, шунда фақрнинг ниҳояти ҳосил бўлади.

Нажмуддин Розий, раҳматуллоҳи алайҳ, айтадиларки, *улухиййат тажаллийси* Муҳаммад алайҳис саломда бўлган эди ва у Муҳаммад алайҳис саломнинг барча борлигини торожга етказди, вужуди Муҳаммадий ўрнига вужуди зотни барқарор қилиб, деди: «Батаҳқиқ, ул зотларики, байъат қилурлар сизга ва ҳақиқатда байъат қилурлар Худога. Худонинг қўллари уларнинг қўллари устидадир».<sup>1</sup> Бу саодатнинг каломи анбиёдан ҳеч бирига берилма-гандир. Аммо, бу хирмоннинг бошоқ терувчиларини бу ташриф билан мушарраф қилгандир.

*Бас адам гардам, адам чун арғанун,  
Гўядам, к-инна илайҳи рожизун.*

(Бас, мен йўқ бўлгум, йўқлигим гўё арғанунуга ўхшайди,  
Дейманки, «бизлар албатта Унинг ҳузурига  
қайтувчилармиз».<sup>2</sup>

(Шарҳ). Нурга ғарқ ва нурда ҳалок бўлгандан кейин гўё арғанун каби ожиз бўлдим. Чунончи, арғанун (муסיқа асбоби)дан келган ҳар бир садо чалғувчидан бўлади, арғануннинг ўзидан эмас, мен ҳам худди ўшанинг ўзиман. Чунончи, Мавлавий Румий, сирлари муқаддас бўлсин, бошқа жойда шунга ишорат қилади.

*Ҳамчунон, ки мурдаам ман қабла мавт,  
З-он тараф овардаам ин сайти савт.*

(Шу каби мен ўлимдан аввал ўлганман,  
Ўлим шухратини ўшал томондан келтирганман).

(Шарҳ). Улухиййат нури-бориш ва қайтиш жойидир. Вақтики мен ўша нурга ғарқ ва ўша нурда йўқ бўлганимда, айтдим: «Бизлар албатта Унга томон қайтувчилармиз».

<sup>1</sup> Куръон, 48/10.

<sup>2</sup> Куръон, 2/156.

*Марг дон к-он иттифоқи уммат аст,  
К-оби ҳайвонӣ ниҳон дар зулмат аст.  
Ҳамчу нилуфар бирав з-ин тарфи ҷў,  
Ҳамчу мустасқӣ ҳарису маргжў.  
(Ўлимни оммаи халқ иттифоқи бўйича,  
Зулматда яширинган обиҳаёт суви деб бил.  
Нилуфар каби ариқнинг ул тарафига интил,  
Гўё ташналабдек ҳарис ва ўлимни қидирувчи бўл.)*

**СУЛАЙМОН АЛАЙҲИС САЛОМНИНГ ЗУЛМ  
КЎРГАН ПАШШАНИ УНИНГ РАҚИБИ БИЛАН  
БИРГА ДЕВОНГА ЧАҚИРИШГА БУЮРГАНИ  
БАЁНИДА (195а)**

*Бас Сулаймон гуфт, эй зебо давӣ,  
Амри Ҳақ бояд, ки аз жон бишнавь.  
Ҳақ ба ман фармуд, ҳон эй додвар,  
Машнав аз ҳасми ту беҳасми дигар.  
(Бас, Сулаймон дедики, эй хуш овоз соҳиби,  
Ҳақнинг амрини жон деб эшитгин.  
Ҳақ менга буюрдикӣ, эй адолатпеша,  
Рақибни бошқа рақибсиз тинглама).*

*Ҳону ҳон, беҳасм қавли ӯ мағир,  
Ҳасм танҳо гар барорад сад нағир,  
То наёяд ҳар ду ҳасм андар ҳузур,  
Ҳақ наёяд пеши ҳоким дар зухур.  
(Огоҳ бўлки, агар рақиб юзта шикоят қилса ҳам,  
Рақибсиз рақибнинг сўзини қабул қилма.  
То ҳар икки рақиб ҳозир бўлмагунча,  
Ҳоким олдида ҳақиқат юзага чиқмайди)*

*Ман наёрам рўзи фармон тофтан,  
Ҳасми худро, рав, биёвар сўйи ман.  
Гуфт, қавли туст бурҳону дуруст,  
Ҳасми ман бод асту ӯ дар ҳукми туст.  
(Мен фармондан юз ўтиролмаيمان,  
Бор, рақибингни олдимга олиб кел.*

Папша дедики, сенинг сўзинг хужжат ва ростдир,  
Менинг рақибим шамолдир ва у сенинг фармонингдадир).

**Бонг зад он шох, к-эй боди сабо,  
Папша афгон кард аз зулмат, биё.  
Ҳин, муқобил шав ба хасмат рўбарў,  
То суҳан гўву бижун дафъи адув.**  
(Ўшал шох бонг уриб дедики, эй тонг ели,  
Сенинг зулмингдан папша фиғон чекмоқда.  
Кел, рақибинг билан юзма-юз бўлгил,  
Сўз айт, рақибингни даъвосини дафъ қил).

1956 **Бод чун бишнид, омад тез-тез,  
Папша бигрифт он замон роҳи гурез.  
Бас, Сулаймон гуфт, эй папша кужо,  
Бош то бар ҳар ду ронам ман қазо.**  
(Ел овозни эшитиб, тезлик билан келди,  
Папша эса шу онда қочишга тушди.  
Шунда Сулаймон дедики, эй папша, қаёққа,  
Тўхтаб тур, токи мен икковингизга ҳукмни айтай).

**Гуфт, эй шах, марги ман аз буди ўст,  
Худ сиёҳи рўзи ман аз дуди ўст.  
Ў чу омад, ман кужо ёбам қарор,  
К-ў барорад аз ниҳоди ман дамор.**  
(Папша дедики, эй шох, менинг ўлимим унинг келишидир,  
Ҳаётимнинг қора бўлиши унинг тутунидандир.  
У келибдими, мен қандай қилиб қарор топай,  
У менинг вужудимни кўкка совуради).

**Ҳамчунин жўёйи даргоҳи Худо,  
Чун Худо ояд шавад жўянда ло.**  
(Худо даргоҳини қидирганнинг ҳоли ҳам шу кабидир,  
Худо келгач, қидирувчи йўқ бўлади).

(Шарҳ). Ел келиши билан папшанинг борлигидан нишон қолмагани каби, рубубийят Зотининг тажаллийси келгач, Аллоҳ таъоло жамолини қидирувчиси ойнадек маҳв бўлиб, унда суврат қолмайди.

**Гарчи он васлат бақо андар бақост,  
Лех аввал он бақо андар фаност.**  
(Гарчи бу етишиш бақо ичидаги бақо бўлса,  
Бироқ аввало бу бақо фано ичрадир).

(Шарҳ). Гарчи солиқнинг матлубига етиши солиқнинг матлуб бақоси ичидаги бақоси бўлса ҳам, бундай бақо улуҳийят тажаллийсидаги бақо эмас, балки пок Зот тажаллийсининг ичидаги бақо бўлади, бундан бошқада бўлмайди. Эй бор Худоё, ашёларнинг ҳақиқатини қандай бўлса, шундай кўрсатил. Лекин аввал ва бундан сўнг бақо ва бу бақони топиш, унда матлубни мушоҳада қилиш ашёлар ойнасида бўладики, ашё ва юз берган тажаллийёт улуҳийят тажаллийёти олдида барча ашёлар ойнасида йўқ ва ҳалок бўлувчидир. Чунончи, буюрадилар:

**Ҳолик ояд неши важҳаш ҳаст нест,  
Ҳастӣ андар нестӣ худ турфаест.**  
(Унинг олдида барча борлиқ йўқликка юз тутиб, ҳалок бўлади,  
Йўқлик ичидаги борлиқнинг ўзи ажойибдир).

Ҳазрати Шайх Шиблий шу мақомни қидириб, шундай деганлар: «Эй бор Худойим, мени кўрмайдиган қилиб яраттин».

(196а) **Сояҳое, ки бувад жўёйи нур,  
Нест гардад, чун кунад нураш зуҳур.**  
(Нурни қидирувчи бўлган соялар,  
Унинг нури зуҳур этгач, йўқ бўладилар).

(Шарҳ). Улуғ Зотнинг талабида бўлган ҳиммати олий солиқларда, чунончи, ўз сифатларидан бўлмиш бир сифатнинг тажаллийсида фоний бўлиб, улуҳийят тажаллийси зуҳур қилгач, улар ўз зотларидан йўқ ва фоний бўладилар. Шундай рубубийят тажаллийсининг тарбияти остида бўлган **ақли жузвийга** мажлис султони улуҳийят тажаллийси бўлган жойда бақо мажوليو боқийлик ҳадди қайдан бўлсин?! Шу маънода айтадилар:

**Ақл кай монад чу бошад сардах у,  
Куллу шай'ин ҳолик илла важҳашу.**

(У соқий бўлса, ақл қандай жойида бўлсин,  
Ундан ўзга барча нарса ўлувчидир).

Гўё бу байтдаги иккинчи мисранинг шарҳи мана бу байтдир:

*Ҳолик ояд кеши важдаш дасту нест,  
Ҳастӣ андар нестӣ худ турфаест.  
(Унинг олдида борлиқ ва йўқлик маҳв бўлади,  
Йўқлик ичида борлиқнинг ўзи ажойибдир).*

(Шарҳ). Йўқлик ва борлиқ солиқнинг ҳалоки ва фаносида экан, ўшал солиқдан ҳеч бир асар қолмайди, бу борлиқ ва бақо ажойибу беназирдир.

*Андарин маҳзар хирадхо шуд зи даст,  
Чун қалам инжо расиду шуд шикаст.  
(Шу ерда ақллар қўлдан кетади,  
Қалам шу ерга етиб, ожизликдан синди).*

## **БЕҲУШ ОШИҚНИ ҲУШИГА КЕЛТИРИШ УЧУН МАЪШУҚНИНГ МЕҲРИБОНЛИК КЎРСАТГАНИ БАЁНИДА**

*Мекашид аз беҳушиях дар баён,  
Андак-андак аз карам Садри жаҳон.  
Баргирифташ сар ниҳод андар канор,  
Бар руҳаш мекард ашқи тар нисор.  
(Садри жаҳон ўз карами билан,  
Уни беҳушлиқдан андак-андак чиқара бошлади.  
Бағрига олиб, бошини қучоғига қўйиб,  
Юзига кўз ёшини нисор этарди).*

*Бонг зад дар гўши ӯ шах к-эй гадо,  
Зар нисор овардамат доман қушо.  
Жони ту к-андар фироқам метапид,  
Чунки зинҳораш расидам чун рамид.  
(Ўшал шоҳ унинг қулоғига бонг уриб деди,  
Эй гадо, зар келтирдим, этагингни оч.*

Жонинг фироқимда изтиробда эди,  
Энди мен хузурингдаман, жонинг қайга кетди?)

*Эй бидида дар фироқам гарму сард,  
Бо худ о аз бехудийю бозгард.  
Мурғи хона уштуреро бехирад,  
Расми меҳмонаш ба хона мебарад.*  
(Эй фироқимда иссиғу совуқни кўрган,  
Беҳушлиқдан ўзингга кел ва ўз ҳолингга қайт.  
Ақлсиз товуқ бир туяни,  
Меҳмон қилиш учун уйига олиб боради).

*Дасти ў бизрифт к-ин рафта дамаш,  
Онгаҳе ояд, ки ман дам батшамаш.  
Чун ба ман зинда шавад он мурда тан,  
Жони ман бошад, ки рў орад ба ман.*  
(Садри жаҳон унинг кўлидан тутиб дедики,  
Нафаси тўхтабди, мен унга нафас бағишлай, токи қайтиб  
келгай.

Бу ўлик тан мен билан тирилади,  
Менга юз тутган жон менинг жоним бўлади).

*Эй худи мо бехудию мастият,  
Эй зи ҳастий мо ҳамора ҳастият.  
Бо ту белаб ин замон ман нав-банав,  
Розҳойи кўҳна мегўям шунав.*  
(Эй бехудлиги ва мастлиги бизнинг ўзимиз бўлган,  
Эй борлиги бизнинг борлигимиздан бўлган одам.  
Сен учун ҳозир тилсиз,  
Ҳар хилдаги, эски сирларни айтайин, уни эшит).

*З-он ки ин лабҳо аз он дам мераманд,  
Бар лаби жўйе ниҳон бар медаманд.  
Гўши бегўшӣ дар ин дам барқушо,  
Баҳри рози «мо йафъалуллоҳ мо йашо».*  
(Чунки бу лаблар бу нафасдан қочадилар,  
Пинҳона ариқлар лабида гул очадилар.  
Аллоҳ мана шу тариқа хоҳлаган нарсасини

«Қила олур»<sup>1</sup> сирини билиш учун,  
Асли кулоқ бўлмаган кулоқни бу дамда оч.)

**Чун салои васл бишнидан гирифт,  
Андак-андак мурда жунбидан гирифт.  
Не кам аз хок аст к-аз ишва сабо,  
Сабз пўшад, сар барорад аз фано.  
(Висол чақиригини у эшита бошлагач,  
Мурда аста-аста қимирлашга тушди.  
Сабонинг ишвасидан, яшил кийиниб, йўқликдан бош  
кўтаришди,  
У тупроқдан кам эмасдир).**

**Кам зи норӣ нест, ки амри салом,<sup>2</sup>  
Гулситон шуд бар Халилро би-т-тамом.  
Кам зи чўбӣ нест дар дафъи адув,  
Гашт аждарҳойи мункар з-амри Ҳу.  
(Оловдан кам эмас эдики, «омонлик бўл» амри билан,  
Халилуллоҳ учун тамом гулистонга айланди.  
У чўбдан кам эмаски, душманни даф этишда,  
Аллоҳ амри билан даҳшатли аждаҳога айланди).**

**Кам зи кўҳу санг набвад к-аз вилод,  
Ноқе к-он ноқа ноқа зод зод.  
З-ин ҳама биззар на он моя адам,  
Оламе зоду бизояд дамбадам.  
(Тоғу тошдан кам эмаски, у туя бўлиб,  
Сўнг бу туя бошқа туяни туғди.  
Буларнинг ҳаммасини қўйки, йўқлик.  
Оламни туғди ва дамбадам туғади).**

(Шарҳ). Куёшнинг фазли ва карами солиқ зотининг майдонига тушиб, бош кўтарса, «яни нарса эскига яқинлашгач, ҳеч бир асари қолмайди» ҳукми бўйича, солиқдаги тун қоронғуси ва зулмати йўқлик горининг паноҳига бош уради. Солиқ анвои инъомлар билан

---

<sup>1</sup> Қуръон, 3/40.

<sup>2</sup> Анбиё сурасидаги: «Эй олов, совуқ бўл ва омонлик Иброҳим учун» деган 69-оятта ишора.

катта-ю кичик ичида мумтоз бўлади. Унинг истеъдодига яраша илм оз-оздан кўпайишига тушади.

## **ОШИҚ ЎЗ ҲУШИГА КЕЛГАНИ ВА САНО ҲАМДА ШУКРГА ОФИЗ ОЧГАНИ БАЁНИДА**

*Баржаҳиду бартапид ў шод-шод,  
Як-ду чархе зад, сужуд андар фитод.  
(У шод бўлиб сакради ва тўлғонди,  
Бир-икки чарх уриб, саждага бош кўйди).*

(Шарҳ). Муҳтожнинг ва талаб қилувчининг ҳолига муносиб, балки вожибдирки, кийим кийиш онанда ва атога етипиш замонида ўз ҳоли ва ҳолатини изҳор қилишда суръат кўргузсин ва ҳаракат қилсин. Чунончи, мавжудотлар хулосаси ва одамзот Саййиди алайҳис салоту вас-саломга Меърож кечаси Ҳақ таъоло муборак хитоб қилдики: «*Эй Муҳаммад, Мен ва Сен, сендан ўзга нарса-ларни Сен туфайли яратдим*». Ул зот ўзларининг ниёзмандлик ва ҳожатмандликларини изҳор қилиб дедилар: «*Эй бор Худое, Сенсан, мен эмасман, Сендан ўзга нарсани Сен учун тарк этдим*».

Садри жаҳоннинг ошиғидан мурод мажзуби солиқдир. Бу гўё шундайки, уни хилма-хил навозишлар билан сероб ва шод қиладилар. У бир неча марта чарх уриб, ўзининг эҳтиёжини сўзлайди, саждада зорланиб, муножот қилади.

*Гуфт, эй анқойи Ҳақ, жонро мутоф,  
Шукр, ки бозомадӣ з-он Кўҳи Қоф.  
Эй Сирофили қиёматгоҳи ишқ,  
Эй ту ишқи ишқ в-эй дилхоҳи ишқ.  
(Дедикӣ, эй Ҳақ анқоси, эй жонни яшнатувчи,  
Шукрки, Кўҳи Қофдан қайтиб келдинг.  
Эй ишқ қиёматгоҳининг Исрофили,  
Эй ишқнинг ишқи, в-эй ишқнинг дилхоҳи).*

*Авалли хилзат, ки тоҳӣ доданам,  
Гўш хоҳам, ки ниҳӣ бар равзанам.*



*Гарчи медонӣ ба сафват ҳоли ман,  
Бандапарвар гӯш кун, ақволи ман.*  
(Сенинг менга биринчи хилъатинг шуки,  
Менинг даричамга қулоғингни тутсанг.  
Менинг аҳволимни тўлиқ билсанг-да,  
Раҳм кўрсатиб, сўзларимга қулоқ солсанг).

*Сад ҳазорон бор, эй Садрӣ фарид,  
З-орзӯйи гӯши ту ҳушам парид.  
Он самизӯйи ту в-он исғоӣи ту,  
В-он табассумҳойи жонафзойи ту.*  
(Эй ягона Садр, юз минг марта,  
Сенга сўзлаш орзусида ҳушим учди.  
Ўша эпитишинг ва ўша қулоқ тутишинг,  
Жонга ором табассуминг орзусида бўлдим)

Бу китобни кўчириш пайшанба куни тугади).

сана 1322/1904

\*\*\*

«*Мифтоҳ ул-асрор*» номли бу муборак нусха шаҳриёр малик Абул Музаффар ал-Мансур Абулғозий Саййид Муҳаммад Раҳим Баҳодурхон, Аллоҳ унинг умрини, давлатини ва шавкатини давомли қилсин ҳамда авлоди, шараф соҳиби, жаннат ошён, мағфиратнишон, марҳум ва мағфур Саййид Муҳаммадхон, Аллоҳ унинг қабрини жаннат боғлари ичида қилсин, амрларига мувофиқ (кўчирилди).

(Китобат) фақир ул-ҳақир, толиблар қадамининг тупроғи, Аллоҳдан мағфиратни умид қилувчи Ҳабибуллоҳ ибн Мулла Абдуссалом ал-Хонақоҳий ал-марҳумий, Аллоҳ ул иковнинг гуноҳларини кечирсин ва айбларини ёпсин, қўли билан улуғвор Хива шаҳрида, Аллоҳ уни куйиш, чўкиш офатларидан асрасин, муборак зул-қаъда ойида ҳижратдан сўнг бир минг уч юз йигирма иккинчи (1904) йилда амалга ошди.

Малик ва Ваҳҳоб исмли Аллоҳ кўмаги билан китоб тугади.

*Ҳар кӣ тонад дуо тамаъ дорам,  
З-он ки ман бандайи гунаҳкорам.*  
(Гуноҳкор банда бўлишимга қарамай,  
Кимки бу китобни ўқиса, ундан дуо умид қиламан).

# БУЮК БОБОҚАЛОНИМ ИЛМИЙ МЕРОСИНИ ЎРГАНИШ ЙЎЛИДА

Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм

Алҳамдулиллаҳи Роббил ʔаламийн вал ʔақибату ли-л-муттақийн ва-с-салоту вассалому ʔала расулиҳи Муҳаммадин ва ʔала ʔалиҳи ва асҳобиҳи ʔажмайн.

Шундан сўнг, маълум бўлсинки, бизни шу кунларга соғ ва саломат етказган ва турли бало ва уқубатлардан асраб келган, битмас туганмас ризқ ато этган, умримизни тинч ва фароғат ила яшашга муяссар этган Аллоҳ субҳонаҳу ва таъолога беҳад шукроналар ва ҳамду санолар айтурмиз. Камина инсонларнинг эзгу ниятларини рўёбга чиқаришга ўз умрларини сарфлаган ота-боболарнинг руҳи покларини шод этмак учун катта ишларга қўл урдим. Аллоҳ таъоло ўзининг катта муруввати, олимлиги ва қодирлиги билан йўлбошчилик қилиб, Илоҳий куч-қувват ато этиб, сабр-тоқат ила бу ишларни поёнига етказишга мушарраф этгай.

Бобом Сайид Одина Муҳаммад Эшон ҳақида бир китоб битишга умид боғлаб, катта ишга қўл урган эдим, Аллоҳ таъолонинг хоҳиши ила бу ишларни амалга оширдим. Шундай қилиб, ҳали жуда кўп йиллардан бери ҳеч бир киши қўл урмаган бу ишни амалга оширишга муяссар бўлдим. «Ҳазрати Одина Эшон қиссаси» китобини жуда кўп изланишлар ва руҳий изтироблар асосида ёзиб, 2001 йилда чоп қилдирдим.

Шундан кейинги даврларда ҳам бу соҳага катта аҳамият бериб, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар хазинаси бўлимига мурожаат қилиб, у ерда ишловчи кўплаб яхши инсонларнинг ёрдамида 100 минглаб сақланиб келинаётган нодир китоблар орасида бобомлар ёзган китоблар бор-йўқлигини аниқлашга киришдим. Худога беадад шукурлар бўлсинким, бобом ёзган нодир қўлёзма китобларни топишга мушарраф бўлдим. Қарангки, неча асрлардан бери ҳеч кимга маълум бўлмаган китоблари бу ерда сақланиб турган экан. Бу китоблар қачон ва қимлар томонидан бу ерга келиб қолганига аҳамият бердим. Қанча-қанча оғир даврлар ўтган, қанча-қанча Хоразм хонлари яшаган, қирғинлик келтирувчи урушлар нодир китобларни йўқ қилиш, ёқиб кул қилиш даврларини ўз бошидан кечирган бўлишига қарамай, бу китобларнинг бу ерда сақланиб қолганига таҳсинлар ўқидим.

Мен «Ҳазрати Одина Эшон қиссаси» китобини ёзаётган пайтимида бундай маълумотлардан дарак ҳам йўқ эди. Бу китобни чоп қилиб

чиқарганимдан кейин мен учун барча эшиклар очилди. Жуда кўп маълумотлар тўплашга муяссар бўла бошладим. Тошкентдаги Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг Шарқ қўлёзмалар бўлимида бобомнинг китоблари сақланаётганлиги ҳақида маълумотларни топдим. Шундай қилиб, у ерда сақланиб келинаётган «Шарҳи калимоти баъзи аҳли сулук» ва «Рисолаи Одина Эшон» китобларининг борлигини аниқлаб, уларни араб ва форс тилларидан ҳозирги ўзбек тилига таржима қилдириб, 2003 йилда чоп қилдирдим. Кези келганда, таржималарни амалга оширган фозил олимлар Маҳмуд Ҳасаний ва Баҳриддин Умрзоққа миннатдорчилик изҳор этишни ўз бурчим деб биламан.

Бу рисоалар шарият ва тариқатнинг амал қилиниши зарур бўлган масалаларини ўз ичига олади. «Рисолаи Одина Эшон» («Одина Эшоннинг рисоласи») форс тилида ёзилган бўлиб, унинг ягона нусхаси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Шарқшунослик институти қўлёзмалар хазинасида сақланмоқда. У 1801 йилда, яъни бобом вафот этган йили Аллоқули ибн Мулла Даргоҳкули томонидан кўчирилган.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар хазинасида сақланаётган ҳазрати Одина Эшон бобомнинг яна бир водир асарларини излаб топишга эришдим. Бу китоб «Жавоҳир ус-савоийъ» («Хунар жавоҳирлари») деб номланган бўлиб, ҳақиқатда ҳам барча хунарларни ўргатувчи китобдир. Бобом ёшлигидан бошлаб, то 32 ёшга киргунча Бухоро, Самарқанд, Шаҳрисабз, Балх, Маймана ва шунга ўхшаган шаҳарлар, қишлоқларга илм олиш учун бориб, ҳаёт кечирганлар. Уларнинг Хиндистон, Кашмирда ҳам бўлганликлари ҳақида ривоятлар бор. Ҳазрати Одина Муҳаммад Эшоннинг диний илмларни ўрганиш соҳасида Аллоҳқа етган улуг зот, дунёвий илмларни билиш борасида эса буюк олим даражасига эришган каромат соҳиби, ҳар хил касалликларни даволай оладиган кучли табиб эканликлари ҳақида тарихий маълумотлар мавжуддир. Шу нарсага уларнинг ушбу китобни ёзишларига асос бўлган. Бу китобнинг таржимасини институтнинг заҳматкаш олими Маҳмуд Ҳасаний амалга оширди. Бу китобни ҳам 2003 йилда чоп қилдирдим.

Кейинги даврларда бобомнинг шарқшунослик институтининг қўлёзмалар хазинасида сақланаётган яна тўртта китоблари борлигини аниқлашга муяссар бўлдим. Ҳозирча ушбу топилган китоблардан фақат биттаси тўғрисида сўз юритмоқчиман. Бу китобнинг «Мифтоҳ ул-асрор» («Сирлар калити») деб ном қўйилганлиги кишини чуқур ўйларга солиб, кенг фикр юритишга

жалб этади. Бу китоб тариқат ва ҳақиқат йўлида юрувчи инсонларга кенг йўл очиб беради ва улар учун бир қўлланма вазифасини бажаради.

«Мифтоҳ ул-асрор» номли бу муборак нуханинг охирига: «Шаҳриёр малик Абул Музаффар ал-Мансур Абулғозий Саййид Муҳаммад Раҳим Баҳодурхон, Аллоҳ унинг умрини, давлатини ва шавкатини давомли қилсин, шараф соҳиби, жаннат ошён, мағфират нишон, мархур ва мағфур саййид Муҳаммадхоннинг авлоди, Аллоҳ унинг қабрини жаннат боғлари ичида қилсин, амрларига мувофиқ фақир ул-ҳақир, толиблар қадамининг туфроғи, Аллоҳдан мағфиратни умид қилувчи Хабибуллоҳ ибн Мулла Абдуссалом ал-Хонакоҳий ал-марҳумий қўли билан улугвор Хива шаҳрида, Аллоҳ уни куйиш, чўкиш офатларидан асрасин, муборак зулқаъда ойида ҳижратдан сўнг бир минг уч юз йигирма иккинчи йилда кўчирилди» деб ёзиб қўйилган. Яъни, мелодий 1904 йилда кўчирилиб, Хивада хон кутубхонасида сақланган. 1945 йил 15 сентябрда Хива кутубхонасида Шарқшунослик институтига кўчирилган. Бобом ўзларини «Бу камина фақирлар фақри Абул Музаффар ибн Саййид Музаффар ал-Хусайний ал-Хоразмий ал-Карвакий», деб таништириб ўтадилар. Асл исмлари эса Саййид Одина Муҳаммад ибн Музаффар ал-Хусайний ал-Хоразмий ал-Карвакийдур.

Катта бобокалонимиз Саййид Муъизуддиннинг хоки поклари Ҳазорасп туманининг Карвак қишлоғида жойлашган бўлиб, Одина Эшон уларни: «Тоҳо ва Ёсин аҳли сарасидан бўлган хонадоннинг ҳожатмандроғи ва пайгамбарларнинг Саййиди (Расулulloҳ) авлодларининг пешвоси Саййид Муъиз уд-Давла ва-д-Дунё ва-д-Дин (Муъизуддин) Шакарлаб ал-Арабий ал-Хусайний ал-Мақкий» деб таништирадилар. Аллоҳ уларнинг руҳларини азиз қилсин, яхшиликларини олам юзига сочсин.

Бобом Ҳазрати Одина Муҳаммад Эшон ёшлик вақтларидан бошлаб Аллоҳ йўлига қадам қўйган зотлардан эдилар. У киши хизмат қилиш ва суҳбат тутиш учун Хоразмнинг азиз машойхларини бирма бир тавоф қилганлар. Бир неча марта Бухорога сафар қилиб, жуда кўп авлиёларнинг қабрларини зиёрат этганлар. Бироқ Илоҳий нур билан маҳкам бўлган, илм таниган ва оқ-қорани ажратган дили ҳеч ерда ором олмаган ва ҳеч ерда қарор топмаган. Сўнг мамлакатнинг ҳар бир атроф ва томонларидан ва жаҳоннинг сайёҳ ва сайёрларидан хабар қидирганлар. Хатто Каъбаи муаззама ва Мадинаи мунавварага ҳам одамларни юборганлар. Лекин бундай етук пирлардан бирорта асар ва бундай азизлардан бирорта хабар эшитмаганлар. Куйиб ёниш

билан ҳар тарафга чопар юбориб, жидду жаҳд билан фарёд чекардики, ногоҳ жаноби Онҳазрат (с.а.в)дан башорат юз бериб, бир жойда муқим бўлишга ишорат зоҳир бўлган, одамлар билан ўтириш ва бандалар хизматини қилишга фармойиш берилган. Шундай қилиб, шу онда «иродат оёғи тақлим этаги билан боғланиб», бир жойда бандалик билан машғул бўлганлар. Ҳар тарафдан талаб ва иродат аҳли келсалар, бу илмдан ҳосил бўлган нарсаларни уларнинг тарғиби ва ташвиқи учун баён қилар эдилар. Суфийларнинг китобларида ёзилган нозик ва қийин нарсаларни тушунтирганлар. Буларни эшитишдан толибларда ўсиш ва ҳидоят топиш кучайган. Ҳидоят қидирувчиларнинг ботинида рағбат ва иштиёқ нурлари порлаган.

Бобом Жалолиддин Румийнинг «Маснавий» китобидан бошқа китобни, на ўтганлардан ва на сўнгилардан ҳеч бирида кўрмаган. Улардан ҳеч бири жазаба ва талабнинг бошланишидаги сайр ва сулук йўлининг хавфи ва хатарлари, чунончи жонларнинг кўриниши, шайтоннинг жилвалари, нафснинг офатлари, ақлнинг уқубатлари, руҳларнинг зоҳир ва бақо биллоҳ мақомининг охиригача бўлган манзилларнинг тўхташ жойлари ва ҳайрат ҳақида бу китобдек тўлиқ баён этилган ва муфассал айтилган китобни кўрмаганлар. Ҳақиқатдан ҳам, Ҳазрати Мавлавий, сирлари муқаддас бўлсин, кўп улуг шону шавкат соҳиби, ўз асрида «Тарихат тили» эдилар, барча фирқа аҳлига мақбул бўлганлар. Шунинг учун бобом Ҳақ субҳонаҳу иноятини ўзига нисбатан кенг ва кўп кўриб, ўз ҳолига доимий назар ташлар эканлар, ўзининг барча равиши ва ҳолатини шу китобга мувофиқ топганлар. Улар «Маснавий»нинг ўзларигача ёзилган шарҳлари билан танишиб чиққанлар. Уларнинг шарҳларида чўзилиш ва иккиланишлар мавжудлигини кўрганлар. Улар ўзларининг аҳволларини изҳор қилган ҳолда мақсаддан узоқлашиб кетган бўлганлар. Шунинг учун ҳам бобом Аллоҳнинг ёрдами туфайли бу китобдаги улуглар қолдириб кетган ва асл маъносини кўрсатмаган баъзи байтларни шарҳ қилишни ўзига лозим деб билиб, уларни ҳал этишга киришган. Унинг баёни ва изоҳи ҳақида қанчалар бинолар тиклаган, у билан сирлар хазинаси ва рамзлари маълум бўлган. Яширин бўлган маънолар дури ҳам баён қилиниб, кулфланган эшиклар ва тилсимотлар эшиклари очилган. Бу шарҳда бошқа шарҳлардаги каби шубҳа ва эҳтимоллар юз бермаслиги учун ҳаққоний ва ишончли равишда қисқа ва мухтасар изоҳ берилиб, яширин ва пинҳон бўлган чуқур маъноли сирлар ошкоралик билан баён этилиб, бутун жаҳон кишиларига билдирилган.

**Латифжон Ҳожи БОБОЖОНОВ**

## МУНДАРИЖА

Муқаддима	3
Ҳасаний М. Улуғ китобнинг улуғ шарҳи	4
Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм	10
<i>Биринчи фасл.</i> Ушбу китоб мусаннифи ҳолининг бошланиши, яъни тавфиқ ва тавбанинг ҳосил бўлишига кўз тикиши, ҳақиқат ва мартаба навларининг нузул қилиши баёнида	11
<i>Иккинчи фасл.</i> Илм ул-йақин тафсилоти баёнида	18
<i>Учинчи фасл.</i> Айн ул-йақин таъйини ва уни таҳқиқ қилувчилар баёнида	25
<i>Тўртинчи фасл.</i> Солиқлар даражасининг ниҳояти бўлган ҳаққ ул-йақиннинг ҳақиқати баёнида	38
<i>Бешинчи фасл.</i> Тақлид аҳли баёнида ва улар билан бўладиган сужбатнинг зиёни зикрида	54
<i>Олтинчи фасл.</i> Камол аҳлининг сифати ва ҳазрати Худованди таъолога яқин бўлган илоҳий хос бандаларнинг висолга етиш тариқи баёнида	74
<i>Биринчи жилд</i>	87
Подшонинг бир канизакка ошиқ бўлгани, подшоҳ канизакни сотиб олгани, канизакнинг касал бўлиб қолгани, подшонинг канизакни даволаш учун кўрган тадбири ҳақидаги ҳикоят	107
Канизакнинг муолажасидан гумроҳ табибларнинг ожиз эканликларининг аён бўлиши, подшонинг Худо даргоҳига юзлан-гани, Аллоҳ ҳузурига тазарру қилгани, подшонинг тушда илоҳий ҳозиқ табиби топгани, ҳақиқатни билувчи валий табибдан подшо муродининг ҳосил бўлиши	108
Баққол ва тўти, мушукнинг сичқонга ташланиши, тўтининг мушукдан қўрқиб учishi, тўти баққолнинг дўқонидаги ёғни тўкиб юбориши, баққолнинг хотини ва тўтининг кал бўлиб қолиши ҳақи-даги ҳикоят	111
Насронийларни таассуб сабабли ўлдирган жужуд подшосининг достони баёнидаким, жужуд мусавий, насроний исавий эди, ҳамда устод ва шогирд достони	127
Жужуд подшонинг вазири насронийларни алдаш учун ваъз айтганининг баёнида	130
Шу ерга ча аҳли йақин бўлган мубтадий (бошловчи)нинг баёни бўлиб, уни гайбат туви уйқусида қолдирган эдилар, энди эса бирозгина мунтаҳий (камолга етган) орифлар ҳолидан баён қилинади	134
Халифа Лайлини кўргани, халифанинг Лайлига савол бергани ва унинг жавоби ҳақидаги ҳикоят баёнида	140
Валий муршида тобеъ бўлишга тарғиб баёнида	142

Иблис Одам сафиюллоҳга ҳасад қилгани каби муқаллид халифанинг муҳаққиққа ҳасад қилгани баёни.....	143
Вазирнинг жуҳуд подшосига ҳасад қилганининг баёнида.....	144
Насоро ҳозиқларининг вазир макрини пайқаб қолишлари баёнида.....	146
Ихтилоф ҳақиқат йўлида эмас, балки суврат йўлида эканининг баёнида.....	148
Бу ҳийла ва найрангда вазирнинг зиён топиши баёнида.....	152
Вазирнинг қавмга ҳийла қилиш ва уларга кулфат етказиш учун хилватта кириши.....	155
Муридларнинг вазирга ялиниб-ёлборганлари баёнида.....	158
Вазирнинг, хилватни тарк этмайман, деб жавоб айтгани ва ноумид қилгани, сўнг муридларга, Исо менга ёлғиз бўл, деб хабар бери, деганининг баёнида.....	165
Вазирнинг хилватда ўз-ўзини ўлдириши.....	166
«Биз Пайғамбарларнинг ҳеч бирини фарқ қилмаймиз» оятининг тафсири баёнида.....	167
Анбиё алайҳис саломга: «Одамларнинг ақлларига яраша сўзланглар» дейилди, чунки уларга зиён қилади ва пайғамбаримиз: «Мен одамларни ўз манзилига туширишга буюрилиндим» деганлари баёнида.....	169
Исо динини йўқ қилишга ҳаракат қилган бошқа бир жуҳуд подшонинг ҳикояти.....	171
Ҳақиқий маъшук томонидан солиққа илҳом келиб, тасаввур ва тафаккурдан ташқари чиқмасанг, бизни тополмайсан дейилгани.....	176
«Албатта, Раббингиз замонангиз айёмида шабададир, огоҳ бўлинг, бас ўзни Унга тутинг» ҳадисининг баёни ҳақида.....	179
Оишаи сиддиқа разийаллоҳу анҳонинг Муҳаммад мустафо саллаллоҳу алайҳи ва салламдан, бугун ёмғир ёғди, гўристонга бордингиз, аммо кийимингиз нега ҳўл бўлмади деб савол қилганларининг ҳикояти.....	189
Қуйидаги ҳадиснинг маъноси бахтга ва бадбахтликка ишора экани баёнида.....	193
Умар разийаллоҳу анҳу замонида яшаган Пири Чангий қиссасининг давоми, унинг дунёвий муҳтожликдан халос бўлгани ва бундаги ҳикматнинг баёни.....	194
Пайғамбар алайҳиссалом.....	195
Душманлар солиҳ алайҳиссалом ва унинг туясини ҳақир кўрганлари, чун Ҳақ таъоло бирор лашқарни ҳалок қилишни хоҳласа, уни душман кўзига ҳақир кўрсатади, айтиладики: «Оз қилиб кўрсатди уларнинг кўзларига сизларни, токи Аллоҳ муқаррар бўлган ишни анжомига етказсин ва ҳамма ишлар Аллоҳ тарафига қайтарилур».....	198
Дунёнинг ошиғи гўё деворга ошиқ бўлган киши кабидирки, унга куёш нури тушган эди, у эса бу нур деворнинг нури эмас, тўртинчи осмондаги куёшнинг нури эканини билишга жидду жуҳд қилмагани, сўнг қўнглини деворга қўйгани, куёш нури куёшга қайтгач, унинг маҳрум қолгани баёнида.....	

Аллоҳ сўзики: «Тўсиқ ташланди улар билан уларнинг орзу қилган нарсалари орасига».....	206
Арабларнинг «Иза занайта фазни би-л-хурра ва иза сарақта фа асрику-д-дурра» мақоли хусусида.....	207
Саҳройи арабнинг Бағдодга халифанинг саройига боргани ва халифанинг ғуломларига сув кўзасини тошширгани баёнида.....	209
Халифанинг кўзага эҳтиёжи бўлмаса-да, ўшал арабнинг ҳадясини қабул қилгани, кўзани тилла билан тўлдиргани ва арабнинг шод бўлгани.....	210
Халифанинг саройини Худойи таъоло илмига қиёс қилгани.....	212
Йўл юрувчи солиқ аҳволининг бир-бирига нисбатан ҳар хиллиги, бироқ бу тариқат солиқларининг ҳолда мақсадлари битта эканлиги.....	219
<i>«Маснавий»нинг иккинчи жилди.....</i>	<i>222</i>
Авлиёларнинг, Аллоҳ уларга раҳматини сочсин, авбиёларга, уларга саловот ва саломлар бўлсин, хусусан, Муҳаммад Мустафо саллаллоҳу алайҳи ва салламга тобе эканликлари баёнида.....	234
Ботин ҳислари ва унинг аҳволи баёнида.....	240
Бир илончи бошқа бир илончининг илонини ўғирлагани баёнида.....	250
Бир аблаҳнинг Исо алайҳиссаломдан, суякларга жон ато қилишни менга ўргат, деб илтимос қилганининг баёни.....	251
Сўфининг ҳамроҳлари, сўфининг улови касал экан, дея гумон қилганлари баёнида.....	252
Мағфуру марҳум, машҳуру маълум, яъни Мавлоно Жалолоид-дин Румийнинг, Аллоҳ сирини муқаддас қилсин ва қабрини мунаввар қилсин, аҳволи баёнида.....	253
Подшо лочинининг бойқушлар орасига тушиб қолгани ва бойқушларнинг лочин билан можаро қилганлари.....	256
<i>Учинчи жилд. Одамларнинг ризқлари ва ризқнинг касб ёки ҳаракат билан ҳосил бўлмаслигини билиш баёнида.....</i>	<i>257</i>
Очкўзликдан фил боласини еганлар ва насихатчининг насихатини тингламаганлар баёнида.....	264
Хожа ҳамда қавмининг қишлоқ сари йўл олганларининг баёнида.....	267
Сеҳргарларни шаҳарлардан тўплаш учун Мусо алайҳис саломнинг Фиръавнга муҳлат бергани баёнида.....	270
Ҳайратнинг баҳс ва фикрга тўсиқ экани баёнида.....	276
Саҳобалар ичида Куръонни ёд олганларнинг бўлмагани, фақат Куръоннинг тўртдан бир қисмини билганларининг баёнида.....	277
Ошиқнинг маъшуқ ҳузурда ишқ ҳақида нома ўқигани ва ўз ишқномасини мутолаъа қилгани, маъшуқ буни ёқтирмагани ҳақидаги дostonнинг баёнида, зеро далолат этилган нарса учун яна далил излаш ёқимсиздир ва маълум нарсага етилгандан сўнг яна уни ўрганишга машғул бўлиш хунукдир.....	281



Довуд алайҳис салом даврида яшаган ва Худойи таъолодан раъжсиз, Қийинчиликсиз, сабабсиз, тараддудсиз, касбсиз, беташвиш ҳалол ризқ топиш учун дуо қилган одам қиссаси.....	292
Намга солувчининг узр айтиши ва мадад сўраши.....	294
Хаҷирнинг туяга қараб, мен йўлда кўп йиқиламан, сен эса кам йиқиласан, айт буving сабаби нимадир, деб шикоят қилганининг баёни.....	297
Дақуқий ва унинг кароматларининг қиссаси баёнида.....	298
Мусо алайҳиссалом Ҳаққа яқин ва пайгамбар бўлишига қарамай, Хиёр алайҳис саломдан сир талаб қилгани баёнида.....	298
Соҳил томонда Дақуқийнинг еттита шам кўрганининг баёнида.....	301
Дақуқийнинг назарида ўша еттита шамнинг битта шамга айлангани баёнида.....	302
Ўша еттита шамнинг Дақуқий назарида етти киши бўлиб кўрингани баёнида.....	304
Ўшал шамъларнинг яна етти дарахтга айлангани баёнида.....	304
Бу дарахтларнинг халқ кўзидан махфийлиги баёнида.....	306
Дақуқийнинг назарида етти дарахтнинг битта дарахтга айлангани баёнида.....	307
Ўша етти дарахтнинг етти одамга айланганининг баёни.....	309
Ўша жамоатга имомлик қилиш учун Дақуқийнинг олдинга ўтганининг баёни.....	315
Ғафлат, ғам, дангасалик ва қоронғуликнинг барчаси ерга ва пастликка оид бўлган бадандан эканлиги баёнида.....	317
Беқайд бўлган мутлақ наснинг қиёсга ташбиҳ этилиши.....	319
Вақилнинг ишқ туфайли девоналарча Бухорога қайтиши баёнида.....	325
Ошиқи содиқнинг Бухоро томон юз тутганининг баёни.....	327
Меҳмонларни ўлдирувчи масжид ҳамда ўшал ошиқнинг ҳижояти.....	329
Меҳмон ўлдирувчи масжид меҳмони ҳақидаги қиссанинг давоми.....	330
Сулаймон алайҳис саломнинг зулм кўрган папшани унинг рақиби билан бирга девонга чақирришга буюргани баёнида.....	334
Беҳуш ошиқни хушига келтириш учун маъшукнинг меҳрибонлик кўрсатгани баёнида.....	337
Ошиқ ўз хушига келгани ва сано ҳамда шукрга оғиз очгани баёнида.....	340
<i>Баҳодуддинов Л.</i> Буюк бобокалоним меросини ўрганиш йўлида.....	342

این نسخه، به دستور محمد رحیم خان فیروز خان خوارزم در آن زمان، به دست حبیب الله بن ملا عبدالسلام خانقاهی به خط زیبا کتابت شده است.

شیخ آدینه محمد خوارزمی که خود یکی از شیفتگان و مبلغین و شارحین مثنوی شریف بوده است، قبل از آن که به شرح و تفسیر این اثر بپردازد، مقدمه‌ای نیز بر آن نوشته و در آن مقدمه به علل تألیف و شیوه‌ی نگارش خود اشاره کرده است. چنانکه از این مقدمه و از مرور خود اثر بر می‌آید، شارح تنها قسمت‌ها و نکات مشکل مثنوی را انتخاب کرده و مورد شرح و تفسیر قرار داده است.

امید است، این کتاب که برای نخستین بار به دست چاپ سپرده می‌شود و تنها نسخه‌ی دست‌نویس آن موجود است، هدیه‌ی خوبی برای مولوی پژوهان و مثنوی‌خوان‌ها آن هم در سال ۲۰۰۷ م که هشتادمین سال تولد آن شخصیت جهانی است، باشد. در پایان لازم می‌دانم در وهله‌ی نخست از آقای دکتر محمود حسنی، مدیر گنجینه‌ی نسخ خطی مؤسسه‌ی خاورشناسی وابسته به فرهنگستان علوم جمهوری ازبکستان، که با صرف وقت زیاد به ترجمه‌ی این اثر گرانبها کمر همت بسته و نیز از آقای دکتر جعفر محمد خالمؤمن اف که با شوق زاید الوصف نسبت به تنقیح و تصحیح کتاب تلاش نموده و از خانم دل افروز قاره بایوا و آقای حسن ثابت‌جو که در صفحه آرایی و طراحی آن زحمت کشیده‌اند صمیمانه تشکر نمایم.

محمد حسین عابدینی

سرپرست رایزنی فرهنگی سفارت جمهوری اسلامی ایران

ازبکستان - تاشکند

پاییز ۱۳۸۵

## مقدمه

کشور ازبکستان که در قرون گذشته ماوراء النهر اطلاق می‌شد، زادگاه اولین شارح مثنوی معنوی مولانا جلال الدین بلخی رومی بوه است. چنانکه دکتر محمد استعلامی در مقدمه‌ی خود بر مثنوی معنوی اشاره می‌کند، اولین شرح مثنوی با نام «جواهر الاسرار» از سوی مولانا کمال الدین حسین خوارزمی در اوایل قرن نهم هجری در خوارزم تألیف شده است. از آن به بعد نیز، توجه به مثنوی و تشکیل محافل مثنوی خوانی در این حوزه‌ی بزرگ تصوف و عرفان، همواره در رشد و رونق بوده است.

به دست آمدن شرحی دیگر با نام «مفتاح الاسرار» شیخ آدینه محمد خوارزمی یکی از چهره‌های گمنام در حوزه‌ی عرفان که در قرن دوازدهم هجری در خوارزم به سر برده و آثار گرانمایه‌ای از قبیل «شرح کلمات بعضی اهل سلوک»، «رساله‌ی آدینه ایشان»، «مرآت العابدین»، «توبه‌ التائبین»، «ترجمه‌ی دعای قنوت» به زبان فارسی (سبک ماوراء النهری) از خود باقی گذاشته است؛ حاکی از عشق و علاقه و توجه فوق العاده‌ی مردم این منطقه، به خصوص ملت ازبکستان به این شاهکار ادب فارسی می‌باشد.

تنها نسخه‌ی خطی «مفتاح الاسرار» که شرح عرفانی سه دفتر اول «مثنوی معنوی» مولوی را در بر می‌گیرد و به خط فارسی است، به شماره‌ی ۷۱۴۳ در گنجینه‌ی نسخ خطی مؤسسه‌ی ابوریحان بیرونی فرهنگستان علوم ازبکستان نگهداری می‌شود.

انتشارات بین‌المللی الهدی  
تهران - صندوق پستی ۳۳۶۳-۱۴۱۵۵  
تلفن: ۶۲۰۶۲۶۱ فاکس: ۶۲۰۶۲۴۰



## «مفتاح الاسرار»

شرح سه دفتر مثنوی معنوی مولانا جلال‌الدین بلخی

تألیف شیخ آدینه محمد خوارزمی

ناشر: رایزنی فرهنگی سفارت جمهوری اسلامی ایران در تاشکند

مترجم: محمود حسنی

تصحیح و تنقیح: جعفر محمد خالمؤمن اف

طراح: حسن ثابت‌جو

جروفچین: دل‌افروز قاره‌بایوا

نوبت چاپ: اول

تعداد: ۱۰۰۰ نسخه

تاریخ انتشار: پاییز ۱۳۸۵

۱ چاپ: انتشارات «موسیقی»

شابک: ۰ - ۱۸۱ - ۴۳۹ - ۹۶۴